Ушбу нашр Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида бажарилган ва шу институт илмий кенгашининг қарори билан чоп этилди.

© Ибн Арабшоҳ «Ажоиб ал-Мақдур», Қоҳира, 1888.
© «Ижод», ДДК 1992 (арабчадан таржима).

ISBN 5-8244-0896-3 (ч. II)
ISBN 5-8244-0874-2

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИБН АРАБШОХ

# АЖОИБ АЛ-МАҚДУР ФИ ТАРИХИ ТАЙМУР

## (ТЕМУР ТАРИХИДА ТАҚДИР АЖОЙИБОТЛАРИ)

ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 1992

www.ziyouz.com kutubxonasi

ББК 63.3(2У)
Т 39

Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов тайёрлаган.

Тақризчилар: Н. Иброҳимов, филология фанлари доктори, профессор, А. Ҳасанов, тарих фанлари номзоди, доцент.

Масъул муҳаррир — А. Уринбоев, тарих фанлари доктори

Муҳаррир: Мансур Тенглашев, филология фанлари номзоди.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Матбуот Давлат қўмитаси қошидаги «Ижод» давлат кичик корхонасининг молиявий иштироки ва буюртмаси асосида чоп этилди. Шартнома баҳосида харид қилинган қоғозга босилди. Китобнинг нархи ҳам шу асосда белгиланди.

Т 39 Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўз бошини У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Уринбоев. Қ. 2.— Т. Меҳнат, 1992.— 192 б.

Чудеса судьбы истории Тимура.

ББК 63.3(2У)

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Темур вафотидан кейин воқеъ бўлган ҳодисалар ва ишлар, зоҳир бўлган сурур ва ёмонликлар баёни

Оллоҳдоднинг Саодат деб аталадиган бир содиқ дўсти бўлиб, у Андижон (шаҳри)нинг ноиби эди. Саодат таниқли, машҳур кишилардан бўлиб, Бош Ҳумра (қалъаси)ни тиклашга таважжуҳ қилган амирлардан бири эди. У Оллоҳдодга чопар юбориб, фасод моддасининг (бу дунёдан) кўтарилганлиги, Темур ерлари тобеъларини ташлаб, ўз гуноҳлари билан дарак-моликга[1095] (дўзахга) томон юзланганини хабарини етказди. Чопар ушбу хушхабар билан мазкур йил рамазон ойининг ўн тўртинчисида (16 март, 1405) Ашпарага етиб келиб, Оллоҳдоддан ғам-ғуссасини енгиллатиб, унинг қайғу аламини кетказди. Чопар унга гўё янгитдан ҳаёт бахш этгандек, чўлу биёбонда устига таом ва сув ортилган туясини йўқотгандан кейин қайтариб келтиргандек бўлди.

Оллоҳдод, унинг ишлари ва бундан кейин умрининг охиригача у билан юз берган можаролар ҳикояси кейинроқ келади.

## Бахт кулиб боқиб, Темурдан кейин тахтга эгалик қилган (киши)нинг баёни

Темур вафот этиб, тангри оламдан унинг ғамини йўқ қилганда, у билан аскарлари ичида яқинлари ва болаларидан Амираншоҳ ўғли, Темурнинг набираси Халил Султон ва ҳамширасининг ўғли Султон Ҳусайндан — қайсики, у Темур Шомга кирганда (Миср) султони томонига қочиб ўтган эди — ўзга ҳеч ким йўқ эди. Улар бу масалани (унинг вафотини) сир сақлашни, фуқародан ҳеч бир кимса сезмаслигини ирода этдилар. Лекин улар рағбатларига қарамасдан бу ҳабар тарқа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, ҳамма ёққа овоза бўлиб кетди. Натижада, улар изтироб чекиб, ваҳимада қолдилар, у ёқ — бу ёққа югуришиб, саросимага тушдилар. Шунда одамларнинг ҳаммаси бу ишдан воқиф бўлиб, фаҳмладилар ва «зулм қилган қавмнинг орқаси кесилганлигини»[1096] тушундилар. Натижада, аскарлар (ҳам) саросимага тушиб, сесқандилар ва Темур жасадини ортиб, Самарқандга қараб қайтдилар. Халил Султонга бахт кулиб боқиб, борлиқ унга холи бўлгач, у тахтга эгалик қилди. Унинг отаси Амираншоҳ Озарбайжон ва унга қарашли ерларнинг мутаваллийси бўлиб, ўғиллари — Умар ва Абу Бакр у билан бирга эди. Улар билан Мовароуннаҳр ўрталигида тоғу тошлару дарахтзорлардан, юзлаб тўсиқлару минглаб ғовлар мавжуддир. Ушбу Абу Бакр чиғатойликлар ўртасида суворий ботирлардан ва ўткир қилич билан душманнинг бошига зарба туширувчилардан бири эди. Зикр қилишларича, у ҳўкизни тўхтатиб ёки туясини чўктириб, қилич билан икки зарба эмас, бир зарба уриб, (уни) икки ажратиб бўлиб ташларкан.

Амираншоҳни эса Темур (ўлган)дан кейин Қора Юсуф қатл этиб[1097], ундан Озарбайжон ерларини холис ўзиники қилиб олди; унинг ўғли Умарни биродари Абу Бакр ўлдирди. Абу Бакрни эса Кермон ҳокими Идику ўлдирди. Уларнинг жанглари (тарихларда) зикр қилинган бўлиб, ҳикоялари машҳурдир.

Шоҳруҳ Ҳирот ва Хуросон ерларида бўлиб, Пир Умар эса Форс вилоятлари ва ўша мамлакатларда эди. Темур ўзига валиахд қилиб Муҳаммад Султонни тайинлаганди. Гарчи у набираларидан бўлса ҳам, лекин Темурга унинг бахту саодатлиги, ақл-идроклиги ва зийраклиги аён бўлгач, уни ўз ўғилларидан муқаддам қўйган эди. Аммо қазо Темур хоҳишига инодлик билдириб, (аввал) зикр қилинганидек, Муҳаммад Султон Рум мамлакатидаги Оқшаҳарда вафот топди. Муҳаммад Султоннинг Пирмуҳаммад деган биродари бўлиб, минбаъд Темур уни ўзига валиаҳд қилиб тайинлаган эди. Темурга ўлим жарчиси ҳужум қилиб, унинг руҳини ташвишли товуш билан чорлаганда, у ғафлат денгизида ғарқ бўлиб, ўз (ҳаёти) муҳлатининг чўзилишини рижо қиларди. Лекин (ўлим) ўйлаб-нетиб ўтирмай, уни сўйиб ташлади ва аскарини саросимага тушириб, гангитди. Темур шу аҳволда эканида, унинг (барча) авлоди ва набиралари ундан узоқда, қарорлари барқарор, ҳалокатдан амин, вайронгарчиликдан фориғ бўлиб, улар ҳам



www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур каби ғафлатда қолдилар. Пирмуҳаммад (эса) Қандаҳорда бўлиб, у (Қандаҳор) Хуросон ва Ҳинд ҳудудининг ўртасидадир. У билан Мовароуннаҳр ўрталигида (поёнсиз) чўлу биёбонлар мавжуд эди. Темур бунёд этган Дорул мулкга — яъни Самарқандга Амираншоҳ ўғли Халил Султондан бошқа яқинроқ (киши) йўқ эди. Шу билан бирга, қиш пахталари ва унинг савайдиганлари ер фирошига ўз тўшагини ёйган, унинг устида қор момиқларидан олам юзини ва унинг атрофларини қоплайдиган, орқа ва кифтларини ёпадиган миқдорда ташлаган эди. Ушбу авомлар (Темур авлодлари) дан бирортаси ҳам тайёргарлик форишида сафар ҳаракатига керилиб (отланиб), қўлини ҳамлага кўтариш ва оёғини юришга чўзиш у ёқда турсин, тўшакдан бошини чиқариш ёки тишини кўрсатиб кулиб, енг ичидаги бармоқлари учини зоҳир қилишга ҳам қодир бўлмади. Чунки жинояткор насим дарҳол уни ўраб, қамраб олишидан қўрқарди. Натижада, ҳеч бир низосиз ва тортишувчисиз Халил Султон мана шу осон ўлжага эгалик қилди ва мулкни, балки (бутун) оламни жаҳаннамдан Кавсари Салсабийга[1098] бадал қилди. Салтанат тили ўз ерлари устига: «Қандай яхши бадал келди» — деб нидо қилди. Манфур (киши) маҳбуб, душман (киши) дўст[1099] билан алмашинди; Халил Султон аскарлар ва амирлар, қўшин саралари ва заимлар устунлар устидан ҳокимиятга эга бўлиб, ўша миллатларни, араб ва ажамдан бўлган бошлиқлар тоифаларини ўзига оғдириб, барчанинг бўйнини тобеълик ҳалқасига киргизди ва улар учун садоқат бозорларида оқ фотиҳа бериш дўконларини очди. Натижада, улар унинг билан дўстона равишда олди-сотди шартларини туздилар. Уларнинг бирортасига ҳам итоатга киришдан чиқиш ва ўша куниёқ бир муддат ҳам у билан савдо-сотиқ қилишга шошилишдан кеч қолиш мумкин бўлмади. (Кейин) Халил Султон уларга хурсандчилик (жилови)ни бўшатиб, улар суҳбатини хуш билди.

Халил Султон Юсуфдек чиройли, Муҳаммаддек хушхулқли, Халилдек мулойим, Исмоилдек садоқатли бўлиб, малоҳат белгиларини ўзига жам қилган, турли-туман латофатларга эга киши эди. Унинг фазилатларини (барча) инъомлар котиби (худо) «коф» ва «нун» «бўл» китобаси билан ёзиб, бағоят гўзал «ҳаракат» ва «сукун» билан нақшлаган эди. Унинг жамол лавҳасида дастлаб туширган нарсани Халил Султоннинг қалиф-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дек»[1100] тик қомати эди. Унинг узори «ломи»дан қайтган ҳар бир киши «долу» «жим» каби эгилиб, унинг хизматида ёйдек букилиб турди. Ҳар бир кўрувчига ундаги зийнатлар чиройли кўринди. Унинг тишининг «син» симон терилиб туриши, оғзининг «мим» (ҳарфи) каби чиройлилиги сўз айтгандан бери бирон ёлғон ва ваъдага хилоф қилиш билан айбланган эмас. Унга эришувчи (коф) ҳар бир киши унинг неъматига муяссар бўлди. Ҳар бир кифояланувчи (коф) киши унинг эҳсону атоси билан кифояланиб, унинг «айн» симон каффидан олтин ёғилиб турди. Натижада, аскар ичидан у ҳар бир «ақл» эгасини ов қилди. Бу билан унга ваъда қилиб, ўз ваъдасидан қайтган ва аҳдини бузган ҳар бир киши устидан ғалаба қилди. Қўриқловчилар унинг руҳига фидо қилиб, хуснини турли ҳодисалар суқидан «худо сақласин» деб дуо қилдилар. «Тур» ва «Аҳқоф»[1101] (суралари) ни ўқиб, барча ундан паноҳ истади. Унинг «нун» симон қоши, оғзи, кўзи ва гажагини х, м, а, с, қ.[1102] билан асради. Подшоҳлар уни мақтаб, оғиз очдилар ва унинг кўтарилиши учун қуйи эгиб, худодан унга паноҳ тилаб, «Йосин Тоҳо»[1103] дедилар.

### Аскарларнинг банддан халос бўлиши ва Темур жасадини олиб Самарқандга қайтиши баёни

Қачонки фано қассоби Темурни сўйиб, уни моллар танасини бўлаклагандек бўлаклаганда, у ҳўкиз ва сигирга ўхшаб бўкира бошлади. Кейин у (фано қассоби) уни ўзи қазиган жаҳаннам таннурига солиб куйдиришни ирода этди. Шунда у (Темур) ўз севимлисини[1104] ёрдамга чақирди. Халил уни ҳимоясига олиб фано қассобига: «Унга бунчалик шошилмагин» деди ва жасадни суръат билан тахтиравонга солиб, мўмиёлади ва Самарқандга олиб қайтди[1105]. (Шу пайтда) Хўжанд дарёси (музи) эриган, қиш талабгори ўз қасдини олиб бўлиб, қалби совиган ва ҳарорат ўрнашган эди. Мен дедим:

Насим (шамоли)нинг қалби оламга майин боқди,
Замон табассумли юз билан оламга нигоҳ ташлади.

Кейин музаффар баҳор лашкари ҳужум қилдики, ундан совуқ қўшини мағлубиятга учраб, енгилган ҳолда орқасини ўгириб қочди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Темур вазирлари[1106] сир тутган ва улардан ҳар бирининг дилига туйган (яширин) ўйлари баёни

Бу аскарлар афлокида юлдуз сайёралари бўлиб, улар билан Темур осмони чарақлар, улар фикрини иқтидо тутар, руиятидан унинг кўнгли равшан бўлар эди. Мен дедим:

Ишга сайланган ҳар бир кишидан сайланувчи бор,
(У) шундайки, раъйи қуёш, журъатда шер кабидир.

Бўлиб ўтган ишлар уларни кўп нарсаларга ўргатиб, Темур балолари уларни (бир қадар) пишиқ қилиб қўйган эди. Улар ёрдамида Темур ёпиқ (қўрғон)ларни фатҳ қилиб, (улар) зарбалари билан тор жойларни кенгайтирди; улар ҳамлалари билан ҳар бир қайсарнинг шиддатидан қутулиб улар азми билан ҳар бир истаган муродига эришди; улар қатъияти билан ҳар қандай матлаблар хазиналари висолига етди. Агар Темур тўлин ой бўлса, улар унинг ёруғлик гардиши, агар у уста бўлса, улар унинг асбоби, у жон (руҳ), булар сезгилар, улар аъзою бадан, у эса бош эди.

Қачонки улар сайрлари «қуёши ботиб»[1107] «юлдузлар сайёралари сочилгач»[1108] ва улар Зуҳали[1109] кўчиб кетиб, орзулари ноумид бўлгач — мен дедим:

Олам чошгоҳ нурини кеча зулматига айлантирди,
Миррихни Муштарийга[1110] алмаштирди,—

деб улардан ҳар бири ўз фикри чақмоғини ушбу воқеага қаратиб, бу иш ва унинг оқибати ҳақида ўзича тадбир кўрди ва Халил Султонни кичик ҳисоблаб, унинг устига ҳар томондан низо мавжи келишини ва мулк атиргулининг кудурат келтирувчидан соф бўлмай, унга ғуборсиз соф ҳаво бўлмаслигини, сира бўлмаганда Халил Султоннинг хешу акобирларининг элчиси унга: «Катта бўл! Улғай!» деб айтишини билди.

Натижада, улардан ҳар бири ҳар қандай шиддатга қарши ўз жидду жаҳдини, ҳар бир эҳтиёжга яраша ўз ҳозирлигини, ҳар бир ноҳакликка қарши ўз ҳимоясини, ҳар бир бузуқликка қарши ўз чорасини, ҳар бир бахтсизликка қарши ўз либосини, ҳар бир ўққа қарши қалқон, ҳар бир фалокатга қарши аслаҳа, ҳар бир мусибатга қарши йўл, ҳар бир балога қарши хитоб, ҳар



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир хитобга қарши жавоб, ҳар бир урушга қарши найза, ҳар бир амрга (бир) маслаҳат, ҳар бир макр-ҳийлага қарши узр, ҳар бир тангликка йўл-йўриқ, ҳар бир алдовга қарши тадбир, ҳар бир касрга бир илож тайёрлади.

Лекин совуқнинг ўжарлиги ҳар бир қайсар саркашлигини қайтарган, муз парчалари ҳар бир учқур отнинг қанотини қирққан эди. Натижада, улардан ҳар қайсисининг итоат қилишдан ва Халил Султон сўзини тинглаб, буйруғига бўй эгишдан бўлак чоралари йўқ эди. Улар гўё Абдулло ибн Убаййин ибн Салул[1111] Ҳабибга (Муҳаммад пайғамбарга) (қарши) шумлик ўйлагани каби, ўз дилларида Халилга қарши ҳар хил фикрларни ўйлаб, унинг билан (Самарқандга) қайтишда давом эттилар. Улардан бири Бурундуқ[1112] деб аталар эди. У Халил Султонга мухолифат қалъасида мустаҳкамланиб, (юқори) кўтарилишни истаб, унга: «Агар (олий) фикрлар тақозо қилса, мен олдинроқ кетиб сен етиб боргунингча барча ишларни (сенинг учун) тартибга соламан. Мен (сенинг) давлатингнинг жарчиси, салтанатингнинг бошчиси бўламан ва қонун-қоидаларга асос солиб, келиб-кетувчиларга (бу хусусда) башорат бераман. Барча (сенинг) мулоқатингга тайёр бўлиб, кириб боришингга керакли (барча) воситалар муҳайё туради», — деди.

Халил Султон унга изн қилиб, ўзидан олдин юборди. Бурундуқ Сайҳунга етиб келганда, дарё устига кемалардан кўприк тузилиб, ҳар бир пиёда ва отлиқ ундан ўтиши учун (барча) воситалар муҳайё эди. Бурундуқ ўз жамоаси билан дарёдан ўтиб, ўша заҳотиёқ кўприкни бузишни буюрди ва исён эълон қилиб, очиқ-ойдин туғён билан Самарқандга қараб равона бўлди[1113].

Иттифоқан бир назм:

> Унинг юзига (шаҳар) қўрғонлари тишларини қайради.
> (Қўрғонлар) ўзининг поклиги эшигига парда туширди.
> Маноат пешонасига ўз ниқобини тутди.

Кейин Бурундуқ ножўя ҳаракатини тузатмоққа интилиб, ўз мантиқи масаласида ғалат йўлдан юрди. Халил Султон кўприкка етиб келиб, кўприк тугуни тарқаб, низоми бузилганини кўрди. У Бурундуққа ва у қилган бу ишга эътибор қилмай, балки кўприкни қайтадан тузатиб, дарёдан ўтди ҳамда Сайҳун орқасида бўлган ерларга Худойдод деб аталмиш ўша ерларнинг аввалги



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳокимини ҳоким қилиб қўйди. У Халил Султоннинг энг катта ғанимларидан бири, Темур ҳамроҳлари ва тенгдошларидан бўлиб, Султон Ҳусайнга мансуб (киши) эди. Худойдод ўша ерларда бош-кўз мақомида бўлиб, Халил Султонга у билан келишиш, уни ўз ерларида қарор топдириб, у билан дўстона муносабатда бўлишдан бошқа чора йўқ эди. Чунки унинг ишлари ҳали аввалида эди. Халил Султон ўша ерлар ишини Худойдодга ва қалбларни ўз фасодликларига топширди.

## Халил Султоннинг (ўзи) эришган салтанат билан ватанига етиб келиши баёни

Кейин Халил Султон Самарқандга равона бўлди. Уни шаҳар улуғлари қарши олиб, истиқболига шаҳар ноиби ва заимлари чиқдилар. Шаҳарлар ноиблари қора кийимга бурканиб, мотам либосларини кийиб, унинг ҳузурига ташриф буюрди. Ушбу жасадга таъзим (қилиш) учун ҳамда Халил Султоннинг соғ-саломат қайтгани ва подшоҳлик тахтини олгани билан муборакбод этиш учун акобирлар ва улуғлар келдилар. Мен дедим:

Ҳар бир кимсанинг юзи кулиб турган баҳордек бўлди,
Кўзи булут кўзидек йиғлаган тиши табассумдан яркиради.

Улар Халил Султонга қимматбаҳо совғалар ва асил армуғонлар тақдим қила бошладилар. У улардан ҳар бирини ўз ҳурматига яраша қарши олиб, ҳар қайсиси мартабасига лойиқ (жойга) ўтқазар эди. У Бурундуққа: «Зарари йўқ»,— деб дўст ўзининг севимли қарши олгандек, уни қарши олди ва унга[1114] очиқ кўнгиллилик бисотини ҳозирлаб, муғолата масаласини топширди. Қачонки ўз устунлари мустаҳкам собит бўлгач, у Бурундуқни таг-томири билан қўпорди ва ғафлат топиб, уни ўлим шерини оғзига ташладики, шер уни ютиб юборди. Кейин унинг диёрига наҳб этувчи кўппакларни олқишлаб, учқур юлдуз оловларини юборди. Улар унинг диёри терисини парча-парча қилди ва ҳарамларини таҳқирлаб ёшу қарисини изини қуритди.

## Темурнинг кўмилиши ва гўр қаърига ташланиши баёни

Халил Султон даставвал ўз бобосини кўмиш, унинг ишини биратўла тугатиб, лаҳади чуқурига ташлаш билан машғул бўлди. Кейин уни обнусдан[1115] бўлган то-



www.ziyouz.com kutubxonasi

бутга солиб, бошлиқлар бошларида кўтардилар. Унинг жанозаси маросимида подшоҳлару қўшинлар бош яланг, қора кийим кийган ҳолда бордилар, улар билан бирга амирлар ва аъёнлар тоифалари ҳам бор эдилар. Темурни набираси Муҳаммад Султонниинг ёнига, набираси мадрасасига, Руҳобод деб аталадиган жой яқинига қўйдилар. Бу машҳур мавзеъ бўлиб, у (унда) тошлар устидаги хавф-хатарсиз маълум бир сардобда эди. Халил Султон унинг (жасади) устида аза шартларини: хатим Қуръон, рубъа пораларини (30 порани 30 кишига ўқитиш), дуо ўқитиш, садақалар тарқатиш, таомлар ва ширинликлар улашишни бажо келтирди. (Кейин) у қабрни сағана қилиб ишлатиб, (Темур) ишини ниҳоясига етказди. Қабри устига кийимларини ёйиб, деворларига эса қурол-аслаҳа ва анжомларини осди. Буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо тошлар ва олтин билан безатилиб, заркаш берилиб ишланган эди. Улардан энг арзимаганининг қиймати бир иқлим хирожига баробар ва у жавҳарлар уюмидан бир буғдой донаси (миқдорининг) баҳоси тақвимдан[116] ортиқ эди. Унинг қабри шифтлари самосига олтин ва кумуш қандиллар юлдузларини илди.

Унинг тўшаги устига ва атрофларию четларига ҳарир фирошлари ва парча палосларини тўшади. Бу қандиллар жумласидан олтиндан бўлган бир қандил бўлиб, унинг вазни тўрт минг мисқол, Самарқандчасига, бир ратл ва Дамашқчасига, ўн ратл эди.

Кейин Халил Султон унинг қабрига (Қуръон) қорилари ва хизматкорлар қўйиб, мадрасага дарвозабон ва қоравуллар тайинлади ва уларга йиллик, ойлик, кунлик мояналар белгилади.

Шундан бир муддат ўтгач, Темур жасадини пўлатдан ишланган тобутга кўчирди. Бу тобутни ўз санъатида моҳир бўлган шерозлик бир уста ясаган эди. Темур қабри (аввалги) машҳур жойида бўлиб, унга назр-нузурлар келтирилиб, кишилар ўз ҳожатларини тилайдилар, унинг ёнида дуо қилиб, рижо истайдилар. Агар қабр ёнидан подшоҳлар ўтиб қолсалар, таъзим билан бош эгадилар, кўпинча унга ҳурмат ва иззат юзасидан ўз уловларидан тушадилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Замон мўътадиллиги ва Халил Султон хабарлари ҳақида бўлим

«Чиндан ҳам Темурни сайха қамраб олиб, у туробга айлангач»[1117] ҳамда Халил Султон тахтга ўтириб, чўкиб ётган қиш қаддини ростлагач, шоирлар даврни мадҳ этиб, Халил Султонни табриклаб, Темур ҳақига йиғлаб, (ўз) тилларини чўздилар. Шунда қиш (буни) эшитиб, куйлаб овоз чиқариб яйради ва ўз (ўрнидан) туриши билан оламдан кўкрак ва думбаларни кўтарди. Борлиқ баҳор келишидан сурурланди, бахш этган ҳуснли феъллари учун боғлар булутларга ташаккур изҳор этди, тепаликлар устига қип-қизил гуллардан иборат байроқларини кўтарди, санъат чодирчиси дарахтлар гуллари билан зебу зийнат берган ўз чодирларини тикди ва бўстонлар анворлари билан кўз қорачиқлари мунаввар бўлди. Бўстонлар жомеъларидаги[1118] бутоқлар минбарларидаги қушлар нотиқлари яратувчини кўкларга кўтариш билан ҳар бир нотиққа (ўз) тилидаги сўзи билан хитоб қилдики, бу ҳар қандай фасоҳат девонидек ғаройиб ва балоғат сирларини чексиз таажжубга солдарди. Шунда қуллар ашуласига дарахтлар рақсга тушиб, анҳорлар чапак чалдилар, кеча-кундуз мўътадил бўлиб, кулранг ер гул солинган ипакли хилъатга бурканди, шохларнинг пахтадек (оппоқ) қорлардан иборат барча либослари қудрат бўёқлари билан бўялиб, ранг-баранг товланган ва гуллар ипаклари билан тўқилган либосга алмашди.

Бутун ер юзи гуллаб-яшнади ва ҳар бир қушу жўжа учун фароғат ҳосил бўлди. Борлиқ бу жойда Халил Султон пойқадамлари остига атиргулу райҳонлар гиламларини тўшади.

## БУЛИМ

Халил Султон бу (иш)лардан фориғ бўлгач, ўз ерлари ишларини тартибга солиб, йўлларини тозалашга киришди. У, агар инъом-эҳсонли бўлмаса, бир кишининг ҳам ўзига ром бўлмаслигини ва мол-дунё сарф қилмай, (бу йўлда) хотири ором топмаслигини билди. Шу сабабдан қалбини сирли жумбоқлар ва махфий белгиларни ечишга боғлади. Ушбу матлаблар ва хазиналар воситасида тўсиқлару тобеъларга нисбатан тасарруф юритди ва яширин (ашё) ларни фатҳ қилишда ўз қатъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

иятини кучайтирди. Эҳсон донларини ато тўрлари таги-га сочиб, кўнгиллар қушларини овлади. Уларни жамлаш йўлида фуқаролар бирлигини сочиб, бобоси тўплаган (бойлик)ларни (элга) тарқатди. Айблар ва гуноҳлар билан ўзидан бошқалар орқасига Темур ортган оғир-ликлардан елкаларни енгиллатиш билан оғир қилди ва орзу умидлар юкларини оғирлатиб, мол-дунё ҳирси би-лан одамларни қизиқтирди. Саодатли қўлларидан ҳа-дялар ёғдирди. Мисра: «Чап (қўли) томонидан хайр жўш урди», Гапга нўноқ қўшинларга яширин моллар, сан-диқлар ва чўнтаклар ҳосилларини бўшатиши билан одамларнинг «оғизлари», «қулоқлари» ва «кўзларини» (шов-шувга) тўлдирди. Гўё Халил Султон ўз тартибли бармоқларида дирҳам ва динорларни сочаётгани каби баҳор келиши билан азм давҳ дарахти шохлари турли-туман гулларини сочди. Булутлар тўкаётган ўз ёмғир ва (сув) дурлари билан Халил Султоннинг бу олам ва унинг атрофларига тўхтовсиз қуйилаётган эҳсону инъ-омларига ўхшади. Шундай қилиб, Халил Султон одам-ларнинг ҳаммасини шу кишан билан кишанлади. Улар итоат билдириб, унинг холис инъомлари томонига юр-дилар. Амру Зейдга қаралмади.

### Амир ва вазирлардан (Халил Султонга) инод изҳор қилиб, тан олмай, ихтилоф ва исён этагига ёпишганлар баёни

Шунга қарамасдан, у қўмондонлардан баъзилари, вазирлар ва қўшинлар заимлари ўзлари сир сақлаган (нарса)ни ошкора қилиб, исёндан иборат яширин фит-нани зоҳир этдилар. Исён қиличини яланғочлаб, адоват ёйини ўқлаган ва Рудайний[1119] мухолафатига шуруъ қилганларнинг дастлабкиси Сайхун дарёси орқаси ва Туркистон атрофидаги ерлар мутаваллиси Худойдод Ҳусайний эди. Натижада, ўз қўлини итоат бандидан тор-тишга жазм этган ҳар бир шахс хасадлик, хусусан, жа-моатни тарқатишда иқтидо қилинадиган имомни топди. Шу пайтда баҳор заргари ўз ёнаётган чўғлари билан муз ва қор қуймаларини эритиб, ушбу эритмадан чи-қарган нарсаси билан еру кўк қиёфасинию боғу бўстон-лар лавҳасини, чаманзорлар атрофларини безаган эди. Ҳашаротлар ўликлари ҳақиқатан ҳам момақалдироқлар сайҳасини эшитиб: «Бу, (ердан) чиқиш куни»[1120] деди-лар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгра исён ва инодда Худойдодга Шайх Нуриддин эргашди — у Темур ҳузурида муқаддам қўйиладиганлардан, ўз фикри ва мартабасига эга кишилардан эди. Шайх Нуруддин очиқ-ойдин ёлғиз ўзи чиқиб, кечаю-кундуз юриб Худойдодга етиб келди. Худойдоддан (уни) бел ва қўллари кучайиб, ўжарлик ва фасодда унга шерик бўлди.

Сўнгра Шоҳ Малик ўз итоат низомини тарқатиб, мухолифлик йўлига ўтиб, бошдан-оёқ шўнғиб кетди. У бақириб-чақириб Самарқанддан чиқиб, Жайхунни кесиб ўтди ва Шоҳруҳ ҳузурига келди. У (Шох Малик) Шайх Нуруддинга тенгдош бўлиб, метиндек мулоҳазали, қатъий фикрли (киши) эди. Халил Султон (эса) исёнкорларга эътибор қилмай, исён қилмаганларга иззат-икром кўрсатди. Ўз инъоми тожини ҳар бир бошга (барчага) умумий билиб, (уни) хусусий қилмади[112].

### Ашпара соҳиби Оллоҳдод хабарлари баёни: унинг Ашпарани қолдириб, ўз диёрига отланиши; мулк тадбирида сўзу амалда нималар қилиб, нимани афзал кўргани. Булар жараёнида унинг ўз ҳалокатию вайронига етишига ишора

Сўнгра Оллоҳдод (Темур ўлими) хабари ўзига (етиб) келган кечаси хос кишиларини йиғиб, бундан кейин нима қилиши ва нимага биноан иш тутиши хусусида улар билан мушовара қилди. Шунда уларнинг сўзларию маслаҳатлари Оллоҳдоднинг Ашпарани қолдириб, ўз диёрига қараб жўнашига бир овоздан иттифоқ топди. Чунки улар бу жойда (Ашпарада) гўё рамазон ойида ҳаддидан ошган фосиқ ёки қуръон қорилари ўртасидаги динсиз (кишилар) мисоли эдилар. Қачонки борлиқ мушксимон рўйпўшини тўшаб, ушбу макон устига кофурсимон (оқ) яктагини ёйгач ҳамда фажр илони бу кўтарилган том устига нурли мунчоғини оғзидан ташлагач, турк ва хуросонликлар, ҳинд ва ироқликлардан қўшинлар амирлари ва лашкарлар ўз одатларига кўра Оллоҳдод хизматига ҳозир бўлдилар. Шунда сўзлари мадор бўладиган фазилатликлари билан Оллоҳдод хилватда бўлиб, уларга бу масала сирини ошкора қилади ҳамда бу ҳақда улар фикрлари (ичн)дан тўғри ва ғалатини излади. Бу хабар тарқалиб, мўғуллар сезиб қолмасликлари учун уни сир тутишларини сўради. Аммо, қандай қилиб соф ҳавода қуёш кўзини яшириш мум-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кин? Қандай қилиб кўзи бор кишидан кундузни бекитиш мумкин? Улардан ҳар бири (бу масалада) ишни ўз амрига топшириб, ушбу масала қиссасини яширин чўнтагига ташлади. Сўнгра Оллоҳдод ўша рафиқларини ўзининг (келажакда) кўрадиган ишларида у билан бирга иноқлик измида бўлишга даъват этди. Шунда улар Оллоҳдоднинг айтганига рози бўлишиб, ўз ҳаракатларини унинг сўзларига боғладилар. У бу масалада уларнинг (тутган) сирлари гўё эълонлари кабидур, деб қасам ичириб, (ушбуни) таъкидлади. Натижада, улардан ҳар бири ўз мувофиқлигига мухолиф бўлмаслигига қасамёд қилиб, Оллоҳдод нимаики кўрсатса, ўшанга амал қилиш, нимаики амр қилса, ўшани қилишга онт ичди.

Қачонки Оллоҳдод уларнинг мухолифат ва исёни кулфатларидан амин бўлиб, қасамлари билан улар бўйинларини боғлаб, кўнгил тўқлик ҳосил бўлгач, деди: «Э, хайр жамоаси! Сиз кулфатдан сақланиб офатдан қутилдинглар. Ўйлайманки, бу иш салотида мен сизнинг имонингиз бўлиб, ўз жамоам билан сиздан аввал Самарқандга бориб, (у ерда) сизлар учун ишларни тайёрлаб, (сизларни) бу шаҳрингизга (ўрнингизга) бадалларни юборсам. Худога қасам бўлсинки, менда на қарор, на ором бўлмайди ва мен сизларни чайновчи сақичдек чайнаш учун (ҳеч вақт) душман оғзида қолдирмайман. Агар сиз ишларингизнинг бағоят келишув билан қарор топишини, қалъангиз ва деворларингиз атиргули сарасини ғанимлар мўйлови қаҳридан ҳимояда бўлишини истасангиз, Хўжанд дарёсини кечиб ўтиб, Самарқандга етиб боргунимча менга муҳлат беринг. Шу сабабли мен (у ерга) етиб бориб, Халил Султон билан боғлангунимча менга вақт даркор».

Натижада, улар Оллоҳдод муродига эргашиб, у ирода этганга амал қилдилар ва ундан сўнгра ҳам бунга хилоф қилмасликка ва у жўнаб кетгандан кейин ҳам ўз бўйинларидан аҳду паймон чилвирини ечмасликка ваъда бердилар. Кейин Оллоҳдод улар устига Ироқ кўшинлари бошлиғини амир қилиб тайинлади. У иттифоқдаги рафиқларининг энг каттаси эди. У шаҳар деворларидаги аскар жамоаларининг ҳар бирига қуролли жангчилардан бир қисм бир қисм ажратиб бериб, гўё пайғамбар ўз умматига (раҳбар) бўлганидек, ўша қуролли кишиларнинг раҳбари бўлиб қолди; шу билан бирга у Маъсум[12] деб аталар эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУЛИМ

Кейин Оллоҳдод (лозим бўлган) ишларни саранжомлашни буюриб, зикр қилинган рамазон ойининг ўн еттинчисида (19 март, 1405) совуқ ва иссиққа парво қилмай (йўлга) чиқди. У Ашпарани ватан тутиб, унда жойлашиб қолган ва хотиню болаларини кўчириб келтирган, (худди) шу тарзда ўз ҳошияси ва қўшинларига ҳам амр қилган эди. Шу сабабли ўзи билан бирга бўлган ҳаммасини — каттаю кичигини олиб, ўзига тегишли ашёлардан на бир пилигу на бирор нарса қолдирди. Улар баъзан ўрмалаб, баъзан судралиб юрдилар. Баъзан эса ерда қор борлиги хусусидан уларга қисман азобуқубат бўлди, «аҳёнан осмон улар устига қовоғини солди»[1122]. Қулончуқ[1123] деб аталадиган жойга улар (сезимли ҳайит»[1124] билан бирга етдилар. Бу (жой шу ўлканинг) энг совуқ жойларидан бўлиб, гўё у Од[1225] шамолининг манбаидир. Мен дедим:

Агар жаҳаннам қаттиқ совуққа муҳтож бўлса,
(Жазирама) пешин вақти нафаслари ундан ўзига олади.

### Оллоҳдодга Халил Султон ва Худойдоддан икки мактуб келиши, бу мактублар маъносининг (бир-бирига) акс ва зидлиги баёни

Шу пайт Оллоҳдодга Халил Султондан бир мактуб келиб, унда бобоси билан замон ҳодисаларидан не ишлар юз бергани, ўзини унинг тахтини эгаллагани, қадру қиймати каттаю кичик бўлган подшоҳларнинг ҳаммаси ўзига итоат билдиргани, худога шукурки, барча ишлари мустаҳкам, мулк қонун-қоидаларининг илгаригидек қоимлиги; у (Оллоҳдод)нинг бирон иш бошламайин ва ўз шаҳри (Ашпара) денгизидан қуруқликка чиқмаслиги, зинҳор ўз жойида қолишлиги, ўз қўшин тоифалари ва ёрдамчилари билан Ашпарада собит ўрнашиб олишлиги, ҳар бир кимсанинг (каттаю кичикнинг) хотирини хушнуд қилишлиги чунки у (Халил Султон) бу мактуб изидан тез орада уларнинг ҳаммасини алмаштиришга етадиган миқдорда бадал юбориши зикр қилинган эди.

(Бундан) Оллоҳдод ҳайратга тушиб, фикрга чўмди ва бу сафаридан фойда ёки зарар қилишини ўзича ҳисоб-китоб қилиб чамалаб, ҳар хил «гумону тахминларни



www.ziyouz.com kutubxonasi

тузди»[1126]. Натижада «қандай гумон қилган бўлса, шу тарзда қатлга етди»[1127].

У шу алфозда бу масала бойсида бош қотириб, мушкул аҳволга тушиб, фикр қилаётган бир пайтда, бирдан Худойдод Хусайнийдан чопар келиб, унинг Ашпарадан чиқиб, тезда (Худойдоднинг) ҳузурига етиб боришга ундади. Шунда у Ашпарадан чиқишига Халил Султон наздида важу корсон топди. У қайтадан ҳаётга келиб (ётиб) ухлади, гўё ўлганидан кейин кўзи юмилган-у, лекин иккала кўзи ҳам очиқ эди. Кейин у ўз тараддуди бисотини ёйди ва чексиз орзу умидлари билан ўз мақсади томон юзланди.

Лекин унинг билан (кўзлаган) муроди ўртасида «харт ул-қатод» ва бир қадар тўсқинликлар бор эдики, уларни Суад[1128] висолига илҳақ бўлган талабгор[1129] зикр қилган; улар устига устак Сайхун дарёсию Худойдод ҳам бор эди.

Оллоҳдод кечаю кундуз (тўхтамасдан) йўл юриб, ниҳоят Худойдодга етиб келди. Худойдод (уни) кўрганидан шодланиб, унинг сиймосидан ўз мақсуди томон яқин келгандек бўлди. Кейин иккалалари Хўжанд дарёсини кечиб ўтиб, Самарқанд атрофларига томон юрдилар ва ҳеч бир кутилмаган ғафлат пайтида Тайзак[1130] деб аталадиган бир жойга етиб келдилар. Улар адоват учун қилич яланғочлаган бўлиб, (одамларни) қириш учун найза ўқталган эдилар. Сўнгра улар Темур чорваларини қуршаб олиб, уларни ғорат қилдилар ва хоҳ пул, хоҳ қўллари етганича зўравонлик қилиб шилиб олдилар. Улар бу ерда кўп ёмонликлару фасод ишлар билан машғул бўлиб, бу борада Самуд ва Од (қавми)нинг «тўққиз кишисига»[1131] ўхшадилар. Мана шу (фасодлик)лар Темур Самарқанд ерларини эгаллагандан кейин «оташкуракдан тушиб»[1132], қўлини фитналар билан чўзган ёмонлик ва бидъат учқунининг дастлабкиси эди. Чунки Темур ҳаёт вақтида Самарқанд аҳли ёмонликлар ва фитналар воқеъ бўлишидан амин эдилар. Қачонки ушбу ғийбатчилар тўсатдан (бостириб) келганда, улар устига ўйламаган томондан азоблар ёғилди. Бу, (807) йилнинг шаввол ойида, (апрель, 1405) яъни мамлакат Темурдан жудо бўлган йили юз берди

Бу улкан кулфатни тузатиш Халил Султонга мумкин бўлмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Оллоҳдод Ашпарада қолдирган тоифалар ва у кетгандан кейин улар ўртасида воқеъ бўлган зиддлик ва ихтилоф баёни

Аммо Оллоҳдод Ашпарада ўзидан кейин қолдирган қўшин тоифалари масаласига келсак, улар ўзларига мўғуллардан ўлим келишидан хавф-хатарда бўлдилар. Натижада, улар гуруҳларга бўлиниб, турли тўдаларга ажралиб кетдилар. «Улар ичидан бир гуруҳ чиқиб»[1133] бири: «Мен ўз аҳдимга қатъий бўлиб, хиёнат ҳам қилмайман, алдамайман ҳам, «иккала қўлим аҳд бандига маҳкам ёпишиб»[1134], қасам ипи билан боғланган. Мен ўнгга чапни алишадиган (беқарор) кишилардан эмасман; энг камида биз Оллоҳдоддан бирор элчи ёки мактуб келгунча сабр қилиб, унда баён қилинган йўл-йўриқни кўрайлик. Шунга мувофиқ ўз назаримиз тақазоси билан савобни хатодан ажратиб оламиз. Агар у (йўл-йўриқ) бизнинг муроду мақсадимизга мувофиқ келса, унда биз у айтган (гап)га амал қилиб, шу мактуб ва элчи келтирган (хабар)га эргашайлик ва ўша заҳотиёқ (аҳли) сунна ва жамоага ўхшаб юрайлик. Ағарки, у ўз сўзида биз билан бемаъни, номарғуб йўл ҳақида гап юритса, у вақтда биз (муътазалийлар каби) ундан четга чиқамиз ва ҳар биримиз киши ўзига манфаат бўладиган (йўл)дан бормоғи лозим, деган гапга амал қилиб, ўз фойдасини кўради»,— деди.

Улардан (яна) бир гуруҳ бу жойни ташлаб, Ашпарадан хуруж қилиб чиқишга шошилди ва бу баҳслашув такроридан муқотилага кўчдилар. Бу низо майдонида хуросонлик бошлиқлардан бирининг боши кесилди. Яна бир тоифани ўз нафаслари уларни (шундай) ҳаракатга туширдики, «улар кечаю кундуз тинмадилар»[1135]. Кейин улар юкларини ортиб, шаҳардан чиқдилар ва уйларни ўзини қурган кишининг ўлими ҳақида хабар берган ҳолда (ҳувиллатиб) ташлаб кетдилар. Қолганлар эса (шаҳардан) чиқиб кетишда уларнинг орқасидан эргашишдан бошқа йўл топмадилар, чунки уларнинг мавқелари авваланоқ қор устида (омонат) турган қасрлар мисоли эди. Натижада, улар жами мол-мулкларини юклаб, соғларию бетобларини ҳам отлантирдилар. Шаҳарни, унда бўлган ғаллалар, ҳосиллар, ноз-неъматлар, бойликлар, мол-дунё, газламалар, кишини ҳайратга соладиган нафис ашёлар билан ташлаб кетдилар. Ушбу маҳбус (мисоли) қавмдан унда (шаҳарда)ги оғирлиги туфайли



www.ziyouz.com kutubxonasi

юклашга ожизлик қилинган оғир юклар ҳамда бир мажнун хотиндан бошқа ҳеч нарса қолмади. Улар Оллоҳдод билан — у Худойдод ҳузурида эди — учрашдилар. Оллоҳдод бу (қилган) ишлари учун улардан биттасини ҳам коймади ва Худойдоднинг унга Самарқандга бориб, уларга бадал тайёрлашни ман этганлигини билдириб, узр сўради. Оллоҳдод уларга тайёр (турган) ҳолда ўзи билан бирга бўлишларини, агар Самарқандга қараб отланиш фурсати келса, тезда ундан фойдаланишларини буюрди.

## Оллоҳдод билан Худойдод ўртасидаги алоқа тамоми ва Оллоҳдод қандай қилиб уни алдаб ўзига мойил этгани, ақлини олиб, жинни қилгани баёни

Кейин Худойдод ушбу фасоднинг воқеъ бўлганини аниқ билиб, Халил Султон билан Оллоҳдод ўртасида адоват борлигига ишонч ҳосил қилди. Натижада, Худойдод унга бир қадар таянгандек бўлиб, ўзининг келажакдаги ишлари хусусида унинг маслаҳатини ола бошлади. Худойдод ҳузурида бир тоифа тутқун аскарлар ўша мамлакатлар аскарларидан қолиб кетган эдилар. У уларга йўлларни тор қилиб қўйган бўлиб, уларни бир эгадан иккинчи эга (жаҳаннам)га ўтказишни хоҳлади. Лекин бу борада Оллоҳдод унга эътироз билдириб:— тадбиркорлар одати одамлар хотирини ўзига жалб қилишдир, хусусан, ишларининг аввалида ва дастлабки кулфатлар воқеъ бўлишида,— деди. Сен халқни ўзингдан қочирма-да, уларга аввал инъом-эҳсон кўрсатиб, мулойимлик билан муомала қил. Ўшаларни қатл қилиб, териларини тилка-пора этишдан нима фойда? Бу фақат (бир-биримизга) садоқатимизни инкор этиб, биз билан улар маҳдумлари ўртасида адоват (борлиги)ни таъкидлашдир. Эҳтимол, улар маҳдумларидан биронтасининг дилида Халил Султонга нисбатан нафрат бўлиб, шу хусусда ўзига таянч сифатида ҳамроҳ ва макон излаб, (ўзига) панохжой ва мадад истар? Натижада, зарурат мадад излаб) уни Туркистон ерларига йўл олишга ундар. Агар сен унинг раияларига азият етказсанг, қандай қилиб унда сенга нисбатан таянч ва ишонч қолади? Ўшалар билан сен қиладиган энг арзимаган иш шуки, э инсон, меҳрибонлик этагини тутиш ёки инъом-эҳсон билан уларни озод этишдир»[136]. (Чунки) уларнинг маҳ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

думлари бизга нисбатан рафиқ. Халил Султонга эса садоқатли кишилардир. Агар сен уларга нисбатан марҳамат уруғини эксанг, унда сен ҳар бир буюк ва нозикка эга бўласан; ўз дўсту ёрларинг ичидан ким сенга душманлик кўрсатган бўлса, улар ўртасига адоват ташлаган бўласан».

Худойдод Оллоҳдоднинг ушбу гапларини эшитгач, бу иш жиловини унинг қўлига тутқазди. Натижада, Оллоҳдод унга ушбу тутқун аскарларга озодлик беришни ва уларга эртаю кеч эҳсон кўрсатишни маслаҳат берди. Шунда у улар фароғатини зиёда этиб, (улар) кесилган қанотларини пат билан безади ва иззат-икром билан уларни ўз ватанлари томон ташрифларини ўзларига берди. Натижада, фалаклари саодатли айланиб, улар ўз мулклари ва маҳдумлари билан жам бўлдилар.

## Халил (Султон)дан келган бир мактуб баёни. Ундаги нозик бир лафзнинг, улкан (бир) ишнинг ечилиши

Кейин (бўлса) Халил Султондан Оллоҳдодга элчи келиб, у (Халил Султон) билан Худойдод ўртасида вокеъ бўлган тарқоқликни бирлаштиришга сайъ қилиб, унинг хотирини ризоликка мойил қилишни ва шу заҳотиёқ дарҳол дўстликни қабул этиб, (олдин) юз берган ишларни афв этишини, нимаики талаби бўлса, ҳаммасига кафиллик беришини, унинг яқинлигини энг афзал яқинлик деб ҳисоблашини, Оллоҳдоднинг улар ўртасида элчи бўлиб, улар (иккаласи кўзи)ни сулҳ билан хушнуд этишини сўради. Шунда Оллоҳдод Худойдод ҳузурига келиб, ушбу рисолани унга етказиб, бу хитобда илтифот ва фасоҳатдан нималар борлигини баён қилди.

Халил Султон ва Худойдод ўртасидаги адоват сабаби зикр қилишларига кўра шундай: Халил Султон илгари шу ерларда[1137] Худойдодга қўшни эди. Бобоси (Темур) уни Худойдод устига нозир қилиб қўйиб, унинг тарбияти[1138] ишларини Худойдодга топширган эди. Худойдод эса совуқ, ғализ, жоҳил ва қўпол одам эди. У Халил Султонга қўполлик билан муомала қилиб, уни дағаллик ва қўрслик билан қарши оларди. Халил Султон (эса) латиф зотли, зариф сифатли бўлиб, ахлоқининг насими Худойдод қўполлигини кўтара олмас, унинг латиф мижозининг либоси ҳошиясининг нозиклиги жиҳатидан шақоват ва низо тортишувига бардош бера олмас



www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Натижада, мана шу қўрсликдан улар иккаласи орасида адоват туғилиб, ўрталарида ғийбатчилар кўпайишиб, ниҳоят Халил Султон унга яширинча заҳар беришгача бориб етди. У уни ичдию, лекин буни сезиб қолиб, ўзини ростлаб (олиб), унинг иложини кўриб, мижозини тузатадиган (нарса) билан шуғулланди. Натижада, тақдир унга бу кулфатдан қутулишни лозим кўриб, у бундан нажот топди[1139]. «Қани энди у (уни) ҳалок қилган бўлсайди!»[1140]. Унинг дилида ана шу адоватдан бир ҳид қолган ва у бу воқеадан оқсоқликни мерос олган эди. Натижада, хусусий адоват умумийга айланиб, бу кирдикор ушбу касал учун тамоман иллат бўлди.

## БЎЛИМ

Кейин Оллоҳдод Худойдодга қалтис ва шиддатли қасамлар қилиб, ўз қасамларини «Қуръон» билан «у (Қуръон) урсин», деб устига қўлини қўйиб, унга ишора билан таъкидлади, талоқ онтларини айтиб, ўз онтини такрорлади; (яна) шунингдек, ўз устига назир-нузур чиқариш, қул озод қилиш ва бошқа лузумотлар олиб, (онтларини) зиёда қилди; ўзини унинг итоатидан қўл тортмаслигини ва унга ҳечвақт хиёнат қилмаслигини, магар у (Оллоҳдод) Самарқандга юз тутса, бузилган ишни тузатишда, отилган (ўқ)ни қайтаришда, икки томон ўртасида йиртилган нарсани тикишда, икки томон дилида пайдо бўлган нафрату адоват ямоғини ямашда ҳамда Темур хотинларидан бири Туманни Худойдодга жўнатиб юборишда жидду жаҳд кўрсатишини таъкидлади. Гапнинг қисқаси, Оллоҳдод ёмонлик моддаларини бартараф қилиб, барча ишларни тузатишга кафил бўлди. Агар у икки ўртадаги кудуратни кўтариб, адоват сатрларини маҳв этишдан ожизлик қилса ҳам очиқ-ойдину яширин ҳолатда Худойдодга содиқ бўлиб қолади, деб у Худойдодга лаганбардорлик қилиб, унга юмшоқ муомала қила бошлади ва ҳар хил безакдор ёлғон-яшиқ гаплар билан унинг фикри оқимларига қараб интилиб, аста-секин юқорига кўтарила бошлади. Ягона тангрининг номи билан қалбларни титратиб пора-пора қиладиган даҳшатли қасамлар ичиб, (иккинчи марта) тўрт хотинининг уч талоқ бўлишини қайтара бошлади. Унинг[1141] (Оллоҳдоднинг) лашкаргоҳи Сайхун соҳилига чўзилган бўлиб, у Шоҳруҳиядан[1142] тахминан икки ба-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рид[1143] (масофа) узоқда эди. Натижада, Оллоҳдод алдовининг ўқи Худойдод қалби қорачиғига ўтиб, макр билан (унинг ичига) кирди ва ўз қасами билан унинг соҳилига эккан зироати (ҳосили)ни ун қилиб майдалаб элаб юбордики, ниҳоят, Худойдод аҳду паймонини таъкидлаганидан кейин Оллоҳдодга тасарруф ато қилди. Кейин Оллоҳдод ўзига мансуб (киши)ларга келиб, ўз ҳошияси ва рафиқларига қўшилди. Улар Шоҳруҳияда бўлиб, Оллоҳдод бу масалани уларга хабар қилди. У бундан олдин ўз ишини муҳайё этган бўлиб, ҳар жиҳатдан аслаҳа ва эҳтиёткорлигини кўрганди. Кейин у этагини шимариб, тун оғуши остида кемаларда Сайхундан ўтди.

## Оллоҳдоднинг Халил Султон билан учрашуви ва ватанида унга иззат-икром келиши баёни

Оллоҳдод (Сайхуннинг) бу қирғоғига ўтиб, нариги қирғоқда унга тегишли на ғойибу на ҳозир қолмагач, шу заҳотнинг ўзидаёқ юкларни боғлашни, қимматбаҳо бойликларни маҳкамлашни, (гўё) наҳбу ғоратдан олдин тайёргарлик кўришни амр қилди. Шунда улар (Оллоҳдод одамлари) устига кўп сонли қуроллар қуюлиб, субҳдан олдин у (Оллоҳдод) жўнаш намози (салот урраҳийл) азонини ўқиди. У ўз аҳлидан заифларини ва қимматбаҳо бойликларни (ҳаммадан) олдинга ўтказиб, бу азон билан иқомат шартларини бузди. Халил Султонга чопар учириб, унга ўзи ва Худойдод ўртасидаги можарони аввал қай тарзда (эди) ва ҳозир қандай бўлганлигини хабар қилди ҳамда аблаҳ Худойдод бу ҳаракат (асл) мақсадини[1144] фаҳмлаб қолиши ва уларни орқаларига қайтаришини эслаб (қолиб), изларидан уларни қайтарадиган (киши)лар жўнатиши эҳтимоли борлиги важидан ундан ўзига томон ёрдам қўлини чўзиб, одамлар ва қурол-яроғлар юборишини сўради. Кейин улар нишонга «тегувчи ўқдек (тез) юриб, учар юлдуздек»[1145] учдилар. Тонг отмасданоқ уларга бахту саодат эзгуликлари намоён бўлди.

Улар ҳар бир тик чуқурлигу саҳроларни қирқиб ўтдилар. Сайрлари дастгоҳларида уловлари топтаган жойларда гуллаган боғлардаги алвонли лола қизғалдоқларни босиб ўтдилар. Улар кечалари ҳам юришда давом қилиб, яна кун бўйи йўл юриб, тағин кечага ўралдилар. Қачонки уларни чарчоқлик қамраб, отлиқларию улов-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лари хоригач ва зулмат анқоси устига ўз қанотини туширгач, қандайдир кенг бир сойга келиб қолдилар. Улар сой ёнида тўхтаб дам олдилар. Оллоҳдод одамларига олов ёқмасликни уйқу таъмига берилмай, ора-сирада мизғиб олишларини, қилични кўз қиридан, кўз қирини қиличдан узмасликларини фармон қилди. Сўнгра улар ҳаётни (ўлимдан) тутиб турадиган миқдорда (андак) таом тановул этиб, салотул хавфни адо этиб, шунчаки тангрига ибодат қилдилар ва уловлари емиш егунча бир муддат тўхтадилар. Сўнгра Оллоҳдод буюргач, улар юкларини ортиб, йўл белига миндилар.

### Худойдод Оллоҳдоднинг ғам-ғуссаю кулфатлар билан ақлини чалғитганини фаҳмлаши баёни

Кейин Худойдод ўз «уйқу»сидан уйғониб, ўз «туни (қоронғилиги)дан» ўзига келди ва Оллоҳдод ўзини кундуз кунида алдаб, сеҳрлаганини тушунди. Унинг ақли куёшини очиб, қасами дасти билан ўйнаб, ўзини ютгаънини англади. Шунда у «золим киши (ҳасратдан) қўлларини тишлаганидек, қўлларини тишлади»[1146] ва дарҳол кўп сонли қўшин тўплаб, унга томон юбордики, улар унинг орқасидан шошилинч равишда юриб, Оллоҳдодни учратиш умидида уни ахтардилар. Лекин ундан на бирон кўзу на бирон из кўрмадилар; унинг ҳақида биронтадан на бир сўзу на бир хабар эшитмадилар. Улар ҳайрон бўлиб айланиб, қидиришда давом этдилар. Лекин у ерларда беҳудага чарчаб, овора бўлганларидан кейин хўрланган ҳолда орқаларига қайтдилар. Оллоҳдод (эса) ўз мақсудига етиб, (шу пайтда) бўш турган вазирлик мансабини танҳо ўзи эгаллади, чунки унинг келишидан (андак вақт) олдин Шайх Нуруддин ва Шоҳ Малик хуруж қилган бўлиб, исённи истаган ҳар бир кимса қимирлашиб, (аста-секин) ҳаракатга тушиб қолган эди.

Натижада, Оллоҳдоднинг келганидан Халил Султон шодланиб, аввалгидек уни бошқа вазирлар ва арконлардан муқаддам қўйди. Оллоҳдод қандай хоҳласа, шундай ўрнашиб олиб, мулк ишларида ўз бадоатли баёни билан тасарруфига мувофиқ иншо ва хабар юритди. У дарҳол (мамлакат) ишларини йўлга қўйиш, қўшинлар жиҳозлаш, чегараларни муҳофаза этиш билан шуғуллана бошлади. Натижада, одамларнинг ишлари ўз ҳолига қайтиб, тартибга тушди; тарқаб кетган ҳокимият



www.ziyouz.com kutubxonasi

маржони яна тизилди, одамлар ҳоллари қарор топиб, қонун-қоидалар ўз асосида ўрин топди. У (Оллоҳдод), Бурундуқ, Арғуншоҳ ва яна бири Качук деб аталарди, мамлакат ишларини бошқариб, ҳар ким билан ўз мақомига биноан муомала қилардилар. Лекин Оллоҳдод бош вазир ва барча ундан маслаҳат сўрайдиган улуғ киши эди. Унинг (вазифаси) доирасига подшоҳликнинг қабзу басти[1147] ҳамда бошқа (масалалар) тугунларини ечишу тугуш (ҳам) кирар эди.

Шайх Нуруддин ва Худойдод эса шаҳарларга ғорат қилиб, зиёну фасодни оширишда давом қилардилар. Улар Туркистон атрофлари ва ўша шаҳарлар ерларига, улардан Сайрам, Тошканд[1148], Андикон, Хўжанд, Шоҳруҳия, Утрор, Сиғноқ ва булардан бошқа ўша тараф ва уфқларда бўлган (жой)ларга эгалик қилдилар. Улар Сайхунни кечиб ўтиб, Мовароуннаҳр ерларигача келиб ғорат қилардилар. Шунда уларга қарши баъзан Халил Султон юзланар, баъзан эса ёрдамчи ва қўшини тоифаларидан юборарди. Ҳар сафар улар (иккаласи) буларга бардош бера олмай қочиб қолардилар. Бунинг зикри қандай бўлган бўлса, шундайлигича кейинроқ келади.

## Темур вафотидан кейин Туронда замон ҳодисаларидан содир бўлган воқеалар баёни

Аммо мўғулларга бу ғариб (Темур)нинг вафоти[1149] хабари етганда — уларга у (Темур) ўз қайди тошларининг ушбу чегараларни бузишга қаратганлиги, ўз қасди ўқларини ўша қоринлар ва томоқларни парча-парча қилишга қўзғагани хабари (аллақачон келиб) етганди. Бу (иш) унинг қайди тўри ва сайди тузоғи эканлигига улар шубҳа қилмадилар. Натижада, уларда ҳеч бир қарор қолмай, бир-бирларига қараб — қоч! қоч! — деб нидо қилдилар ва (турли) томонларга тарқаб кетиб, қалъалар этакларигаю баланд тоғлар чўққиларига ёпишиб олдилар, қўрғон ва қоялардан бошпана изладилар, ғору камарлар қаърида ўзларини ўлганга солиб ётдилар, шунингдек, Дашт ва Шимол (чап томон) аҳлидан ҳар бири ўнг томондаги қумлоқ ва қум тепаликларига тарқаладиларки, Машриқ ва Хитой аҳли то Сийн чегараларигача етиб бордилар. Ўша томонда ўзини ҳур деб сезган ҳар кимса, «агар бирон бошпана, ёки ғор, ёки бош суқадиган бирон жой топсалар, албатта у томонга



www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб бурилиб, шитоб билан унга чопиб борардилар»[1150].
Чиндан ҳам у ўз ҳайбати ва такаббурлигида (шунчалик) юқори мақомга кўтарилдики, ниҳоят у олам шарқу ғарбини ўз олови билан ҳалок этди ва шоир қуйида айтганидек бўлди:

«Қарийб унинг камонлари отувчисиз улар (душманлар)
қалбига жойлашган эди
Қарийб қиличлари ғилофидан чиқарилмасданоқ (душманлар)
гарданига ботган эди.
Қарийб тез учар отлар уни олиб келдиларки, улар тақдиридан
қичқириқ билан фақирона ашула айтарди» [1151]

Қачонки бу хабар қайта-қайта айтилиб, бу шакар қандининг ҳикояти такрорланиб, рукунлари шуҳрат топиб, ҳатто танҳо (киши)лардан то жамоаларгача етиб, бу ҳақиқат ҳар бир кимсада қарор топгач ҳамда бу ишни инкор этиб, тан олмасликнинг иложи бўлмай қолгач, ҳар кимнинг юраги ўз қорнига (ичига) қайтиб, хавф-хатарда бўлгандан кейин хотиржамлик билан алмашди. Улар (мўғуллар) бир-бирларига «Қўзғолон!» деб нидо қилдилар ва наҳбу ғоратга кетдилар. Ҳар бир хизмати сингган (киши) ўзи сазовар ҳақини қайтаришга қасд қилиб, ҳар бир тутқун ўз эгасидан (тутқунликдан) озод қилишни талаб қилди. Натижада, шарқдан бош кўтарганларнинг аввалгиси мўғуллар бўлдилар. Улар Ашпара ва Иссиққўл томонига кўз тутиб юриб, ўша (атрофдаги) ерларда ёйилиб кетиб, ҳатто Худойдодгача етиб келдилар. Шунда Худойдод мўғуллар билан сулҳ тузиб, апоқ-чапоқ бўлди ва Темур улардан (босиб) олган ерларини (ўзларига) қайтаришни ва ўзларига адоват билдирган ҳар кимсага қарши бир жону бир тан бўлишларини (орага қўйиб) аҳдлашди. Иккала томон бир-бирига қўшничилик қилишни фойдали билди. Натижада, бу сулҳ воситасида ўша диёрлар осойишта бўлди.

## Идикунинг тоторлар билан қўзғолиб Мовароуннаҳр ва ўша диёрларга томон юзланиши баёни

Кейин шимол томондан қумдек (беҳисоб) қўшин билан Идику бош кўтариб, қатъий азму қарор билан Хоразм ерларига қараб юзланди. Хоразм ноиби Мусико деб аталарди. Қачонки у тоторлар (келиши)ни сезгач, ўз ҳалокатидан қўрқиб, аҳли ва ўзига мансуб (одам)



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини олиб йўлга тушди. Бу (воқеа), Арғуншоҳга бириктирилган Рум тоторлари бош кўтариб (шу пайтда) музлаган Жайхундан ўтгандан ва Арғуншоҳ ўз паноҳгоҳига қайтгандан кейин юз берган эди. Сўнгра Идику Хоразмга етиб келиб, уни эгаллади ва отлиқлари билан Бухорога қараб юришини давом эттириб, унинг атрофидаги жойларни ғорат этгач, Хоразмга қайтди. У чиғатойликлар ўртасида наҳбу ғоратни кучайтириб, уларни босиб-янчган ҳамда Хоразм ва унинг вилоятларига ўзи томонидан Анко деб аталадиган кишини ҳоким қилиб қўйган эди[1152]. Халил Султон ўзига озор етказган ҳар бир кимсани эҳсон билан қарши олиб, ҳар бир дарғазабни мурувватига эриштириб, ўз кароматлари билан ҳар бир йироқдаги (ёт)ни ўзига яқин тута бошлагани сабабли, кейинчалик ўша жойлар ҳам тартибга тушиб, (ҳар бир) кўчманчи ва ўтроқ осойишта бўлганди. У одамлар кўнглини нафис буюмлар билан овлаб, (улар) шерларини эса (беҳисоб) ўлжалар (улашиш) билан тилка-пора қила бошлади. Натижада, унга ғарибу бегоналар (ҳам) муҳаббат қўйиб, ҳар бир келувчию кетувчи унинг қўл остига киришни марғуб билди. Фақатгина Шайх Нуруддин ва Худойдод фасодни давом эттириб, ўжарлик билан иноодлик кўрсатар ва икки тараф ўртасида мавжуд ерларни хароб этардилар.

## Темурнинг набираси ва вориси Пирмуҳаммад баёни; у билан Халили ва валийси ўртасида бўлиб ўтган можаро

Кейин Халил Султон амакиси (Жаҳонгир)нинг ўғли Пирмуҳаммад — Темур уни биродари Муҳаммад Султон вафотидан кейин ўзига валиаҳд қилиб тайинлаган эди — беҳисоб аскар билан Қандаҳордан чиқиб, Самарқандга қараб жўнади. У Халил Султонга ва вазиру аъёнлардан иборат бошқа акобирларга элчи юбориб, ўзининг валиаҳд ва бобоси Темурдан кейин халифа эканлигини хабар қилди. Тахт унинг ҳақи-ку, қандай қилиб уни зўрлик билан олишади? Подшоҳлик унинг мулки-ку, қандай қилиб уни юлиб олишади?[1153].

Улардан (акобирлардан) ҳар бири унга лойиқ жавоб бериб, мухотоба қилишди. Аммо Халил Султон тескари бўлиб олиб, унинг хитобидаги ҳар бир масалани аксинча ва хилофлик билан қарши олди ва «бу замонда, э фалон! Мулк (иши) икки нарсадан биридан холи бўл-



www.ziyouz.com kutubxonasi

майди. У ё насаб йўли билан, ёинки унинг учун курашиб, касб этиш (йўли) билан бўлади. Агар (бунинг) биринчиси бўлса, бунда биз иккимиздан ким ҳақли-ю, ким авло? У ҳолда мулк менинг отам Амираншоҳ ва амаким Шоҳруҳ, яъни унинг (Амираншоҳнинг) биродариникидир. Шу сабабли мулк улар иккаласи ўртасида тенг иккига бўлинмоғи лозим. Бу иккаласи мавжудлигида сенга сўз йўқ. Мен мулкнинг соҳиби бўлишда энг авло (киши)ман, чунки мен уни ҳамма томондан сақлаб, унинг (тўғри) йўлларидан юраман; ёинки улар иккаласидан ҳар бири мен билан жанжаллашишни тўхтатади ва ўзига тегишлисидан менга матлуб вилоятни қолдиради. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакатида эга бўлган (нарсаси) билан қаноатланиб, ўз тарафини муҳофаза этади; ёинки ўз салтанатида мени халифа қилиб тайинлайдики, мен унинг волийси ва ноиби (сифатида) бўламан. Агар иккинчиси бўлса, у вақтда (сенинг) гапинг тўғри эмас, чунки таъкидлашларича, мулк фарзандсиздир (қисирдир). Мен ва сендан олдин халқ ўртасида айтилган машҳур гапларда айтилганидек:

Отларингизни созлаб, қуролларингизни тозаланг,
Этагингизни шимарингки, бу дунё ким ғолиб келса ўшаники.

Агар бобонгнинг сени валиаҳд қилганини ва ўз васиятида ёлғиз сенга таянганини тасдиқласанг, у вақтда унинг ўзи ғалаба йўли билан (мулкга) эга бўлмай қандай иш тутди? Мулку мамлакат унга зўравонлик билан олиш ва кураш (йўли) билан ҳосил бўлмай қандай (йўл билан) ҳосил бўлди? Башарти, сенинг даъвонгни қабул этиб, унинг васияти ҳақидаги гапни тўғри деб билсак, у (Темур) ҳаёт вақтида ерларини тақсимлаб, улар устига ўз ўғил ва набираларини (тарқатиб) қўйган эди-ку! Натижада, отамни Озарбайжон ерларига ҳоким қилиб, амаким (Шоҳруҳ)ни Хуросон вилоятларида, амакимнинг ўғли Пир Умарни эса Ажам Ироқию ўша диёрларда қарор топтирди. Шу жумладан, сени эса Қандаҳорга ҳоким қилиб буюриб, кўрсатганидек (сени) меросхўр қилди. Кейин у (барча) ноҳақликни орқалаб (бу дунёдан) кўчиб кетди. Аммо бу улашишдан менинг насибам қани? Бундан менинг ҳиссамни кўрсатингларки, мен унга эгалик қилай. Сизлардан ҳар бирингиз ўзи қарор топиб, ўзига топширилган (жой) билан қаноатлансин. Шу билан бирга, агар отам ва амаким сен айтганга амал қилсалар, мен ҳам ўшанга амал қилай, ёки улар



www.ziyouz.com kutubxonasi

иккаласи (Темурнинг) сенга васиятига мувофиқ бўлиб, сен билан байъат қилсалар, мен ҳам сен билан байъат қилай. Агарки, биз бу масалада ҳақиқат йўлидан юрмоқчи бўлсак, у вақтда мулк — бу бир овдир. Кимки агар шу ов пойгасида пешқадамликни эгалласа, ўша унга сазовордир. Дарҳақиқат, тангри мени бу мулкга қарор топдирган вақтда ундаги барча иллатларни кетказиб, мулкни менга пок-покиза ҳолда муяссар кўрди. Кимда-ким покиза (нарса)га қўлини биринчи узатса, у ўша нарсага энг лойиқ кишидир.

Яна гап шуки, мулк фиқҳи (илми) мударрисларининг ҳаммаси менга тобе бўлиб, салтанат тугунларига шериклиги бўлган кишилар рақибликни тарк этиб, менга бўйин эгиб, менинг ҳокимлик маржонларимни фойдали санади Ўша (киши)лар менинг хулқ атворимдан вокиф бўлгач, менга «салом»[1154] ни топшириб қасамёд қилдилар.

Аммо вазирлару аъёнларга келсак, улар Пирмуҳаммадга тингловчининг қулоғига ёқимсизликдан бўлак фойдаси йўқ беҳуда гаплар билан жавоб қилдилар. Лекин Хожа Абдуллаввал — у уламолар бошлиқларининг бошлиғи, саййидлар ва улуғлардан иборат Мовароуннаҳр бошлиқлари устида тасарруф юргизувчи (улуғ амиру заимларга ўз ҳукмлари ўқини тегизувчи (улуғ киши) эди — ўз жавобида яхши гапириб, тўғри ва фойдали сўзлади. У сўзни қисқа ва мухтасар қилди, Пирмуҳаммадни қоралаб, Халил Султонни ғолиб ҳисоблади. У ўз жавоби ва хитоби жараёнида (шундай) деди: «Тўғри, сен Амир[1155] Темурнинг валиаҳди ва минбаъд халифаси эдинг. Лекин сенинг толеинг бахтга тўғри келмади, агар бахтинг кулиб боққанда эди, сен тахтга яқин бўлардинг. Шу туфайли сенинг (ҳозирги) аҳволингда энг авло нарса шуки, ўзингга теккану, ўзинг эгаллаган (нарса) билан қаноатланиб, (мавжуд) от ва одамларингни сақлаб қолиш ва қўлингда бўлган ерларни тутиб туришдир. Агар сен (булардан) юз ўгириб, зиёда мулк талабида бўлсанг ва тангри ўзингга қисмат қилиб, ҳукм этган нарса билан қаноатланмай ўз мамлакатингдан бу бўшлиққа томон чиқсанг, у вақтда сен азоб-уқубатга тушасан ва вилоятинг қўлингдан чиқиб, ўзинг эса «на у ёқлигу на бу ёқлик бўлиб тентираб қоласан»[1156].



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Халил Султоннинг Пирмуҳаммадга қарши Султон Ҳусайнни жўнатиши; унинг Халил Султон измидан чиқиб, Амирларини қабз қилиб, мухолифат билдириши баёни

Кейин Халил Султон бу гапларнинг нозик тафсилотлари билан қаноатланиб қолмасдан, асл мақсадга ўтиб қўя қолди ва сафарбар турган қўшинига Пирмуҳаммад истиқболига отланишни амр қилди. Уларни (ўз) отаси аммасининг ўғли Султон Хусайнга қўшиб, улар устига чиғатой амирларидан керакли бошу кўзни, бир қанча орқа-таянч ва билакларни бириктирди. Шулар (жумласидан Качук, Арғуншоҳ ва Оллоҳдод бор эди). Натижада, улар қурол-яроғлари мукаммал, ададлари бекаму кўст ҳолда йўлга тушдилар. Бу (воқеа) 807-йилнинг зу-л-қаъда ойининг ўртасида (май, 1405) бўлган эди. Улар Жайҳунни кечиб, Балхга томон ўтдилар ва шаҳар этакларига чодирларини ўрнатиб[1157] унинг теварак-атрофларига ёйилиб кетдилар. Улар шу тарзда кайфиятлари рафоҳатда, кўнгиллари фароғатда бўлиб, шод-хуррам эканларида Султон Ҳусайн (ёлғондан) ўзини бетобликка солди. Сўнгра у амирларни чақириб, улар билан ўз муродлари хусусида фикрлашиб, бир қарорга келмоқ истади. У уларга ҳуфёна пистирма ўрнатиб, ўнгу чапга яширин одамлар қўйган эди. Қачонки амирлар у ҳозирлаган жойларга тушиб, унинг домига кирганларида, у улар устига ўз ўлжасига отилган шердек отилиб, улар устларига ўз арслонларини йўллади. Улар гўё ҳалим (таом)га ташланган оч кишилардек уларга ташландилар.

Шунда Султон Ҳусайн ёнида бирга бўлган ҳамроҳларига: «бошларини кесиб, уларни узил-кесил мағлуб этиб, асир тушганларини маҳкам боғланг»[1158],— деб нидо қилди.

Аввал зикр қилинганидек, Султон Ҳусайн енгил табиатли, шижоатли, ҳовлиқма, кам ақлли, савлатли ва жавлонли бўлиб, (қиладиган) иши (ҳаракати) (сўзлайдиган) сўзидан олдин юрарди. Натижада, ўша дамнинг ўзидаёқ ушбу жамоадан биттасини, яъни Хожа Юсуфнинг қони оқизилди[1159]. У Темур ҳаёт вақтида Самарқандда (Темур йўғида) ғойиблик ноиби бўлиб, машҳур амир эди. У дарҳол ўлдирилиб, дор ул-охиратга кўчирилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин Султон Ҳусайн мустақил салтанат даъво қилиб, у ёқ бу ёқдан ҳалойиқни даъват этди. Натижада, ўша бошлар даҳшатга тушиб, устиларига интиқому кулфат келганлигини билдилар.

## Оллоҳдоднинг Султон Ҳусайнга (кўрсатган) фирибн ва макру хийла билан ўлимдан қутулиши баёни

Аммо Оллоҳдод эҳтиёткор юрагини дадил тутиб, ўша ондаёқ йўқолаёзган ақлини йиғиб олди. Натижада, у ҳаммадан аввал Султон Ҳусайн (мадади)га нидо қилиб, уни ўз ишларида ҳақиқий сирдош ҳисоблаб, унга фасаҳатли ибора билан: «Сенга менинг (бир) насиҳатим бор,— деди ва уни хилватга олиб: Бу ҳаракатни мен сендан кутардим ва сен ният қилган ишни изҳор этишингни (орзиқиб) пойлардим. Қайёқдан Халил Султон танҳо ўзи мулкга эгалик қилади? Аксинча, Мавлоно Султонимизнинг ҳайбати кенгроқ ҳамда у (Халил Султон) билан (ўзга) подшоҳлар ўртасида бемалол восита бўлмаган. Агар менда шу хусусда заррача шуур бўлса эди, у вақтда мен бу ишларни ва масалаларни албатта (сенинг) кароматли амрларинг тақозосига мувофиқ тартибга солар эдим. Дарҳақиқат, (Мавлононинг) карим хотирлари бу сўзимнинг сидқидиллигига гувоҳ бўлади; ахир мен азалдан сенинг қулингман. Худойдод асорати исканжасида бўлган ўз қул ва қўшинларингдан сўрагинчи, уларни унинг асирлик тўрларидан ким халос қилган экан? Унинг зарари зиромидан уларни ким қутқарган экан? Улар устида алангаланиб ёниб турган унинг ёмонлик чўғини ким ўчирган экан? Агар мен бўлмаганимда, албатта Худойдод уларни ҳалок этиб, болаларини етим қилар, уларнинг насаб орқали ва ўзлари касб этган мулкларига рушно соларди. Агар сен улардан сўрасанг, улар бу иш ҳақиқатини ҳикоя қилиб, (ўша) вазиятни сенга очиқ-ойдин изҳор этишади. Эҳтимол, улар келган вақтларида бу ҳақда сенга хабар етказишиб, бу билан қалбингни пора-пора қилишгандир».

У ўзининг турли-туман уйдирмалари суви билан Султон Ҳусайннинг ловуллаб ёнаётган такаббурлик олови-ю алангасини ўчиришда давом этар ва унинг калтафаҳмлик димоғларига ўзининг хийла-найранг анбарини мушк ва хушбўй (рийҳа) билан қўшиб тутар ҳамда фирибгарлик ёйидан унинг кам ақлли қалбига макр ўқларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

отардики, улар қазо ва қадар қиличлари каби санчилиб, мақсадга бехато бориб тегарди. Натижада Султон Ҳусайн унинг макри (шароби)дан тўйиб ичиб, измидан юрди; у Оллоҳдодни ўзига орқа (таянч) қилиб, ўз ишларида унинг фикридан учқун олди. Сўнгра уни (ўлдирмай) қолдириб, унга мурувват ато қилгандан кейин ҳамроҳларини ўлдириш хусусида Султон Ҳусайн ундан маслаҳат сўраганда Оллоҳдод: «Шубҳасиз, Халил Султон инъом-эҳсон ёрдамида одамларни қўлга киритди. Гарчи, у шижоатда қўли қисқа, мол-дунёси кам бўлсада, лекин ўзининг чиройли хулқи ва (бор) мол-дунёни (аямай) сарфлаши билан одамлар ботирларини ўзига қул қилиб олди. Лекин мол-дунё фано ва заволга юз тутадиган (нарса)дир. Худога шукурки, сенинг жасоратинг (барчага) машҳур, ботирлар ботирларинга қарши кўрсатган жангу жадал манзилларининг маъмур, тенгдошларинг шохларини синдирган байроқларинг қўчқорлар (жангчилар) пешонасига ёйилган, жанг ҳўкизларинг сузувчиларининг бошлари замон асрлар оша (худо томонидан) абадий мададда». Мен дедим:

Қанча ботирни жангда мажруҳ қилдинг,
Шундан бери орқаларидан бод чиқариб, орқа ўгириб қочади
(Урушда) мен бошу кўз бўлганимдан бери кўраманки,
сенинг бошингда фатҳ, балки кўзингда зафар (мавжуд).

«Билишимча, қўшинларнинг аксарияти сенинг сиймонгдан шодланиб, сенинг ҳаракатинг туфайли хотиржамлик ҳосил бўлгани учун севинчдан улар рақсга тушади. Чунки одамларга уларни бошқарадиган «бош», ҳамиятли зобит (киши) бўлмоғи лозимки, унинг тадбири билан (халқнинг) нафис нарсаларию ўзлари сақланади ва (яна) у чангал солишга тайёр турган шердек, ҳайқирган сел эмас, балки тўлиб тошган денгиздек (киши бўлмоғи) даркор. У чақирганда ҳамма унга ёрдамчи бўлсин, агар у чақирилса, у (ҳам) одамларга мададкор бўлсин. У (киши) шоирнинг ушбу сўзидаги тавсифга эга бўлсин:

Тадбирга шижоат фазилатини қўшган бўлсин,
(Қатъий) фикр фақат тадбирли ботирда бўлади

Ва у яна бир шоирнинг мана бу сўзи билан ҳам тавсифланган бўлсин:

Ҳур (аёл) ўғлидан бошқа ғам-ғуссани оча олмайди,
У ўлим талвасаларини кўриб, кейин ўлимга берилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу замонда ушбу сифатлар билан тавсифланган сендан ўзга бирон кимса борми? Шижоат, карам, эътиборли насаб (булар ҳаммаси) сен қаерга кўчсанг (сен билан) кўчади, сен маскан тутган жойда улар ҳам маскан тутади.

Агар Шоҳ Малик ва Шайх Нуруддиннинг орқасида сендай кучли қўрғон мавжуд бўлса, бу нарсадан мустаҳкам таянч ҳосил бўлишини кўриб, у иккаласи албатта сенга таянади ва улар сенинг олий даргоҳингдан иборат мустаҳкам бир рукндан зинҳор бошпана излайдилар. Гапнинг хулосаси шуки, ҳаммаларининг мавлоси сен бўлиб, улар сенинг қулингдирлар. Башарти, масала шу зайлда экан, сен уларга эгалик қилдинг. Уларни ўз ҳузурингда (тирик) қолдириш ёки ҳалок этиш сен учун баббаравардир. Лекин (тирик) қолдириш авлороқ. (Чунки) қуллар ҳамиша ўз мавлолари марҳаматлариидан умидвордир. Агар саодатли фикрлари ҳаммамизнинг кишанга боғланишимизни, бунга зиёда қаттиқ қасамларга занжирбанд бўлишимизни тақозо қилсалар ҳам (шундай) қилайлик. Чунки (ўзларининг) раъйлари (ҳамма нарсадан) олий, фикрларига эргашиш энг сазовар ва авло (иш)дир»— деди. Натижада, Султон Ҳусайн Оллоҳдод раъйидан юриб, унинг (раъйини) ўз фикр ва ишларида байроқ қилиб олди. Натижада, Султон Ҳусайн ҳеч иккиланмасдан унга эргашиб: «Мен унинг орқасидан бораман»,— деди.

## Султон Ҳусайнниинг амирлардан аҳду паймон олиши ва уларни ўз ҳузурида кишанда тутиб, Халил Султонга қарши юриши баёни

Кейин Султон Ҳусайн амирларни ҳозир қилиб — улар эса унинг қудрати қабзида асир бўлиб, уларга мансуб кишилардан ҳар бири ўз томонига қараб юз қўйган ва (амирлардан) ҳар бирининг уйига хабар берилиб, улар устига йиғловчи хотинлар ва (ўлимга) аза тутувчилар (азага) турган эди — шодлигию ғамгинлигида ўзи билан бирга бўлиб, Халил Султонга қарши бўлишларини таъкидлаб, уларни кишану қасамлар занжирлари билан мустаҳкам боғлади. Шунда улардан ҳар бири кишанга оёғини, қасамга қўлини чўзган ҳолда у ихтиёр қилган (нарса)га аҳд қилиб, унинг учун ўз жонини, аҳлини, мол-дунёсию болаларини фидо қилишга ваъда берди. Қачонки Султон Ҳусайн уларнинг садоқатига таъкид



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳосил қилгач, ишонч билан (энди) амирлардан ёмонлик келишини (ўзидан) кеткизди. У амирларни бандда тутган ҳолда Самарқандни кўзлаб орқасига қайтди ва ўзининг (бу) ҳаракатининг аста-секин эмаклаб, юқорилаб кетганини, энди уни ўзи билан курашишга ҳозирлик кўришини; мана ўзини Жайхунни кечиб (қирғоққа) чиққанини; тоғаси мулкидан у ҳам ўз ҳиссасининг талабгори (эканини) ва тахтдан ўз ўрнини олиш учун у билан рақобатга бел боғлаганини хабар қилиб, Халил Султонга элчи юборди.

## Султон Ҳусайн мулоқоти учун Халил Султоннинг ўз қўшин тоифалари билан Самарқанддан чиқиши ва Султон Ҳусайннинг ўз муродидан ҳеч нарсага эришолмай қуруқ ўзи қайтиши[1161] баёни

Натижада, Халил Султон, Султон Ҳусайнга қарши тайёргарлик кўриб, тез фурсат ичида Самарқанддан унинг истиқболига чиқди. Кейин Султон Ҳусайн Оллоҳ-доднинг ва у билан бирга «занжирларда кишанланган»[1162] шайтонларни ҳузурига келтириб, уларга ўз аҳдларини (қайтадан) такрорлатиб, аҳду паймон қайдларини мустаҳкамлади ва улардан ҳар бирини ўз ўрнига қўйиб, ижозат бериб, ундан ўз бандини ечди. Улардан ҳар бирига хилъат кийгизиб, ҳадя тақдим қилди ва унинг «ҳақиқати» ва «мажози» ҳарамига эҳтиром кўрсатди. Шунингдек, ўз инъомлари билан уларга мансуб (одам)ларга ҳам мурувват армуғон қилди ва улар билан бирга то Кеш шаҳрига етиб келгунча юрди.

Бу (иш)дан бир муддат олдин Оллоҳдод Халил Султонга хат юбориб, ушбу ташвишнинг воқеъ бўлишини, ўзлари устига Султон Ҳусайн ёмонликларидан қандай можаролар бўлиб, нима билан тугаганини хабар қилиб, унга:

Сенинг фолинг саодатли, ишинг мақтовлидир. Идрокли фикринг, ўткир азминг, метиндек юрагинг билан (ўрнингдан) қўзғол, чунки рақибинг (тайёр) ов бўлиб, узоқмас, яқин кунда тангри таоло сени (унинг устидан) зафарга муяссар кўради. «Фирибгарнинг фирибидан»[1163] қўрқма, агар сен (олдин) ёш (бола) бўлсанг, энди йигит бўлиб, одамлар қалбларидаги завқ-шавқлар сенинг муҳаббатинг насимлари билан ёшарди. Энди сен салтанат шайхи бўлиб, барча халқ сенинг муридингдир»— деганди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин Халил Султон (ана) ўша жойга (Кешга) етиб келди. Султон Ҳусайн эса қўшинини сафарбар этиб, ўз калтафаҳмлиги ва енгилтаклигини (яна) намойиш қилиб, Оллоҳдодни ўнг (қанот)га, рафиқларини чап (қанот)га қўйди. Қачонки икки лашкар рўпара бўлиб, қўшинлар бир-бирига яқинлашиб, уларга ҳақиқат ҳақ бўлиб, тор йўллар тўсилгач ва шеру қузғунлар бир-бирига ташлангач, улардан ҳар бири ўз жойидан шошилиб Оллоҳдод ва унинг тенгқурлари Халил Султон аскарлари томон йўл олди[1164]. Шунда Султон Ҳусайн аскарлари саросимага тушиб, унинг иззат либоси шилиб олинди ва ўз гумонларидан (фақат) ноумидлик ва алданиш кийимига ўраниб, яланғоч ҳолда қолди. Кутилмаганда унинг устига (шундай) бир бало келдики, бу унга ўз ўлжасини унуттирди. Натижада, у қуруқ ўзи қайтиб, учраган саҳро тўсиқларидан ўтиб, ниҳоят Ҳирот соҳиби, тоғасининг ўғли Шоҳруҳ ҳузурига келди. Лекин унинг ҳузурида узоқ муддат туриш насиб бўлмади. Ёинки Шоҳруҳ унга заҳар ичириб ўлдирди, ёинки унинг ҳузурида у ўз ажали билан ўлди[1165].

Бу Султон Ҳусайн билан охирги учрашув бўлиб, Халил Султон ўз пойтахтига дили хушнуд ҳолда қайтди.

## Пирмуҳаммад ният қилганидан воқеъ бўлган ғаму шодлик тамоми; қандай қилиб бу (ният) уни заҳмату ғуссага олиб келиб, кейин уни қулатгани

Шунингдек, Пирмуҳаммад ҳам ўз хуружида қайсарлик қилиб, (мулк) талаби бўстони ва чаманзорида мириқиб ўтлашни давом эттирди.

Улар иккովлари (Халил Султон ва Пирмуҳаммад) ўртасида муросила дарслари такрорланиб, гап-сўзлар чўзилгандан кейин, улар масалалари мунозала манзилларига тушиб, муқобала ва муқотала буржларига қўнишларига таҳрир топди.

Пирмуҳаммад девони ишларининг мутаваллийси, мулки ва салтанати қоидаларининг асосчиси Пир Али Тоз деган шахс эди. У подшоҳлик эшиги ҳақиқатининг ҳомийси, мажозининг посбони бўлиб, Пирмуҳаммад мамлакати водийларининг маркази, доираси самосининг қутби, уммати уламоларининг муқтадоси, аскарларининг олдинги ва кейинги (қанот)ларининг қуввати эди. Кейин у Қандаҳор аскарларидан ҳар бир тоғни жўнатдики,



www.ziyouz.com kutubxonasi

агар (улар) азим тоғга ҳамла қилсалар ҳам уни яксон қиларди. У қиличдан ҳам кесгир азм, найзадан ҳам ўткир жазм билан бу ўшқирган уммон, суронли сел ва тўхтовсиз қуяётган булутнинг раҳбари сифатида отланиб, ниҳоят Жайҳунга етиб келдики, (гўё) улардан дарё оқими тўхтаб қолди. Кейин у (Пир Али Тоз) ушбу суронли денгизга, дарё гирдобига шўнғиб, тўлқинлар тўдалари билан беллашишларини амр қилди. Шунда (гўё) тангри «икки денгизни бир-бирига аралаштириб ташлади, биттаси ичиш мумкин бўлган ширин, мазали сувли, иккинчиси (эса) ғоятда аччиқ, шўр сувлидир»[1166]. Кейин улар Бани Исроил (қизил) денгиздан ўтганидек, ўз кемалари билан дарё томоғини кесиб ўтдилар.

Ушбу улкан тоққа ўхшаган аскар (тўдалари) билан у то Нахшаб атрофига лангар ташлагунча юрди.

## Халил Султон аскарларининг Қандаҳор қўшинларини «содиқ ният» билан учратиб, уларни энг даҳшатли балога гирифтор қилиб мағлубиятга учратиши баёни

Халил Султон бундан олдин ўз ишини ҳамишагидай (қилиб) саранжомлаган ва ўзини эзгулик инъом-эҳсон ҳушбўйликларини (эл устига) пуркаган ва тўхтовсиз келадиган тўловлар дарахтлари ва киримлар меваларидан Қандаҳор шайтонларининг мулоқотида ҳозирланишга етадиган миқдорда йиғиб олсин деб, подшоҳларни ўз ҳузурига чақиртириб, қатъиятини оширган эди. Натижада, унинг даъватига хосу авом, қўшинлар девларидан «ҳар бир қурувчи ва ғаввос»[1167] «лаббай» деб жавоб берди. Шунда ёрдамчилар аъёнларидан ҳар бир итоаткору ушбу бўстон инъом-эҳсон мевасини терган ҳар бир инсу жон жам бўлди. Ҳар томондан ушбу денгизга аскар тўдаларининг мавжлари келди. Улар Чиғатой ва Жато бошлари, Туркистон ерларидан ҳар бир кибрли ва мағрур фиръавн сифатлик Форс, Ироқ ва Рустамдор суворийлари, Хуросон, Ҳинд ва тотор Жони қурбонийлари ва ҳар хил ишлар тангликларига қарши Темур тайёрлаб, ундан на сафару, на ҳадарда бир қадам ҳам аримайдиган ҳар қандай хайрли ва ёмон ишга ҳозир турган (киши)лар эдилар. Шеър:

Даҳшатли уруш тегирмони айланиб тургандаги
отлиқларки, улар ўлимдан қўрқмайдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Натижада, уларга фатҳлар кашфлари қайтадан очилиб, унга (Халил Султонга) кулфат келганда ҳар бир дўсту насиҳатгўй «мени танлаб ол», деди.

Халил Султон улар устига ўзининг чексиз совутларини кийгизди ва улар орзулари қоматларига ўз инъоми хилъатларидан икки баробар кўп улашдики, бамисоли ер уларга ўз хазиналарини очиб, (ўз) кон ва маъданларидан зоҳиру яширин бойликларини улар устига тўкди. Натижада, улардан ҳар бир пиёдаю суворий ўша нафисликлардан ўзи хўш кўрган зийнатларга безаниб, жилваланиб, ўз ҳусндор сурати билан пардада турган гўзал келинчакларга илтифотсизлик қиларди. Юрганларида улар нафасларидан ғалаба насими анқиган, зафар жилолари улар байроқлари нурларидан яшнаган (Қуръон) Фотиҳа сураси нажоҳ ва ғалабалар эшикларини юзларига очган бўлиб, шу бош(лиқ) улар билан сайрга давом этиб, Қарши этагига келиб тўхтамагунча юравердн. У (Қарши) зикр қилиб ўтилган шаҳар бўлиб, ушбу тангри ёр бўлган аскарлар (шу жойда) қарор топдилар. Бу (воқеа) 808 йил рамазон ойининг бошида, (20 февраль 1406) якшанба кунида (бўлган) эди. Кейин бу икки денгизнинг ҳар бири тун оғушига кирди. Улардан ҳар қайсиси ўз этагини шимарган, (ўз) селини парчаланиб тарқалишидан тийиб, одамларию отларини ғайрилардан қўриқлаб, бениҳоя синчковлик билан кузатувида бўлиб, тонг отгунча тунни (ухламай) ўтказди. дедим:

Кўкимтир (мағзава) пардасидан сув мавжи кўрингандек,
кеча қоронғилиғида зиё нури кўрингунча улар тонгни оттирди.

Қачонки фажр кумушсимон шамширини яланғочлаб, тилло (ранг) қалқонини кўрсатиб, борлиқ лавҳаси устига кеча қораловчиси ўз нақши тутуни (буғи)дан ёғдирганини суртгач, ўша тоғлардан ҳар бири тўқнашувга тайёрланиб, ушбу қабилалар қалбида ҳамият олови қизишиб, алангалана бошлади. Шунда улардан ҳар қайсиси ўз аскарини ўнгу чапга, орқаю олдинга (тартиблаб) сафга тортди. Сўнгра улар бир-бирларига яқинлашиб, бир-бирларига лақаб қўйдилар, (бир-бирларига) ёрдам бериб, ғамхўрлик қилдилар, бир-бирларига суяндилар, бир-бирларига қўшиқ айтдилар, бир-бирларига рўпара бўлиб, талпиндилар; чангу тўзон зулмати найзалар учларига кўтарилиб, улар пешин намози вақтида тунги юлдузларни кўрдилар. Шу жанг ғубори ичида ҳар



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир сойдан сел булоқлари оқди. Кейин унинг ярмида «Қандаҳор тоғи йиқилди» (деган ибора устидан) ғубор кетди[1168] ва у киборларнинг бахти (орзуси) пучга чиқди, улар устига мағлубият ғубори ёғилиб, енгилиш хабари сайр қилди.

Халил Султоннинг шуҳрати ҳар тарафга тарқалиб, уфқларга унинг ғалабаси (хабари) ёйилди. Пирмуҳаммад эса бошида заволлик денгизи чайқалган, қалбида ҳалокат олови учқун олган ҳолда орқасини ўгириб (шундай) қочдики, гўё унинг қалбида гадо ва ғор (дарахти)нинг чўғи чуқур ўрнашиб, жигарида «марх» ва «ифор»[1169] нинг алангали олови жўш урди.

Пирмуҳаммаднинг одамлари ер тишлаб, ботирлари янчилди, унинг қимматбаҳо бойликлари таланди, ҳол-аҳволи ўзгариб, ҳарамию қуллари асирга олинди; (унинг) мерос олгану ўзи касиб этган мол-дунёлари шилинди. Ўзи эса қочиш этакларига ёпишиб олиб, ўзининг эсон-омон қайтишини ярим ғаним билди, гўё айтилгандек:

> Эсон-омон қайтишнинг ярим ғанимат,[1170]
> (чунки) барча ўлжа соғлом тандадир

Халил Султон (орқага) қайтди,— ундан (бутун) борлиғу макон нурланиб, равшан бўлган, давлатининг донғи кетиб, савлати ҳар томонга тарқалган эди. У (барча) мулклар эгаси тангрига шукрона қилиб, Жигдолик[1171] деб аталадиган бир жойда рамазон рўзасини тамомига етказди.

## Ироқ аскарининг Халил Султонга қарши чиқиши ва хуружда жидду жаҳд кўрсатиб, ўз ватанларига йўл олиши баёни

Кейин шаввол (ойи)нинг бошлари (22 март. 1406) душанба кечаси ироқликлардан бошлиқлару ботирлар ўз хотин-халажлари ва тобелари, болалари ва гуруҳлари билан (Самарқанддан) чиқдилар[1172].

Бошчилари Ҳожи Пошша деб аталадиган киши бўлиб, улар унинг амри остида у қандай хоҳласа, шундай юрардилар. Улар (ироқликлар) савлатли ва жавлон урадиган (одамлар) бўлиб, Султон Аҳмад Бағдодийнинг пушти камаридан бўлган ўғли Султон Алоуддавла уларга ҳамроҳ эди. У Темур асоратига тушган бўлиб[1173], Темур уни ўз офатию қулфати ҳибсига солганди. Сўнгра



www.ziyouz.com kutubxonasi

Халил Султон уни озод этиб, ўз ҳузурида мартабаю маконга эга қилганди. Қачонки одамлар (рамазон) ҳайити ишлари билан машғул бўлиб турганларида ушбу ботирлар (Халил Султонга итоатдан) қўлларини тортдилар: афтидан, улар ораларида олдиндан бу хусусда иттифоқ воқеъ бўлган. Натижада, улар тун қаноти остида чиқиб, Ироқ келинчаклари томон этакларини шимариб, Мовароуннаҳрнинг (пардали) хотинларини талоқ қилдилар ва улардан бутунлай юз ўгирдилар. Чунки улар Ироқ пойтахти ўз асосчисининг (бажони-дил) қабул қилганини ва унинг салтанати анҳорлари сувлари ўз оқими йўлларига (аввалгидек) қайтганини эшитгандилар[1174]. Бирон кимса уларнинг олдини ҳам тўсмади, орқасидан ҳам бормади ҳамда юришдан[1175] уларнинг оёқларию қўлларини боғлашга қудрати ҳам етмади. Улар Жайҳунни кечиб ўтиб, Хуросонга етиб келдилар. Йўл-йўлакай улар товушини эшитган ҳар кимса уларга акс садо берди (қўшилди). Сўнгра эса ўрталарида иттифоқ йўқлигидан уларнинг низомлари тарқалиб, натижада улар Ироқларига етмасданоқ турли томонларга бўлиниб, тўзиб кетдилар[1176]. Эрон қаёқдаю Турон қаёқда? Қани Дажлаю қани Жайҳун? Халил Султон Жигдоликда (рамазон) ҳайитини нишонлаб, ўз Ватани (Самарқанд)га қайтишга ишорат қилди.

## Мағлубиятидан сўнг ўз Қандахорига етгандан кейин Пирмуҳаммад қилган ишлари баёни

Пирмуҳаммад Қандахорга етиб, ўз тахтида қарор топгач, унинг ишлари саронжомланиб, қасрлари атрофида лочинлари учгач, ҳамда аскари сайёраларидан ўз навбати билан тўлин ойлари айлангач, унинг ҳароратли ва жазирама олови алангаланиб, учқунларию чўғлари ҳар тарафга сочилади. Натижада, уйқуси қочиб, ороми бузилди, қалби ғам-ғусса таассуфи билан куйиб-ёниб, пора-пора бўлди, ғазабидан териси йиртилиб, парчаланди.

Пирмуҳаммад ҳамоқатли ва лаёқатсиз (киши) эди. Сўнгра у (ўз) фармонлари қанотларини (ўз) иқлимлари аҳллари томон учирди ва ҳар бир содиқ дўсти ва тўғри суҳбатдошини Халил. (Султон)га қарши қўзғади. Ўзининг қалби жароҳати учун ҳар бир таъна ва зарба (дан) жароҳатлангандан ва ҳар бир қалби яралангану соғломидан (уларни табиб билиб) даво излади. Шунда



www.ziyouz.com kutubxonasi

улар унинг даъватига итоат билан «лаббай» деб, нидосига тинглаш ва бўйсуниш билан жавоб бердилар. Кейин водийлар ва тоғлар отлару одамлар билан оқди. Пирмуҳаммад Халил Султонга элчи билан қуйидаги мазмунда хат юбориб:

— «Бизнинг аввалги тўқнашувимиз беҳосдан бўлиб, у тугаб ўтиб кетди, гўё у бир учқун эдики, ўчириш енгил фаҳмланди-ю, лекин у аланғаланиб (ловуллаб) кетди. Агар мен ўзим юз ўгирган (нарсам)га истиқбол қилсам, ҳақир ҳисобланган нарсамдан ҳазар қилиб, арзимас деб билган (нарсам)ни катта билсам, унда мен албатта ғолиб чиқиб, мағлуб бўлмасдим ва муроду мақсадимга сўзсиз эришиб, қоқилмасдим. Лекин мен азму жазмимни бўшатиб, оқибатда осойишталикдан маҳрум бўлдим; сенинг ишингга бармоқ учида қараб, натижада нодоматдан қўлимни тишладим. Шу билан бирга, қўшининг салобати, белинг ва билагинг қуввати, ёйларинг асиллиги, омадинг келганлиги, ғазабинг ўткирлиги, идроқингнинг найзадеклиги, қиличингнинг тезлиги, тиғингнинг шиддатлилиги (булар ҳаммаси) — қачонки ироқликлар бошларини сен билан бўлиб, ўрталарингда иттифоқ мавжудлигидан эди. Бироқ энди (эса) улардан сенга нифоқ тушди, ноиттифоқчилик ҳосил бўлиб, ўрталарингда йироқлигу тарқоқлик зоҳир бўлди. Шу туфайли сенинг жигаринг пора-пора бўлиб, фикринг ва қўшинингга халаллик етди. Мана (энди) мен бошқача жидду жаҳд, ўткир тиғ ва қилич билан сенинг устингга келдим. Энди мулоқотга тайёрлик кўриб, бу дунёдан кетишингни муқаррар бил! Чунки, уруш, ўзинг билганингдек, бу галма-гал келадиган бир омаддир. Кеча сени биздан ғолиб қилган бўлса, эртага бизни сендан ғолиб қилади», — деб ёзди.

### Пирмуҳаммаднинг Халил Султон билан тўқнашувга иккинчи марта отланиши; (шунда) тўхтовсиз ҳужумдан унга нима бўлгани ва биринчи галдагидек орқасини ўгириб қочиши баёни

Кейин Пирмуҳаммад ўша қўшин ва ёрдамчилар билан йўлга чиқиб, Жайхунни кечиб ўтди ва Ҳисори Шодмон деб аталадиган жойга етиб келди. Шунда Халил Султон унга қарши отландики, у билан пиёда ва суворийлар, аскар чигирткалари, битлари ва қурбақаларидан қондан туфон бўлиб оқадиган (беҳисоб) даражада



www.ziyouz.com kutubxonasi

бор эди. У ана шу (қўшин) тоғлари ва денгизлари билан қўзғалиб, улар ичида гўё бош мисоли бўлиб, тунда ҳам юриб, ниҳоят Қандахор қўшинларига етиб келди. Аввал зикр қилинганидек, Қандахор аскарлари ичакларининг пиликлари Халил олови хавфидан учқун олиб, аланга чиқарган эди. Натижада, улар илон чаққан кишилардек бўлдилар, чунончи илон чаққан киши (ётган) арқондан қўрқади. Шу сабабли карнай чалиниши ва ноғора урилишидан олдин «улар гуруҳларидан тўда-тўда (ажралиб) қочишга бошлади»[1177] ва бир-бирларига: «Қиёмат қойим бўлди, Аллоҳдан бошқа уни даф қилувчи йўқ»[1178]— деб нидо қилдилар.

Пирмуҳаммад (жой бўшатиш хилъатини кийиб, бу билан (ҳам) тоқат қилиб турмади ва суғурилиш қалъасига киришга мойил бўлди. У дарвозаларга посбон қўйиб, деворларни мустаҳкамлади ва Ҳисори Шодмонда ҳисорга тайёрланди. Унинг чор атрофини жароҳатлантирувчи, синдирувчи аскарлар ўраб олди. Унинг атрофида Яфис[1179] болаларидан ҳар бир (қомати) баланди ва ҳимоя қилувчиси[1180] уни доира қилиб айлантириб олди. Улардан ҳар бир таъна ва зарба берувчию ўқ отувчи бу муҳосарада жиддият кўрсатади. Шунда Пирмуҳаммад бу борада ўзи кўзда тутган ва ишонган (умид)идан надомат чекиб, бошда Хожа Абдулаввал айтганини эслади.

Лекин у қазо ва қадарни рўкач қилиб, ўзини маъзур топди. Натижада, қазо уни шундай бир жавоб ўқи билан отиб, унинг ҳақига яхши ва тўғри иш қилиб, деди:

> Фикри ожиз ўз фурсатини йўқотгувчидир,
> Ҳатто уни қўлдан чиқаргач тақдирини қойийди.

Уни бутун фикрию фоли тескари натижа бериб, ҳар бир иши ва ҳолати унга қарши ўзгарди. Ихтиёрида бўлган молу мулк ундан юз ўгириб кетди; ҳар қандай ҳимоячи ва савлатлига қарши жанг учун шиддатли ўт очадиган ҳар бир ҳақиқий шер ундан узоқлашди. Тадбирининг ёмонлигидан ундан ҳар бир яқин кишиси — чунончи, унга ҳар бир сароб ва жилвадор ёлғон ваъдаларни берганлиги сабабли — ундан юз ўгирди. Тадбири дарзлари унинг тафкири дастгоҳига биноан шабнам ва эт парчаси каби тилка-пора бўлиб йиртилиб кетди. Натижада, Пирмуҳаммадга худодан бошқа мадад берувчи бирон кимса қолмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### Пирмуҳаммад ишлатган бир ҳийла баёни: ярамаслиги ва фойдасизлиги сабабли ушбу (ҳийла)нинг унинг ўзига қайтиши

Пирмуҳаммадда (етарли) куч-қувват бўлмагач, у турли-туман бўёқлarga бўялиб, йўл-йўл чизилган тоза (яхши) ошланган терилардан бир қанчасини келтириб, уларни кесдириб, ҳар бир хатарга қарши (кийиладиган) кийим мисоли бичдирди. Уларнинг устига сайқалланган ойналар ва ярқиратиб ишланган баъзи буюмларни ёпиштириб ўрнатди ҳамда кишини чалғитадиган ҳолатга келтириб, михлар билан мустаҳкамлади.• Кейин ўз шаҳри саёқ кишиларидан кўпчилк оломонни ҳозирлатиб, қора халқ ва нодонлар тўдалари ададларини кўпайтирди. Кейин бу ялтироқ буюмлар ва совутларни ҳозир қилиб, ушбу теридан ишланган (нарса)ларни ўша (оломон) бошлари ва орқаларига (афзалларига) тарқатди. Қуёш (чиқиб) кўтарилган дамда улар деворларга кўтарилдилар ва устларига ушбу кенг «совутларни» кийиб, ушбу «шерлар» шаҳар ташқарисига чиқардилар. Агар бирон киши узоқдан қараса, уларни (мард) кишилар деб ҳисоблаб, (шунчаки) байрамда отиладиган ўқ эканликларини билмасди. Мабодо сароб каби товланиб, фазони тўлдириб турган бу чанг ва қуюнни кўрса, ташна киши уни сув деб гумон қиларди[118].

Пирмуҳаммад (бу) шиддату тангликка қарши куч ва қудрат кўрсатмоқчи бўлиб, шу алфозда бир муддат давом этди. Бу ошкора макрга уни ундаган киши Пирмуҳаммад мамлакатининг бош вазири, яъни Пир Али (Тоз) эди. Ваҳоланки, бу ҳийла унга фойда келтирмай, ярамас фикрию хатарли васвасаси унинг ўзига зарар қилди. Унинг сири ошкора бўлиб, ситраси йиртилди. Натижада, у куч-қувватини йўқотиб, мажолсиз, қудратсиз қолди. Ададию аслаҳасини камайтириш билан кўмак берган замон унга ғаму кулфатни зиёда қилди.

### Пирмуҳаммад ўз ноҳақлигини эътироф этиши ва Халил Султондан сулҳ сўраб, у билан муроса қилиши баёни

Кейин Пирмуҳаммад тавба-тазарру бисотини ёйиб, (Халил Султондан) шафоат сўраш воситаларини изладди ва тангри ҳукмидан ўзига раҳм қилувчи (тангри)дан



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлак сақловчи йўқлигини[1182] билди. Тангри ва қариндошликни ўртага қўйиб, Халил Султонга ёлворди ва мен айтган байт маъносини айтди:

Карим киши ато қилади, атоси унга малол келмайди,
Агар замон қанча чўзилса ҳам яхшилик қолаверади,

Натижада, Халил Султон унинг тилагига рози бўлиб, икки тарафдан ҳам аҳду паймон иттифоқи таъкидланди: «улардан бири иккинчисининг ерига кўз тикмайди, агарки тангри-таоло улардан бировининг мартабасини оширса, иккинчиси уни қуйи туширишга ҳаракат қилмайди ва (аксинча), қўлида бор мулкларни унга топшириб, дўстлик ва садоқатда ҳар қачон давом этаверади». Кейин улар бир-бировларига хилоф юрмасликка қасамёд қилиб, бир-бирлари билан мувофиқ бўлишда битим туздилар ва бир-бирлари билан садоқатли бўлиш учун сидқу дилдан аҳдлашиб, бир-бирларига рафиқ бўлишликка келишиб ажралдилар ва (бир-бирларига) мунофиқлик қилмасликка мувофиқ бўлдилар. Улар насаб яқинлиги ва зиммага олганга амал қилиб, қариндошлик ва ҳурматни сақлашга (қатъий) риоя қилдилар. Улардан ҳар қайсиси ўзи билан бирга гуруҳларини олиб, тезда ўз соҳибидан йироқлашди. Бу (воқеа) 809 (1406—1407) йилда (бўлган) эди.

## Пир Али ва Пирмуҳаммад ўртасида воқеъ бўлган мухолифат ва адолатнинг улар иккисидан ҳам ҳаёт либосини ечиб, мухолифларига ором бериши баёни

Пирмуҳаммад ўз Ватанига етиб келиб, раиялари ва хизматкорлари ўртасида қарор топгач, унга қарши Пир Али Тоз хуруж қилиб, мустақил мулк даъво қилиб, ажралиб кетди. Сўнгра у Пирмуҳаммадни тутиб олиб, уни кишанга солди. Кейин уни хўрлаб, ер парчин қилди[1183] ҳамда савлат тўкиб, жавлон уриб, шундай деб хитоб қилди: «(Бу) дунё ишлари беқарор, «қиёмат шартлари»[1184] яқиндир. Бу (дунё) дажжоллар давлати бўлиб, ёки унда алдовчи ва хийлакорлар ғолиб бўлади; (Мана) Темур ўтди, у чўлоқ дажжол эди. Бу замон (эса) кал дажжол замонидир. Бундан кейин ғилай кўз дажжол келади. Агар бирор киши салтанат эшигини тақиллатишдан ҳайиққан бўлса, мен (уни) тақиллатаман».



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бош ва думлардан (катта-кичиклардан) биронтаси ҳам унинг саволига жавоб қилмай, унинг кўзини шодлантириб, қалбига ором берадиган бирон (маъқул) нарса дейишмади. Чунки бу маҳзур савдога қўл уришини унга муҳоб билувчи киши йўқ бўлиб, мулк (эгаллаш) қиморида ушбу манфурга «маниҳ» ва «сафиҳ»[1185] ўқларидан бошқа ҳеч нарса бўлмади. Кейин у Балх ерлари эгаларини тазарру билан қўрқиб-писиб (ўз ёнига) даъват этди. Шунда улардан ҳар қайсиси унга қозиқ тишини илжайтириб кўрсатди ва бу ифлос луқмани ҳар ким ўз томонига қаратиб тортдики, унда на қарору, на сабот қолди. Сўнгра Пир Али Ҳирот соҳиби (Шоҳрух)га қараб қўлини чўзиб, оёғини узатди. Ўз сайд тўрларига тушган заҳотиёқ, Ҳирот соҳиби уни тутиб олиб, унга қасос ҳукмларини жорий қилди. Натижада Қандаҳор ерлари ҳеч бир рақибсиз ва зиёнкорсиз соф унинг ўзиники бўлиб қолди[1186]. Халил Султон ҳам дилозорлигу зарарлардан ором топди.

## Халил Султон ғойиблигида замон ҳодисаларидан воқеъ бўлган ишлар баёни

Шу (1407) йил Рум тоторлари бош кўтариб, азму қарор билан оёқда Хоразм томондан музлаган Жайхунни кечиб ўтдилар ва ўз ерлари томон йўл олдилар. Шунда уларни тўзитиб, қирғин солган кишилар ҳар томондан мутасадди бўлдилар. Натижада, Ироқ аскарлари ўртасида ҳосил бўлган ноиттифоқчилик улар ўртасида ҳам ҳосил бўлди. Шунингдек, Халил Султон ғойиб бўлиб, у бу узоқ сафар билан машғул бўлиб турган вақтида Худойдод ва Шайх Нуруддин фурсатни ғанимат билиб, хотиржамлик билан Самарқандга қараб юзландилар. Улар шаҳарга қасоват кўрсатиб, унинг атрофидаги жойларни ғорат қилдилар. Шаҳар (аҳли) улардан ўзини қўриқлаб, уларга менсимай, киброна қаради. Натижада, улар шаҳар хорижини талагач, орқаларига қайтиб, ўз ерларига қараб бурилиб кетдилар.

## Халил Султоннинг қўшин тўплаб Шайх Нуруддин ва Худойдодга қараб юзланиши баёни

Халил Султон Самарқандга қайтгач, аскар ва қўшин тоифаларига дам берди. Кейин ўз соҳибларини чақириб, (отлари) тизгинини улар икковлари (Шайх Нуруд-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дин ва Худойдод) томон йўналтирди ҳамда ўз ёрдамчи ва талабларини муҳайё этди. У ёниб турган ушбу қабилалар, азамат шерлар, ўйноқлаган отлар билан юрди. Бу таянчли тоғ гоҳ ҳаракат, гоҳ сукунатда давом этиб, ниҳоят Сайхунга етди. Қачонки ушбу тоғ[1187] ва нурлик олов Сайхун дарёсидан ўта бошлаганда бамисоли «тошаётган денгиз»[1188] каби бўлди. Шу орада Халил Султонга Шохруҳия ва Хўжанд бўйсуниб, Тошканд ундан ўзини ҳимоя қилди. У Тошканд ҳисорига отланиб, унинг тошларини вайрон этишга азм этди. Бир муддат уни ҳисор этиб, шаҳарга очлик ва шиддат кийимларини кийгизгач, шаҳар (аҳли) омонлик тилашга илтижо қилиб, изъон жиловини унга тутқазди. Улар сўроғига Халил Султон рози бўлиб, сулҳ билан шаҳар ҳолини тузатди. Кейин эса Шайх Нуруддин ва Худойдодни (ер билан) яксонлаш талабида уларнинг изига тушди.

### Шайх Нуруддин ва Худойдоднинг Халил (Султон)ни куйдириш учун олов ёқиши; тангри таоло у (олов)ни ўчириб, Халилни сақлагани баёни

Худойдод ва Шайх Нуруддин мажол етмайдиган (орзу) умидида тентирашар ва «зора» «кошки эди» маъноларида наҳбу ғорат фурсатларини пойлардилар. Шу пайт Халил Султон улар орқасидан йўлга тушиб, (уларни) учратишни истади. Улар эса кўринадиган ва (гапи) эшитиладиган масофада юриб, унга нисбатан орзу умид ва таъмагирлик жойларида қўнардилар. Халил Султон эса ҳар бир манзилда уларни таъқиб қилиб, улар юрсалар, орқасидан юрар, (қўнсалар) қўнарди. Халил Султон ўз аскарларига таянган ва ўз ғалабаю зафарининг келишига тўла ишониб, гўё кечаларнинг бирида у эҳтиёткорликдан ғафлатда қолди. Халил қўшини ичида уларни фақат иши зимдан кузатиб, жосуслик қилувчи кишиси бўлар эди. Сўнгра гумони уни (Халил Султонни) умидсиз қилиб, хиёнат қилди ва у ўз қўшинидан илгарилаб кетиб, Шаропхона деб аталадиган бир жой ёнида тўхтади. Шунда улар (иккаласи)нинг жосуси Халил Султоннинг бу (қилган) иши ҳақида уларга учиб бориб хабар берди. Натижада, улар (икковлари) сел каби келиб, тун оғушида Халил Султон устига ёпирилдилар. Халил аскарларидан бир жамоа уларга қарши чиқиб[1189] гўёки шу дамда қиёмат қойим



www.ziyouz.com kutubxonasi

(зоҳир) бўлди. Кейин улар Халил Султонни қолдириб, (орқаларига) қайтдилар, унга чап бериб[1190] қочиб, чўлу биёбонда тўзиб кетдиларки, (Халил) Султон бу ҳаро-миларни қаердан ҳам тутсин? Кейин Халил Султон уларни излаш жиловини тортди ва соғ-саломат ўз диёрига равона бўлиб, орқасига қайтди[1191].

## Шайх Нуруддиннинг Худойдоддан ажралиши ва ўша ерларни тақсимлаб олишлари баёни

Худойдод ва Шайх Нуруддин ўртасидаги меҳр-муҳаббат гўё лойдан ясалган кўзадек[1192], улар ўртасидаги садоқат негизи эса вужуди «асоси қоя лабига қурилган бино каби емирилган»[1193] лигидан (ўрталарида) ихтилоф чиқиб, келиша олмадилар. Ҳар бири жудолик дарзини ўзи томон тортиб, улар олди-сотдиларида нифоқ буюмлари чаққон савдо бўлди. (Бу борада) «ким афсунгар эканлигини (улардан) ҳеч бири билмади ва бу, фироқлик деб гумон қилди»[1194]. Натижада, Шайх Нуруддин Сиғноқга томон қайтиб, ўша теварак-атрофларга эгалик қилди.

## Шайх Нуруддиннинг узр сўрашга тутиниши ва Халил Султон ҳузурида юз берган ишлардан ўзини оқлаши баёни

Кейин Шайх Нуруддин Халил Султонга хат-хабар юбориб, ўзи (томони)дан содир бўлган исён учун узр сўради ва у келтирган ёмонликни яхшилик билан қарши олишини, ҳамишагидек унга ўз инъом-эҳсони мурувватларини қайтаришини сўради. Шунда Халил Султон унинг тилагига рози бўлиб, унинг жисми қабоҳатига унутиш этагини ёпди ҳамда бобоси (Темур)нинг хотини Туманни унга юборди.

**Бўлим.** Токи Халил Султон тузоққа тушиб, Самарқанд мулки холис Шоҳруҳники бўлиб қолмагунча Шайх Нуруддин иноқликда давом этиб, тарқоқлик уйини яксонлаб, дўстлик ҳалқасини бўйнига солиб туришда давом этди. Шунда Шоҳ Малик зоҳиран сулҳ, ботинан нифоқни ўйлаган ҳолда Шайх Нуруддинга томон равона бўлди. Икковлари аҳду паймонни маҳкамлаб, ўрталарида иттифоқ воқеъ бўлгач, ҳамда салом-алик қилиниб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

апоқ-чапоқ бўлишгач, отлиқлар бир-бирлари билан кўришиб, улар бир-бирларига завқу шавқларини очиши учун Шоҳ Малик макр билан Шайх Нуруддинни Сиғноқ қалъасидан (пастга) тушишини сўради. Шоҳ Малик жамоаси (ичи)да Арғудоқ деб аталадиган бир киши бор эди. Кейин Шоҳ Малик ўз жамоаси билан (қалъага) яқин келгач, Шайх Нуруддин ундан пастга тушди. Шоҳ Малик ёлғиз ўзи ҳеч бир одамсизу қуролсиз (унга) бориб, ушбу мағрур киши билан қучоқлашиб кўришди ва унинг ғойиблигида ўз бошига қандай шодлигу ғамликлар келганлигини хабар берди. Кейин Шоҳ Малик унга ўз аҳду паймонини (қайтадан) таъкидлади ва ҳар қайсилари бир-бирларига бундан кейин нима қилишини маслаҳат қилди. Кейин Шоҳ Малик у билан хайрлашиб, қайтиб бориб, ўз жамоасига қўшилиб турди. Унинг жамоасидаги ҳар бир киши якка-якка ҳолда Шайх Нуруддин билан кўришиб, унинг қўлини ўпишга шошилди[1195]. Ниҳоят, навбат Арғудоққа келиб, у ўзи ўйлаган фириб ва нифоқ билан (у томонга) юзланди. У шижоатда шердек, қувват ва жуссада филдек эди. У Шайх Нуруддиннинг ёнига келиб, қўлини ўпди, сўнгра уни эгилтириб, бағрига тортди ва маҳкам қучоқлаб олди. Кейин уни эгаридан йиқитиб, (унинг) буржидан юлдузини туширди ҳамда бошини кесиб, бу билан Шайх Нуруддин одамларини қайғуга солди[1196]. Қачонки Шохруҳ бу хабарни эшитгач, зор-зор йиғлади ва додвой солди, Шоҳ Маликни лаънатлаб, уни койиди. Арғудоқни эса урдириб, уни (элга) сазойи қилди.

Лекин бу иккиси (Шоҳ Малик ва Арғудоқ) кесиб ташлаган (нарса)ни «улаш» унга мумкин бўлмай, улар қўпориб ташлаган (кўчат)ни ўрнатишнинг иложи бўлмади, гўё (ушбу) айтилганидек: «Ўлим парчалаб ташлаган нарсани йиғувчи йўқ».

Шоҳруҳ анча муддат улар (иккаласи)га назар солмай юргандан кейин рози бўлди. Худойдод эса кибрлик ва фасод ўртасида шерик бўлиб, инодлик этакларига ёпишишни давом эттирди. Замон уни ҳалок этиб, яксонламагунча, у сулҳга жиловини топширмади. (Тақдир) уни қай тарзда ўлдириб, хайрли иш қилганини кейинроқ зикр қиламиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Чингизхон хароб қилган Термизни тиклаш ҳақида Халил Султоннинг буйруғи ва бу иш учун аскарлар юбориши баёни

Кейин 810 йилнинг сафар (июль-август, 1407) ойида Халил Султон қўшинларидан бир тоифа юбориб, уларни Оллоҳдодга қўшди ва (яна) уларга аскарбошиларидан Илёсхожа, Ибн Қумари Мансур[1197], Таваккул Қарқаро, Давлат Темур ва бошқаларни уларга бириктириб, Термиз (шаҳри)ни тиклашга жўнатди. Улар юра-юра ниҳоят Термизга етиб келдилар ва дарҳол ўз эҳтиёжларига яраша тош, ёғоч ва ғишт жамлашга кириш-дилар. Кейин ўша бошчилар шаҳар баданларини ўзаро тақсим қилиб олиб, (шаҳар) деворлари озлиги сабабли уларни баланд қилиб кўтардилар. Улар ҳеч бир сусткашлик қилмай ишлардилар ва ундаги «ҳар бир тепаликда эрмак учундек белги бино қилардилар»[1198]. Улар кундузи таомни, кечаси уйқуни тарк қилдилар ва шаҳар қурилишини ўн беш кун чамасида тамомладилар. Қачонки улар шаҳар маҳаллаларини белгилаб, ўтиш жойларию йўлларини ажратгач, ҳамда шаҳар масжидлари ва манорлари алам (белги)ларини кўтариб, бозорлари ва уйлари мавзеъиларини аниқ қилгач, шаҳар аҳлидан кўчиб кетганлар авлодларидан қолганларига ва унинг (шаҳарнинг) харобалиги эгри-бугрисидан ободонлиги текислигига (кўчиб) кетганларга шаҳарга қайтишларини ва унда чодирлар тикиб ўтиришларини амр қилдилар. Ўша мискинлар у (кўчиб борган) ерларидан бўстонларни ватан тутиб, уларда бозорлар ва уйлар бунёд қилган ва уларга истиқомат воситалари ва тирикчилик ашъёларини тўплаган бўлиб, шу аҳволда Чингизхон давридан Темур Кўрагон замонигача давом этардилар. Улар ўзларининг бу Ватанларида осойишта бўлиб, тартибсизлик ва безовталикларидан бехавотир эдилар. Қачонки Темур ўлиб, ҳар хил ёмонликлар ва турли ишлар содир бўлгач, Халил Султон уларни ҳимоя қилишни ирода этди ва шу сабабдан улар қўрғонларини мустаҳкам қиладиган (киши)ларни юборди.

Янги (шаҳар) эски (шаҳар)дан бир фарсах чамасида (узоқликда) эди. Натижада, эскиси янгисидан кўра хусниироқ ва мустаҳкамроқ бўлиб қолдики, айниқса бу қурувчилар унинг манорини баланд кўтаргандан кейин. Эски шаҳар янги шаҳардан фарқ қилиб, Жайҳун дарёси унинг деворларини кўтариб турган баланд тоғ этак-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лари билан кўришиб ўтади. Янги шаҳар масканларининг қасрлари эса мустаҳкам бўлмаган ҳолда дарёдан ҳам узоқда эди. Қачонки қурувчилар одамларга: «Ўз қарорингиз уйига кирингизлар» деб нидо қилганларида гўё уларга «ўзингизни ўзингиз ўлдиринглар ёки уйларингиздан чиқинглар»[1199] деб айтилгандек бўлди.

Оллоҳдод уларга ҳеч бир мушкуллик келтирмади ва бу борада у сира ташвишланмай, ортиқча эътибор ҳам қилмади, қайсарлик ҳам кўрсатмади. Аммо у одамларни тўплаб: «Агар шаҳар аҳлидан кимда-ким бу янги иморатлар ва маконлардан қай бирига олдин қўл узатса, ҳеч бир низосиз, тўсқинлигу қаршиликсиз у жой ўша (киши)никидир»,— деб чақиртирди. Кейин у новвойлар, қассоблар, ошпазлар ва ёғфурушларга (эски шаҳарга) кўчиб ўтишларини буюриб, уларга (алоҳида) манзиллару бошпаноҳлар ажратиб берди ва бошқаларга тегмади. Кейин улар (шаҳар аҳли) аскарлар билан олди-сотди алоқаларига киришиб, бундан зарар кўрмасдан фойда қилдилар. Натижада, қолган жамоанинг низоми бузилди, чунки инсон табиатан маданий. Зарурат қолганларни ўз ихтиёрлари билан ўша кўчиб кетганлар кетидан эргаштирди. Шунда Оллоҳдод улардан ҳар бир каттаю кичикнинг аҳволига лойиқ (нарса)ни улашиб, ўз амрлари тақозосига кўра (улар) ишлари қоидаларини қарор топтирди. Кейин у ўз қўшинбошларини тўплаб, Самарқандга қараб қайтди.

## Халил Султон киришган (иш)га муқобала тарзда Хуросон томондан Шохруҳ қилган ҳаракат баёни

Халил Султон бошлаган бу иш хабари Шохруҳга етгач, у ҳам Хуросон аскарларидан бир тоифани отлантириб, ушбу ёйилган булут (мисоли қўшин)га Мизроб[1200] номли амир амри денгизи орқали мадад бера бошлади. У (Мизроб) Темур Дамашқ қалъаси муҳосарасига бошлиқ қилиб тайинлаган Жаҳоншоҳнинг биродари эди. Шохруҳ Хуросон аскарбошиларига Ҳисн ул-Ҳунуд (Ҳиндлар қўрғони) деб аталадиган бир қалъани тузатишларини буюрди[1201]. Бу (Ҳисн ул-Ҳунуд) Хуросон ерларининг энг (узоқ) чеккасида бўлиб, у қалъа билан Термизни Жайҳун дарёси иккига ажратиб туради. Натижада, Хуросон аскарлари ҳам Халил Султон аскарлари (ажойиб қилиб) ишлаган бинога ўхшатиб, бир бино



www.ziyouz.com kutubxonasi

солдилар. Бинолар қурилиши жараёнида Оллоҳдод ва Мизроб ўзаро хат-хабар ёзишиб бир-бирлари билан сидқидил бўлдилар, ҳурмат ва эҳтиром (воситалари) билан боғланиб, совға-салом алмашдилар.

## Эрон[1202] иқлимларида содир бўлган ҳодиса ва ушбу тўфоннинг келишида оққан қон селларига бир

## Ишора

Кейин Султон Аҳмад ва Қора Юсуф Ироққа қайтиб[1203] мулк сиёсатида улар (икковлари) ўртасида иттифоқ воқеъ бўлди. Султон Аҳмад Бағдодда қарор топиб, Қора Юсуф эса чиғатойликлар эгаллаган (ер)ларни улардан холис қилиб олиш учун ўжарлик билан улар устига ташланди. Шунда фатҳ унинг байроқларига «ёр-дам тангридан»[1204] оятларини намоён қилди. Улар (аскар) тоифаларини яксон қилиб, Амираншоҳни қатлга етказгандан кейин Қора Юсуф Озарбайжон ерларини холис (ўзиники) қилди[1205]. Бу воқеалар тафсилотида сўз жиловини чўзишлик бизни истаган асл мақсудимиздан хориж тутадики, «ниҳоят, улар иккковлари ўртасида низо воқеъ бўлиб, Озарбайжон ва Ироқ мушкул аҳволда қолди. Сўнгра Қора Юсуф Бистом[1206] ишораси билан Султон Аҳмадни ўлдирди[1207]. Бу (воқеа) пайғамбар алайҳиссалом ҳижратидан 813 йилнинг миёнларида (1410—1411) бўлди»[1208]. Аммо Ажам Ироқи эса ғоятда мустаҳкам қўрғон (мисоли) эди. Кейин унинг мутаваллиси Пир Умар[1209] мустақил подшоҳлик даъво қилиб чиққач, унга қарши Исфандиёр[1210] деб аталадиган (ўз) қариндоши қўзғолди. Натижада, Пир Умар билан жанг қилиб, уни мағлубиятга учратди ҳамда (уни) тутиб олиб, парча-парча қилди ва мулк даъвосида мустақил бўлди. Сўнгра унга қарши Ҳирот соҳиби Шоҳруҳ отланиб, уни қўлга олди ва яксон қилди; бу билан унинг аҳлию авлодларига қайғу алам солиб, (унинг) ерларини холис ўзиники қилиб олди. Натижада, жами Ажам ерлари холис Шоҳруҳнинг (ўзи)ники бўлиб, унинг хазинасига (Ажам) мол-дунёси, туяси ва ҳосиллари ҳеч бир азоб уқубатсиз ёки уларни қўлга киритишда ҳеч бир чарчоқ ва қулфат сезмасдан оқиб кела бошлади. Унинг мулки бениҳоя кенг бўлишига қарамасдан, бирон кимса ёмонлик билан унга йўл топа олмади. Унинг қўшничи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лиги яхши бўлиб, (зарарли) ҳаракати кам эди. Отаси Ажам подшоҳларини қатлга етказиши билан ундан ҳар қандай[1211] ёмонлик моддаларини кесиб, уруғини қуритган эди. Натижада, Шоҳруҳ баландпарвоз (даҳшатли) шерлар орасида ўз маконида (ўз ўрнида) барқарор бўлди ва ўз ғанимларини мавжуд дўстлари ёрдамида тор-мор қилиб, ўрнашиб олди. Натижада, давлатининг ерлари барқарорлик набототлари билан тебраниб, ривож топди. Гўё бахт-саодат кўзлари уни кузатар ва мулк келинчаклари муножот билан ушбу шеърни нашида этиб, хитоб қилардилар:

Юрагингни биздан ўзгадан пок тутиб, биз билан бўл,
Бизнинг даргоҳимиз ҳар бир (юраги) пок учун макондир.
Сабр висолимиз хазинасига етиш учун бир тилсим бўлиб,
Бу тилсимга қўл урган киши унинг хазинасига етишади.

## Одамларнинг қуршовдан чиқиши ва ўз ватанларини қўмсаб Мовароуннаҳрдан жўнаши баёни

Шу ҳолатлар асносида (баъзи) одамлар Самарқанддан тарқалиш ва тўзишга юз қўйиб, ҳар бир ғариб ўз Ватанини қўмсади, ўз кулбаси ва оиласини қидириб, баъзилар ижозат билан паноҳ тилаб, баъзилар қочиб, ҳуфёна ҳолда (кетиш) ҳаракатига тушдилар. Шом аҳли ичидан (Самарқанддан) кетишни истаб, ижозат сўраганларнинг дастлабгиси шаҳид вазирнинг ўғли Шиҳобуддин Аҳмад бўлди. Кейин араблару ажамлар тоифалари тўда-тўда бўлиниб, шарқу ғарб тарафларга тўзиб кетдилар. Самарқандда қаҳатчилик ва нарху наво қимматчилиги воқеъ бўлиб, одамлар ўртасида тилло ва кумушдан қадрсиз нарса бўлмади. Сўнгра, шундан кейин фаровонлик ҳосил бўлиб, одамларда тўқчилик ва орзу ҳаваслар намоён бўлди. Замон яхши, омонлик даврон сурди, нафрат кўтарилиб, давр соф бўлди. Мисра: «Тун қанчалик соф бўлса, кудурат шунчалик зоҳирдир».

## Бевафо замон қандай вайроналик ва алокат келтириб, Халил (Султон)ни оловга улоқтириши баёни

Халил Султон Амир Сайфуддиннинг хотини Шодмулкка уйланган эди[1212]. У (хотин)нинг ишқи Халилни (батамом) эгаллаб олган бўлиб, гўё у шу ишқда асир-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дек эди. Халил ўзининг бутун вужуди қанотлари билан унга талпиниб, назари-эътибори ёлғиз унга қараган эди. Унинг муҳаббати кундан-кунга зиёда бўлиб, қиссаси Қайс (Мажнун) ва Лайли, Ширин ва Фарҳод[1213] ҳикоясини унуттирган эди. У гўё шу шеърда айтилгандек бўлди:

У менинг қучоғимда, барибир нафс унга шовқланур,
Қучоқлашишдан кейин пасаярмиди?
Севгим кетсин деб унинг оғзидан ўпаман,
Аммо унга бўлган севги яна кучаяди.
Гўё қалбим икки руҳнинг бирга бўлганини,
Кўришга тўғри йўл топа олмайди.

Бу (аҳвол) унинг муҳаббати Халил Султон қалбини бутунлай қамраб олиб, ақлини мафтун қилгунча давом этди. Унинг аъзойи-баданини боғлаб, юрагига ўт туширди. Улар гўё кенг бир кўйлак тикиб, (уни) икковлари киярдилар ва бирлашардилар. Натижада, Халил Султон хотин тили билан сўзлаб, хотини эса Халил Султон тили билан сўзлай бошлади. Улар (икковлари) нашида этишиб, ўз ҳолларига ишора қила бошладилар:

Ошиқ менинг ўзим, маъшуқ ҳам менинг ўзимман,
Бизлар иккимиз бир танда жойлашган икки руҳмиз.
Балки масала аксинча эди. Мен дедим:
То у руҳни рабби икки танда яратгандан бери,
Бу иккови пуфланган бир руҳ билан тирик эди.

Натижада, Шодмулкнинг раъйисиз Халил Султондан бирон фармон содир бўлмай, подшоҳлик сиёсати унинг закоси нурисиз[1214] ёруғлик кўрмай қолди. Шундай қилиб, Халил Султон унга ўз жиловини топшириб, муродига ўз муродини тобеъ қилди. Бу (нарса) ғоятда кам ақллилик ва девоналикдандир. Қандай қилиб ўз (подшоҳлик) жиловини хотинига тутқазган подшоҳнинг омади юришсин?

Унинг (Шодмулкнинг) илгаридан бир хизматкори бўлиб, у на ҳурлар авлодларидану, на карим кишилар (тоифаси)дан бўлмай, балки фуқаронинг қуйи табақасидан бўлиб, олдинлари бўз ва каноп (кийимлик) сотар эди. У Бобо Тармиш деб аталиб, унинг кўзи шилпиқ, юзи сепкилли, сурати қабоҳатли, хулқи атвори ёқимсиз эди. У Шодмулк заруратларини адо этиб, Халил Султон унинг висолига етишмасдан олдин ҳам унинг ҳузурига кириб турар эди. Қачонки махдумаси етишган (бу) мар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

табасига етишиб, ундан бўлак кимсага насиб бўлмаган бу даража унга насиб этгач, унинг хизматкорларининг ҳам мавқеи ошиб, малайларининг ҳам ҳишмати зиёда бўлди. Бобо Тармиш Шодмулк наздида ўз ҳурматининг ортиқлигидан истифода қилди. Зеро, махдуми каромати ҳисобига хизматкорига иззат-икром ҳосил бўлур. Натижада, Бобо Тармиш Шодмулк жамоасига пешволик қилиб, улар устидан (истаганича) сиёсат юргиза бошлади. У Шодмулкнинг мужоласасида «булар шундай қавмларким, улар ўз суҳбатдошига шақоват кўрсатмайди», дейдиган хилъат (мисраси)ни кийиб ясаниб олди. Сўнгра, унинг иши ривож топиб, Шодмулкнинг барча юмушлари гарданида бўлиб қолди. Кейинроқ у ўз қадамини мулк асбоблари ва ундан бошқа масалалар хусусида хитоб юритишга ҳам босди. Кейин, аста-секин ўсиб, девон муҳокамаларини ечиш ҳамда салтанат масалалари ижросига ҳам аралашиш даражасигача кўтарилди. Кейин у янада кўтарилиб, (волий) тайин этиш ва азл қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу масала ҳазилсиз[1215], жиддий тус олиб, ана шунда ниҳоясига етди. Натижада, Бобо Тармиш мамлакат бош вазири (дастури) бўлиб, махдумасининг қудрати туфайли шавкатининг кескинлигидан бирон киши унинг сўзини рад этишга қодир бўлмади. У ўз ихтиёр қилганича қўлинию тилини чўзди. Ҳар бир кимса у буюриб, кўрсатган ишорага амал қилди. У Оллоҳдод билан Арғуншоҳга (кўп) ноҳақликлар кўрсатиб, улар ечган (нарса)ни тугиб, (улар) туккан (нарса)ни еча бошлади. Адабсизликда шу даражага бориб етдики, ҳатто улар ҳузурида оёғини узатиб ўтирар ва уларга заррача ҳам ҳурмат вожибини кўрсатмас эди. Кейин Бобо Тармиш ўзининг машваратисиз биронта ҳам масаланинг ҳал бўлишини ман қилди; агар у ғойиб бўлса, унинг келишини кутсинлар ёки унинг ҳузурига борсинлар (деди). У юзага чиқиб, эришган мартабасига эришгунча орадан уч йил чамаси муддат ўтди.[1216]. Чиғатой шайтонлари ва (улар) жинлари унинг дастидан «хўрловчи азобда»[1217] қолдилар. Бобо Тармиш даражасининг бу ўсишидан Оллоҳдод ва Арғуншоҳда беҳад заҳмату бениҳоя танглик ҳосил бўлди. Улар таҳқирлик ва интиқомнинг аччиқ аламларини татиб, дардлари (шундай) кучайдики, унинг муолажасидан ожиз бўлдилар, ҳамда шу тарздаги ҳаётдан кўра дунёдан ўтиб, завол топишни лаззатли билдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Оллоҳдод Худойдодга ёзган мактубида нимани ўйлаб, ниманинг тадбирини кўргани баёни

Кейин Оллоҳдод (бу ҳақда) ўз фикрини ишлатди — лекин асосидан хато қилиб, чуқурга тушди; (гўё) у бир қозон (ош) пиширдики, у ўзининг устига ағдарилди ва ипак қурти сингари ўз қўли билан (ўз) ўлимига тўр тўқиди. Мен дедим:

Агар замон ақлли (киши)га акслик қилса,
Унинг раъйига ёмонни яхши қилиб кўрсатади.
У истамаган ҳар бир ишни унга марғуб кўрсатиб,
Одамлар маъқул билган (нарса)ни яроқсиз санайди.

Сўнгра улар (икковлари) дарду аламларига таскин излаб, Худойдодга хат ёзишдан бўлак чора топмадилар. Улар (Оллоҳдод ва Арғуншоҳ) бу масала суратини очиқ-ойдин кўрсатиб, бу (ярамас) ишни аниқ ва равон тарзда унга хабар қилдилар ва чексиз орзу умидлар билан хотирини жам қилган ҳолда унга ўз аскарлари билан Самарқандга қараб юришни маслаҳат бердилар. Худойдод ўша заҳотиёқ қўзғолиб, ўз қўшинию жамоаси билан отланди ва чигиртка боласидек ўрмалаб юриб, Уратепа деб аталадиган жойга етиб келди. Халил Султон бу хабардан воқиф бўлгач ўз аскарларию ёрдамчиларига чопар юборди ва Худойдоднинг безбетлигидан таажжубга тушиб, унинг орсизлигидан (худодан) паноҳ тилади. Сўнгра Худойдод мулоқоти учун у Оллоҳдод ва Арғуншоҳни кўп сонли[1218] қўшин билан жўнатди. Улар Худойдодга яқинлашдилар ва (унга) рўпара бўлдилар-у, лекин у билан муқотала қилмадилар. Кейин Оллоҳдод ва Арғуншоҳ, Халил Султонга хат-хабар юбориб, ундан мадад сўраб, дедилар: «Бу одам (Худойдод) қайсарлик, беадаблик ва телбаликда ҳаддидан ошган. У ўз қароргоҳидан (андак ҳам) қўзғалиш тугул, бизнинг ҳайбатимиз шамоли унинг димоғига ҳам доҳил қила олмайди».

Натижада, Халил Султон бошқа аскарлар юбориб, уларга мадад берди ва (энди) қандай хабар бўлишини сабрсизлик билан кута бошлади. Кейин улар яна хабар юбориб, Худойдодни ўзларига азият бериб, фасодни ошираётганини, ўз ғалвасида Самуд ва Од (қабилалари) билан рақобат қилаётганини билдириб:

— «Бизга ўзинг келиб ёрдам бер, ўзингнинг зийрак-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лигинг ва шууринг билан (тезда) етиб кел. Чунки сенинг ҳайбатинг қувватлироқ, қиёфанг кучлироқ. Худойдод, дилида катта бир шумликни бекитиб, ичида қораликни яшириб, бу сурбетликни қилиб, бу юришга ботинган. Қолган жангчилар билан (тезда) етиб кел, чунки бу мартаги (жанг) ҳал қилувчи жанг бўлади»,— дедилар.

Натижада, Халил Султон бирон ҳодиса рўй беришидан қалби орому хотиржам, орзу умидлари чексиз ва тўйиб нафас олган ҳолда (Самарқанддан) чиқди. У ўз йигитлигига мафтун, (ўз) ҳамроҳларига маҳбуб, ўз дўстлари орасида (қувониб) тебранган, ўз тенгқурлари орасида чайқалган ҳолда кўп бўлмаган бир гуруҳ ва саралаган бир тоифа орасида, ўзида бор нарсаларга кулфат тушишини узоқ ва ўз бисотидаги мавжуд нарсаларнинга ғам-ғусса келишини энг йироқ ҳисоблар эди. Камол унга «мен сенинг фидоингман» деб, жамол тили[1219] эса унга ушбу сўзи билан нидо қиларди:

Ғурур билан йўл кўрсатавер, чунки сен бунга муносибсан,
Сен ҳукм юритавер, чунки ҳусн сенга уни ато қилган.

Кейин у (ўзининг) ўша султон сифат тўдаси билан Султония[1220] деб аталадиган қасабага етиб келди[1221]. Оллоҳдод эса Худойдодга хат юбориб, (Халил) Султон карвони фалон куни Самарқанддан чиқди ва фалон соатда Султония қишлоғига келади, деб хабар берганди.

## Худойдод ўйлаган алдов ва Халил Султоннинг ов тузоғига тушуви баёни

Худойдод алдовни кўзда тутиб, ўз лашкарини жанг муқобиласига ташлади ва аскарини бели орқасида қолдириб[1222], ўз учқуни ёмонлигини қўлтиқлаб, нафрати чўқморини (қўлига) олди. У жанг ботирларидан, қитол ва низол марду майдонларидан хавф-хатарни билмайдиган жасур бир тоифани ўз ҳамроҳлигига олди. Улар мана бу айтилган (шеър)да кўзда тутилган (киши)лар эди.

Кўринишлари вазмину оғир, чақирилсалар чаққон,
куч-қувват уларда кўп,
саноққа келганда уларнинг сонлари кам.

У (Худойдод) тун этагига ўралиб, от белига ёпишди ва ўз матлубига қинғир йўлдан юриб, мақсудига қо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ронғилик қўмондонларини йўлбошчи қилди, гўё ушбу айтилганидек:

> Бир мақсудга етишмоқчи бўлсанг фақат
> кечаси унга етиш, (чунки кундузи) қуёш
> чақимчи бўлса, кеча эса йўл бошловчидир.

Ниҳоят, Худойдод Султонияга бориб етдики, у Темур бунёд қилган бир қасаба эди. Унинг келганини бирон киши ҳам шуур этмай, фақат бало мавжлари ҳар томондан устига ёпирилгандан кейингина Халил Султон уни сезди. У билан бўлган барча ҳамроҳлари қўзғолиб, жангу жадал ва зарбу таънага бошладилар ва ҳаёт-мамот урушини қилиб, ажалу поймонлари тўлганлигига аниқ ишондилар. Устларига қаттиқ тишловчи жанг тиш қайраб, уларнинг қай бирини майда, қай бирини йиқитиб, қай бирини бурдалаб ташлади. Натижада, улардан фақирию азизи ўлдирилиб, душманлари ўтига улар ҳабиблари ва Халил (севимли)лари тушди[1223]. Худойдод эса муваффақият қозониб, зафар топганидан севинган ҳолда ўз лашкаргоҳига қайтди.

## БУЛИМ

Кейин Худойдод Халил Султонга ғоятда шиддатли қасамлар қилиб ва турли-туман яминлар келтириб: (ўзининг) унга ҳеч бир ёмон ишни раво кўрмаслигини, унинг (ширин) ҳаёти кўзига чўп суқишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаслигини, уни на сўздаю на амалда (асло) ранжитмаслигини, унга макру дахл билан азият етказишга ҳеч кимга йўл қўймаслигини ҳамда ўз қасами натижасини келажакда у кўришини, зотан, тангри таоло «ўтган (ишлар)ни афв этишини»[1224] таъкидлади.

## БУЛИМ

Кейин у (Худойдод) Халил Султондан Оллоҳдодга ва ундан бошқа сипоҳларга уларни (ўзига) Худойдодга таслим бўлишлари ҳақида ишора этишни талаб қилди. Шунингдек, Худойдоднинг ўзи ҳам одамларга хат-хабар юбориб: «Мен сизлар бошингиз[1225] устидан волийликка эга бўлдим. Агар сиз менга итоат билдирсангиз, мен ҳам унга (Халил Султонга) итоат изҳор этай, агар сизлар менга силов-раҳм қилмасаларинг, мен ҳам ундан силов-раҳмни узаман»,— деб ёзди. Қачонки Халил Сул-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тон бу кулфатга тушганда, уни отувчиси номаълум (дайди) ўқ деб тасаввур қилди[1226]. Сўнгра унга бу яширин (кўра) макони зоҳир бўлиб, бу ишончли жойда қандай қўлга тушганлиги ҳақиқатини билди ва устига бу балонинг қаердан қуюлганлигини фаҳмлаб, хавф-хатарсиз деган томонидан қандай қилиб қўлга олинганлигини англади ва ўз ҳоли тили билан (ушбуни) нашида этди:

Биз билан унинг ўртасида на дўстлигу на танишлиги
(бор) бўлмаган кишига тангри яхши мукофот ато қилсин,
чунки биз ўзимиз дўст тутиб билган кишилардан ўзга
ҳеч ким бизга ёмонлик раво кўриб, азият еткизмади.

Кейин Халил Султон қолган амирларига, лашкар бошлиқларию вазирларига хат юбориб, Худойдодга бўйсуниб, у билан низо чиқармасликларини, у истаган муродга қаршилик кўрсатиб монелик қилмасликларини маълум қилди. Натижада, улар ҳаммалари Худойдодга бўйсуниб, таслим бўлдилар ва унинг ҳомийлигини қабул қилдилар. У сафарбар этилган қўшинга эга бўлиб, фириб балоларидан нишонга етувчи найзалару ҳинд қиличлари билан (қўрғондек) мустаҳкамланиб олгач, Жанд ва Хўжанд қўшинлари, Туркистоннинг гапга нўноқларинию Ўзжанд авомларини муқаддам қўйиб,— улардан бошқаларни орқада қолдириб,— Самарқандга қараб илгарилаб юрди. У Оллоҳдодга ва бошқаларга илтифот қилмадики, у (Оллоҳдод) бу иш жараёнида қилмишининг алданганлигига амин бўлди. Натижада, замон ўзи кийгизган иззат либосини устидан сидириб, шилиб олдики, қўлида бор бўлган қудрат, мол-дунё ва бойлик ундан учиб кетди. Бу қиёмат қойим 812 (1409—1410) йилда бўлган эди.

## Худойдод келганда Самарқандда юз берган фасод (ишлар) баёни

Худойдод Самарқандга етиб келиб, унга кирди. Натижада, мавжуд расм-русумлар ва қисматлар алғовдалғов бўлиб, гўё турли-туман халқлар ва диёнатлар ихтилофи зоҳир бўлди. Худойдоднинг Оллоҳдод деб аталадиган (бир) ўғли бўлиб, отаси очиқ-ойдин халойиқ ўртасида уни султон деб номлади ва яширин хазиналарни қидириб, улар тоғларида конлару маъданлар излади, кўмилган бойликлар ва бекитилиб, яширилган



www.ziyouz.com kutubxonasi

дафиналар талабида бўлди. Вазият ўзгариб, мулойимлик кўполликка бадал бўлди ва улар (Самарқанд аҳли) гўё шу айтилгандек бўлиб қолдилар. Мисра:

> Чодирлари эса ўз чодирларига ўхшайди-ю,
> аммо у жамоа хотинлари у хотинлар эмас.

Сифатлар танимайдиган даражада ўзгардики, ҳатто гўё зотлар (мазмунлар) бошқасига айланди, ёинки ер (бу ердан) ўзга еру осмонга алмашиб кетди. Мисра:

> Унумли ер ўзгариб, у баракатли жой бўлмади.
> Бу жой энди у тоза жой бўлмади.

## Бу ишлар Темурнинг ўғли Шохруҳ (қулоғи)га етиши ва унинг бу ҳодисаларни йўлга солиб, бузуқликлар маддасини бартараф этиши баёни

Бу хабар Шохруҳга етгач, «У қаҳрланиб, ғазаби келди»[1226а], изтироб чекиб, аламзада бўлди; теваракатрофга ўзини уриб, сабр косаси лиммо-лим тўлди, бетоқатланиб, қовоғи солинди, унинг юзи ўзгариб, қизарди, у фарёд солиб, безовта бўлди ва тангридан рижо тилаб[1227] «ло ҳавло»ни[1228] ўқиди; у ич-ичидан куйиб-ёниб, қайғу аламга ботди ва оҳ-воҳ чекиб, ушбуни нашида этди;

> У (хотин) озди, ҳатто унинг озғинлигидан
> буйраклари кўриниб, ниҳоят уни ҳар бир
> қашшоқ камситиб хўрлади.

Кейин ўзининг фармонлари ёрликлари билан ўз ерлари атрофларига ҳар бир учқурни аскар тўплаш (хабари) билан учирди ва Шоҳ Маликка ҳеч бир иккиланмасдан йўлга чиқишни, сира дам олмасдан сайрини давом эттириб, ўз зотдор отлари билан қушдан ҳам тез учиб келишини буюрди. Чунки у (Шохруҳ) тарқалган низомни тузатиб, мамлакат атиргулидан нодон гуруҳларни таъқиб қилади. Шу сабабли уларнинг бошловчисининг жойлашувига йўл қўймай, ўз кучу қудратлари билан имилламасдан тез суръатда келишини буюрди. Натижада, Шоҳ Малик ўша заҳотиёқ тоғдек мададли, қумдек ададли аскар билан (йўлга) чиқди. Кейин унинг изидан бошқа суворийлар, ҳусравона қирғийлар билан Шохруҳ чиқиб, ҳеч бир кимсага қарамасдан ва ўз ҳа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ракатида толеи расадга таянмасдан юрди. Қачонки улар Жайҳунга етиб[1229], ундан ўтаётганларида дарёнинг юзини бекитдиларки, натижада бу сел[1230] сув юзига ёйилиб кетди. Гўё бу денгиз (Жайҳун) устма-уст уюлиб кетган булутлар билан қопланиб, ҳаё денгизига ғарқ бўлган эди.

## БУЛИМ

Қачонки (бу) денгиз ушбу тоғларни кесиб ўтиб, (бу) хабар Худойдод (қулоғига) етгач, ўзининг пашшаларию маймунларини Шоҳруҳ бўриларию шерларига яраша қуввати йўқлигига, аксар аскарининг ўзидан қочиб, унга таслим бўлишига ҳамда у (Худойдод)нинг ўзини тутиб, Шоҳруҳга топширишларига ишончи комил бўлди. Натижада, у ўз орзу ҳавасларини такомилига етказишга[1231] шошилиб, ўз матлабларини тайёрлашга ошиқди. Қўли етганича мол-дунёни олиб, ўз имкони қадрича нафис буюмларнию юкларни юклади ва Халил Султонни ўз суҳбатига олиб, Андикон[1232] қараб юзланди. Оллоҳдод, Арғуншоҳ ва Бобо Тармишни қалъада қолдириб, улардан бировини ҳам ўз суҳбатига олишдан Худойдод ҳазар қилди. Ўз Халили фироқига гаров бўлиб, ўзидаги бор (бўлган) иззати шилиниб, хор бўлган Шодмулкни ҳам шаҳарда қолдирди.

### Жанд қўшинлари чиққанидан ва Шоҳруҳ қирғийларининг етиб келишидан олдин Самарқандда юз берган можаро баёни

Худойдод (Самарқанддан) узоқлашган ва Шоҳруҳ томонидан (ҳали) ҳеч ким келиб етмаган ҳамда фуқарога ҳали на орқа (таянчу) на бош бўлмаган (бир вақтда), Оллоҳдод ва Арғуншоҳ Шоҳруҳга томон юзланиб, унинг истиқболига чиқишни ирода қилдилар. Шунда Ҳожа Абдулаввал уларга қарши қўл кўтариб, (уларнинг) қалъадан чиқишларини ман этиш учун ўз посбонларини қўйди. Уларга қарши у шаҳар шутторларидан кўмак сўради. Бундан олдин Оллоҳдод унга озор етказиб, қаҳрини қўзғаган эдики, бу Хожа Абдулаввалда Оллоҳдодга қарши нафрат уйғотганди. Гўё бу мисрада айтилганидек: «Тикон эккан киши ундан узум (ҳосили) ола олмайди». Хожа Абдулаввалнинг риёсати (пайти)да икки одам орасида ихтилоф чиқмади ва раия устида



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукм юритишида «икки серка сузишмади»[1233]; унинг ишорати амру наҳйи билиниб, фармонлари ариқлари халқ орасида тўхтовсиз оқиб, ўша ўтган кунларда унинг амрлари итоатда бўлди. Мисра: «Ҳар бир (мартобаси) ошмаган (паст) кишининг илм мартабасини оширади[1234].

Хожа Абдулаввал раиялар устидан сиёсат юргизиб, Оллоҳдод ва унинг шериги (Арғуншоҳ) ҳамда улар билан бирга бўлган кишилар устига посбонлар тайинлаб, Шоҳ Малик қўшинларининг олд қисми Самарқандда тулуъ қилиб, улар орқасидан Шоҳруҳ аскарлари келмагунларича ушбу масала танглигини (тобора) шиддатли қилаверди.

## Халил даврининг қуёши ғурубидан кейин Мовароуннаҳр осмонида Шоҳруҳ давлати тўлин ойининг (порлаб) чиқиши баёни

Шунда шаҳар аҳли Шоҳруҳ истиқболига чиқиб, унинг ҳилоли пешонаси руиятидан севиндилар. Сўнгра у ҳар кимсани ўз ўрнига ўрнаштириб, одамлардан ҳар бирини ўз мартабасига (мувофиқ мақомга) қўйди. Кейин Оллоҳдод ва унинг шеригини қўлга олиб, уларни турли уқубатлар билан қийнаб, хилма-хил азоб берди ва турли-туман азиятлар қўллаб, мол-дунёларини холис қилиб олди. Кейин, Бобо Тармишдан бошқасини шафқатсиз итоблар билан ўлдириб, уларни бу дунёдан охиратга кўчирди. Аммо Бобо Тармишни эса азоб-уқубатга солиб, хилма-хил жазога тортдилар. Кунлардан бирида — бу вақт азоб аламлари Бобо Тармишнинг тинкасини қуритган эди — унга мутасадди (бўлган) кишилар унинг ўзларига бир масалани воқиф қилиши ёки уларни сирли бир нарсага олиб бориши учун уни олиб,— у мустаҳкам кишанда эди — кенг ва чуқур бир сув ҳовузи ёнидан ўтдилар. Шунда Бобо Тармиш улар қўллари ғилофидан ўзининг сирғаноқ қиличдек қўлини чиқариб олди ва ғафлат топиб, ўзини ушбу сувга ташлаб ғарқ бўлиб кетди.

## БУЛИМ

Кейин Шоҳруҳ ўз падари (қабри)ни зиёрат этиб, аза шартларини адо қилди. Қабрга мутасаддий қорилар тартиби ва қоровулларни янгилади. Бу хусусда мояна олувчилар ва хизматкорлар ҳақларини бошқатдан бел-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гилади. Отаси қабри устида бўлган анжомлар, матолар ва қурол-аслаҳаларнинг аксар қисмини ўз хазиналарига кўчириб, хазиналар хирмонларини йиғдирди ва ўша яширилган бойликлар маконларини кавлади. У қонун-қоидаларни тўғрилаб, узоқ-яқин кишилар мартабаларини тартибга солишга киришди.

## БУЛИМ

Улар Шодмулкни қўлга олиб хўрладилар, уни ҳимоя қилган кишиларни таҳқирлаб, шаънини пастга урдилар. Уни гўё тиконли дарахт билан боғлагандек азоб билан ўрадилар ҳамда ундаги мол-дунёни олишда золим амалдорлар қўллайдиган қийноқларни қўлладилар. Шу зайлда хўрлаб, турли-туман бойликларни ундан олгач, уни маҳкамлаб арқон билан қаттиқ боғладилар ва бозорларда жарчи чақиртириб, (уни) халойиққа сазойи қилдилар. Шундай қилиб, ишлар Шохруҳ (ҳукми)га қарор топиб, кўкраклар тўлиб нафас олиб, одамлар беллари (унга) букилди. Биров кўтарилиб, биров қуйи бўлди. (Тасбиҳ): Ҳамиша ўз мартабасида (бир зайлда) турувчи фақат оллоҳки, унинг мартабаси азизу, салтанати олийдир. У давлатларни ўзгартиради, ҳолатларни айлантиради-ю, лекин унинг салтанатига беқарорлик ва қазо (асло) йўл топа олмайди.

### Худойдоднинг (бу) кулфату фасодни тугатиш учун нималарни кўзда тутгани ва то унга ўлим келгунича қаерларга бориб ётгани баёни

Аммо Худойдод қачонки ўз маконига жойлашиб, Халил Султон билан (ўз) Андиконида хилватга чиққач, унинг билан ўз аҳду паймонларини қайтадан такрорлаб, Халил Султонни ўз макру алдовларига ишонтирди. У унинг (Халил Султоннинг) Арғуншоҳ ва Оллоҳдодга нисбатан қилган хайру эҳсонига ва улар устига ўз инъоми этакларини ёпганига қарамасдан, уларнинг ўзига қилган бу кулфату офатларини, уларнинг унга «тимсоҳ мукофоти»ни бериб, эзгулигига ўз фасодликларини муқобала қўйганларини эслади. Кейин унга деди: «Даставвал, мен билан зоҳирона қилган ишингни эсла-да, сен билан (кейинчалик) охирида ботинан қиладиган ишимни кўр. Мен сен билан софдиллилик ва сидқи ният тақозоси билан иш тутаманки, натижада, (ўртадаги)



www.ziyouz.com kutubxonasi

кудурат кетиб, сафолик боқий бўлади, жафо йўқ бўлиб, вафо қарор топади ва биз боқий умримизни ўзаро садоқатда, фаровонлик бўстонларида бир-биримизга вафодар ва хайрихоҳ бўлиб яшаймиз. Бўйнида маржонли кабутар бобида ёзилган афсоналар сатрларини садларимиз лавҳаларида ёзиладиган муҳаббат ва шафқат билан ўчирамиз»[1235]. Иншо оллоҳи таоло сени ўз шуҳратинг мартабасига ўтқазиб, (сенга) шоду ҳуррамликни қайтарадиган (иш)ни ҳосил қилишда жидду жаҳд кўрсатаман.

Сўнгра Андиконда унинг номига хутба ўқитиб, Туркистон атрофларида ҳам шу тартибда (иш тутишни) амр қилди.

## Халил (Султон) билан Худойдодга ўлим (етиб) келгунча улар ўртасида бўлган битим, аҳду паймон ва дўстлик таъкидланишининг баёни

Улар икковлари ўртасида қасамлар васиқалари таъкидлангач, Худойдод Халил Султонни Андиконда қолдириб, ўзи унинг учун мадад тилаб, мўғулларга қараб кетди. Қачонки хўрланган Темур вафоти (хабари) уларга етганда мўғулларнинг аввал зикр қилинганидек, қарорлари қолмаган, диёрлари ҳувиллаган, улар қўрғонлардан бошпана излаб, жон сақлайдиган ҳар бир ғор этакларига ёпишган эдилар. Темур ўлимига ишониб, унинг бу дунёдан кетганлигига исбот ҳосил бўлгач, улар «тинчлик ва омонлик» деб жар солдилар ва ўша маконнинг ўзидаёқ Худойдод билан қўшничилик қилиб, Халил Султонга элчи юбориб, уни муборакбод қилдилар ва унга қимматбаҳо совғалар, ниҳоятда дабдабали, шоҳона туҳфалар юбордиларки, шулар жумласидан тиллодан ишланган бир курсий бўлиб, унинг устаси ажаб қолибида ясаган эди. Натижада, Халил Султон мўғуллар элчиларига иззат-икром кўрсатиб, улар вакилларини ҳурматлаб улуғлаганди. Улар билан яхши қўшничилик қилиб, мукофот бериб, эҳсонлар ато қилганди ва уларнинг ҳар бир муруввати эвазига ўн баробар муруввват кўрсатганди. Мен дедим:

Агар замон қанча чўзилса ҳам яхшилик қолаверади,
Идишда қоладиган йўл анжомнинг энг ифлоси қабиҳликдир.

Токи Халил Султон бошига келган (бу) кулфат келиб, қазо ва қадар денгизидан оққан нарса унинг усти-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да оқмагунча, улар (Халил Султон ва мўғуллар) ўртасида дўстлик хилъатлари тўқилиб, ҳурмат ва ҳашамат юзлари бир-бирлари томон кундан-кунга севиниб боқишда давом этаверди. Шу сабабли Худойдод уларга етиб келган заҳотиёқ уни тутиб олиб, унинг ҳоли суратини кўрсатган ҳолда Халил Султонга хабар юбориб, дедилар:—«Сен билан биз ўртамизда холис дўстлик борлигини биласан; сен билан Худойдод ўртасида нима воқеъ бўлганини ҳам биз биламиз. Дарҳақиқат, сенинг инқирозга учраб, қўлингдан мулкингнинг чиқишига ёлғиз у сабаб бўлди. (Ҳозир эса) у сен учун биздан мадад сўраб келди. Шу сабабли у ҳақига ўзингга маъқул (бўлган) амрни бизга буюр. Агар сен (унинг қатлини) буюрсанг, биз уни қатл қиламиз, агар маслаҳат кўрсанг, биз унга мадад кўрсатамиз. Хулласи калом, сен бизга қай тарзда амр қилсанг, биз ўшанга риоя қиламиз». Шунда Халил Султон уларга элчи юбориб: «У менга қандай озор берганини, қандай қилиб иззату шаънимни парчалаб, мени ўсал қилганини, қандай қилиб мени ўз мулку салтанатимдан чиқарганини, ўз аҳлию биродарларимдан ғариб этганини, мени хўрлаб ўз севгилим ва Ватанимдан жудо қилганини сизлар (яхши) биласизлар. Энди бўлса у мени қалқон қилиб, (шу билан) ёмон ҳодисалару кулфатлардан ўзини сақламоқчи. Унинг қандай тасарруфни ирода қилаётганини сизлар билдингиз. Ҳар ҳолда (ҳамма ишни) билувчига таърифлашнинг ҳожати йўқ. Шу билан бирга, бу хусусда сизлар нимани фойдалик топсаларинг ўшани қилинглар»,— деди.

Натижада, мўғуллар дарҳол Худойдоднинг бошини кесиб Халил Султонга юбордилар[1236].

### Халил Султоннинг Андикон ерларидан қайтиб, амакиси Шохруҳ ҳузурига бориши ва жонини тикиб, у руҳ билан ўйнаши баёни

Халил Султон ўша жойда (Андиконда) ва Туркистон атрофларидан туриб, форсча фироқлик нашидаларини юборишда давом этиб, ўз маҳбубаси ҳақида Зайдун қасидаларини[1237] ҳам унуттирадиган қасидалар иншо этар, бошига тушган ғурбат ҳамда ўзи билан юз берган фироқу кулфатни (фарёд чекиб) зикр қилар эди. Бу билан у қалбларни парчалаб[1238], жигарларни пора-пора қилдики, ниҳоят у ерларда туриш малол келиб қолди. Натижада, у Андикондан этагини қоқиб, одаму отларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

тўплаб, ўз амакиси Шохруҳга қараб юзланди. Йўлнинг белига миниб, унинг ҳузурига келди. Амакиси (Шохруҳ) уни шоду хуррамлик билан қарши олиб, у қилган ишлар тафсилоти хусусида бир сўз ҳам демади ва уни ўз маҳбубаси (Шодмулк)га қўшиб, Халилга ўз халиласини (севгилисини) бириктирди. (Шу орада) у ўша иқлим (ишлари) асосини барқарор қилиб, мустаҳкамлаб, ўғли Улуғбекни унда ҳоким қилиб тайинлади. Кейин Халил Султонни ўз суҳбатига олиб, Хуросонга қараб қайтди[1239]. Сўнгра у Халил Султонни Рай ерларига ҳоким қилди. Бироқ Халил Султон Райда озгина муддат туриб, худонинг раҳматига кўчди[1240]. Гўёки амакиси (Шохруҳ) унга сездирмасдан бир нарса берганки, у уни ичган. У Рай шаҳрида дафн қилинди. У (Шохруҳ) бу иш оқибати тарқалишини жон-жаҳддан сир сақлади. Қачонки Шодмулк бу чексиз мусибатга тушиб, ичаклари Халил Султон муҳаббати билан алангаланиб ўртангач:— «Мен жудолигингни тотиб сендан кейин яшамасам эди»,— деди ва оҳ-вой чекиб инграниб (бу шеърни) марсия қилиб айтди:

Кўзим қораси эдингу (кўзим қораси) сенга қараганча қолди,
Сендан кейин яшаган киши ўлсин,
Сен учун доим мен қўрқувда эдим.

Кейин у бир ханжар олиб кўкрагига қўйди ва бор кучи билан унга таяндики, ханжар унинг орқасидан (тешиб) чиқди. Бу ҳолатни кўрган ҳар бир киши унинг оловидан ўт олиб, куйиб ёнди. Икковлари бир қабрга дафн қилиниб, улар ҳоллари мана шу нашидани куйлай бошлади:

Эй, қўшниларимиз, биз бу ерда ғарибмиз,
Ҳар бир ғариб, ғарибга хешдир.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Журжон, Ажам Ироқи, Мозандарон, Қандахор, Ҳинд, Кермон ва Озарбайжон чегарасигача бўлган барча Ажам ерлари мана шу кунларимизгача, яъни 850 (1436—1437) йилгача холис Шохруҳники бўлди. Тангри таолодан ўз мурувват ва лутфи билан охирини бахайр қилишини илтижо қиламиз. Барча оламлар эгаси тангрига ҳамдлар бўлсин, саййидимиз Муҳаммад, унинг уруғ-аймоғи ва сахобаларига тангри раҳмату саломини (абадий) қилгай!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Темурнинг бадоатли сифатлари ва унга ато қилинган туғма хислатлари ва табиати ҳақида бўлим

Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар[1241] авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг оёқ-қўли чўлоқ ва шол, икки кўзи бамисоли икки шам бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у ўлимдан қўрқмас, ёши саксонга[1242] етган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгил хушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди; «у (бўлиб) ўтган ишга азият чекмас»[1243] ва ўзига ҳосил бўладиган (ютуқ)дан шодланмас эди.

Темур тамғасининг нақши «рости расти» бўлиб, бу «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангаю тиллоларига зарб бериладиган (асосий) белги ҳам мана шундай $_{0}{}^{0}{}_{0}$ уч ҳалқадан иборат эди. Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу ғорат қилиш ва ҳарам (ҳақи)га ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур қўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли (киши)ларни, довюрак ва мардларни ёқтирар эди. У улар ёрдамида даҳшатли жойлар қулфларини фатҳ этиб, одамлар шерларини ўлжа қилар, улар зарбалари билан баланд тоғлар чўққиларини вайрон қиларди. У бехато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) кулфат тушганда ҳам ҳақгўй (киши) эди: Мен дедим:

> Унинг фикрлари фитна оловини қанча ковламасин,
> Кулфат чоғида уни ҳимоя қилиб, (ўзга) қабилаларни куйдирди.

У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ажратар эди. Ўз зийраклиги тажрибаси билан чин (ҳақ) насиҳатгўйдан сохта (насиҳатгўйни) идрок этар; ўз афкори билан сал бўлмаса «учар юлдуз»ни[1244] тўғри йўлга бошқарар, ўз фаросати мулоҳазалари билан ҳар бир бехато сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштирар эди. Мен дедим: «Гўё қаровчи кўрганини ўз кўзи билан мушоҳида этгани каби».

У ақл кўзи билан барча ишлар оқибатининг мушоҳидидир.
Агар у бирор нарсани амр қилса ёки бир нарсага ишорат.

қилса, у ундан асло қайтмасди ёки у бирор нарсага қасдланса, беқарорлик, енгилтаклик ва сусткашликка мансуб бўлмаслик учун ўз қатъияти жиловини у нарсадан сира бурмасди. Мен дедим:

Агар у бир сўз айтса ёки бир нарсага ишорат қилса,
Унинг амрини шу (иш) хусусида узил-кесил фармон деб билавер.

Унинг лақабларини қўшганларида Темурни етти иқлим соҳибқирони, еру сувни идора қиладиган (зот), подшоҳлару султонлар жаҳонгири деб атардилар.

Ҳикоя қилишларича, қозилар қозиси Валиуддин Абдурраҳмон Ибн Халдун моликий мазҳаби бўйича Мисрда қозилар қозиси бўлиб, ажойиб тарих муаллифи эди. Билимдон закийлар ва ростгўй адиблардан ҳисобланиб, ушбу тарих лафзию маъносидан воқиф бўлганлардан бирининг менга зикр қилишича, бу тарих таснифида Ибн Халдун ғаройиб (бир) услубдан юрган, аммо мен ўзим бу (китоб)ни кўрмаганман[1245].

Ибн Халдун ислом аскарлари билан бирга Шомга келган бўлиб, (лекин) аскарлар орқаларини ўгириб қочганларида тақдир уни Темур чангалига илинтирган эди. Темур суҳбатида бўлиб, синашга бўлгач, Ибн Халдун мажлисларининг бирида унга:

— Азбаройи худо, э Мавлоно Амир! Дунё фатҳларининг калити бўлган қўлингни (менга) бергин, мен уни ўпиш шарафига муяссар бўлай,— деди. Темур уни ўз суҳбатига олишни ирода этганда у араб подшоҳлари тарихидан бир ҳикояни Темурга нақл қилган бўлиб — Темур эса тарихларни ўқитиб эшитишга ниҳоятда ишқибоз эди — бу нарса уни ғоят даражада ажаблантириб, (шу туфайли) Темур Ибн Халдуннинг ўз суҳбатида бўлишини рағбат этганди[1246] — у (яна) Темурга: «Э



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мавлоно Амир! Миср сендан ўзга ноиб ҳукмидан, ёнки унда фақат сенинг амрингдан бошқа амр жорий бўлишидан хориждур. Сенга баробар келадиган (кимса) менинг насли насабим, аҳлию авлодим, ватану мамлакатим, дўсту биродарларим, хешу ақраболарим, одамлар подшоҳлари тугул барча орқаю бош, балки бутун инсоният орасида ҳам йўқдир. Чунки улар ҳаммалари бўҳтонлик қорнида (ов бўлиб) тутилиб қолганлар. Мен фақат ўз умримнинг (беҳуда) ўтиб, ўз давримнинг (бефайз) кетганига ачиниб, афсусланаман. (Ўтган умрим) қандай қилиб сенинг хизматингдан ўзганинг хизматида ўтди? Нега менинг кўзларим сенинг сиймонг нурларини ўзига сурма қилиб сурмади? Лекин қазо ўткинчидир. Энди мен ҳақиқатни мажозга алмаштираман. Шоирнинг ушбу сўзларини тилимда такрорлаш мени қанчалик завқлантиради:

Бу ҳаракатинг эвазига тангри сенга яхши сийлов ато қилсин.
Лекин сен (менинг) охирги пайтимга тўғри келиб қолдинг.

Майли, сенинг паноҳингда қайтадан иккинчи умримни бошлайман, сенинг кўланкангдан мени узоқлаштиришга замонга тажовуз қилдирмайман. Боқий умримни (сенинг) хизматингга бағишлаб, зое кетган умримни топиб, сенинг қуюшқонингга маҳкам ёпишиб оламан. Ушбу вақтни ҳаётимнинг энг азизи, (эришган) мартабамнинг энг олийси, ҳолатимнинг энг шарафлиси деб ҳисоблайман. Лекин фақат мени — улар йўлида умримни хазон қилган, (улар) таснифида ўз илмларим жавҳарини сарф этган, уларни тартиб билан битишда кечани бедорликда, кундузни ташналикда ўтказган нарсаларим — китобларим қаддимни букмоқдалар. Мен уларда дунё тарихининг ибтидосидан зикр айлаб, шарқу ғарб подшоҳлари сийратларини (тўла-тўкис) баён қилдим. Агар мен уларни қўлга киритсам, (мен) сени у (подшоҳ)лар шодасининг инжуси қилиб, улар жавҳарининг сараси ўрнига қўярдим. Сенинг сийратларинг билан улар даври хилъатларини безаб, улар асрлари пешонасига (сенинг) давлатингни тўлин ой мисоли тасвирлардим. «Чунки сен марду майдонлар отаси, жангу жадал зулматли майдонларидан шарқу-ғарбга ўз зафар ойини порлатувчисан; ҳар бир вали тилида кашф қилинувчисан, амирил-мўминин Алига мансуб қилинган жафр ва зиж илмларида ишора қилинган киши ҳамда охир замонда мунтазир бўлинадиган соҳибқирон ҳам сен-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сан»[1247]. У (китоб)лар Қоҳирада бўлиб, агар мен уларни қўлга киритсам, сенинг узангингдан асло ажралмайман ва остонангдан (бир қадам ҳам) жилмайман. Тангрига ҳамд бўлсинки, менинг қийматимни биладиган, хизматимни қадрлайдиган ва ҳурматимни ўрнига қўядиган кишини менга ато қилди»,— деб (яна) қалбларни титратувчи фасоҳатли, чиройли, балоғатли, кишини мафтун этиб, ақлини олувчи қалбаки гаплар қилди.

Шунда қувончдан Темурнинг аъзойи-бадани титраб, шодлигидан бутун вужуди ўйноқлади. Бу гаплар Темурга ёқиб, тарихлар ва подшоҳлар сийратлари ҳақидаги китобларга ишқибозлигини қўзғади. Ибн Халдун, зикр қилган подшоҳлар аҳволларини билишга Темурни маҳлиё этиб, ниҳоят ушбу ажойиб баён сеҳридан у мафтун бўлиб, лол қотиб қолди. Сўнгра Темур ўз одатию феълига кўра Ибн Халдундан Мағриб шаҳарлари ва ерлари васфини сўраб, унинг мавзеъларию йўллари, қишлоқларию сўқмоқлари, қабилаю халқларини (батафсил), аниқ баёнлаб беришини сўради. Бундан мақсад Ибн Халдунни имтиҳон қилиш бўлиб, Темур бу нарсаларга муҳтож эмас эди, чунки унинг тасаввури хазиналарида бутун мамлакатлар суратлари мавжуд эди. Бу билан Темур Ибн Халдун илми миқдорини билиб, унинг ўзига нисбатан муомаласининг самимий ёки қалбакилигини таҳқиқ этмоқни истади. Шунда Ибн Халдун бунинг ҳаммасини тили учида тургандек, гўё ўтирган жойида кўриб, мушоҳида этаётгандек, (бирма-бир) ҳикоя қилиб берди. Бу масалаларни бошидан-охир у худди Темур хотиридагидек шарҳлади.

Кейин Темур унга:

— Қандай қилиб мени ва Бухтаннасрни улуғ подшоҳлар қаторида зикр қиласан? Ҳолбуки, биз насабда у фахрли ўринларга эришганимиз йўқ,— деди.— Биз арилар раҳбарларидай эмасмиз-ку, нега энди сен бизни улуғ зотлар билан баробар кўрасан[1248]?

Ибн Халдун унга:

— Бадоатли ишларингиз сизларни ўша юқори мартабаларга лойиқ кўради,— деди.

Темурга бу сўзлар ёқиб қолиб, у ўз жамоасига:

— Унга иқтидо қилинглар, у (сизга) имом — деди.

Сўнгра Темур қози мамлакатида бўлган воқеаларни ва араб[1249] подшоҳлари ва улар қўшинлари ўртасида бўлган можарони ҳикоя қила бошлади. Кейин унга одамлар ҳақидаги хабарларни гапиришда давом этиб, ҳатто



www.ziyouz.com kutubxonasi

қозига мансуб кишилар ва унинг авлодлари хабарларини ҳам зикр қилди. Шунда қози Темур баёнидан ҳайратга тушиб: «Шайтон ўз дўстларига албатта ваҳий келтирар экан-да»[1250], деди. Кейин Темур Ибн Халдун билан уни Қоҳирага бориб, ўз аҳлию болалари ҳамда ажойиб китобларини олиб, фақат йўл масофасидан бошқа нарсага вақт сарфламасдан, чексиз орзу умидлар, олийжаноб, ишончли ваъдага амин бўлган ҳолда унинг ҳузурига қайтиши тўғрисида аҳдлашди. Натижада, Ибн Халдун Сафад томон равона бўлиб, ўша машаққатдан ором топди.

## БЎЛИМ

Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди. Унинг лутфи қаҳри ичига қорилган бўлиб, қўрслиги эзгулиги орасига қўшилган эди. Шеър:

**Қудратни жам қилган икки хил там унда бўлиб,**
**Гўё у, хурсандчилик ҳам, ҳафачилик ҳам эди.**

Яна айтилган:

**Душманларига нисбатан аччиқ юзли, қабиҳ,**
**Дўстлари учун асал сингари ширин (сўз) у, хуштаъб эди.**

Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. У табиатан масхарабоз ва шоирларни ёқтирмас, мунажжиму табибларни (ўзига) яқин тутиб, улар гапларига эътибор қилар ва сўзларини тингларди. Ўз фикрини пешлаш мақсадида у муттасил шатранж ўйнарди. Унинг ҳиммати кичик шатранж (ўйнаш)дан олий бўлиб, у катта шатранж ўйнарди. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир (хона), бўйи ўн (хона)дан иборат эди. Унда ортиқча икки туя, икки жираф, икки талийъа (олдинги), икки зубаба (чивин), вазир ва булардан бошқа тошлар бўлиб, унинг (аниқ) сурати кейинроқ келади. Кичик шатранж катта шатранжга



www.ziyouz.com kutubxonasi

нисбатан арзимас нарсадир. Темур тарих (китоб)лари, худонинг раҳмати ва саломи бўлғур анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо — сафарда ҳам, хадарда ҳам — ўқитиб, қунт билан тинглар эди. Буларнинг ҳаммаси форс тилида эди. Ушбу ҳикоятларнинг қайта-қайта такрорланиб ўқилиши, улар нағмаларининг унинг қулоғига муттасил чалиниши натижасида Темур у (ҳикоят)лар жиловини қўлига олиб, батамом ўзлаштириб, гўё ўз мулки мисоли қилиб олган эди. Бу шу даражага бориб етгандики, агар ўқиётган киши бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб, саволга солар эди, чунончи (ортиқча) такрор эшакни ҳам фақиҳ қилиб юборади.

Темур саводсиз бўлиб, ҳеч нарса ўқимас ва ёзмасди; араб тилини мутлақо билмасди; форс, турк ва мўғул тилларидан ўзига яраша биларди. Темур Чингизхон қоидаларига эътиқодли бўлиб, (унинг назмида) ушбу қоидалар ислом динидаги фиқҳ фуруълари каби эди. У Чингизхон қоидаларидан юриб, уни Муҳаммад шариатидан[125] устун тутарди. Шунингдек, ҳар бир чиғатойлик, Дашт, Хитой ва Туркистон аҳли ва ўша авомларнинг ҳаммалари тангри лаънатлаган Чингизхон қоидаларини ислом қоидаларидан устун қўярдилар. Мана шу жиҳатдан ва шунингдек, бошқа жиҳатлардан мавлоно шайхимиз, худо раҳмат қилғур Ҳофизуддин Муҳаммад ал-Баззозий ва мавлоно саййидимиз, худо умрини узоқ қилғур Алоуддин Муҳаммад Ал-Бухорий ва ислом (дини)нинг улуғ ва машҳур уламою имомларидан, булардан бошқалар. Темур ва Чингизхон қоидаларини ислом шариатидан муқаддам қўйган ҳар бир кимса куфри ҳақида фатво берганлар.

Айтишларича, Шоҳруҳ Таврот ва Чингизхон қоидаларини бекор қилиб, ўзларининг сиёсатини ислом шариати анҳорларидан жорий бўлишини амр қилган. Буни тўғри деб ўйламайман, чунки Чингиз қоидалари улар наздида муайян бир дин шаклига кириб, чинакам эътиқодга айланиб қолган. Шундай бир тасодиф рўй берсаки, Темур барча амалдор ва қонуншуносларини бир саройга тўплаб, сарой эшикларини қулфлатса, кейин уларга Темурнинг (шу жойга) келганлиги хабар қилиниб, шу (ёпилган) эшиклардан озгина очилса, улар ҳаммалари гўё «эшак югуриш» қилиб ўзларини эшик томон урардилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БЎЛИМ

Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топилади. У ерларининг барча томонларида ўз айғоқчиларини тарқатиб, қолган мулкларида эса жосуслар қўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан, унинг амалдорларидан бири амир Отламиш бўлса, яна бири фақир фақиҳ Масъуд ал-Кухжоний[1252] — у Темур девони асҳобларининг кўзи эди. (Жосусларнинг) буниси Қоҳирада, Муизияда бўлса, униси Дамашқда, Шамийсоиядаги суфийлардан бири эди. Улардан бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва бузуқи дорбоз; жафокор ва ҳунарманд, мунажжим ва ўз табиатича иш қиладиганлар, гапчиноз қаландарлару саёқ дарвешлар, денгизчи маллоҳлару қуруқлик(ер)даги сайёҳлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва хийлакор Далла мисоли фирибгар кампирлар, тажрибаси бўлиб, илм талабида мағрибу машриқни кезган, пайига тушган мақсад йўлида макр-хийла маконида камолига етган, ўзининг нозик фирибн ва даҳоси билан сув билан олов, тўғрилик билан эгрилик ўртасида униб-ўсган, макру хийлада Сосон ва Абу Зейддан ҳам ўтиб кетган, ўз ҳикмати ва баҳсида Ибн Синони ҳам мулзам қилган, (қачонки ўйлаган) ишлари ўзларига тескари натижа бергач, улар ўз сўзамолликлари билан юнонликларни сукутга солган, икки мухолифни бир-бирига бириктириб, икки душманни бирбирига қўшган (уддабурор) кишилар эдилар. Мен шеър айтдим:

Адоват учун ҳар қандай қўшин сургандан устун чиқди,
Сўз билан узоқни яқин қилди.
Қўмондонликда ақл ва нақлни бирга қўшди,
Ошиққа йўл кўрсатиб, маъшуқни (тўғри) изга йўллади.

Натижада, у (жосус)лар чор-атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлари, нарху наволари тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва дарёлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узоқ, тор ёки кенг-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқдами (эканлигини), шаҳарлар ва қишлоқларнинг исмларини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар бир жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шуҳрати ва насабини, уларнинг ҳунари ва (эга бўлган) воситаларини (тўлатўкис) баён қилардилар. Натижада, Темур ўз фикри билан шу (нарса)ларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди. Мабодо у бирор шаҳарда қўниб, шу шаҳар аъёнларидан бири билан суҳбатлашса, у дарҳол фалону фулон тўғрисида, фалон киши билан фалон вақти содир бўлган ҳодисанинг қай тарзда бўлганини ва ўша воқеанинг нимага бориб тақалганлигини, фалон билан фулон ўртасида низо тушганда, улар қандай иш тутганлигини суриштира бошларди. Шунда ўша суҳбатдошининг назарини шу воқеалар юз берган пайтда Темур ҳозир (бўлган) экан-да, деган фикр камраб оларди. Кўпинча Темур ўз суҳбатдошига чалкаш масалаларни ташлар, (уларга) ораларида бўлиб ўтган мунозаралару мукотабалар тафсилотини (ўз аслидай) ҳикоя қиларди. Улар гўё Темур ўша бўлиб ўтган воқеалардан олдиндан воқиф ёки бўлмаса, бу хабарларнинг ҳаммасини ўз олимлари орқали билади, деб тасаввур қилардилар. Шу сабабли ҳам баъзи кишилар Темурни Солорияда истиқомат қилган деб ўйласа, баъзи лофчилар ҳатто уни Шамийсоия фақирлари орасида кўрганлигини ҳикоя қилардилар.

## БУЛИМ

Темурнинг идроклилиги тўғрисида ҳикоя қилганлардан: қачонки у Сивос яқинига келиб тушганда — у (Сивос)ни ботир ва шиддатли қўшинлар мустаҳкам қўриқлаб тургандилар — ўз аскарига: «Ҳийла ишлатинглар, биз бу (қалъа)ни ўн саккиз кечада фатҳ қиламиз»,— деди. Натижада, мана шу тарзда бўлди. Шунингдек, ҳеч шубҳа йўқки бу чўлоқ (тангри томонидан) илҳомланган ва аста-секин даражаси ошадиган (киши) эди. У (одамларни) чалғитиш қобилиятига эга бўлиб, ҳаракатларида шиддатлик (асари) бор эди. Агар унинг бошига бехосдан бир (мушкул) иш тушса, у ўзини гўё



www.ziyouz.com kutubxonasi

ушбу ишкалга марғуб кўрсатиб, (аслида) уни даф қилишга киришарди. Кўпинча у бирор нарсани қўлга киритишни бажонидил истаса ҳам ўз рағбатини тийиб, изҳор қиларди. Буларнинг ҳаммасига қанчадан-қанча мисоллар (илгари) ўтди. Унинг (одамларни) чалкаштиришидан (бир мисол) шуки, агар унда бирор маконга нисбатан хоҳиш туғилса ёки бирон қавм майдонига тушишни истаб қолса, хуфялик ва бекинишга юз қўйиб, қалбаки ҳаракат ва ўзини гўлликка солишни талаб этарди. Унинг аскар денгизи эса жосуслик қилувчи тимсоҳ ёки сезгир чигирткадан холи бўлмасди. Агар унинг аскари ичида биронта «кўз» бўлмаса, (унда) қуёшнинг чиқиши кўзлик кишига сир эмасдир.— У ўз давлати арконларини, мамлакати аъёнларини, ўз мулоҳаза ва машварат эгаси бўлган кишиларининг бирортасини ҳам қолдирмасдан тўплардики, бола отанинг, ота эса боланинг ўрнини босолмасди. Сўнгра уларга махфий тутган масаласини зоҳир қилиб, қайси томонга юриш ҳақида (улардан) маслаҳат сўрар ҳамда гап жиловини уларга ташлаб қўйиб: «Халқнинг хос қисми бу масалага чуқур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кўзлаб гапирса унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хатонинг энг қуйисигача йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кўтарилса ҳам — фарқи йўқ, ҳеч бир тортинмасдан гапираверсин. Чунки агар хато қилса, бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофот»,— деярди. Шунда ҳар ким ўз жидду жаҳдини сарфлаб, бу масалада мақсади ва меҳнатини кўрсатиб, ўз ижтиҳоди берган натижасини намоён қилар, ўйлаган фикри Темур муродига мувофиқ деб тасаввур этарди. Шу тарзда ҳамма фикрлар тўпланиб, бир томонга қараб юришга иттифоқ бўлгач, ушбу мажлис (аҳли) тарқаларди. (Бундан кейин) у ўзининг Сулаймоншоҳ, Қамарий, Сайфуддин, Оллоҳдод, Шоҳ Малик ва Шайх Нуруддин каби яқин кишилари билан мажлис қуриб, масалани қайтадан ҳар томонлама бағоят пухта ўйлардилар ва ҳамма йўлларни диқат билан муҳокама қилардилар. Ниҳоят, бир томонга юриш қилиш тўғрисида иттифоқ воқеъ бўларди. Кейин Темур бу масалада ўзининг йўлбошловчи, раҳбару бошлиқларини чақириб, ўша (аввал) келишилган томонга қараб йўл олиб, (фақат) бошқа тарафга қараб тарқалишларини амр қиларди. Қачонки зулмат ўз чодирини бузиб, субҳ бошловчиси ўз байроқларини ёйгач ва жўнаш учун ноғора чали-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб, одамлар ўз юкларини ортиб боришга келишилиб, амр қилинган томонга равона бўлганларида, Темур ўз ҳошияларини чақириб — улар ҳам ўз юкларини ортиб, жўнай бошлаганларидан кейин — (одамлардан) ажралишларини ва бошқа томонга қараб юришларини амр қилардн. Масаланинг ойдинлиги (қайси томонга юришлик) жамоага фақат шу онда аён бўлар эди. Агар зарурат бўлмаса, бориладиган жойни сира ҳам ошкор қилмас ва ўз дилидаги (фикр)ни биронтага ҳам билдирмасди. Одамлар у томонга кетса, Темур бу томонга, аскарлар ғарбга юрса, Темур шарққа юрарди. Натижада, ўша тоғлар (аскарлар) изтиробга тушиб, парокандалик бўлар, улар низомлари тугуни тарқаб, сал бўлмаса тартиби тўзиб кетарди. Улар уловларининг оёқлари юришдан бўшашиб, боғланиб қоларди. Одамлардан баъзилари бошқа, баъзилари устига мавж уриб, улар осмонни ерда, энини бўйида қилиб тескари тушунардилар. Ҳар кимса идрокини йўқотиб, ақлдан озар ва қаерга боришини билмай қоларди. Агар унинг аскари ичида (душманнинг) хабарчиси ёки аскарнинг боришкелишини кузатиб юрувчи киши бўлса, у дарҳол аскарларининг юкларини ортиб кўзғалиб, юра бошлаганини кўрган заҳотиёқ ўз махдумига қараб (қушдай) учиб бориб, унга ўзига маълум бўлган хабарни — яъни иттифоқ бўлган томонга қараб Темур аскарларининг отланиб жўнаганини ўз кўзи билан мушоҳада этганлигини изҳор қиларди. Шунда аскарлар жўнаган томон аҳли ўз эҳтиёткорлигини кўриб, бошқа томонлар эса ҳар хил кулфатлардан ўзларини бехатар сезардилар. Улар фақатгина Темур (кейин) қасд қилган томонни яксонлаб, вайрон қилгандан ва улар устига ёнаётган олов азобидан алангаю чўғлар ташлагандан кейингина воқиф бўлардилар.

Темур қанчадан-қанча даҳо ва ҳуфёна фикру[1253] заковатга эга эди! Шулар жумласидан: Темур Шомда бўлиб, ислом аскарлари унга қарши турганда, у ўз қўшини ҳалқасини бўшашди, деб ишоат тарқатиб, озроқ орқага сурилиб чекинди ҳамда отларию одамларининг емишга муҳтожлиги учун ўзини энди Бағдод томонга жўнайди, деган хабарни ёйди. Сўнгра бу ишнинг натижаси Миср аскарларининг мағлубияти билан тугади. Бундан унинг мақсади, рақиблар хотирларини жамлаш, бошлиқларию авомларини (бир жойга) барқарор этиш, улардан ҳар бирининг ўзи тутган (макони)ида бўлиб, (ўз) жойида



www.ziyouz.com kutubxonasi

туриб, қочмасдан ҳаммалари унинг домига ўралиб, барчалари унинг сайдига айланиши учун эди.

Унинг азму қарорининг шиддатидан, ўзи қасд қилганига нисбатан саботининг қатъиятидан ҳамда унга қаршилик билдирган ва у буюрганга тескари, зидлик кўрсатган (киши)лар устига қасоси тушиши ҳақида ҳикоя қилганларидан:

Қачонки у ўз қўшини билан Ҳиндлар мамлакатига отланганда, у баланд бир қалъага етиб бордики, қалъа дарвозалари қулоқларига дур сирғалари осилган, бехато нишонга етувчи учар юлдузлар қалъа латофатли ўқларининг тўғри отилишидан таълим олган; гўё Баҳром ҳавога учишидан унинг ханжаридан бири, Кайвон ўз сайрида у қалъа посбонлари ходими (мисоли) эди. (Гўё) Қуёш ўз чўққисига кўтарилганда қалъа манглайидаги бир ғуррадек, булут қатралари қалъа булоғи қаъридан сузилиб, тозаланиб қуйилаётгандек, (гўё) қизил шафақ қалъа дарвозалари қулоқларидаю унинг баданлари бурунларида чодирлар (каби), яшил қубба юлдузлари парчалари қалъа кўз сурмадонлари ва ундаги тўплар оғизлари учун тараша (чўқмор) ва милтиқлардир. Қалъада бир тоифа довюрак, қўрқмас ҳиндлар бўлиб, улар қалъа аҳлини ва хавфланган нарсаларини жамлаб, маноатли жойларга жўнатиб, ўзлари ўша қалъанинг ичида туриб, уни сақлаб туравердилар. Ушбу тоифа озчилик ва арзимас тўда бўлиш билан бир қаторда, уларда на бойлигу, на озиқ-овқат бор бўлиб, балки зиёну заҳматлардан бўлак ҳеч қандай «фойда» йўқ эди. На жанг қилиш учун қалъа (яқини)га йўл, на унинг атрофларида улар учун на тунда ухлайдиган, на кундузи ором оладиган жойи бўлмай, фақат ушбу қалъа жангчилари бошидаги (яккаю ягона) соябон эди. Натижада, Темур қалъани қуршаб, уруш қилиб уни олмай ўтиб кетишдан воз кечди. «Ростдан ҳам ақл-идрокли киши ўз орқасида рақибига қўрғон қолдирмайди»[1254]. (Ҳиндлар) гуруҳи узоқдан жанг қилиб, тўқнашишни бошлаб, қалъа аҳлидан ҳар бири ўз хоҳишича ва қай тарзда истаганича Темур одамлари устига ўлим воситаларини тўкардиларки, ҳар куни Темур аскарларидан беҳисоб даражада қатлга етказиларди.

Бу билан қалъа ўз қаршилиги ва исёнини зиёда этар, Темур эса ундан ўз ниятига эришмай кетишни рад қиларди. Сўнгра, муҳосара кунларининг бирида ёмғир қуйиб, бу ёмғир туфайли Темур аскарлари нари юра



www.ziyouz.com kutubxonasi

олмай қолдилар. Темур уларни жангга даъват этиб, шу дамда аскари нима билан машғул эканини (шахсан) кўрмоқ учун отланди. Шунда улар ҳаракатида сезилган қўрқиш ва журъатсизликдан Темур норози бўлди. Натижада, амирлар бошлиқларини, аскар заимларинию акобирларини (ўз ҳузурига) келтириб, улар исмати терисини ўз сўкиш ханжари билан парчалаб, ҳурмат пардаларини эса ўз лаънатию койиши чангаллари билан йирта бошлади. Шайтон унинг димоғига (ногоҳ) дам уриб, Темур ўз қаҳру ғазаби оловларини улар устида алангалатиб, деди:—«Э, пасткаш харомхўрлар! Сиз менинг неъматларимни унутиб, ғанимларимга нисбатан саботсизлик кўрсатяпсиз! Неъматларимни тангри сизга увол қилиб, (ўша) неъматлар ношукурлигига жафоюжазо билан сизнинг таъзирингизни берсин! Э виждонсиз, гуноҳкору нозу неъматга ношукурлар, ҳиммати пасту интиқомга сазоворлар! Менинг шижоатим қадамлари ёрдамида сиз подшоҳлар бўйинларини топтамаганмидингиз? Менинг эҳсону икромларим қанотлари билан дунё уфқлари томон учмаганмидингиз? Еки (менинг) савлатим шамшири билан бекик қўрғонларни фатҳ этиб, давлатим паноҳида сизнинг ҳукмингиз подалари барча иқлимлар бўстонларида бемалол ўтламаганмиди? Мен туфайли дунёнинг машриқию мағрибига эга бўлиб, у жойларнинг музлаганини эритиб, эриганини музлатдингиз.

Шеър:

Мен душманингизни куйдирадиган олов эмасманми?
Сизлар сиғинадиган тепаликлардан бир қўрғон эмасманми?

Унг қўли билан сизга хайрини сочиб, чап қўли билан сиздан
ёмонликни қайтарган мен эмасманми?

(Шу зайлда) у валдираб, шу минғирлаш, вайсашу вижирлашда (тўхтамасдан) давом этар, улар эса сукутга толиб, жавоб беришга ҳамда унинг «сўзини бўлиб, хитоб қилишга ҳам ботина олмасдилар»[1255]. Унинг ғазаби кучайиб, шиддатидан бўғилиб ўлаёзарди. Сўнгра чап қўли билан қиличини ўйнатиб, ўша асирлар бошига қараб ҳавола қилди, улар бўйинларини ўз қиличига ғилоф қилиб, қиличи тиғини улар қонларидан суғоришни истади. Улар эса шу тарздаги хўрлигу тубанликка ўзларини фидо айлаб, «бошларини қуйи эгиб»[1256] турардилар. Шундан кейин (Темур) бир оз ҳовуридан тушиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзини тутди, бирқадар босилиб, хотирини жамлади ва уларни сўйиш фикридан қайтиб, қиличини қинига солди. Ўз амрида на олдинга юриш, на орқага қайтиш: на ўнгга буриш, на чапга ҳайдаш ҳақида ҳеч нарса айтмасдан отидан тушиб, ўйнаш учун катта шатранж чақиртирди.

Темурнинг ёнида Муҳаммад Қовчин исмли бир шахс бўлиб, унинг ҳузурида мустаҳкам ўрину ишончли мақомга эга эди. У барча вазирлардан муқаддам қўйилган, бошқа амирларга нисбатан ҳурмати юқори, гапи тингланадиган, фикри қабул бўладиган, ғоятда мулойим, шакл кўриниши севимли эди. Натижада, у (мискин)лар Муҳаммад Қовчиндан шафоат сўраб, бу мушкалини ҳал қилишда унга таяндилар. Улар: «ўз сўзинг биланми, ёинки (меҳрли) боқишинг биланми, бизга кўмаклашиб, биз билан мана шу маънода иш тутгин»,— дедилар:

Мен дедим:

Ўз мавқеинг билан сенга муҳтож кишига ёрдам қил,
Чунки мавқе муруввати мол-дунё муруввагидан устундир.

Яна айтилган:

Дўстнинг дўстга энг яхши хайр-эҳсони,
енгил ва осон нарсадан бир-бирига (тортинмай) сўзлаши.

Яна айтилган: «Агар киши менга сўз билан берадиган фойдасига бахиллик қилиб, дўстлигига ғов бўлса, албатта у бахилдир». Натижада, Муҳаммад Қовчин улар илтимосига рози бўлиб, ушбу (қалъани олишдек) мушкул масаладан Темурни қайтаришни ўзига лозим деб билиб, бу ишга бел боғлади ва бу фикрни Темурга айтиш учун муносиб мақом кутиб, қулай фурсат пойлади. Темурнинг фикри-зикрини эса қалъа масаласи жавлон уриб, чулғаб олдики, у аскарлар нурларини нурлантириб, (қалъани олиш фикри билан) улар фикрларини алангалантира бошлади. Аскарлардан ҳар бирини унинг раъйи маъқул топиб, тўғри деб ҳисоблаган фикрни қабул қилишдан бошқа иложи бўлмади. Шундай пайтларнинг бирида Муҳаммад Қовчин иттифоқо деди — дарҳақиқат, тақдир уни (йўлидан) адаштириб, ҳар томондан уни мусибат офатлари ўраб олган эди —«Тангри мавлоно Амирнинг умрини боқий қилгай, унинг мулоҳазалари ва байроқлари калитлари билан ҳар бир мушкул масала қўрғони очилгай! Фараз қилайлик, бирмунча ботиру мардларимизни қурбон бергач, (биз) бу қалъани



www.ziyouz.com kutubxonasi

фатҳ этамиз. Бу (қалъа) ўша (қурбон)ни қоплайдими? Ёки бўлмаса, бундан оладиган фойдамиз (ундан) чеккан азиятимизга баробар келадими?»

Унинг хитобига Темур эътибор қилмади ва жавоб ҳам, рад ҳам этмади, балки Марқадориядан Ҳиромалик деган манзари қабиҳ, хунук ҳолатда бўлган бир кимсани чақиртириб келтирди. У сассиқ терли, юзи қоракуядек қора, ошхонадаги кишидан кўра ҳам ифлос, қушхонадигидан ҳам кўра баттар бадхўй ҳидли, итнинг сўлаги унинг теридан тозароқ, қатрон шарбати унинг (ичадиган) шўрвасига нисбатан сутдек (оқ) эди. Қачонки у Темур ҳузурига келиб, назари Ҳиромаликка тушгач, Муҳаммад Қовчиннинг кийимларини ечишга амр қилдики, дарҳол унинг кийимлари ечилди. (шунингдек) Ҳиромаликнинг ҳам жулдур кийимларини ечиришга буюрди. Сўнгра улар (иккови)га бир-бирининг кийимларини (алмаштириб) кийгизди ва Муҳаммад Қовчиннинг белини Ҳиромалик айили билан тортиб боғлатди. (Кейин) Муҳаммаднинг девонларию мубоширлари, унинг жонлию жонсиз (мол-дунё)сини забт этувчилари ва котибларини чақирди. Улар орқали унинг мавжуд чорвасию ўлик моллари, суюқ ва қаттиқ (яъни тилло-танга ва латта-лутта), ер-сув ва мулки, аҳлию диёри, араб ва ажамдан бўлмасин, хизматкору малайлари, вақф ва иқтоълари, боғ-роғларию яйловлари, қул ва тобеълари, оту туялари, юк ва қимматбаҳо буюмлари, ҳаттоки хотинларию канизаклари, қуллари ва жорияларининг (ҳаммасини) суриштириб, аниқлади ва мана шу ифлос (Ҳиромалик)га инъом қилди.

Натижада, Муҳаммад Қовчин вужудининг кундузи тунга айланиб, у ушбу неъмат кечасидан (ҳам) тўла-тўкис маҳрум бўлди. Кейин Темур:

— Тангри номи (билан), унинг оятлари, калималари, сифатлари, еру самолари, ҳар бир пайғамбару унинг мўъжизалари, ҳар бир валию (унинг) кароматлари ва у кимсанинг бошию жони билан қасамёд қиламанки, агар кимда-ким Муҳаммад Қовчин билан бирга овқатланса ёки биргалашиб сув ичиб, у билан (бирга) юрса, ёинки у билан дўстлашиб, унга садоқат изҳор қилса, ёинки ундан бошпана изласа, ёки унга паноҳгоҳ берса, ёинки унинг хусусида менга мурожаат қилса, ёинки мендан у ҳақида шафоат сўраб, уни маъзур кўриш билан машғул бўлса, дарҳол мен у (киши)ни худди унга ўхшатиб, унинг куйига соламан,— деди. Сўнгра уни ҳай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

даб чиқартирди ва (бутун) эзгуликларини шилиб олиб, уни танг аҳволга солди. Натижада, Муҳаммад Қовчиннинг (бутун) неъматлари таланиб, у Темур интиқоми балоларига гирифтор бўлди. Унинг бўйнидан судраб тортдилар, у (Муҳаммад Қовчин) ўз бойликларини халойиқнинг энг арзимагани (Ҳиромалик) устида кўрди; ўзидан бошқа бойлигига эга бўлиб, ундан мол-дунё йироқлашиб натижада, унинг юрак-бағри пора-пора бўлди.

Муҳаммад Қовчин шу зайлда аччиқ ҳаёту қатрондек қора умрда давом этди. Магарам, унинг қиссаси ҳам Кааб ибн Моликнинг қиссасига ўхшаб кетди. У (бунақа ҳаётдан) ўлим аламини афзал кўриб, бу дунёдан кетиш ишорасини сабрсизлик билан кутарди. Бу ғамгинликнинг ҳар бир лаҳзаси унинг учун мингта қилич зарбасидан ҳам оғир эди. Қачонки Темур ўлгач, Халил Султон Муҳаммад Қовчинни (қайтадан) тирилтириб, бобоси шилиб олган (нарса)ларни унинг ўзига қайтарди.

## БЎЛИМ

Темурнинг мағрурлиги ва улуғворлигидан, такаббурлик, димоғдорлик ва ҳурматининг шиддатидан шу эдики, теварак-атроф подшоҳлари ва султонлари гарчи ҳутбада мустақил ва пул зарб этишда мустабид, риёсат ва бошқарувда ягона, идора (қилиш) ва сиёсат ишлари билан (ўзларича) машғул бўла туриб, худди Ширвон ерларининг подшоҳи Шайх Иброҳим, Хуросон вилоятлари султони Хожа Али Ибн Муайяд ат-Тусий, Исфандиёр, ар-Румий ва Ибн Қарамон, Кармон ҳокими Якуб Ибн Али Шоҳ, у ҳам Манташо ҳокими, Арзинжон амири Таҳартон, Форс ва Озарбайжон султонлари, Дашт, Хитой ва Туркистон подшоҳлари, Бадахшон марозибалари ва Мозандарон марожиҳалари, хулласи калом, Эрон ва Турон подшоҳларидан (Темурга) итоат қилганлар унинг ҳузурига келиб, ҳадя ва туҳфалар тақдим этсалар, хизматкор ва қуллик остоналарида унинг чодирларидан кўзга чалинадиган жойда адаб ва ҳурмат шартларини адо этиб ўтирардилар. Башарти, Темур улардан биронтасини (кўришни) ирода этса, фаррошлардан бирини унга юборар ёки улар тарафига чопарини жўнатар эди. Шунда ўша чопар туриб, гўё баридга ўхшаб чопиб борар ва узоқроқ жойдан ўша (матлуб) кимсанинг отини



www.ziyouz.com kutubxonasi

тутиб: Э фалон!,— деб нидо қиларди. Дарҳол ўша чақирилган киши хабарчининг нидосига «лаббай» деган ҳолда ўрнидан турар ва ўз этакларига қоқила-қоқила, ўзига содир бўлган фармонларга қабулу иқбол келтириб, итоат ва қуллиқ билдириб бошини эгган, тинглаш ва қулоқ солиш қулоқларини тутган ҳолда (Темур) уни яқин тутиб, унга илтифот қилиб, ҳузурига чақирганлигидан ўз тенгдошлари олдида фахрланган тарзда Темур томонга югурар эди.

Айтишларича, кунлардан бир кун Темур жамоасидан бир гуруҳ, одамлар нард ўйнардилар. Улар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, икки тўпиқ нақши устида ўрталарида ихтилоф чиққан. Шунда ўйинчилардан бири: «Амир Темур боши билан қасамёд қиламанки, тўпиқларнинг нақши мана шундай тарзда эди»,— деди. Шу заҳоти унинг рақиби қўлини кўтариб, уни бир шапалоқ урди ва уни койиб лаънатлаб сўкди. (Қасам ичган) киши рақибининг наздида, гўё Яҳёни сўйиб, Закариёни[1257] арралагандек, ёки Муҳаммадни кофир айлаб, олам Отадан Мусони муқаддам қўйгандек бўлдики, у деди: «Э, гуноҳкорнинг боласию кирчи (хотин)нинг ўғли кирчи! Сенинг ҳурматсизлигинг Амир Темурни зикр қилиб, унинг номини оғизга олиш даражасигача (бориб) етди. Темур боши билан қасам ичиш у ёқда турсин, унинг чориғи товонига лунжингни қўйишга ҳам сенга йўл бўлсин! Зеро у, сену менга ўхшаганлар учун унинг исмини тилга олиш ёки унинг чизган чизиғию кўрсатмаси ҳақида бир лафз айтишдан ғоятда юқори туради. У Мағрибу Машриққа эгалик қилган Кайхусрав, Кайковус ва Қайкубоддан улуғвор, Бухтаннаср ва Шаддоддан кўра ҳам савлатлидир».

Айтишларича, кунларнинг бирида Темур сайд қилмоқни истаб, ўз одатига кўра ўнгу чап (томон)га қўшини ва аскар тўдаларини юбориб, пиёдаларининг ана у майдонларга, отлиқларининг мана бу қишлоқлару адирларга чиқишларини ҳамда жилғаю текисликларга чўзилиб, ёйилишларини буюрган. Қачонки (у далалардаги) ваҳшийларни фириб ҳалқаси сиқиб (ўраб) олиб, рамо (отмоқ) ва асмо (ўлдирмоқ) «феъл»лари учун Амру Зайд ўзаро низо чиқариши дуруст бўладиган пайтда, ҳеч бир киши овга қараб на зарба, на таъна, на отишга ишорат бермайди, балки улар ушбу саҳро ҳайвонларини шу ўлим ўчоғига қайтариб турадилар. Ҳар ким ўзига фармон қилинган (амр)га амал қилади. Қа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

чонки ўша тўдалар ва гуруҳлар сафи бир-бирига жипслашган бинолар каби терилиб, бу парчаловчи (аскар)лар сафлари у ҳайвонларни гўё ойни (ўртага) ўраб олган юлдузлар мисоли ўраб олгач, ҳайвонлар денгизлари ушбу (қуруқлик) жойда мавж урдики, бу тошқин селлар гирдобидан у (ҳайвон)лар учун на чиқадиған, на ўтадиган жой топилди. Натижада, ҳайвонлар айланиб қўзғолдилар, ҳайратланиб безовталандилар, маърашиб талпиндилар ва вағиллашиб фиғон қилдилар, дод-фарёд қилганларидан кейин тинчидилар ҳамда доимо уларга кенг бўлган ерларда сиқилдилар. Ўша ер байроқларининг хилъатлари шу «ҳайвонлар йиғилганда»[1258] улар қаторлари билан тикилди. Қачонки у ваҳшийлар шу аҳволда ғоят даҳшатли вазиятда эканларида, Темур, ҳар тарафдан ноғораларни уришга най ва карнайларни чалишга амр қилди. Шундан кейин косалар урилиб, сурнайлар овози ҳам кўтарилиб, бутун олам шовқин-сурон, дод-войга тўлиб кетди; «еру дунё титраб»[1259], атроф алғов-далғов бўлди.

Ҳайвонлар ноғоралар овозини эшитиб, ваҳшийлар бу даҳшатли ҳолатни кўрганда ҳолдан тойиб, ўтакаси ёрилди, сулайиб, қимир этмай қолдилар. Сўнгра бир-бирининг пинжига кириб (бир-бирларига) ёпишдилар ва қиёмат-қойим бўлди, деб тасаввур қилдилар; баъзилари баъзиларининг бўйнидан қучоқлаб ухладилар, ҳўкизлар (урғочи) шерларни қучоқлади, шер эса кийик билан (бирга) ётди, бўри эса оҳулар орасига яширинди, тулки қуён болаларига қўшилди, ёввойи эчки туяқушдан паноҳ тиласа, қуён қирғийдан ёрдам сўради, калтакесак катта балиқдан, қўшоёқ қарғадан мадад истади. Ана шу дамда Темур ўз авлоди ва амирларининг болаларию набираларига ҳеч бир иккиланмасдан истаганию (у ҳайвонлардан) отишни, шилишни, ўлдиришни буюриб, ўзи эса уларга назар солиб, (уларнинг ишларини) томоша қила бошлади. Уларнинг ҳаракату ҳолатларини кўриб, қаҳқаҳа отиб кулар, уларни олға ундаб, курашга чорлар, бу билан гўё ботирларни ов қилишга журъатлантирарди. Аскар ҳошиялари улар ўлдирган овларни тугатиб, кўпайтирган ўлжаларини йиғиштира бошладилар.

Темур тараннум қилиб (ушбуни) нашида этарди:

> (Ўзга) подшоҳлар қуёну тулкиларни овлашади,
> агар мен отлансам-овим (душман) ботирларидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУЛИМ

Темурга Балахшондан балхаш[1260], феруза Нишопур, Козирун[1261] Хуросон маъданларидан, Ҳинддан ёқут, ундан (Ҳинддан) ва Синддан олмос, Ҳурмуздан[1262] марварид, Хитойдан духоба, бахмал, яшм, мушк ва бошқа ашёлар, холис кумуш ва соф олтин бошқа мамлакатлардан олиб келинарди.

## БУЛИМ

Темур Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этди. Уларнинг ҳар қайсиси ғаробатли тартибда, кўркам ва ажиб сувратда эди. Бўстонлар асосини мустаҳкам қилиб, фаҳоматли мевали кўчатлар билан уларни безади. Улардан бирини Эрам боғи, иккинчисини Дунё зийнати, яна бошқасини Фирдавс жаннати, унисини Шимол боғи, бунисини Олий жаннат деб атади. Шунингдек, баъзи жойларни буздириб, у бўстонлардан ҳар бири ичида бир қаср қурдирди. Бу қасрларнинг қай бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли шаклларда: бирида кулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, ўзи қилган жанглар тасвирларини, расмий тантаналардаги суратларини; подшоҳлар, амирлар, саййидлар, уламолар ва улуғлар билан суҳбат қурган мажлисларини; султонларнинг унинг ҳузурида қўл қовуштириб туришларини, хизмат юзасидан бошқа мамлакатлардан ҳузурига келган уларнинг подшоҳу султонларининг вакилларини, ўзининг ов халқаларию яширин хайдларини, Ҳинд, Дашти (Қипчоқ) ва Ажам жангларию ўз зафарлари суратини, душманларининг қай аҳволда енгилиб қочганини; ўз авлодлари, набиралари, амирлари, қўшинлари суратларини; айшу ишрат мажлислари ва шароблари қадаҳларию қадаҳлари соқийларини, ўз улфати қўшиқчиларининг, турли мақомдаги ғазалхонлик куйчиларининг, ҳузуридаги севгилиларию (никоҳидаги) пок хонимларнинг ва булардан бошқа унинг бир-бирига ўхшаб, уланиб кетган, унинг бутун умри мобайнида ўзга мамлакатларда воқеъ бўлган ҳодисалар суратларини тасвирлатди. Булар ҳаммаси ҳеч бир ноқиссиз ва зиёдасиз, қай тарзда юз берган бўлса, шундайлигича акс эттирилди. Бундан мақсади: ўзининг ишларидан ғойибона хабардор бўлиб, уларни



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб кўрсатиш эди.

Агар Темур бирор томонга отланиб, Самарқанд (унинг) қўшинларию ёрдамчиларидан холи бўлиб, ўша бўстонлар бўш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у (бўстон)ларга қараб йўл олардилар. Чунки бу боғлардан кўра яхши ва ажойиб дам оладиган, булардан кўра роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баббаравар (текин) эди. Чунки мевалардан бир қинтори ҳам арзимаган баҳога бўлса-да, сотилмасди. Шунингдек, Темур Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар бунёд қилиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира) Димашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби азим ва марказий шаҳарлар номи билан атади[1263]. Самарқанд билан Кеш (Шаҳрисабз) ўртасида бир бўстон барпо этиб, унда бир қаср қурдирди ва уни Тахта Қарача[1264] деб атади. Ҳикоя қиладиларки, қаср қурувчиларидан бировининг бияси йўқолиб, олти ой шу бўстонда ўтлаб юргандан кейин уни топиб олган.

## БЎЛИМ

Унинг хотинларидан энг муқаддами ва баркамоли Катта Малика (Сарой Мулк хоним), энг ҳусндори ва соҳибжамоли Кичик Малика (Тўкал хоним) бўлиб, улар иккаласи ҳам Хитой подшоҳларининг қизларидан эди. (Яна) шу китобнинг аввалида зикри ўтган Нахшаб амири амир Мусонинг қизи Тумон, шунингдек, баркамолликда тўлун ойдек бўлиб, ғурубига яқинлашган қуёш мисоли Чўлпон эди. Воқеъ бўлмаган бир иш хабари (қулоғига) етганда Темур (ўзи) ҳаёт вақтида уни қатлга тортади. Ўша воқеа хоҳ ҳақиқат, хоҳ ёлғон бўлса ҳам Темур уни (тўғри деб) қабул қилган. Ўйлайманки, у (хотин)нинг гуноҳи бўлган. Аммо жория ва маъшуқалари эса сонсиз-саноқсиз кўп эдилар. Ўз севгилиси (Халил Султон) учун хавфсираб, Шодмулк зикр қилинган икки маликани заҳарлади[1265]. Аввал айтилганидек, Халил Султон Тумонни Сиғноққа Шайх Нуруддин (ихтиёри)га юборди. Унинг вафотидан кейин Тумон Самарқандга қайтиб келди. Эшитишимча, шу кунларда, яъни 840 (1436—37) йилда у ҳаж (қилиш)га азм этган; (бу ёғини) яна тангри таоло билади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУЛИМ

Темурдан кейин унинг пушти камаридан бўлган болаларидан Амираншоҳ, юқорида зикр қилиб ўтилганидек, уни Қора Юсуф ўлдирди ва шу кунларда ҳокимиятда турган Шохруҳ ва Сулаймоншоҳнинг хотини Султон Бахт деб аталадига қизи бўлиб, у (Бахт) ўзини эркакча тутиб, уларни хуш кўрмасди. Бу, Самарқандга келган Бағдод аёлларининг таъсири остида бузилганидан бўлиб, унинг (Бахтнинг) хунук ҳикоятлари бордир. Темур набираларининг кўпчилиги, фақат Шохруҳ болаларидан бошқалари инқирозга учради. Набираларининг энг кўзга кўрингани Самарқанд ҳокими Улуғбек, Шероз ҳокими Иброҳим Султон, Кермон ҳокими Бойсунқур эди. Булар иккаласи ҳам 838 (1434—1435) йилда вафот этди[1266], ва Жуқий, қайсики у Қора Юсуф ўғли Искандарга қарши юриш қилган ва Қорайлук[1267] ўлгандан кейин уни (Искандарни) майда-майда қилди. Бу воқеалар 839 (июль 1435 — июнь 1436) йилнинг ойларида бўлиб, унинг ўзи шу йилнинг охирларида вафот топди.

## БУЛИМ

Унинг амирлари ва вазирлари ҳисобсиз бўлиб, уларнинг энг машҳурлари ушбу китобда зикр қилинди; ҳозир ҳукм сураётган амирлару вазирлар учинчи авлоддир. Шундай деб менга (марҳум) шайхим Шайх Алоуддин ал-Бухорий — тангри таоло уни раҳмат қилсин — хабар берганди[1268]. Унинг девонлари Хожа Маҳмуд ибн Шиҳоб ал-Харавий[1269] ва Масъуд ас-Симноний[1270] ва Муҳаммад ас-Соғирджий[1271], Тожуддин ас-Салмоний[1272], Алоуддавла ва Аҳмад ат-Тусий ва бошқалар. Унинг девони мунший си: У (фақат) котиб ус-сир мавлоно Шамсуддиндан иборат бўлиб, у замонасининг қозиси, (ўз) даврининг фозили эди. Иншо хабарларини тузишда у форсий ва арабийда хоҳлаганича тасарруф юритарди. Унинг қаламининг тиғи ўз иқлимлари фатҳида махдуми (Темур)нинг найзасидан ҳам ўткир эди. Темур ўлгандан кейин (бу ишдан) у ўзини четга олиб, адабиёт бисотини йиғиштирди. Шунда унга: чеҳралар шодланди, сен ҳам шодланмайсанми? Ишрат соф бўлди, (сен ҳам) айшу ишрат қилмайсанми?,— дедилар. У: «Менинг қийматимни биладиган одам дунёдан ўтди ва энди мен бошқалар хизматида ўз ҳурматимни кеткизмайман»,— деди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур имоми Абдулжаббор ибн Нуъмон муътазилий бўлиб, мамлакатининг бош қозиларидан мавлоно Қутбуддин ва Хожа Абдулмалик, унинг амакисининг ўғли Хожа Абдулаввал ва улардан бошқалар; Темурга қисса ва тарихларни ўқувчи (қори)си мавлоно Убайд; унинг табиблари Фазлуллоҳ ва Шомда табобатнинг бошлиғи бўлган Жамолуддин ва бошқалар.

Темур доимо таркибига тошдан аралаштирилган (мураккаб) дориларни истеъмол қилар ва шунчалик ёши (улғайгани)га қарамасдан ёш қизлар билан муносабатда бўларди; Темур мунажжимлари — уларнинг исмлари хотиримга келмади.

## БЎЛИМ

Ўз салтанати кунларида Темур Самарқандга фақиҳ олимлардан мавлоно Абдулмаликни — У «Ҳидоя» соҳиби (Бурҳонуддин ал-Марғиноний)нинг авлодидан бўлиб, мударрислик қилар, шатранж ва нард (ўйинлари)дан таълим берар ҳамда ягона бир ҳолатда шеър ҳам назм этарди,— Нўъмонуддин Хоразмийни — у зикр қилинган Абдулжабборнинг отаси бўлиб, уни Нуъмон иккинчи[1273] ҳам дердилар, унинг кўзи ожиз эди ва мавлоно Абдулмаликнинг амакиваччаси Хожа Абдулаввал — ўз амакисининг ўғлидан кейин[1274] Мовароуннаҳрда риёсат унга келиб етганди ва амакиваччаси Абдулавналдан кейин шу кунларда риёсат келиб етган мавлоно Исомуддин ибн Абдулмаликни ҳосил этган эди. (Темурнинг) муҳаққиқ (олим)ларидан мавлоно Саъдуддин ат-Тафтазоний — у 791 йилнинг муҳаррам (1389 йил, январь) ойида Самарқандда вафот этди[1275] ва Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний[1276] у Шерозда вафот этди. Муҳаддис (олим)ларидан Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазорий[1277], Темур уни Румдан олиб келган бўлиб, у фитнадан[1278] олдин ўз ватани Шомдан Мисрга келган, ундан (Мисрдан) эса Румга қочиб ўтган эди. У Шерозда вафот топди. (Яна) Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорий, улуғ тафсирчи, ҳадисчи, ҳофиз бўлиб, Қуръон ул-каримни юз жилдда тафсир қилган. У, пайғамбар-тангрининг раҳмати ва саломи унга бўлсин — шаҳари (Макка)да 822 (1419) йилда вафот топди. Қорилардан мана шулар иккаласи ва (яна) мавлоно Фахруддин бор эди. Қуръонни қироатда ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган кишилардан Абдуллатиф ад-Домғоний, мавлоно Асадуддин, Шариф Ҳофиз Ҳусай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ний, Маҳмуд Муҳриқ ал-Хоразмий ва Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий ва мусиқа илмида устоз бўлган Абдулқодир ал-Мароғий эди; ваъзхон ва хатиблардан саройлик мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул-Аимма[1279] бўлиб, уни туркча, форсча, арабчада малик ул-калом деб атардилар. У ўз замонининг мўъжизаси эди; (яна) мавлоно Аҳмад ат-Термизий ва мавлоно Мансур ал-Қоғонийдир. Моҳир котиблардан ҳаттот Ибн Бандгир[1280] зикр қилинган Абдулқодир, Тожуддин ас-Салмоний ва бошқалар; мунажжимлардан бир гуруҳ моҳир кишиларки, мен уларнинг исмларидан фақат мавлоно Аҳмаддан бошқасини билмайман. У табиб, мисгар ва юлдузга разм солиб ҳисоб оладиган (олим) эди. У менга: «Мен юлдузларга қараб икки юз йилга ҳукм (толен) чиқардим», деганди. Бу гап 808 (1405—1406) йилда бўлган эди. Заргарлардан ал-Ҳож Али Шерозий ва ал-Ҳож Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ва бошқалар; сангтарошлардан катта бир гуруҳи бор бўлиб, уларнинг энг кўзга кўринган Олтун эди. У ўз ҳунарида бир мўъжиза бўлиб, қимматбаҳо тошларга нақш солар, яшмга, ақиққа Ёқут (Ҳамавий)нинг хатидан ҳам чиройлик хат билан ўйиб ёзарди. Шатранжчилардан Муҳаммад ибн Ақил ал-Хайми ва Зайн ал-Яздий ва бошқалар. Шатранжчиларнинг алломаси фиқҳчи, ҳадисчи (олим) Алоуддин ат-Табризий[1281] эди. У Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда қўяр ва ундан ғолиб чиқар, Ибн Ақилга эса битта от қўйиб, унинг устига миниб оларди (енгарди). Темур шарқу ғарб иқлимларини алғов-далғовга солди. Унинг жангу жадалида ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шоҳ жангда ҳам, (шахмат) ўйинда ҳам ундан (енгилиб) мот бўлди.

Темур Алоуддинга: «Гўё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан». (Шунингдек яна у) бизлардан, яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан ҳар қайсимиз ўз санъатида кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз,— деярди. Шахмат ўйиню мансубалари илмида унинг (ўзига хос шарҳи бўлиб, у билан ўйинда чуқур ўйламасдан (унинг) фикри ҳаддига етишга ҳеч бирон кимса қодир эмасди. У шофиъй мазҳабидан, фиқҳ илмини яхши билган ҳадис олими, хайр-саховатли (киши) бўлиб, чиройлик юзлик ҳақ сўзли эди. Менга ҳикоя қилишича, у, оллоҳ юзини кароматли қилғур амирул мўминийн Алини тушида кўрган, Али унга бир халтада шахмат тутқазгач, шундан кейин ҳеч бир инсон ундан ғолиб чиқмаган. Унинг ўйин



www.ziyouz.com kutubxonasi

пайтидаги сифатларидан бири шу эдики, ўйин вақтида у ҳеч тафаккур қилмас, фақат (унинг) рақиби узоқ ўйлаб фикрга чўмгандан кейин ўйнагач, у ҳеч бир тадбир кўрмасдан юриб қўярди. Бир вақтнинг ўзида у икки рақиб билан ғойибона ўйнарди ва ҳисоблаши натижасида ўз томонида қандай донолар ва рақиблари томонида қандай доналар борлигини биларди. У ва Амир (Темур) катта шатранж ўйнардилар. Шунингдек, мен унда давралик ва узунчоқ шахматни ҳам кўрган эдим. Катта шатранжда аввал зикри ўтганидек, ортиқча доналар бўлиб, мана бу унинг бир томонининг суратидир.

1) Руҳ пиёдаси. 2) От пиёдаси. 3) Даббаба пиёдаси. 4) Илғор пиёда. 5) Жирафа пиёдаси. 6)
7) Фил пиёдаси. 8) Туя пиёдаси. 9) Вазир пиёдаси. 10) Фарзин пиёдаси. 11) Пиёда пиёдаси. 12) Руҳ. 13) От. 14) Даббоба. 15) Илғор. 16) Жирафа. 17) Шоҳ пиёдаси. 18) Жирафа. 19) Илғор. 20) Даббоба. 21) От. 22) Руҳ. 23) Фил. 24) 25) Туя. 26)
27) Вазир. 28) Шоҳ. 29) Фарзин. 30) 31) Туя. 32) 33) Фил. Бу ўйинни ўрганиш йўли амалда осонроқ бўлиб, уни (қуруқ) сўзлар билан шарҳлаш фойдасиздир.

Кўшиқчилардан зикр қилинган Абдулқодир ал-Мароғий ва унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насриййн, Қутб ал-Моусилий, Ардашер ал-Чанги ва бошқалар. Унинг наққошлари кўп, уларнинг энг устуни Абдулҳай ал-Бағдодий бўлиб, у ўз санъатида моҳир эди; боғбонлардан[1282] Шиҳобуддин Аҳмад аз-Зардкаший; шиша ва мисга нақш соладиганлар ва улардан бошқалар ҳисобсиздирлар. Уларнинг ҳар бири ўз асрининг алломаси, ўз даврининг мўъжизакор (киши)лари эдилар. Агар алфознинг қимматбаҳо хилъатлари ўша аъёнлар васфларининг жавҳарлари билан безатилса, олам энг ноёб тошлару холис тилло шодалари билан (аллақачон) тўлиб кетарди. Мана шулар мен таниб, зикрию исми хотиримга келган кишилардир. Аммо мен билмаган ёинки билгану бироқ зикрию исми хотиримда қолмаган кишилар сонсиз-саноқсиз бўлиб, ҳисоб-китобдан хориждур. Хулласи калом, Темур ҳар бир (фойдали) жонни йиғиб, нимаики нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БЎЛИМ

Самарқандда Шайх Урйон[1283] исмли ажиб шаклли, олий азмли камбағал адҳамий бир киши бўлиб, айтишларича, шаҳар аҳлининг каттаю кичиклари ўртасида тарқалган ишоатга кўра унинг ёши уч юзу элликда деб овоза тарқалганди. Шунга қарамасдан, унинг қомати тик ва суврати чиройли эди. Самарқанддаги кекса машойихлар ва узоқ умр кўрган акобирлар айтардиларки, биз ёш болалар бўлганимизда ҳам бу одамни шу ҳолатда кўрар эдик. Бу киши ҳақида бизнинг ҳурматли оталаримиз ва кекса машойихларимиз ҳам шу тарздаги ривоятни ўз оталари ва кекса ёшли одамлари тилидан бизга нақл қилиб айтардилар. У қорачадан келиб, куч-қуввати битмас-туганмас, жўшқин киши эди. Уни кўрган киши у ҳали «роса улғайиб, балоғатга етмаган»[1284] деб тасаввур қиларди. Кексалигидан белги бўлган юзида на ажин, на асар бор эди. Амирлар, улуғлар, аъёнлар, тақводорлар, фозиллар ва бошлиқлар унинг ҳужрасини зиёрат қилиб, дийдорини табаррук билар ҳамда дуоси баракатидан илтижо тилардилар.

Самарқандда масжид ар-Рибот[1285] деб аталадиган бир масжид бўлиб, у кирган ҳар бир одамга севинч ва шодлик, тетик руҳ ва куч-қувват бахш этарди. Айтишларича, масжид ходимларидан бири Шайх Закариё деб аталувчи вали киши бўлган. У ўша шаҳар аҳли эътиқод қилувчи (авлиё) бўлиб, унинг мозори баланд тоғлардан бирининг чўққисида, машҳур бир жойда жойлашган эди. Унинг қабри дуо қилиниб, (худодан) паноҳ тиланадиган қадам жой эди. Бу (қабр) Самарқанддан тахминан бир кунлик масофада (бўлиб), турли-туман кароматлар билан тавсифланиб, бу юқори фазилатлар билан суғорилганлиги (ҳаммага) аён эди. У (шайхнинг қабри) «барқарор бир тепа»[1286] устида бўлиб, «этагидан анҳорлар жорий бўлган бўстонлари[1287] ҳам бор эди. Қабр хайр-саховат ва шод-ҳуррамликка бурканган, гўё (у) жаннат (замини)дан кесиб олинган бир қитъа эди.

Ҳикоя қилишларича, қачонки бу (шайх) ушбу масжид қурилишида ишлаётган вақтида унинг пешонасига бир бўлак лой тушган. Бу манзарни ўша қурилиш бошқарувчиларидан бирови кўрган, пешонага тушган лой эса шу ҳолатда уч кеча-кундузгача тураверган. Қачонки қурувчилар масжид меҳробини ўрнатишмоқчи бўл-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ганларида унинг хато ва савоб (ўрнатилиши) ҳақида улар ўрталарида ихтилоф воқеъ бўлиб, бу хусусда анча шовқин-сурону изтироб содир бўлган.

Охири Шайх Закариё «Меҳробни мана бу томонга ўрнатиб, ундан на ўнгу, на чапга бурманглар»,— деди. Шунда ҳалиги бошлиқ шу жойда ҳозир бўлганларга:

— Ажойибу ғаройиб ишга қаранг-а! Бу одам уч кунлаб юзини ювмайди-ю, одамларга ислом расм-русумларидан йўл кўрсатади,— деди. Шунда у тақводор, диёнатли киши: «Тунини бедор ўтказиб, битта таҳорат билан уч кунни кечирадиган одам йўқми? Бўлмаса, бери кел-да, э мункир, жойингда тур ва хотирингни жам қилиб, ўзингни инкор этувчию (диндан) юз ўгирувчиларга ўхшатма-да, Каъбанинг келинига бир назар ташла-чи, у қандай (сенга) жилоланади»,— деди. Шу пайт ушбу мункир қараса, муаззам Каъба унинг кўз ўнгида улуғвор турибди. Кейин улар ҳаммалари бурилиб, шайхга қарасалар у ғойиб бўлиб қолибди, еру кўкни қидириб уни топа олмаганлар.

Бу масжидда ажиб бир нарса бордир. Унинг ёғочдан ишланган бир қанча устунлари бўлиб, шулар жумласидан битта устун борки, баландликда у (шу қадар) юқори чўзилганки, бўйи ўн беш газга яқиндир. Жисми ва танасининг йўғонлигидан у қучоққа сиғмасди. Бошқа устунлар унинг атрофини ўраб олган бўлиб, айтишларича, у пахта дарахти(дан) экан. Унинг ажиб хосияти ва ғариб зарофати бўлиб, агар тиши оғриган киши шу пахта ёғочидан бир буғдой донаси миқдорини тишига қўйса, у фойда қилиб, шу заҳотиёқ оғриққа таскин беркан. Ўзим шуни синаб кўрсам, у рост бўлиб чиқди.

(Одатда) Самарқандни кўрдим деб даъво қилган кишидан унда ажойиб, ғаройиб ва зариф аломатлардан нималарни мушоҳида этиб кўрганлигини сўрайдилар. Агар сўралган киши мана шу ажойиб устунни кўрганлигини хабар қилса, унинг гапи рост (Самарқандни кўрган) деб, акс ҳолда уни (Самарқандни) кўрганлиги «алағ-жалағ туш»[1283] деб билинади.

## БЎЛИМ

Самарқандда на сок, на қайла бўлиб, ҳисоб талаб нарсалар жинси кайла билан ҳисобланмасди. Уларда ўлчов тарози (ёрдами) билан аниқланар эди. Самарқанд раттли (—0,5 гр.) қирқ увқиядан иборат (бир увқия —



www.ziyouz.com kutubxonasi

37,44 гр.), ҳар бир увқияда юз мисқол (мисқол — 4,68 гр.) бўлади. Демак, уларнинг бир раттли тўрт минг мисқол бўлади. Ҳар бир мисқол ҳеч зондсизу ноқиссиз (тортилса) бир ярим дирҳамдир. Шунга кўра, Самарқандликларнинг ҳар бир раттлига Дамашқнинг ўн раттли (баравар келади).

Менга Мавлоно Маҳмуд Ҳофиз ал-Муҳриқ ал-Хоразмий — унинг ал-Муҳриқ (куйдирувчи) деб лақаб олишига сабаб шуки, унинг товуши таржийъалари ўқлари отилганда заиф руҳлар нозик жойларига бехато тегар ва (улар) торларининг жаранглаган овозлари диллар қулоқларига кўтарилиб, улар (мияси) қушлари ўлдирилиб, унмасди. Агар қалблар тош мисоли ёрилса, алангасидан руҳларга учқун учиб келар ва ўз жаранглаган овозлари билан жонларни куйдириб, нағмалари билан таналарни алангалатарди — менга шундай деганди: Сафарларининг бирида Темур мени ўз суҳбатига олган эдики, кечаю кундуз мен унинг хизматида бўлиб, ёнидан жилмасдим. Унинг аскари бир қўрғон яқинига тушиб, унинг ҳисорига киришгандилар. Турган жойидан жангга раҳбарлик қилиб (ўз) одамларининг маҳоратини томоша этмоқ учун Темур ўз чодирини баланд бир жойга ўрнатганди. Бир вақт шу орада Темур ҳузурида мен ва яна икки киши қолдик. Шу пайт Темурда иситма пайдо бўлиб, уни ғам-ғусса ва қайғуга солган эди. Рақиблар тўқнашув «осмони юлдузлари эса чалкашиб»[1289] жанг найзалари бири-бири билан аралашиб чирмашиб кетган эди. Шунда Темур аскарлари аҳволидан воқиф бўлиб, улар ҳаракатларини мушоҳада этмоқни ирода этди. Бу борада унинг иштиёқи булутларга парвоз қилиб, у: «Мени чодир эшиги (олди)га элтинглар»,— деди. Ҳалиги икки одам унинг қўлтиғига кириб, эшик олдига олиб бориб тўхтадилар, мен эса унинг олдида турардим. Темур аскари муҳорабасини кўриб, улар зарбаю таъналарини ажрата бошлади. Кейин аскарига бир нарсани буюришни истаб, менга: «Э, Маҳмуд! Бу ёққа кел!»— деди. Мен тезда унинг ёнига бориб, қўлтиғига кирдим. У ўзининг кўнглига келган ажи-бужи амрларини айтиб, (ҳалиги) икки кишидан бирини аскари томон жўнатди. Гўё унинг буйруғи шундай эдики, бу билан у на бир беморни тузатди, на бир ташнани қондирди. Сўнгра Темур бизга: «Мени ўз ҳолимга қолдириб, ерга қўйинглар»,— деди. Биз уни (ерга) қўйган эдикки, у гўёки чириган мурда ёки бўйрадаги гўшт каби (гурс этиб)



www.ziyouz.com kutubxonasi

йиқилиб тушди. Кейин у (ҳалиги) иккинчи одамни ҳам аскарлари томон юбориб, ўз раъйи тақозо қилган амрларни буюриб, (ўз фармонларини) уларга таъкидлади. Ёнимизда ҳеч бир кимса бўлмасдан, биз иккимиз ёлғиз қолдик. Шунда у менга: «Э мавлоно Маҳмуд! Жисмимнинг заифлигига, (кўрадиган) тадбиримнинг озлигига қара, ушлай десам қўл, чопай десам оёқ йўқ менда. Агар одамлар мени ташлаб кетсалар, мен ҳалок бўламан, агар мени шу ҳолимда қолдирсалар, азобланаман. Ўз танамни бошқариб «на зарарли, на фойдали»[1290] бир иш қиламан, на яхшилик келтираману на ёмонликни дафъ этаман. Кейин у бир оз фикрга толиб: «Қандай қилиб тангри-таоло бандаларни менга муяссар кўрди? Ғарбу шарқни даҳшатимга тўлғизиб, ҳайбатимни икки мағрибу икки машриққа овоза қилди? Подшоҳлару паҳлавонларни менга бўйсундириб, олдимда кисрову қайсарларни хор қилди? Бу ҳаракатлар (ҳаммаси) унинг (тангри таолонинг) ҳаракатлари бўлиб, бу ишлар (барчаси) унинг ишлари эмасми? Мен кимман? Мен бир касалманд, муҳтож кишиман, холос! Бу ишлар (уҳдаси)га кириш учун менда на эшигу, на тоқат бор?».— деди. Кейин у йиғлаб (юбориб), мени ҳам (шундай) йиғлатдики, енгларим кўз ёшларимга тўлди. Бу вабрга[1291] қаранг-ки, шу сўзи билан қандай қилиб жабрга қойил бўлганлар маслагига эга бўлган?»

Темур ҳақида форсча икки байт тўқиганлар, мана улар:

Ярим таналик киши жаҳон мулкига эга бўлди.
Кўзингни очу худонинг қудратини кўр.
Оёғи йўғу, аммо тахт унинг оёғи остида,
Қўли йўғу, аммо бутун мамлакат унинг узугида,

Мен уни таржима қилиб, (яна) икки байт айтдим:

(Оллоҳ) Ўзининг нинҳона ҳукми билан қудрат кўрсатди.
Танининг бир қисми қуриган киши дунёга эга бўлди.

Қўли йўғи подшоҳлик унинг узугида,
Оёғи йўғу тахт унинг қадами тагида.

## БЎЛИМ

Унинг аскарлари ва улар тутган йўлларига келсак, ўз подшоҳларининг йўлида бўлиб, ўзларига маълум бўлмаган воситалар орқали даражадан-даражага кўта-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рилар ва гумон қилмаган томонларидан уларга ризқ келиб турарди. Уларга пинҳона дафиналар мусаҳҳар, яширин хазиналар очиқ, бекик матлабу маъданлар (уларга) муяссар бўларди. Унинг аскари (қадами) барча томонларда жавлон уриб, савлат тўккан бўлиб, маломат йўлларида[1292] қато (қуши)дан кўра ҳам тўғри йўл бошловчи бўлиб қолди. Улар (олдиндан) турли ишлар тадбирига шайланган, замон (барча) аҳволларини бошидан кечирган, давр тангликларини қиёслаб ўлчаган, турли тузоқларни бошдан ўтказиб, ҳар қандай шиддатга илож топган, хилма-хил ишларга дуч бўлиб, турли-туман одамлару турмушни синаб кўрган, мушкул ишлар мадхалу маҳражларига йўл топиб, (унинг) зинапояларидан кўтарилиб, чўққисига чиқишга идрок этгандилар. Гарчи (улар) тез-тез чўлу биёбонлардан ўтиб, дашту саҳроларни кезсалар ҳам, уларга ҳеч қанақа кулфат ёпирилмас ва ҳеч қандай туғёнчи ноҳақлик кўрсатмасди. Шеър:

«У (жойлар) қўрқинчлари қуённи қўрқита олмайди.
Калтакесакнинг у ерда инга яширинганини кўрмайсан».

(Шу кезишларида) улардан қай бири бирдан тўхтаб, кўрасанки, у ўша жойнинг ерию тупроғига разм солиб: «Мана бу тупроқ бу ерники эмас» — дейди. Кейин у ўз уловидан тушиб, ўша жой тупроғидан олиб, уни ҳидлайди. Кейин тўрт томонига назар солади ва (шулардан) бир томонни кўзлаб жўнайди. Шу аппозда ёнидаги ёрдамчилари билан бир жойга бориб етмагунча юраверади, сўнгра, ўша ерни кавлаб, яширин дафиналар ва у жойдаги бойликлару хазиналарни чиқариб оладилар. Шунингдек, улар (аҳоли яшайдиган) иморатларга келсалар ёки мақбаралар ёнидан ўтсалар ҳам худди ўз қўллари билан (олдиндан) қўйиб қўйгандек ёки шайтонлари уларга шу ҳақда уқдиргандек, тўппатўғри яширин бойликлар бор жойларга йўл оладилар. Кўпинча улар аҳли анча замондан буён яшаб, бир неча ою йилларни ўтказиб келаётган жойга келсалар — у ерда ўз эгалари ва яшовчилари сезмаган бирон бойлик бўлса — улар келишлари биланоқ (у бойлик уларга) очилиб, (улар) ундан воқиф бўладилар. Ўша жойнинг (асл) яшовчилари бу ҳолдан хабардор бўлгач, ҳасрату надоматдан бармоқларини тишлаб қоладилар. Улар (ўз) ҳаётларида ажиб зийракликка эга бўлиб, умр бўйи фикрлари ўқлари нишонга бехато тегар эди. Улар ҳў-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қизларга юк ортиб (устига) минардилар, эшакларга эгар солиб, юганлаб олардилар ва шунга қарамай, араби отлар соҳиблари билан ўлжаю ғаниматлар маконлари томон мусобақалашиб, улардан ўзиб кетардилар. Улар туяларини ит ва қўзичоқ гўшти билан боқардилар. Отлари арпалари эвазига буғдой, гуруч, тариқ, кишмиш ва ёсмиқ алишардилар. Бу нарсага кўпинча улар сафар (вақти)да муҳтож бўлиб, ўз уловларини дарахт пўстлоғи билан ҳам боқардилар.

Тангри таоло раҳмат қилғур, (аввал) зикр қилинган ханафий (мазҳабли) қози Бурҳонуддин Иброҳим ибн ал-Кушанинг менга ҳикоя қилишича, Қозон[2193] (хон) ва тоторлар бу диёрларга (Шомга) келганда — гўё Темур масаласида қилганларидек — кимда-ким қочишга мадори бўлса, бу балодан тирақайлаб қочган. Шулар жумласидан солиҳиялик бир савдогар ҳам бўлиб, у бекаму кўст ҳаёт кечириб, унинг (ўзига) кифоятли мўлкўл давлати бор эди. У ўзида бор тилло-кумушларини жамлаб, ловияга ўхшаш бир кўзага солиб, ташновга борди. Ташновни қазиб, кўзани унинг остига қўйиб, устидан (тупроқ билан) кўмди ва ташновни аввалги ҳолига қайтариб, ҳамишаги алпоздек қилиб қўйди. Қачонки алғов-далғовлар тинчланиб, уловлар минишга тақдим қилингач, хотини савдогарга: «Бир жуфт сирғани ёдимиздан чиқариб қолдирибмиз. Йўлда бир нохуш ҳодиса рўй беради деб хавфланаман. Шуларга бир жой топиб яшириб, кўнглимиз тинчисин»,— деди. Савдогар: «Бироқ энди жой йўқ»— деди ва сирғаларни олиб, пешайвоннинг шифтига нозик бир тахта устига бекитиб қўйди. Сўнгра улар отланишиб, уйларини тарк этиб йўлга тушдилар. Тоторлар Дамашққа келгач, улардан бир гуруҳи ушбу савдогарнинг уйига қўндилар. Сўнгра, улар маъкулоту машруботга ружду қўйиб, «ўйин-кулги ва хурсандчиликка чўмган»[1294] пайтларнинг бирида (бир) сичқон бояги сирғалардан бирини кемирганда сирға марвариди думалаб ерга тушди. Ҳалиги жамоа гўё Марямнинг[1295] иккита зирагига югургандек, думалаб кетаётган марварид орқасидан югурдилар. Марварид жамоадан ўтиб бориб, ташновга тушиб кетди. Шунда улар (ташнов) ери юзидан ситраю-пардасини очиб, бояги кўзада яширилган мол-дунёларнию (ҳалиги) марваридни ҳам топиб олдилар. Иккинчи сирғани ҳам излаб шифтдан уни ҳам топдилар ва у (бойлик)ларни ўзаро тақсим қилдилар. Темур жамоаси ҳам айнан шулардай эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар қандай ечилиши қийин машкул масалалар улар (Темур одамлари) олдида осон эди. Улардан ҳар бири ўз подшоси йўлида бўлиб, ўз санъати (борасида) камолига етган эди.

Агар сен улар аҳволларию ахборлари хусусида сўзламоқчи бўлсанг, унда денгиздан сўзла, заррача муболаѓаси бўлмайди.

## БЎЛИМ

Ҳикоя қилишларича, уларнинг тадбиркор ва фирибгар кишиларидан бири қиш фаслида таназзуҳ қилишни истаб, овга отланди. Ўз уловини чиқариб — улови бир ҳўкиз эди. Унинг устига синган ёѓочдан ясалган эгарини маҳкам боѓлади. Унинг узангиси айланали чўпдан, айили эса кесилган арқондан эди. У ўз либосларини кийиб, шайланди. Унинг кийими парча-парча қилинган мўйна терисидан эди. У узунчоқ, титилган наматдан ишланган тожини кийиб, ясаниб, ямоқ-ямоқ ҳар хил теридан ишланиб ип билан боѓланган ўқдонини тортди. Унинг устида кўп бўлинмали ёпиштирилган ўқхоналар бўлиб, ундаги ўқлар бир-бирига чалкашган ва эгри-бугри жойлари бир текис бўлган. Унинг билан бирга қуш ўтқазадиган ёѓоч, патларини юлиб олган лочин бўлиб, унинг бадани экинзоридан гиёҳлару ўтлар юлиб олинган эди. Шундан кейин у отига минди ва лочинини (қўлига) олиб, сайдга жўнади. Сўнгра кичик бир ҳовуз соҳилида турган бир тўда ўрдакларни кўриб қолди. Ушбу ўрдакларни кўриши учун бир муддат у лочин ушлаган қўлини (баланд) кўтарди. Кейин қўлини пастга тушириб, лочинни ерга қўйиб юборди. Шу пайт лочин ўрдакларга нисбатан бир шумликни ўйлаб, оҳиста-оҳиста лўкиллаб уларга томон бораверди, чунки учай деса унда на қувват, таянай деса на қанот бор эди. У секин-аста қушларга етиб келиб — ўрдаклар эса юз берадиган (ҳодиса)дан ҳавотирсиз эдилар, чунки улар (келадиган) балони фақат осмондан кутардилар — уларнинг ўртасига кирди. Ўрдаклар (аввалига) ундан чўчиб қочмадилар. Фақат у улардан бирининг устига ташлангач, ўрдаклар (уни) сезиб қолдилар.

У қушни парча-парча қилиб ташлагач, (лочин) эгаси етиб келиб ўлжани олди.

Қачонки Темур аскарлари Дамашқдан жўнаганларида — улар Дамашқ вужуди шохларидан унинг неъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

матлари баргларини ҳеч қолдирмасдан (тозалаб) юлиб олгандилар — улардан қай бирида ғоратда олинган бир ҳўкиз (бор) бўлиб, унга ўлжа олган мол-дунёсини юклаб, устига асир аёлни ҳам ўтқазган эди. Шу аҳволда анча муддат юрди. Икки-уч кун йўл юрганларидан кейин ҳўкиз безовталаниб, ўз холи тили билан бу мақсад (одам ортиб, юк кўтариш) учун яратилмаганлиги ҳақида нидо қилди. Бироқ шикоятидан бирон фойда топмагач, тангрига таянган ҳолда ерга ётиб олди. Устида ўтирган аёлни тушириб, унга бақирдилар, аммо у ўрнидан турмади. Шунда устидаги юкларни ечиб олиб ҳўкизни калтакладилар, лекин у қўзғолмади. Кейин уни роса калтаклаб, лаънатлашу сўкиш билан уни тўйғиздилар. Ётган жойида ураверид, унинг бутун баданини қонга беладилар, ура-ура қарийб уни ўлдираёздилар. Бирлари олдидан кўтарса (яна) бирови думидан тортли, бири шох..дан ушласа, бошқа бири қулоғига ёпишди. Ҳўкиз эса Абраҳа фили сингари қўзғолмасдан ётаверди. Хуллас, улар (уни қўзғатишдан) ожиз бўлиб, умидларини уздилар. Улар шу аллозда мушкул аҳволда ғамгин ҳолатда турган бир пайтда бақлажон дарахтига ўхшаш бир соқолтай чол пайдо бўлиб — у машриқу мағрибни кезган, турли-туман тажрибаларни ўтказган, дунёнинг иссиғу совуғини бошидан кечириб, ҳаётнинг аччиқ-чучугию хайру балоларини татиган киши эди — ёнларидан ўтиб қолди. Ушбу чол уларни ожизу ҳайрон ва мастларга ўхшаб — ваҳоланки, улар маст эмасдилар[1296] — турганларини кўргач: «Ундан (ҳўкиздан) четланинглар, э жинлар!» — деди ва (жинларга) куф-суф қилиб ўқийдиган азойимхон жинга яқинлашгани каби ўзи ҳўкизга яқинлашди ҳамда (ердан) бир чангал тупроқ олди ва ҳўкизнинг шохидан тутиб: ёшлик ҳаётини бер,— деб унинг қулоғига чангалидаги тупроқни тиқди. Кейин ётган жойида ҳўкиз бошини силкитдики, ниҳоят тупроқ унинг эшитиш аъзоларига кириб, чангнинг таъсиридан безовталаниб, ўрнидан сакраб турди ва бошини силкита бошлади»[1297]. Ҳўкизнинг саркашлиги ва изтироби зиёда бўлиб, юришни талаб айлаб шундай юрдики, гўё учаёзди.

Унинг устига юкларини (қайтариб) ортиб, оғирликларни оширдилар. Натижада, ҳўкиз ўзини билмай ҳаддан ортиқ, шиддат билан чопиб кетдики, уни тўхтатишга қудрат бўлмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур аскарлари ичида бутпараст турклар, оловга сажда қилувчи мажусий ажамлар, коҳинлару, сеҳргарлар, золимлару мункирлар бор эди. Бутпарастлар (ўз) санамларини кўтариб юрар, қоҳинлар эса каломларини сажъ билан ифода қилардилар[1298]. У (коҳин)лар мурда ва макруҳ қонларни тановул қилиб, улар бўғилиб (харом) ўлган ва (гарданидан) сўйилганларни фарқ қилмасдилар. Унинг аскарлари ичида одам аъзоларию ажинларига қараб фол кўрувчи одамлар ва ёлғончи завожирлар ҳам бўлиб, улар қўй куракларига қараб фол очар ва унда кўрган нарсалари билан дунёдаги турли ҳоллар ва етти иқлимнинг ҳар бир қаричида содир бўлган омонлигу хавф-хатар, адолату ноҳақлик, арзонлигу қимматчилик, ноҳушлигу шифо топишлик ва кейинчалик юз берадиган бошқа ишлар тўғрисида ҳукм чиқарардилар ва (бу ҳукмида) камдан-кам хато қилардилар.

Уларда кунлар, ойлар ва йиллар ҳисоби шундайки, ҳар қайси йил бир ҳайвон (номи)га мансубдир. Ўтган йилларни шулар билан ҳисоблаб, бу ҳисобда на зиёдлигу, на ноқислик воқеъ бўлади.

Хитойликларнинг Дулбаржин дейиладиган ёзуви бўлиб, мен унинг қирқ битта ҳарфи (борлиги)ни кўрдим. Ҳарфларнинг зиёдлигига сабаб шуки, улар ҳамма талаффузлилар ва «амалат»лар (қўшимча товушлар, шунингдек, «байин ва байинотлар» (ёрдамчи ва кўмакчилар)ни ҳам ҳарф ҳисоблайдилар. Шу сабабдан зиёд ва қўшимча ҳарфлар ҳосил бўлади. Аммо чиғатойликларнинг эса уйғур деб аталувчи ёзуви бўлиб, у мўғул ёзуви номи билан машҳурдир. У (ёзув) ҳарфларининг сони ўн тўрттадир. Мана бу уларнинг қитъа-қитъа кесимлари[1299]. Улар сонларининг кам ва бу даражада маҳдудланганлигига сабаб шуки, ҳалқумдан талаффуз этиладиган ҳарфларни улар бир хил кўринишда ёзиб, шу тариқа талаффуз қиладилар. Махражда бир-бирига яқин қўйидаги ҳарфлар сингари, масалан: **«бо»** ва **«фо»**, ёки **«зо»** ва **«син»** ва **«сод»** ёки **«то»** ва **«дол»** ва **«то»** кабилар; улар имзою фармонлар, буйруғу мактублар, ҳисоб-китоб дафтарию тамғали (нарса)лар, солномаю назмлар, қиссаю хабарлар, аҳднома ва муқаддас китоблардан парчалар ҳамда девон[1300] ишлари билан боғлиқ жами хатларию (ҳатто) Чингизхон тавросини ҳам шу



www.ziyouz.com kutubxonasi

хат билан битадилар. Бу хатда моҳир киши уларда очидан ўлмайди, чунки бу (хатни билиш) улар наздида ризқ калити ҳисобланади.

## БЎЛИМ

Темур аскари орасида табиатан қўпол, қўрс ва ғализ кишилар, шунингдек раҳмсиз, мусулмончилиги йўқ кишилар бўлгани каби, улар ичида (динга) мункир, фожир, овсар, пасткаш, нодон, авом кишилар ҳам бўлиб, улар тангридан ташқари ўзларига у (Темур)ни сардор ва ҳомий деб қабул қилгандилар. Улар унинг билан ўзларича кибрланиб, «у билан бағоят ғурурланардилар»[1301]. Уларнинг куфурликлари ва унга бўлган муҳаббати шунчалик даражада эдики, башарти Темур пайғамбарлик ёки худоликни даъво қилса, албатта улар унинг даъвосини тасдиқлардилар. Улардан ҳар қайсиси унга (Темурга) бўлган муҳаббатини восита қилиб, ўзларини тангри таолога яқин тутардилар. Агар улардан бири қандайдир шиддатга учраса, унга (Темурга) назир бағишлаб, ўз назирига вафо қиларди. (Улар) Темур ҳаёт вақтида унинг янглиш эътиқоди ва куфурлигидан давом этиб, у вафотидан кейин эса ўз назирларию атаган қурбонларини унинг қабрига келтирардилар. (Улардан ҳар бири) унинг мусоҳабасида тараққий этиб, ҳатто муроқаба[1302] мақомига етди.

Айтишларича, сафарларидан бирида Темурнинг назари бир аскарига тушганки, гўё мудраш унинг бўйнини эгган ёки тунги сайр гавдасини буккан ёки у шундай бир ҳолатда эдики, уни на сўкиш, на уриш у ёқда турсин, ҳатто уни маломат қилиб койиш ҳам ўринсиз эди. Шунда Темур:—«Бу ишни қилган, бу (киши)нинг бошини узадиган бирон кимса шу ерда мавжудми?»— деб, бу гапдан ортиқ ҳеч нарса демади. Бу (хитоб)ни ўша ярамас мункирлардан бири эшитиб — унинг исми Давлат Темур бўлиб, у машҳур, улуғ амир — тангри унга интиқом либосини кийгизган бўлиб, раҳм-шафқатнинг хушбўй ҳидидан заррача ҳам унга муяссар кўрмаган эди — ўша заҳотиёқ у (шўрлик)нинг икки кифти ўртасидан бошини жудо қилди ва бошни Темурга келтириб, унинг олдига қўйди. Шунда Темур:—«Оҳ, бу қанақа қабиҳ иш»,— деди. У (киши) жавоб бериб: «Сен кесишга ишорат қилган бош шу-да!»— деди. Бу ибора Темур-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни таажжубга солиб, жиндак шама билан ўз амрига амал қилинишидан у шодланди.

Улар орасида зариф, адиб, закий ва шоир кишилар бўлиб, улардан фазилатда машҳурлару уламолар, улар ичида муҳаққиқлар, турли илмларда баҳс юритувчи мудаққиқлар, улардан айримлари барча илмлардан хабардор бўлиб, мантиқ ва мафҳум (йўли) билан каттакатта баҳслар юритувчи, суфия мазҳаби ва «Иҳя ал-улум»[1303] ни тадқиқ қилиб, тақрир этувчилар бор эди. Шу билан бирга, уларнинг айримлари ўз илми иқтизоси билан иш тутардилар. Улар орасида «иймон келтирувчилар ва ўзаро сабру марҳаматга насиҳат қилувчилар бор эди»[1304]. Баъзилари бағоят хушсухан, серлатофат, илми мукаммал, ниҳоятда зариф, ажиб жамолли, чиройи баркамол, сўзи равон бўла туриб, қалби тошдан ҳам қаттиқ, феъли ўткир қиличнинг зарбасидан ҳам хатарли эди. Улар пайғамбардан ривоят қилиб гапирардилару, лекин отилган ўқ суръатида (тезда) диндан[1305] юз ўгирардилар.

Агар биронта мусулмон улар чангалларига тушса ёки бирон ғариб улар азобига йўлиқса, ўша «ҳақиқатгўй» олим ва «тадқиқотчи» аллома турли азоблару хилма-хил уқубатлар билан унинг мол-дунёсини шилиб олишга ҳар хил йўллар топиб, уни азоблаш санъатида хилма-хил китоблару масалаларни рўкач қиларди; ҳақоратлаш илмларида эса турли-туман хутбалару рисолалар келтирарди. Шунда ўша мискин куйиб-ёниб додфарёд кўтариб, ўзини ҳар томонга урар, тангри ва унинг оятларини восита қилиб паноҳ тилаб, у (тангри)нинг еру самодаги мавжуд (нарса)лари — фариштаю пайғамбарлар, сиддиқлару валиларни восита келтириб шафоат сўрарди. Унга ҳалиги «юмшоқ» малоҳатли кулади, завқланади, у ёқ-бу ёққа тебраниб, у билан лутфан муомала қилади, латиф шеърлар, қизиқ ва ажойиб, нодир тарихларни нашида этиб, мисоллар келтиради. Кўпинча у «куюнади ва йиғлайди», унинг ҳақига қилинган азобдан «уҳ тортиб, изтироб чекади». Етимларнинг мол-дунёсига эгалик қилган баъзи ислом қозилари каби унга нисбатан (насиҳатомуз) ҳутба ўқиб йиғлайди, аммо унинг қилган иши эса мусулмонлар дилини азоблайди.

Қачонки улар Дамашқда бўлганларида Зуқақ ул-Ажам деб аталадиган кўчадаги аъёнлардан бирининг уйига кирсалар, уй ҳар хил нафис моллар, бойликлар ва неъматларга тўлиқ экан, шеър:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир қасрки, (барча) тахия ва салом унга аталган,
Кеча ва кундуз ўз жамолини унга хилъат қилган.

Улар уй соҳибини тутиб, уни боғладилар ва ҳар хил азоб-уқубатлар билан азобладилар. Кейин унинг икки оёғидан тортиб боғлаб, муаллақ ҳолда қўйдилар. Нафис молларни чиқариб, улар ҳусндор келинчаклари жилолар (яъни асллар)ини ажратиб олдилар. Лаззатли маъкулот ва машруботлар ҳозир қилиб, ўз хоҳишлари миқдорича кўнгил хушлигу кайфу сафога шўнғидилар. Улар еб-ичиб, ўйин-кулгию хурсандчилик қила бошладилар. Шунда агар улардан бирининг пасткашлиги тутиб қолса ёки кайфи ошиб, мастлик хархашаси унинг жазавасини қўзғаса, у ҳалиги мискиннинг ёнига борар — у эса ғоятда аянчли аҳволда турарди — унга намакоб ичирар, бурнига оҳак ва қум тиқиб искатар эди.

Улар билан бирга шароб тановулидан ўзини тийиб тарку дунё қилган бир олим киши бўлиб, у гўё ушбу шеърда айтилгандек эди:

(Бу) шайхимдан ва унинг тарку дунёсидан,
У дўзахининг зикрию қўрқинчларидан таажжубдаман.
У кумуш идишда ичишни макруҳ билади-ю,
Лекин кумуш қўлига тушса уни ўғирлайди.

Қачонки заъфаронсимон қадаҳ ўрталарида айлантирилган пайтда улар чақмоқ қанд келтириб, уни синадиган (нозик) чинни идишда унинг олдига қўярдилар ва қанд устидан тоза сув қуярдилар. Ўзлари қадаҳлардаги ичимликлардан маст бўлса, у фосиқу маҳрум (олим) эса унинг ҳидидан маст бўларди. Кейин у (олим) ғоятда аламли азобда турган уй соҳибининг ёнига бориб, (уни) устидан кулар, уни масхаралаб, мазаҳ қиларди. Сўнгра дутору сеторлар оҳангига тебраниб, ўша маъкулоту машруботлардан тановул қилар ва «бахилнинг молига бир ҳодиса ёки меросхўр билан башорат бер» (зарбул масали)ни айтарди.

Темур аскари ичида аёллар ҳам кўп бўлиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Улар (душман) эркакларига қарши туриб, мардонавор уруш қилардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар. Агар улардан бири ҳомиладор бўлиб, йўлда кетаётган пайтда уни дард тутса, у ўз жамоасидан ажралиб, (йўлдан) четга чиқарди ва уловидан тушарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўзи ёригач, чақалоғини ўраб олиб, уловига минарди ва яна жамоасига келиб қўшиларди. Унинг аскари ичида сафарда туғилиб (шу ҳолатда сафарда) балоғатга етган, уйланиб бола-чақалик бўлган, лекин (сира) ўтроқ турмуш кечирмаган кўп кишилар бор эди.

Темур аскари ичида олийжаноб, ибодатли, тақводор, художўй, саховатли, ҳимматли кишилар ҳам кўп бўлиб, улар эзгуликларида (чексиз) манбалар бўлиб, бу (хайрлик)лар булоқларининг кирим ва чиқимлари бор эди. Асирни озод қилиш, ноқисликни тўлғазиш, ёнғинни ўчириш, (сувга) ғарқ бўлаётганни қутқазиш, ўзгаларга хайру-эҳсон кўрсатиш, бошига қулфат тушганга (ёрдам) қўлини чўзиш у (киши)лар одатларидан бўлиб, буни ёҳуд қувват ёки қўл (кучи) билан, ёхуд бирон хил макру фириб билан, ёхуд тилаш ва шафоат сўраш билан, ёхуд бадал беришу сотиб олиш йўли билан имконлари боричаю қудратлари етгунча адо этардилар. Бу (киши)ларнинг Темур билан бирга юришлари заруратдан бўлиб, ушбу (зикри ўтган) эзгуликлар атрофида айланишлари эса ихтиёрий эди.

Қуръоннинг машҳур тажвидчиларидан бири мавлоно Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий — у (Темур набираси) Муҳаммад Султон ҳаёт вақтида унинг имоми, у вафотидан кейин эса унинг мадрасасида имомлик қилган. Кейин у Брусада хатиб бўлиб, ўша ерда — тангри-таоло уни раҳмат қилсин — 831 (1427—1428) йилда ўз ажали билан қазо қилган — менга шундай деганди: «Мен Самарқандда Муҳаммад Султон мадрасасида унинг мамлуклари ва амирлари ўғилларига Қуръондан таълим берардим. Шунда унга золим бобоси (Темур) чопар юбориб — у (Темур) Рум ерлари томон отланган эди — уни ва Амир Сайфуддинни йўлга чиқиб, ҳузурига келишларини хабар қилди. Муҳаммад Султон ушбу фармонга амал қилиб, сафар анжомларини ҳозирлашга киришди ва менга: «Ишларингни саранжомлаб, бизга йўлдош бўл, сафар анжомларингни ол. Бола-чақангу мол-дунёнг фойдасига иш тутиб бизга ҳамроҳликка мувофиқ бўл, чунки маъқул ҳамроҳ билан сафар қилиш муваффақият асосидир»,— деди. Мен бу сафардан узр сўрадим, ўз олдимда бу сафар эшигини бекитишда хил-ма-хил йўллар тутиб, унга дедим:

«Э мавлоном! Менинг касбим қуръон ўқитиш бўлиб, ўзим фақир кишиман. Сафар эшигини очишда менда тоқат йўқ. Чунки вужудим заиф, оёқ-қўлларим беҳол-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дир. Гарчи мавлоно амирнинг суҳбатида барча хайру баракалар мавжуд бўлса ҳам, ҳаракат қилишга мен қодир эмасман. Хусусан мана бу узоқ масофали сермашаққат сафарга чиқишга қувват йўқлиги устига (яна менда) сафар мазгилида (алмаштирадиган) на биронта туя[1306] бор. Аммо сизлар учун бу сафар шубҳасиз лозим ва зарур вожибдир, уни пайсалга солиб, сустлик билдириш ва кейинга суришнинг чораси йўқ,— дедим. Аммо у мени (сафардан) озод қилмай, шундай важкарсонлар келтириб, мени нохуш қилдики, мен уларга яраша шифо топа олмадим. Натижада, (менга) сафар ҳозирлигини кўриб, (ўзимга) йўлдош ва озиқ-овқат олишдан бошқа йўл қолмади. Кейин биз йўл юриб, ниҳоят бобоси (Темур)га етиб келдик.— У (бобоси) тамоми жиддият билан отланган бўлиб, биз ушбу аскарлардан на охирию на аввали бўлмаган денгизларни кўрдик. Бaшарти улардан бирон киши ўз жамоаси ипидан узилиб қолса ёки тўғри йўлидан четлашиб адашса, уларга чироқ ва шам билан ҳам етиша олмай, фақат қиёматда ўз жамоасини топади. Мен ҳам улар билан кетавердим, каср еган суягим ҳолдан тойиб мени чарчатган, тинкам қуриб, нохушлик қамраб олгандики, юриш менга малол келиб, бетинч бўлдим ва йўлдошнинг баҳридан ўтиб, сездирмасдан йўлдан четга чиқдим. Хилватда қолгач, оҳиста овоз билан қуръон ул-азимдан (ўқиб) тиловат қилдим. Кейин завқу шавқ мени шундай қамрадики, мен томоғим овозининг борича баландларга парвоз қилдим — унинг овози майин сўз уланиш устида нозик тўхталишдан кўра ёқимлироқ, шимол насими билан касалланган, маҳбуб лубоби (сўлаги) билан серобланган килишнинг май косасига май тўлдиришдан кўра лаззатлироқ эди. (Яна) у деди: «Кейин тўсатдан ёнимда заиф, хивчиндай қуруқ, ориқ, сочлари тўзиб ранги оқарган, чангга беланган жулдур кийимли икки киши пайдо бўлди. Улар мени бегоналардан (деб) гумон қилиб, чодир ипи қозиққа (маҳкам) боғлангандек менга боғланиб, тикилиб қолдилар ҳамда менинг ҳолатимни кузатиб, сўзларимга қулоқ тута бошладилар. Қачонки мен шивирлашимни тўхтатиб, пичирлашимни тугатганимда ва (ўз) сийнам хазинасига калималарим жавҳарларини бекитганимда ҳамда ўз дуоим муҳри билан оятларим жилваларини хотима қилганимда мунажотимдан улар йиғлаб юбориб, дуомга омин ўқидилар. Кейин мен томонимга яқин келиб, салом бердилар. Менинг тиловатимдан



www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитганлари уларни тўлқинлантириб, улар тараннум этиб: «Сен бизнинг қалбимизни яшнатганинг сингари тангри сенинг қалбингни яшнатсин! Кўксимиз лавҳаларига сатр этган ажойиб тиловатинг билан сен бизнинг гуноҳларимизни маҳв этдинг»,— дедилар. Кейин улар менга хайрихоҳлик билан хитоб айлаб, савол-жавобда мен билан рақобат қилишиб кетдилар. Маълум бўлишича, улар асл чиғатойлик ва холис Темур аскарлари, тотор бақироқлари ва фитнаю фалокатлар негизидан эканлар. Сўнгра улар менинг уй-жойим, насабим ва бу сафардаги ҳамроҳиму йўлдошим ҳақида сўрадилар. Шунда мен уларга мавлидиму наслим ва туғилган шаҳрим ҳақида ҳамда ўзимнинг қуръон аҳлидан бўлиб, Муҳаммад Султон билан бирга (келган)лигимни хабар бердим. Улар менга: «Э саййидимиз, шайх! Биз ҳузурингга сен (бизга) хайр иш қиласан деб келдик. Биз сендан бир нарса ҳақида сўраймизки, унга жавобдан бўйин товлама»,— дедилар. Мен уларга: Мени малол олади деб ўйламанглар ва сўрайдиганларингни тортинмасдан гапираверинглар»— дедим. Улар «Э мавлоно! Гарчи бу нарса бизни илгаридан безовта қилган бўлсада, ҳозир ҳам у бизни ташвишга солмоқда. Ўзига алоқасиз (нарса) билан машғул бўлган ҳар бир киши ўзига алоқали (нарса)ни тарк қилиб, ўзига кулфат етказадиган нарсага тушиб қолган. Шеър:

> Кимки фалокатдан хайрни ажрата билмаса,
> (албатта) у фалокатга йўлиқади.

«Азбаройи худо, айтчи, э саййидимиз! Сен қаердан овқатланасан?»—«Муҳаммад Султон дастурхонидан»,— дедим мен. Шунда улар: «Шу аскарлар тановул қиладиган овқат ҳалол ё ҳароммн ё гуноҳми?»— дедилар. Мен: «Кўпчилиги ҳаромдир, балки унинг ҳаммаси, худо ҳақи, ҳақсизлигу жиноятлардир. Чунки улар талон-торож, наҳбу ғорат, босқинчилик, зўравонлик, ўғирлигу қароқчиликдан (келгандир)»— дедим.

Улар:—«Азбаройи худо, э имом! Бу сўзлар билан сенга мурожаат қилиб биз одобдан четга чиқдик. Лекин сизлар илм аҳлисиз, гуноҳкорларни афв қилиш ва (улар билан) ширин сухан бўлиш хусусиятингиздир. Қасрни тузатиб, асирни озод қилиш ҳамда мушкул ишни осон қилишда сиз авло (кишилар)сиз. Шу сабабли бизнинг бу хиралигимизни афв билан қабул этиб, (бизнинг) тегажоғлигимизга заҳархандалик билан муомала қил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ма»,— дедилар. Мен: «Бирин-кетин ҳеч тортинмасдан сўрайверинглар»— дедим. «Ўз калималари хазиналарига сени ихтиёр айлаган, қайсики унинг калималарига бутун бандалари ибодат қилиб, у (калима)ларида уларга ҳалол ва ҳаром белгиларини баён қилган тангри номи билан қасам ичиб, сендан ўтиниб сўраймизки, сенга қўққисдан, ногаҳон келганлигимиз учун бизни маъзур тут, чунки (тўғри) йўл кўрсатувчи шайх одобсизлиги учун ўз ўғлини койимайдиган шафқатли ота кабидир»,— дедилар. Мен:—«Асло, ўзингиз хоҳлаб иродат қилган нарсаларингни тортинмай сўрайверинглар»,— дедим.

Улар: «Э саййидимиз! Ана у ярамасларга ҳамроҳ бўлиш ва ҳалолдан юз ўгириб ҳаромдан бойлик орттириш сенга (шунчалик) зарурмиди?» Мен: «Мен заруратдан улар ичига кириб қолиб, мажбуран, истамаган ҳолда улар билан (сафарга) чиқдим. Муҳаммад Султон мени мажбур қилиб, тақдим этган эҳсонлари билан менга мулозамат қилди. Натижада, мен уларга ҳамроҳ бўлдиму, лекин бу сафар роҳати сурмасидан вужудим кўзи нохуш бўлди. Отим мени бу сафарга заруратдан олиб келиб, шу ерга қўйди»,— дедим. Улар дедилар: «Агар сен (бу сафарга) чиқишдан бош тортсанг, улар сенинг қонингни оқизар ва болаларингни асир қилиб, ҳарамингни таҳқирлармиди?».

Мен: «Азбаройи худо! Ундай қилмасдилар, худо сақласин». Улар: «Бўлмаса, улар сени ҳибсга солиб калтаклаб, мусодара мақомига ўтқазармидилар? «Мен, барча азоб-уқубат ва таҳқир этишлардан холисман, чунки мен қуръон ҳофизи бўлиб, у (қуръон) мени бу фалокатлардан муҳофаза этувчидир»,— дедим. Улар дедилар: «Улар сенга қиладиган ишнинг энг сўнгги ҳадди шуки, агар сени сафардан воз кечиб рад қилганингни билсалар, улар сени сўкиб моягингга ёпишиб, уни кесардилар, сендан нафратланиб, кўрсатадиган хайру эҳсонларини тўхтатардилар». Мен айтдим: «Ҳатто улар шундай ҳам қилмасдилар. Менинг улар наздида тутган мақомимнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги ушбу азиятларга йўл қўймайди. Лекин улар менинг кўнглимни овладилар, мен истиҳола қилдим ва улар пандларига мен алдандим. Қани эди (ўша вақтда) мен уларга рад жавоб қила олсам». «Бу (гаплар) сен учун на узр, на важга ярайди. Сендек нодуруст далил кўрсатганлар тангри таоло ҳузурида ҳақиқий кечиримга муяссар бўла олмайди .Сен ўз маконингда ўтириб қуръоннинг тиловати би-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лан машғул бўлсанг, илмингни мутолаа қилиб, маслакдошларинг билан баҳс юритсанг, баданингни (бу) машаққатдан фориғ тутиб, қорнингни ҳалол (таомлар)га тўлдирсанг, динингни ана у ярамаслардан ҳимоя қилиб, ҳаром тановул заруратидан роҳат олсанг бўлмасмиди? Шу билан бирга биз сизга ўхшашлардан эшитганмиз — дарҳақиқат, сиз тўғрингизда келтирилган мисоллардан маълумки, қуръон аҳли ва унинг маслакдошлари тангри аҳли ва унга хос (киши)лар ҳисобланиб, улар тангри бандалари ўртасида унинг ҳур кишиларидир ва улар баракатлари орқали бандалари устига булутдек сероб ўз ризқини ёғдиради, дарҳақиқат, султонлар бутун одамлар устидан маликлардир, аммо сизлар эса маликлару султонлар устидан (ҳам) маликсизлар. Чунки оллоҳ сизни ҳур қилиб, одамлар (сизни) истисно кўрдилар. Натижада, Сиз тангри бандалари учун қалб, жигар ва бош мақомида бўлдингиз. Бирон кимсага сиз устингиздан ҳокимлик қолмади. Сўнгра сизлар ўз қўлингиз билан ўзингизни шу мушкул аҳволга ташлаб, парвона ўзини оловга урғандек ўзингизни ҳалокатга урдингиз. Халос бўлишга қодир бўла туриб ўзингиз зарару музтарлик этагига ёпишдингиз. Шундай экан, қандай қилиб бу узр ўринли? Қай тариқа бу узр ал-Малик ал-Жаббор (тангри) азобидан сизни қутқазади? Ёки сиз ушбу шоир айтгандек бўлиб қолдингизми?

Э қорилар жамоаси! Э шаҳар тузи!
Агар туз бузилса, уни нима тузатади?.

«Аммо масалага чуқур разм солсангиз ҳаммамиз ҳам шу мусибатга шерикмиз»,— дедим мен. Танҳо мисра: Э кабутар! Йиғлайвер, сенда бор нарса менда ҳам бор! Яна айтилган:

Тол дарахтидаги кабутар, сенда бор нарса менда ҳам бор,
Фақат мен танасида, сен эса шохидасан.

Кейин улар йиғлаб фиғон қилдилар, оҳ-воҳ тортдилар ва куйиб-ёниб, чуқур хўрсиниб дедилар: «Сенинг қиссанг билан бизларнинг қиссамиз орасида қанчалар йироқ масофа бор?... Шарқу ғарб рабби номи билан қасам бўлсинки, иккала қисса орасида шарқ ва ғарб орасича масофа бор. Лекин гапиришга мажол бўлмай, ҳар қандай маълум нарса гапирилавермайди. Сир билан ошкора (эълон) қилинган (нарса)нинг ораси қанча. Чунки «деворнинг ҳам қулоғи бор». Мен: «Бу (гапин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гиз) ҳам далил эмас, яроқсиз далил айтганингизни рад қилманг»,— дедим. Улар айтдилар: «Бизлар жабр билан мажбур қилиниб, қаҳр ва зўравонлик билан олинганмиз ва девонда қайд қилиниб, ёрдамчи аъёнлардан бирига бириктирилганмиз. Агар, масалан, ҳайит ёки наврўз кунидами, бизга (бирон томонга) чиқиш хусусида фармон бўлиб, юриш (бошланиши) пешин пайтига белгиланиб, бизлардан биронтамиз асргача кечиксак уни уриш, сўкиш, таҳқирлаш ёки адолат юритиб шафоат қилиш у ёқда турсин, унинг бу қилган «гуноҳи» учун фақат салб этиш ёки бўйнини узишдан бўлак жазо кўрилмайди. (Мана кўрдингми), сен билан биз ўртамизда ҳеч қандай ўхшашлик йўқ. Шунингдек, (агар) биронта орқада қолса, яширин этак остида бекиниб қолса ва тўхтаса ҳам (ушбу жазо қўлланилади). Шу сабабли биз умр бўйи шу каби (тазйиқ)ларга тайёр турамиз ва ўз тенгқурларимиз бошига тушган бу балодан огоҳда бўлиб, содир бўладиган ишораю амрга ҳар қачон итоат қиламиз. Тангри раҳм қилган, бошқадан ибрат олган (кимса) фикрига амал қилиб ибратланамиз. Унинг (Темурнинг) мамлакатидан чиқиб, унинг вилоятию салтанати иқлимидан бош олиб кетиш кошкийди, бизга мумкин бўлса? Қандай қилиб ҳам бу (иш) бизга мумкин бўлсин? Ахир, бу бизнинг она юртимиз, ўз қавмимиз маҳали, дўстлик манзилимиз, мувофиқлик риҳламиз, маишатимиз қўрғонлари, ота-бобомиз униб-ўсган, бола-чақаларимиз туғилиб, вояга етган, қабилаю уруғларимиз маконлари, бизнинг ҳозиргиларимизу ўтган авлодларимизнинг ўтроқ жойлари-ку? Булбул ёки попишак у ёқда турсин, агар қабиламиз ҳашаротларидан ҳатто биронта қора чигиртка ғойиб бўлса ҳам албатта бошқаларни зулм ва ноҳақлик сели суриб кетиб, қолганларимиз гарданига қилич тутган ўлим савлатчиси тасарруф юритади.

Аммо, агар биз у билан бир томонга чиқиб, юришга азм қилсак ва тайёргарлик кўрсак: неча йил ғойиб бўламиз ва бу шубҳали (ҳаракатга) ирода қилувчи (киши) қайси томонга (юришни) хоҳлайди?— деб сўраймиз ва шунга биноан сафар ҳозирлигини ғамлаймиз. Бизлардан ҳар биримиз бошқасининг амакиваччаси ва қўшнисидир. Ҳар биримизда алоҳида халта бўлиб, унда талқони ва ўзига яраша озиқ-овқату отига керакли озиғи бўлади. Биз бутун (сафар) вақти рўза тутгандек бўлиб, фақат ўлиб қолмаслик учун озроқ овқат тановул қилиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

овратни бекитиб турадиган қўҳна ва жулдур кийимлар
киярдик. Буларнинг ҳаммаси ўз қўлимиз билан меҳна-
тимиз эвазига яратилган нарсалар бўлиб, улар йўлида
ўз пешона теримизни тўкиб, топган нарсаларимиз эди.
Чунки ҳалоллик бизнинг энг юқори мақсадимиз бўлиб,
биз ўзгаларнинг молига кўз олайтириб, иззату номусига
тегмаймиз, бировнинг ишига ғов бўлиб йўлида турмай-
миз, ҳеч бир кимсанинг бизда ҳақи йўқ бўлиб, бизлар
билан бошқа биров орасида на алоқа-ю, на боғланиш
бор. Лекин, э мавлоно! Бало чексиз ва мусибат умумий-
дир».

Кейин улар бошларини ўнгу чапга қимирлатиб ҳай-
бат ва улуғворликдан уларни титроқ босди, лаблари
оқариб, пешоналари қорайди. Улар уввос тортиб йиғ-
лаб, дод-фарёд солдилар, чўзиқ ва тўлиқ фиғон билан
ҳўнграй бошладилар. Худо ҳақи, ростдан ҳам улар ҳу-
зурида нафсим эриб (бўшашиб) кетиб, улар олдида
улуғ машойихлар ҳам менга арзимас бўлиб қолдилар.
Шунда мен улар бошига тушган шиддатли иш ҳақида
фикр юритдим ва уларнинг ёпиб турган чўғни кафтла-
рида тутиб турганликларини билдим ва сўнгра кетма-
кет оҳ-воҳ қилиб, уларга: «Азбаройи худо, э биродарлар!
Сиз зикр қилган чексиз бало ва умумий мусибат ни-
ма?»,— дедим.

Улар жавоб бердилар: «Бизнинг отларимиз ва чор-
валаримиз, кўрпа-ёстиғу тўшакларимиз ҳомилларидир.
Юк ортишда уларга раҳмдиллик қилиб, фақатгина
(юришдан) мадоримиз қуриган (вақт)дагина биз улар-
ни минамиз. У (ҳайвонлар) ишининг шундайлиги биз-
нинг белимизни букиб, ҳолимизни ожиз бўлиб, мусул-
монлар қони ҳамда улар мол-дунёларида шўнғишга
мажбур қилди. Бизларга у (мусулмон)лар зироатлари-
да ўтлаб, улар уволларини устимизга олишга зарурат
туғдирди. Бундан қандай халос бўлиб, бу тузоқдан қай-
си йўл билан нажот топишимизни билмаймиз. Азбаройи
худо, э саййидимиз шайх! Сен биз учун бу баҳоси қим-
мат ишни арзонлаштириш (йўли)ни топасанми? Ёки бу
иссиқ ҳароратни ўчирадиган ёки бу ҳасрат ғуссасига
таскин берадиган бир қатра муздек сув борми?» Мен
дедим: «Азбаройи худо, ёлғиз тангри иноятидан бошқа
йўл йўқ! Худо ҳақи, сизлар, мени ёмонлик (овқати) би-
лан тўйдириб, аччиқ ва аламли (алоэ ёки сабур) ичим-
ликлар ичишга мажбур қилдингиз ҳамда азобу машақ-
қатлар билан юкимни оғирлатдингиз. Ваҳоланки, ўзим-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да бор бўлган ғам-ғуссаю азобларим (мен) кафанга кирадиган кунгача менга кифоя қиларди. Аммо, сиз бўлсангиз кулфатимга кулфат, азобимга азоб қўшдингиз. Азбаройи худо, сиз кимсиз? Исмингиз нима? (Оламнинг) қайси тарафида сизнинг ерингизу осмонингиз? Сиз ким билан бирга келгансиз? Сиз ўзингизга берилиб, ато қилинган яхши хусусиятлар билан муборакланинг. Менга шуларни хабар бериб, (мени) ҳайратда қолдириб кетмангки, ҳар вақт мен сизнинг олдингизга келиб, сиз билан салом-аликка сазовор бўлайин».

Улар дедилар: «Э мавлоно! Тангрига ҳамд бўлсинки, у (зот) бизга сенинг руиятингни ато қилди Аммо бизни танишинг сен учун на бирон фойдаю, на бирон баракат келтиради ва бизни (сен) танимаслигингдан на бир азияту, на бир зарар кўрасан. Бизнинг аксар гумонимизча, э мавлоно! Бугундан кейин сен бизни ҳеч қачон кўрмайсан. Агар сен билан кўришиш (тангридан) тақдир этилса, бош устига деб биз ҳузурингга югуриб келамиз. Бизнинг халифамиз — тангри(дир). Хайр, омон бўлинг!.

Кейин улар тўхтамасдан мен билан хайрлашдилар ва мени фироқ аламида қолдириб, йироқлашиб кетдилар.

Бу (қисса) денгиздан бир қатра, тоғдан бир заррадир. Субҳони ва тангри таолодан ўз мурувватию хайру саховати билан сўзларимизни хатолардан, иш ва ҳолларимизни сафсата ва халалдан сақлашини тилаймиз. Мана шу (қисса) охири.

Оламлар эгаси бўлган тангрига ҳамд бўлсин! Саййидимиз Муҳаммадга, унинг уруғ-аймоқлари ва саҳобаларига тангрининг раҳмати ва саломи бўлсин! Тангри биз учун кифоя ва (у) олий йўлбошчидир!

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИЗОҲЛАР

1. Қуръон, 67-сура, 2-оятдан.
2. Қуръон, 67-сура, 16-оятнинг охирига ҳам ишора.
3. Қуръон, 3-сура, 103-оятдан.
4. Қуръон, 33-сура, 40-оят.
5. Қуръон, 23-сура, 100-оят.
6. Қўлёзма ва нашрда хато берилган, асли ал-Масиҳ ад-Дажжол — мусулмонлар ўртасида тарқалган ривоятга кўра охир замонда пайдо бўлиб, худонинг ғаними сифатида иш тутадиган сохта пайғамбар Антихрист (қаранг: И. П. Петрушевский. Ислам в Ираче. стр. 70—71).
7. Қўлёзмада: сийлов уйи.
8. Қуръон, 30-сура, 9-оятдан.
9. Қўлёзмада: тақдир қўллари.
10. Матнда оёғида оқ оласи на пешонасида оқ қашқаси бор (зотдор) отлар маъносида келтирилган.
11. Қуръон, 3-сура, 173-оятдан.
12. Ажам — ғайри араб. Бу ҳақда яна қаранг: «Абдулланома», I-жилд, 326-бет, 16-изоҳ.
13. Бу хусусида Темурнинг расмий тарихчилари ҳеч нарса ёзмасалар-да, лекин 1404 йилда Самарқандда бўлган кастилия (Испания)лик элчи Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам айнан ушбу фикрни такрорлайди. Қаранг: Дневник путешествия, стр. 24.
14. Шарофуддин Али Яздий (Зафарнома, в 7 б.) Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Баракал деб зикр қилади.
15. В. В. Бартольднинг ёзишича, Ибн Арабшоҳ асаридан бошқа ҳеч бир манбаъда Темур туғилган жой номи кўрсатилмаган. (Соч., т. II. (2, стр. 39). Хўжа илғор қишлоғи ҳозиргача мавжуд бўлиб, Шаҳрисабздан 13 км жануби-ғарбий томонда — ҳозирги Яккабоғ райони ҳудудида жойлашган. Қишлоқ аҳли ўртасида Амир Темур шу қишлоқда туғилган деган ривоят бор.
16. Кеш — Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, араб географи Ёқубийнинг ёзишича, у VII асрда бунёд этилган. XIV асрдан эса Шаҳрисабз деб атала бошлади. Темурнинг туғилган ватани бўлганлиги сабабли XIV—XV асрларда шаҳар ҳар томонлама обод бир ўлкага айлантирилди. (Қаранг: В. В. Бартольд. Соч. т. I, стр. 188—189).
17. Мовароуннаҳр — луғавий маъноси «дарё орқасидаги нарса (ер)» бўлиб Амударёдан шимолга қараб чўзилган Ўрта



www.ziyouz.com kutubxonasi

Осиё ерлари арабча шундай аталган. Бу арабча, ибора қадимги географларнинг Трансоксиана Оксус (Амударёнинг орқасидаги) деган истилоҳнинг таржимасидан иборат. (Ёқут ал-Ҳамавий. «Мўъжам ал-бўлдон», VII жилд, 370-бет).

18. Нашрда «Ўн уч ой» деб хато берилган бўлса керак. Шу сабабли биз «Ўн уч фарсах» деб тузатдик. Фарсах — форсча «парсанг» (юнонча «парасанг») сўзининг арабча шаклидир. У масофа ўлчови бўлиб, одатда 6—8 км га тенгдир. Самарқанд билан Шаҳрисабз ўртаси ҳам тахминан 13 фарсахдир.

19. Шурта (кўплиги шурат) — Асосан шаҳарларда бўлиб, ҳарбий миршаб вазифасига доир хизматни адо этувчи шахс. (Қаранг: И. П. Петрушевский. Ислам в Иране, стр. 197—198).

20. 1363 йилда Сеистон ҳокимининг даъватига биноан Темур унинг душманларига қарши жангда қатнашиб, ўнг оёқ-қўлидан оғир ярадор бўлади. Унинг ўнг қўли деярлик қуруқ суякка айланиб, ўнг оёғи эса бутун умри оқсоқ бўлиб қолади. Темурланг (оқсоқ Темур-ланг форсча оқсоқ демакдир). ёки европаликлар талаффузича, «Тамерлан» деган лақаб ана шундан келиб чиққан. Ибн Арабшоҳнинг ўзи ҳам 7-бетда бу ҳақда ҳикоя қилади. Бу тўғрида яна қаранг: Л. В. Строева, Возникновение Государства Тимура, стр. 70.

21. Темур ишларининг аввалидан уни қўллаб-қувватлаб, кейинчалик эса унинг эътиборли амир ва лашкарбошиларидан ҳисобланган ушбу шахслар ҳақида ўша давр тарихчиларидан Низомуддин Шомий, Шарофуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандийлар бирталай маълумотлар келтирганлар.

22. Ибн Арабшоҳ кўп қўллаган ҳарбий истилоҳлардан бири «адад» ва «удад» яъни қўшин сони ва қурол аслаҳаси демакдир.

23. Шамсуддин ал-Фохурий — Шарофуддин Али Яздийнинг тарихий асарида ушбу шайх Шамсуддин Кулор. (Зафарнома, е. 254б—287 ва ҳоказо) деб аталган. Эҳтимол турк ва форс тилларини мукаммал билган Ибн Арабшоҳ «кулол» сўзини арабчага таржима қилиб «фохурий», яъни кулол деб аталгандир. В. В. Бартольдда ҳам шундай тахмин келтирилади. (Соч. т. II/2, стр. 425, прим. 13).

24. Саалаба — исломгача Хаварон, Шарқий Иордания, Ливан ва Фаластин ерларида истиқомат қилган яманлик араб суволаси Ғассонийларнинг бир амири шундай аталган. Бу ўринда унинг ҳаётидан бир воқеага ишора қилиниб, ҳозирча уни аниқлай олмадик.

25. Мовароуннаҳрда ўн икки йил (1346—1358) ҳукм юритган амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн кўзда тутилаётир. Бу пайтда у Балхда турар эди.

26. Нашрда хато берилган.

27. Ибн Арабшоҳнинг Темурнинг хотини — Ҳусайннинг синглиси Улжай Туркон оғани ўзи ўлдирди, деган фикри ҳақиқатдан йироқдир. Шарофуддин Али Яздий. (Зафарнома, в 155 а) ёзишича, Улжой Туркон оға ўлимидан (1366 йил) кейин Темур ва Ҳусайн ўртасидаги яқинлик батамом узилган. (Бартольд В. В. Соч. т. II/2, стр. 42).

28. Амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн Балх ва унинг атрофидаги ерлар ҳокими эди. Темур дастлаб у билан бирга



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, мўғулларга қарши урушлар қилган. Шунингдек, 1365 йилда Самарқанд сарбадорларини тугатишда ҳам улар иттифоқ бўлганлар. Лекин улар ўртасидаги ҳамкорлик узоққа бормади. Темур 1370 йили Балхни эгаллагач, амир Ҳусайн қатл этилди. (Низомуддин Шомий. Зафарнома, 60-бет).

29. Матнда «икки сўзни кесувчи» деб берилса-да, лекин биз матн тақозосига кўра «бир сўзли» деб таржима қилдик.

30. «Тахт» — форсча сўздир.

31. Балх — Қадимий шаҳар бўлиб VII асрда араблар томонидан забт этилган. Кейин шаҳар турк-салжуқийлар (XI аср), мўғуллар (XIII аср) томонидан истило этилиб, батамом вайрон қилинди. Фақат XIV асрнинг иккинчи ярмидагина Темур томонидан қайтадан тикланди. Ҳозир Афғонистон ҳудуди бўлиб, Вазиробод деб аталади.

32. Хуросон — Эроннинг шарқи-шимолидаги вилоят бўлиб, ҳозир Туркманистон ССР ва Афғонистон билан чегарадош. Вилоят маркази ҳозирда Машҳад шаҳри.

33. Туркистон — «турклар мамлакати». Туркистон — Шарқий ва Ғарбий қисмлардан иборат бўлиб, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Хитойнинг бир қисмини ўз ичига олади.

34. Сўзма — сўз: юз (киши)га амир.

35. Амир Ҳусайн кўзда тутилаётир.

36. Ал-Мунтаҳаб — Темур салтанати охиригача бўлган воқеаларни ўз ичига олган «Мунтахаб ат-таворихи Муиний номли умумий тарих назарда тутилса керак. Бу асар ҳақида қаранг: Ч. А. Стори. Персидская литература, часть I, стр. 340—341.

37. В. В. Бартольднинг ёзишича. (Соч. т. II/2, стр. 40), Темурнинг онаси ва Тарағайнинг бошқа хотини Кадек Хатуннинг — у 1389 йилгача яшаган (Шарофуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 206 б) келиб чиқиши тўғрисида манбаларда ҳеч қандай маълумот учратмадик.

38. Асли «мулук» сўзининг «подшоҳлар», «қироллар», «маликлар» каби маънолари бўлса-да, бу ўринда «хонлар» деб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

39. Мўғул империясининг барча томонларида Чингизхон насаби билан яқинлик қилиш афзал ҳисобланарди. Ҳокимиятга эгалик қилган амирлар хонлар қизларига уйланишга ҳаракат қилардилар. Бу билан улар «кўрагон» (мўғулча «кўрагон»— хон куёви) лақабига эришардилар. 1370 йилда Балхда амир Ҳусайнни енгиб, у ўлдирилгандан кейин Темур унинг хотинларидан тўрттасини ўзига олди. Улар орасида Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк Хоним (халқ орасида у Бибихоним номи билан машҳур)нинг борлиги Темурга «кўрагон» лақабини олиш имконини бериб, ушбу лақаб билан у умрининг охиригача аталди. Шунингдек, Темурнинг ўғли ва набираларидан айримлари ҳам шундай лақаб билан аталардилар.

40. Нашрда хато берилган.

41. Қўлёзмада сукут.

42. Соҳибқирон ҳақида қаранг, Абдулланома, 1-жилд, 327-бет, 32-изоҳ.

43.—44. Миср ва Шом (Сурия)га ҳам ишора.

45. Темурнинг Султон (амир) Ҳусайнга қарши қуролли исёнга тайёрланиши тўғрисида Низомуддин Шомий ҳам ёзади. Зафарнома, 35-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

46. Қўлёзмада: «одамларни» деб келтирилган.
47. Араб шоири ал-Мутанаббий шеърларидан.
48. Шайх Зайнуддин Хавофий — Бу ўринда Зайнуддин Абу Бакр Тайабадий назарда тутилаётир. Фикримизча, Ибн Арабшоҳ бу ўринда хатога йўл қўйган. Бу ҳақда қаранг: В. В. Бартольд, Соч. т. II/2, стр. 44—45.
49. Сайййд Барака — Ушбу саййиднинг келиб чиқиши ҳақида тарихчилар ҳар хил фикр айтганлар. У 1404 йилнинг охирларида вафот этган бўлиб, қабри Самарқанддадир. У ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: В. В. Бартольд, Соч. т. II., ч. 2, стр. 448—450; М. Е. Массон, Мавзолей Гур-Эмир, стр. 19.
50. Сажистон (Сиистон) — ҳозирги вақтда Эроннинг шарқи ва Афғонистоннинг ғарбида жойлашган вилоят. В. В. Бартольднинг ёзишича, ўрта асрларда Сажистон вилояти бундан кенгроқ чегараларни эгаллаган.
51. Муҳаммад ал-Бухорий (1377—1438). Ажамда туғилиб, ёшлиги Бухорода ўтган. У кейинчалик бир қанча мамлакатларда бўлиб, охири Дамашқда тўхтайди ва шу ерда вафот этади. У ҳақда яна қаранг: Муъжам ул-муаллифийн, II-жилд, 294-бет.
52. Амир Ҳусайннинг ўлими 12 рамазон 771 (1370 йил, 10 апрель) йилга тўғри келади.
53. Нашрда хато бўлиб, 86 йил дейилган.
54. Фикримизча, бу гапдан Ибн Арабшоҳ қуйидаги мақсадни кўзда тутса керак: 1365 йилда мўғул хони Қозоғон ўғли Илёсхўжа — у олдинроқ Мовароуннаҳрдан қувланган эди — янгитдан кўп қўшин билан Мовароуннаҳрга ҳужум қилди. Темур ва Ҳусайн ўз томонларидан қўшин йиғдилар. Улар орасида юз берган ва тарихга «лой жанги» номи билан кирган жанг Чиноз билан Тошкент ўртасида юз берди. Жанг вақтида қаттиқ жала қуйиб, ерлар лой бўлиб қолди. Темур ва Ҳусайн жангда мағлубиятга учрадилар. (Бу жанг васфи ҳақида қаранг: Низомуддин Шомий, Зафарнома, 28—30-бетлар). Темур ва Ҳусайн урушни давом эттириш бефойдалигини англаб, Амударёга қараб кетдилар ва ундан ўтиб Балх қалъасида яширindилар.
55. «Хуросон даштларида» қўлёзмада сукут.
56. Бовард (Абивард) — ҳозирги Пиштоқ шаҳарчасининг ўрнида, Туркманистон ССР Қаахка станциясидан 8 км масофада жойлашган.
57. Мохон (илгариги Мохувон) — ҳозирги Мари шаҳри ўрнида жойлашган қишлоқ шундай аталган. 1362 йилда Темур ўз иттифоқдоши бўлган амир Ҳусайн билан Туркмон Алибек қўлига асир тушиб, 62 кунни Мохон қишлоғида ўтказишган. (Низомуддин Шомий, Зафарнома. 20—21-бетлар).
58. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун 20-изоҳга қаранг.
59. Муизиддин Ҳусайн — Куртлар (картлар) сулоласидан бўлиб, Ҳирот ҳокими эди (1331—1370). У ҳақида қаранг: В. В. Бартольд, Обзор, стр. 38.
60. Малик Ғиёсуддин — Отасидан кейин Ҳирот ҳокими (1370—1389). У ҳоким бўлиб турган вақтда, яъни 1381 йилда Ҳирот Темур томонидан ишғол қилинади.
61. Яъни исёнга бел боғлади демоқчи. Бу ўринда ташбеҳ қўлланилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

62. «Қилич маломатдан ўзиб кетган». Араб масали бўлиб, бу ўринда қофия учун сўзлар ўринлари алмаштирилиб берилган. Аслида бир ишни қўлдан чиқариб, кейин надомат чеккан кишига нисбатан айтилади.

63. «Ёзда сут ачиб қолган эди» — бу ҳам араб масали бўлиб, қулай фурсатни қўлдан чиқариб надомат чекадиган кишига нисбатан айтилади.

64. Қўлёзмада: юзлангунларича.

65. Амир Ҳусайн ва Темур мўғуллардан енгилиб Балх томонига ўтиб кетгач, мўғуллар Самарқандга қараб юрдилар. Шу пайтда Самарқандда бор бўлган сарбадорлар халқ оммасини мўғулларга қарши курашга чорладилар. Самарқанд аҳли шаҳар атрофларини мустаҳкамлаб, тўла-тўкис тайёргарлик билан мўғулларни аввал Самарқанддан, кейин эса бутун Мовароуннаҳрдан қувиб чиқардилар. Мўғуллар устидан сарбадорлар эришган ғалабани эшитган Темур ва Ҳусайн яна Мовароуннаҳрга қайтишга журъат қилдилар. Фикримизча, Ибн Арабшоҳ ушбу бобда Темурнинг Жайҳун орқали Мовароуннаҳрга мана шу қайтишини назарда тутса керак.

66. Нашрда хато берилган.

67. Абу Туроб Нахшабий — IX асрда яшаган қарши (нахшаб)лик машҳур шайх. Вафоти 850 йил.

68. Нахшаб — Қарши шаҳрининг қадимги номи бўлиб, XIV асрдан Қарши деб атала бошлади. Ушбу ном шаҳар яқинида мўғуллар қурган қаср («қарши» мўғул тилида «қаср»ни билдиради) сўзидан келиб чиққан. Ҳозир Қарши Қашқадарё областининг маъмурий марказидир.

69—70. «Ҳақиқат» ва «Мажоз» — балоғат илмидаги истилоҳлар бўлиб, «мажоз» сўзни ўз маъносида ишлатмасдан ўхшатиш йўли билан ишлатиш, «Ҳақиқат» эса унинг аксидир.

71. Қуръон, 20-сура, 64-оятдан.

72. Қўлёзмада хато.

73. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, Темур амри билан Қаршида қисқа вақт ичида қалъа деворлари қурилиб битказилган (Зафарнома. 10-бет).

74. Қўлёзмада хато.

75. Бадахшон (Балахшон) Амударёнинг юқори оқимида, ҳозирги Файзобод ўрнида жойлашган шаҳар шундай аталган. Бадахшон азалдан ўз лаъли билан машҳур бўлиб, у ҳақда Марко Поло ҳам ёзган. (Книга Марко Поло, стр. 74). Шунингдек, ўрта аср географ ва сайёҳларнинг васфича, Бадахшон ажойиб об-ҳавоси, бепоён ва жуда қулай яйловлари билан ҳам шуҳрат топган. Бу ҳақда яна қаранг: В. В. Бартольд, Обзор, стр. 17.

76. Бу билан Ибн Арабшоҳ 1365 йилда мўғулларнинг Мовароуннаҳрга қилган учинчи ҳужумини назарда тутса керак. (Ўзбекистон ССР тарихи, 346-бет).

77. Қамаруддинхон — мўғулистон ҳукмдори (1362—1389).

78. Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида кураш кетаётган даврда йирик сиёсий куч ролини мўғуллар ўйнадилар. Гарчи 1365 йилдан кейин улар Мовароуннаҳрга бостириб келган бўлмасалар-да, лекин мамлакатда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб турдилар ва баъзи феодалларни ўз томонларига тортишга интилдилар. Шу сабабдан 1368 йил баҳорида Темур улардан мадад сўрагач, улар рози бўлдилар. Бу ҳақда



www.ziyouz.com kutubxonasi

яна қаранг: Л. В. Строева. Возникновение государства Тимура, стр. 79.

79. Қағалғар — қўлёзмада «Қағалға» деб берилган.
80. «Осмонгача кўтарилган бурун ва сувга ботирилган тағ». Машҳур араб масали. У ҳақда қаранг: Мунжид, 934-бет.
81. Қуръон, 9-сура, 118-оятдан.
82. Нашрда хато.
83. Қуръон, 69-сура, 7-оятдан.
84. Жавзо — Юлдузлар туркумидан. Қуёш йилининг учинчи ойи ҳам Жавзо деб аталиб, 22-май — 21-июнга тўғри келади.
85. Бу ўринда ҳам Ибн Арабшоҳ чалкашликка йўл қўйган. 1365 йилги мўғуллар билан бўлган жангдан кейин амир Ҳусайн Балхга қараб қочган эди.
86. Шахсини аниқлашнинг иложи бўлмади.
87. Ҳақиқатдан ҳам Темур билан Ҳусайннинг Балхдаги тўқнашуви 771 (1370) йилда юз берди. Низомуддин Шомий ушбу тўқнашувни батафсилроқ ёритган. Қаранг: Зафарнома, 59—60 бетлар.
88. Низомуддин Шомий (Зафарнома, 60-бет) ва Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича (Зафарнома, Е. 135 а б), амир Ҳусайнни Темур эмас, балки амир Ҳусайнда ҳун қасди бўлган Хуталон ҳокими Кай-Хусрав ва амир Улжайту ўлдиришган. Темур гарчи Ҳусайнни ўлдирмасликини ваъда қилган бўлса-да, лекин у бу ишга монеълик кўрсатмади. Бу ҳақда яна қаранг: А. Ю. Якубовский, Тимур, стр. 59.
89. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, Темур Балхни олмасдан бурун Суюрғатмиш ўғлонни хон мартабасига кўтарган (Зафарнома, 58, 199-бетлар). Бу ҳақда яна қаранг: Л. В. Строева, Возникновение государства Тимура, стр. 81.
90. Турк Қурайшлари — Муҳаммад пайғамбар, умавийлар ва аббосийлар сулоласи мансуб бўлган қурайш қабиласи арабларда қандай юқори мақомда турса, Чингизхон зурёди ҳам мўғулларда шундай мақомда демоқчи бўлса керак муаллиф.
91. Қўлёзмада «асрида» деб келтирилган.
92. Дашти (Қипчоқ) — XV асрда Хоразмнинг Ғарби-шимолидан тортиб Ғарбга, Днепр дарёсигача бўлган ерларни Дашти Қипчоқ деб аталган. Бу ҳақда яна қаранг: Ҳиндистон сафарномаси, 85-бет, 52-изоҳ.
94. Қўлёзмада хато ёзилган. Сиғноқ — Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган йирик ўрта аср шаҳри. Бир вақтлар Оқ Ўрда (XII—XV ва XVI аср ўрталарида кўчманчи ўзбеклар) давлатининг пойтахти бўлган. Унинг вайроналари ҳозир Қизил Ўрда темир йўл станциясига яқин. Сиғноқ ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: А. Ю. Якубовский. Развалины Сыгнака.
95. Утрор. Арыс дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган мавзеда жойлашган шаҳар. Хитойга юриш қилган Темур 1405 йилнинг февралида шу жойда вафот этган.
96. Хўжанд дарёси — Сирдарё кўзда тутилаётир.
97. «Темур унга қарши Самарқанддан чиқди ва улар Хўжанд дарёси яқинида, Туркистон атрофида тўқнашдилар». Ушбу жумла қўлёзмада сукут. Темур билан Тўхтамиш ўртасидаги бу тўқнашувни Ибн Арабшоҳ вақт жиҳатидан илгари келтириб, Сирдарё атрофларида бўлди, деб нотўғри талқин қила-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Аслида бу жанг Темур билан Тўхтамишнинг биринчи тўқнашуви бўлиб, у 1391 йилнинг июнь ойида Уралнинг ғарбида, Қундузча деган мавзеда юз берган. Бу ҳақда яна қаранг: В. В. Бартольд, Соч. т. II/2, стр. 449; Б. Аҳмедов. Ўзбекларнинг келиб чиқиши, 15-бет.

98. Сайхун дарёси — Сирдарё арабча шундай аталган.

99. Саййид Бараканинг Темур билан учрашуви 1370 йилда юз берган. Темурни Тўхтамишга қарши бу урушида Саййид Барака фақат жанг олдидан Темур ҳақига дуо қилиб омад тилаган. Бу ҳақда яна қаранг: Шарофуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 218 б.

100. «Йоғи қочди» — туркча ёв (душман) қочди.

101. Аббос ибн Абдулмутталлиб — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси.

102. Арабларда туяларни сувга чақирганда «жут» деган нидо билан чақирилади.

103. Қуръон, 27-сура, 10-оятидаги ушбу жумлани Ибн Арабшоҳ кўп ўринларда қўллаган.

104. Саййид Барака ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Шарофуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 136 а; В. В. Бартольд. Соч. II, ч. 2, стр. 448—450.

105. Андхой (Андхуд) — Шимолий Афғонистонда жойлашган қадимий шаҳар. У ҳақда яна қаранг: Абдулланома, II жилд, 332-бет, 125-изоҳ.

106. «Шуттор» — «шотир»нинг кўплиги, луғавий маъноси бузуқилар, таловчилар, қароқчилар. XIV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда ҳам ўша пайтда Хуросонда кенг ёйилган сарбадорлар (форсча сарбадорон — «бошини дорга тикканлар»; арабча — сарбадолия) ҳаракати ривожланди. 1365 йилда мўғул ҳокими Илёс Хўжа Самарқандга яна бостириб келганда сарбадорлар бошчилигида шаҳар аҳли матонат билан курашиб, уларни мамлакатдан ҳайдагандилар. Сарбадорларга муносабат турли-туман бўлган. Бир қанча муаллифлар қатори Ибн Арабшоҳ ҳам уларни, зикр қилганимиздек, «таловчилар», «бузуқилар» деб атайди. XIV асрда яшаган машҳур араб сайёҳи Ибн Ботута ҳам шу тарзда фикр юритиб, уларни Ироқда шуттор — таловчилар мағрибда — «суқура» — қузғунлар деб аташлари ҳақида ёзади. Риҳла, 2-қисм, 248-бет.

107. Нашрда «урушқоқлар» деб берилган.

108. Қайс ва Яман қабилалари — Асли Араб ярим оролида пайдо бўлган ва ораларида азалдан низо бўлган икки араб қабиласининг исми. Улар ҳақида яна қаранг: Мунжид, 426, 577-бетлар.

109. Қўлёзмада хато бўлиб муаллиф бу ўринда қофия учун форсча «зиёфат» сўзини ишлатган.

110. Ануширвон ибн Қайқубод — Қадимий Эронда ҳукмронлик қилган Сосонийлар (226—651) сулоласидан бўлган йигирманчи подшоҳдир. У христианларга нисбатан анча шиддат кўрсатган. Шарқ классик адабиётида кўпинча «Ануширвони одил» номи билан машҳурдир. У ҳақида қаранг: Қомус ул аълом, 6-жилд, 4621-бет; М. М. Дьяконов. Очерки истории древнего Ирана. стр. 309—315.

111. Темур ва Амир Ҳусайннинг сарбадорларга қилган ушбу хийласи 1366 йилда бўлиб, у пайт Темур ва Амир Ҳусайн иттифоқдош эдилар. Тарихий маълумотларга қараганда, Темур



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайндан шафоат тилаб сарбадорларнинг бошлиқларидан бири Мавлоно-зодани қутқазиб қолган. (Ўзбекистон ССР тарихи, 350-бет). Лекин сарбадорлар ҳақида Ибн Арабшоҳ келтирган ушбу маълумотлар кейинги даврларга (тахминан 1388 йилгача) тўғри келади. Бу ҳақда яна қаранг: А. М. Гуревич «О классовой борьбе в Самарканде», стр. 5.

112. Тумон сўзининг келиб чиқиши ҳақида қаранг: Н. Д. Миронов. ЗВОРАО т. XIX, 1910, стр. 23.

113. Андикон — Андижон.

114. Гарчи Ибн Арабшоҳ шундай фикр айтсада, ҳар бир тумондан ўн минг жангчи чиқиши ҳам доим ҳам мумкин бўлавермайди. Умуман «Тумон» сўзи ҳарбий соҳада ўн минг жангчини англатсада, ҳисоботда ўн минг динорни ҳам билдиради. Бу ҳақда яна қаранг: Ибн Дуқмоқ, Ақд ал-Жавоҳир. 245-бет; В. В. Бартольд. Соч., т. II/2, стр. 34.

115. Фарсах — Бу ҳақда 18-изоҳга қаранг.

116. Султон Жалолуддин — Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори (1220—1231).

117. Дамашқ — Самарқанднинг ғарбида, шаҳарнинг қадимий деворларининг ёнгинасида жойлашган қасаба. У ҳақда яна қаранг: В. Л. Вяткин, Материалы, стр. 44.

118. Қадимги Самарқанд — Афросиёб.

119. Марғийнон (Марғилон) — Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларидан бўлиб, азалдан шойи савдоси билан машҳурдир. Марғилондан кўпгина фозил кишилар чиққан бўлиб, улардан энг машҳури Бурҳонуддин ал-Марғийнонийдир.

120. Иликхон — Мовароуннаҳрни дастлаб (999 йилда) забт этган Қорахонийлар (улар ҳақида қаранг: В. В. Бартольд. Соч. т. II/1, стр. 41—47) сулоласидан бўлган хон Илик Наср ибн Али (вафоти 1013 йил) кўзда тутилаётир. То 1011 йилгача Самарқанд унинг ҳукми остида бўлган.

121. Шайх Бурҳонуддин ал-Марғийноний — машҳур фиқҳ олими. У Фарғона водийсининг Марғилон шаҳрида туғилиб, Бухоро мадрасаларида таълим олган. Вафоти 593 (1196) йил. Унинг энг машҳур асари «Ҳидоя фи-л-фуруъ» (Фуруъ) илмига кириш бўлиб, бир нечта қўлёзмалари ЎзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда. «Ҳидоя»нинг русча таржимаси Гродеков таҳрири остида босилган (Тошкент, 1893).

122. Сағониён (Чағониён) — таркибига Термиз шаҳри билан Сурхондарё водийси кирган вилоят шундай аталган.

123. Нашрда хато берилган.

124. Турон — XIV асрда Туркистон ва Мовароуннаҳр ерлари шу ном билан аталган ҳамда турклар мамлакати маъносида ишлатилган.

125. Кайковус — Қадимий Эроннинг афсонавий Каёнийлар сулоласидан бўлган иккинчи ҳукмдори. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамонларидан бири (Шахнаме, стр. 350—455).

126. Афросиёб — эронликларнинг афсонавий подшоҳи.

127. «Ироқ (эса) Эрон мағрибидир». Қўлёзмада сукут.

128. Нашрда хато берилган.

129. Қўлёзмада: «қудачилик», сукут.

130. Бу ҳақда 78-изоҳга қаранг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

131. Темурнинг Хоразмга биринчи юриши 1372—1373 йилларга тўғри келади.
132. Журжон — Гургоннинг арабча аталиши бўлиб, у Каспий денгизи соҳилларининг жанубий-шарқида жойлашган.
133. Абдуллоҳ Мақдисий ўзининг «Аҳсану-т-тақосим фи маърифатил-ақолим» асарида Хоразм аҳлининг маданий савияси юксаклигини таъкидласа, XIV аср машҳур араб сайёҳи Ибн Ботута (1303—1378) «Риҳла» асарида «дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразм элидан ахлоқи яхшироқ, олижаноброқ ва мусофир-парварроқ элни кўрмадим»—дейди. (А. Рустамов. Маҳмуд Замахшарий, 7-бет).
134. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, Темур Хоразмга юриш қилиб Урганч йўлида бўлган Кот шаҳрини олгач, Ҳусайн Сўфи Темур талабига рози бўлиб, сулх тузишга тайёр эканлигини билдирган. Лекин Темур аскари қўмондонларидан бири — Хутталон ҳокими Кайхусрав — у Темурнинг бунчалик даражада кучайиб кетишидан норози эди — Ҳусайн Сўфини Темурга бўйсунмасликка ундаб, унинг томонига ўтишни ваъда қилган. Ҳусайн Сўфи Кайҳусравга ишониб Темурга қарши урушга киришди. Лекин у жангда мағлубиятга учради. Шундан кейин у Урганч қалъасида яшириниб, тез орада шу ерда вафот этди. Зафарнома, 66—67-бетлар; Ўзбекистон ССР тарихи, 353-бет.
135. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, Темурнинг Хоразмга иккинчи юришигача Ҳусайн Сўфи вафот этиб, ўрнига укаси Юсуф Сўфи (1373—1380) Ҳокимиятга ўтирган эди. (Зафарнома, 67-бет).
136. Яъни бутун жидду жаҳди билан ҳаракат қилди демоқчи бўлса керак.
137. Қуръон, 10-сура, 2-оятдан.
138. Қуръон, 35-сурасидан «Ҳеч бир юк кўтарувчи иккинчи бир киши юкини (гуноҳини) кўтармайди» (деган) 18-оятига ишора:
139. Қўлёзмада «неъматларим» сукут.
140. Қуръон, 26-сура, 18-оятдан.
141. Қўлёзмада сукут.
142. Шаҳардаги мустаҳкам, машҳур Ихтиёриддин қалъаси кўзда тутилади.
143. Ҳиротнинг ҳисори ва унинг Темур томонидан олиниши 783 йилнинг муҳаррам ойида (март-апрель, 1381) тугаган. Темурнинг Ҳиротга юриши ҳақида Низомуддин Шомий (Зафарнома, 82—84-бетлар) батафсил ҳикоя қилади. Шунингдек, яна қаранг: Ғиясиддин Али, Дневник похода, стр. 33—34.
144. Қўлёзмада: «бало», «офат» деб берилган.
145. Хавоф — Бушенгнинг ғарбида жойлашган бир қасаба. Ҳозирги хариталарда Хоф деб ёзилади.
146. Шайх Зайнуддин Абу Бакр Хавофий — Хуросондаги Тайобод қишлоғида Зайнуддин Абу Бакр Тайободий деган бир зоҳид киши яшаган. Темур мана шу шахс билан учрашгани тўғрисида тарихчи Ҳофизи Абрўга ҳикоя қилган.
147. Қудс — Иерусалим (Қуддус).
148. Шайхнинг ушбу хитоби В. В. Бартольд таржимасида бирмунча ноаниқроқ келтирилади. Соч. т. II/2, стр. 45.
149. Бойликлар билан бирга Ҳиротнинг эътиборли (машҳур) кишилари, шунингдек, донғи кетган Ҳирот дарвозаларининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

эшиклари ҳам Шаҳрисабзга жўнатилганди. Шарофуддин Али Яздий ўз «Зафарнома»сини ёзган вақтда, яъни 1425 йилда, ушбу эшиклар Шаҳрисабзда бўлган. Қаранг: А. Якубовский, Тимур, стр. 64.

150. Ҳиротни истило этгандан кейин Темур ўз қўшинлари илғорини Жаҳоншоҳ қўмондонлиги остида Сабзаворга жўнатиб, ўзи эса асосий кучлар билан Келатга қараб юриш қилган. Қаранг: История Афганистана, стр. 325.

151. Қўлёзмада: Меъзана дейилган.

152. Темурнинг бу юриши 1383 йилда бўлиб, У Сажистонда кўп харобаликлар қилди. Бу тўғрида яна қаранг: Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 169в ва давоми; В. В. Бартольд, Обзор, стр. 48.

153. Темурнинг Сажистонда қўл ва оёғидан ярадор бўлганлигига ишора.

154. Кермон — Эрондаги шу номли вилоятнинг маркази. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, бу маъмур ва машҳур, шаҳар ва қишлоқлари кўп бир вилоят бўлиб, шарқдан Мукрон, ғарбдан Форс, шимолдан Хуросон ва жанубдан Форс денгизи билан чегараланган. Муъжам ул-булдон, VII жилд, 244-бет.

155. Сабзавор — Афғонистоннинг ғарбида, Ҳиротдан жанубда жойлашган машҳур шаҳар. Ҳозир у Исфизор деб аталади.

156. Шу пайтда Сабзавор ҳокими бўлиб шаҳар сарбадорларининг бошлиғи Али Муайяд (1364—1381) турар эди. Ҳақиқатда ҳам у Темурга итоат билдирган эди. Бу ҳақда яна қаранг: Низомуддин Шомий. Зафарнома, 85-бет; И. П. Петрушевский, Земледелие, стр. 462—463. Ибн Арабшоҳнинг Ҳасан Журий Сабзавор ҳокими эди, деган фикри ҳақиқатдан йироқдир. Ҳасан Журий тасаввуфни тарғиб қилиб, суннийларга қарши тарғибот юргизган шайх бўлиб, у 1342 йилда Ҳирот малики билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Ҳар ҳолда у Ибн Арабшоҳ ёзгандек, рофизий бўлган. Бу ўринда муаллиф масалани чалкаштириб юборган. Хасан Журий ҳақида қаранг: И. П. Петрушевский, Земледелие, стр. 430.

157. Рофизий — еретик, яъни дин ақидаларига қарши чиққан киши. Қаранг: И. П. Петрушевский. Ислам в Иране, стр. 298.

158. Қўлёзмада: «фикри» деб берилган.

159. Қуръон, 22-сура, 27-оятдан.

160. XIV асрнинг ўрталарида Хуросоннинг кўпчилик қисмида пайдо бўлиб, қарийб ярим аср давомида (1337—1381) тўхтамаган сарбадорлар ҳаракати тарихда машҳурдир. Сарбадор сўзи форсча бўлиб, «бошини дорга тиккан» демакдир; арабча бирмунча ўзгартирилиб «сарбадол», кўплиги «сарбадолия» дейилади.

161. Маъмун (786—833) — Аббосий халифаларидан. Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли. «Маъмун» сўзининг луғавий маъноси «тинч», «осойишта» бўлиб, эҳтимол шу сўзларга ҳам ишорадир.

162. Ийас — Басра қозиси Ийас ибн Муовияга ишора.

163. Сўзма-сўз: шароб, ичимлик.

164. Хожа Али ибн Муайяд ат-Тусий — Сабзавор сарбадорларининг охирги ҳукмдори (1364—1381 йил).

165. Ўн икки имом номи билан — Муҳаммад пайғамбар қизи Фотиманинг куёви Али тарафдорлари шийъалар деб ата-



www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, ислом динидаги бир йўналишни ташкил қилганлар. Улар имомлари ўн икки киши бўлиб, биринчиси Али Ибн Толиб (661 йилда қатл этилган) охиргиси Муҳаммад ал-Маҳди (874 ва 878 йиллар оралиғида ғойиб бўлган). Улар ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: И. П. Петрушевский, Ислам в Иране, стр. 240—275.

166. Амир Муҳаммад (Бовард ҳокими) — Жони қурбоний қабиласининг бошлиғи Арғуншоҳ ўғли. Отаси вафотидан кейин у ҳокимиятга эга бўлган эди.

167. Қўлёзмада Сархас ҳокими «казо» дейилган. Нашрда келтирилган «амир Абдулло» эса хатодир. Дарҳақиқат, Темурнинг бу юриши вақтида Сархас ҳокимлигида Ҳирот ҳокими Малик Ғиёсиддиннинг биродари Малик Муҳаммад ҳокимлик қиларди. У (Муҳаммад) Темурга итоат изҳор қилганди. Қаранг: История Афганистана, т. I, стр. 325.

168. Абдулло эмас, Муҳаммаддир. 167-изоҳга қаранг.

169. Рай — Теҳроннинг шарқида жойлашган қадимий шаҳар бўлиб, XI—XII асрларда ғоятда гуллаб яшнаган бир маконга айланди. Аббосийларнинг машҳур халифаси Ҳорун ар-Рашид шу шаҳарда туғилган.

170. Шоҳ Шужьо (Абул-Фаворис) — Жамолуддин ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар. У 1364 йилдан Форс, Кермон, шунингдек Исфаҳонда ҳокимлик қилган.

171. Бу ўринда муаллиф воқеликни нотўғри талқин қилаётир. Султон (амир) Ҳусайн 1370 йили ўлдирилган бўлиб, Хуросон ерларининг батамом Темурга бўйсуниши XIV асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Бу ҳақда яна қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи, 356—357-бетлар.

172. Ажам Ироқи — Қадимги Мидия ерлари ишғол қилган жойлар шундай аталган.

173. Шероз — Жанубий Эрондаги шаҳар бўлиб, айрим араб географларининг фикрича, шаҳар қурилишига VII асрда араблар асос солганлар. (Ҳ. Қазвиний, Нузҳат ал-қулуб, 113-бет). XIII—XV асрларда Шероз Эрондаги энг йирик савдо марказларидан бири бўлган.

174. Қўлёзмада: «икки йўл оралиғида» дейилган.

175. «Ал-Кашшоф» — Қуръон тафсирида бир китоб. Хоразмлик олим Абулқосим аз-Замахшарий (вафоти 1144 йил) таълиф этган.

176. «Язд — Нишопур, Шероз ва Исфаҳон ўртасида жойлашган бир шаҳар. Еқут, Муъжам ут-булдон, VIII ж. 506-бет.

177. Абрақуҳ — Форс худудида жойлашган машҳур бир шаҳарча, Ал-Истахрийнинг фикрича, у билан Язд ораси 3—4 фарсахдир. Қаранг: Еқут, Муъжам ул-булдон, I жилд. 79—80-бетлар.

178. Қуръон, 82-сура, 2-оят.

179. Қуръон, 28-сура, 77-оят.

180. Султон деб бу ўринда мўғул хони Абу Саид назарда тутилаётир. Чунки Муҳаммаднинг отаси Музаффар мўғуллар хизматида бўлган. Қаранг: К. Э. Босворт, Мусульманские династии, стр. 213.

181. Сўзма-сўз: чўқиб кавлайдиган.

182. Унинг вафоти 1336 йил эди.

183. Қуръон, 28-сура, 31-оятдан.

184. Сўзма-сўз: қозиқлари мустаҳкам ўрнашган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

185. Қуръон, 3-сура, 26-оят.
186. 1353 йилда.
187. Лэн Пулда (Мусульманские династии, стр. 210) Шарафуддин Музаффар деб зикр қилинган.
188. Улар ўртасидаги низо 1359 йилда содир бўлди. Лэн Пуль, Мусульманские династии, стр. 209.
189. Жав ул-бақар — «Сигир касали», бу касал билан оғриган кишининг қорни овқатга тўймай, тўйганда ҳам тезда яна таом тановул қилаверади.
190. Шох Шужъонинг ўлими 1384 йилга тўғри келади.
191. Шоҳ (ёки Лэн Пуль бўйича, Шарафуддин) Музаффарнинг.
192. «Абу Завбаъ» кучли тўзон, Нашрда: навза деб келтирилган. Бизнингча «шамол» тўғри бўлса керак.
193. Шоҳ Мансур ўз амакиваччаси Зайн ал-Обидинни азоблаб нобино қилди. У (Зайн-ал Обидин) Шоҳ Мансурга ота эмас, амакиваччадир.
194. Астробод — ўрта асрларда Каспий денгизининг жанубишарқий томонида, Деҳистон билан Мозандарон оралиғида жойлашган катта бир шаҳар. Ҳозир Шимолий Эроннинг кичик бир шаҳри бўлиб, Гургон деб аталади.
195. Қуръон, 28-сура, 77-оят.
196. Ҳусайн Сўфи назарда тутилаётир.
197. Текстда: замон буркига дейилган.
198. Сўзма-сўз: ички ва ташқи либосларини.
199. Низомуддин Шомийнинг ёзишича (Зафарнома, 67-бет), Ҳусайн Сўфи Темурнинг Хоразмга қилган биринчи юриши вақтида, яъни 1372—73 йилда вафот этган. Темурнинг Хоразмга қилган учинчи юриши ҳақида қаранг: Зафарнома, 71, 79—81-бетлар. (МИТТ, стр. 517—519).
200. Юсуф Сўфи Ҳусайн Сўфининг ўғли бўлмай, балки биродаридир. Қаранг: Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, Қўлёзма: 1514, в. 119 а.
201. Темур Хоразмга биринчи марта юриш қилган (1372—73 й.) пайтида, Қ: Шарофуддин Али Яздий, Зафарнома, Қўлёзма: 1514, в. 119 а, б.
202. Валлода (вафоти 1087 йил) — Испаниядаги Кордова шаҳри қироли ал-Мустакфининг қизи. У бағоят соҳибжамоллиги ва шеъриятдаги таланти билан донг таратган.
203. Хонзода (хон қизи) — Хоразм ҳокимлари Ҳусайн ва Юсуф Сўфиларнинг биродари Оқ Сўфининг қизи бўлиб (Хондамир, Ҳабиб ус-сияр, 18-бет), Олтин Урда хони Ўзбекхоннинг (1312—1340) набираси эди. Жаҳонгир 1376 йилда ўлгандан кейин Хонзода Темурнинг бошқа ўғли Мироншоҳнинг хотини бўлди (Шарофуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 150 а, б; 175 а). Халил Мироншоҳдан туғилган ўғилдир. Қаранг: Рюи Гонзалес де Клавихо, Дневник путешествия.., стр. 281.
204. Рум — XIII—XV аср мусулмон тарихчилари Византия (Кичик Осиё)ни Рум деб атаганлар. Рум ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Ҳиндистон сафарномаси, 84-бет, 49-изоҳ.
205. Оқшаҳр — Туркиянинг унча катта бўлмаган бир шаҳри бўлиб, турк султони Боязид ҳам 1403 йилда шу жойда вафот этганди.
206. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу юриш 790 (1388) йилда бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

207. Қўлёзмада хато бўлиб, 853 йил дейилган.
208. Бу ўринда ҳам Ибн Арабшоҳ воқеани нотўғри кўрсатаётир. Хоразмга Темурнинг охирги юриши ва уни хароб этиб, сўфилар династиясини тугатиши 1388 йилда бўлган эди. Қаранг: Низомуддин Шомий, Зафарнома, 108 бет, А. Якубовский, Тимур, стр. 62—63. Б. Аҳмедов, Ўзбекларнинг келиб чиқиши, 51—52-бетлар.
209. Мозондарон — Каспий денгизининг жанубида жойлашган ерлар шундай аталиб, 644 (1246—1247) йилда Табаристонга қўшилгандан кейин араблар уни Табаристон деб атаганлар.
210. Шоҳ Вали — Хулоқийлар инқирозга учрагандан кейин Мозондарон ва Хуросоннинг баъзи қисмлари ҳокими (1353—1384). У ҳақда қаранг: Лэн Пуль, Мусульманские династии, стр. 299.
211. Низомуддин Шомийнинг ёзишича (Зафарнома, 84—86-бетлар)., Темур элчиси борганда амир Вали аввалига унинг итоатига киришга рози бўлади, аммо сўнгра унга қарши курашга бел боғлайди.
212. Араб Ироқи — Қадимги Бобил ерларини ишғол қилган жойлар шундай аталган.
213. Султон Аҳмад ибн Шайх Увайс — Султон Аҳмад 1382 йилда отаси ўлгандан кейин Озарбайжон ва Ироқда ҳукм юритди. Темур келганда (1393 й.) Султон Аҳмад Миср султони Барқуқ ҳузурига қочиб бориб ундан паноҳ топди ва ўша вақтдан то Темур вафотига (1405 й.) қадар у ўз ерларидан гоҳ ажралиб, гоҳ уларни эгаллаб турди. 1406 йилда Бағдод ҳукмида турганда туркман Қора Юсуф билан унинг орасида низо чиқиб, уруш воқеъ бўлади. Бу уруш 1410 йилда Султон Аҳмаднинг мағлубияти ва ўлими билан тугайди.
214. Қўлёзмада: чиғатойлик, сукут.
215. Машҳур араб масали.
216. Мутанаббий (Абу Тайййб) — X аср машҳур араб шоирларидан.
217. Қуръон, 89-сура, 27-оятдан.
218. Қуръон, 59-сура, 2-оятдан.
219. «Мажол етмайдиган (нарса)дан қочиш суннати». Азалдан машҳур бир ибора.
220. Тарихчи Низомуддин Шомий Шоҳ (амир) Валининг Райга томон қочиб кетганини хабар қилиб, унинг ўлими ҳақида ҳеч нарса демайди. Зафарнома, 96-бет.
221. Қўлёзмада хато берилган.
222. Манбаларда «Шосбон» эмас «Шосмон» деган мавзеъ учрайди.
223. Бу ўринда ҳам Ибн Арабшоҳ ноаниқликка йўл қўйган. Бу шахс Абу Бакр Шосмоний номи билан учраб, у Хуросон сарбадорлари бошлиқларидан биридир. У сарбадорлар гуруҳига бош бўлиб, Шоҳ Валига қарши уруш қилган, аммо мағлубиятга учраган.
224. Темур аскарлари кўзда тутилаётир.
225. «Айтишларича», Мозондарон дарбандларидан бирида чиғатойлик (Темур) Абу Бакрни ҳар томондан ўраб олди» жумласи қўлёзмада сукут.
226. Нашрда хато берилган.
227. Гўё Таббата Шарра қутулганидек қутулди — Исломдан олдин яшаган араб шоирларидан бири Собит ибн Жобир Ибн



www.ziyouz.com kutubxonasi

Суфйон ал-Фаҳмий (вафоти 530 йил) бўлиб, у Тааббата Шарра (ёмонликни қўлтиқлаган») номи билан машҳурдир. Бу уринда унинг ҳаётидан бир воқеага ишора қилинган, ҳозирча буни аниқлай олмадик.

228. «Кейин унинг иши нима бўлгани ва ҳоли не кечганини билмайман» жумласи қўлёзмада суқут.
229. Нашрда Қораёғ деб хато берилган.
230. Амираншоҳ (Мироншоҳ) Темурнинг 1366 йилда туғилган ўғли.
231. Гиёсуддин Алининг ёзишича, Шоҳ Мансур ихтиёрида уч мингга яқин суворий бўлган. Ушбу жанг тафсили ҳақида яна қаранг: Дневник похода, стр. 48—53.
232. Сўзма-сўз: олтинчи «коф»ида. «Коф»лар билан бошланадиган еттита сўздан иборат рубоийдаги олтинчи «коф» аёлларнинг жинсий аъзосига тўғри келади. Ушбу рубоий Ҳаририй мақомотларида (25-мақомотда) келтирилган. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун яна 1062-изоҳга ҳам қаранг.
233. Сўзма-сўз: оғир.
234. Қуръон, 8-сура, 60-оятдан.
235. Қуръон, 7-сура, 142-оятдан.
236. Қаранг: Древнетюркский словарь, стр. 555. Туркча «мижғов».
237. Фикримизча, Ибн Арабшоҳ наздида Шоҳ Мансурнинг ғалат иш қилгани — Темур билан урушишга бел боғлагани бўлса керак.
238. Қуръон, 3-сура, 26-оятдан.
239. Қўлёзмада: хато берилган:
240. Низомуддин Шомий ушбу урушда Темур набираси Муҳаммад Султон зўр жасорат кўрсатганлиги ва биринчилар қаторида шаҳар қалъасига кирганлиги ҳақида ёзади.
241. Тарихчи Ибн Тағриберди (ан-Нужум аз-зоҳира, 260-бет) ушбу амирнинг исмини Муҳаммад ибн Аминуддин деб зикр қилган.
242. Қўлёзмада ғалат берилган, асли нашрдаги сўз тўғридир.
243. Арабча бир ибора.
244. Қуръон, 74-сура, 50—51-оятлар.
245. «Миръот ул-адаб фи-л-маоний ва-л-баён» (Маъно ва баёнда адабиёт ойнаси) — Ибн Арабшоҳнинг адабиётга оид икки минг байтдан иборат назмий бир асари шундай аталади.
246. Мовароуннаҳр (ёки Самарқанд) Шерозга нисбатан шимолда бўлганлиги сабабидан муаллиф бу ўринда ўшанга ишора қилаётир.
247. Қўлёзмада: кўпинча бошқага келтирилган.
248. Бу ҳақда яна қаранг: Гиясиддин Али, Дневник похода, стр. 51—52.
249. Қўлёзмада: қазо.
250. Қуръон, 93-сура, 2-оят.
251. Қўлёзмада: қўшинларим.
252. Тарихий бир воқеага ишора.
253. Шоҳ Мансур ўлимини тарихчилар турлича талқин қиладилар. Ғиёсиддин Али (Дневник похода, стр. 52) ва Низомуддин Шомий (Зафарнома, 134-бет) бироз фарқ билан бўлсада, бу воқеани Ибн Арабшоҳ фикрига яқинроқ тарзда ёритадилар. Лекин Шарафуддин Али Яздий (Зафарнома, в. 238 а) нинг Шоҳ Мансурнинг бошини шахсан Темурнинг ўғли, 17



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёшли Шохруҳ кесди деган фикри ҳақиқатдан йироқдир. Бу ҳақда яна қаранг: А. Мюллер, История ислама, стр. 322.

254. Бистом — Араб географларининг ёзишича, азалдан Бистом катта бўлмасада гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. IX асрда Бистомда машҳур тасаввуф шайхларидан Абу Язид (Боязид) Бистомий яшаган.

255. Султон Барқуққа.

256. Охирги абзац тўлиғича қўлёзмада суқут.

257. Ҳозирги вақтда бўлганидек, ўша пайтда Сиржон деб Шероздан шарқ томонда бўлган бир жойни атардилар. Сиржон ҳақида яна қаранг: В. В. Бартольд, Обзор, стр. 95—97.

258. Ғиёсиддин Алининг ёзишича, Абу Исҳоқ ҳам итоат билдириб, Темур ҳузурига келган. Дневник похода.., стр. 53

259. Сўзма-сўз: ҳасса синдирмади.

260. Қўлёзмада: омонлик молини.

261. Жавмак (турк) — ҳарбий ва аҳлий давлат ходимларига бериладиган мояна.

262. Идрор — Ҳокимлар томонидан шу инъомга сазовор шахсга тайин этиладиган йирик пул маблағи. Идрор ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: И. П. Петрушевский. Земледелие, стр. 269—272.

263. Исфаҳон — Эроннинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, ҳар томондан тоғлар билан ўралган пасттекисликда жойлашгандир. Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ёзишича, унда деярли барча дарахтлар ўсган. Исфаҳон Темурдан қаттиқ талафот кўрган бўлсада, тезда янада обод бўлиб, 1403 йилдаёқ Темур набираси Рустам мулкининг маркази бўлиб қолди. Исфаҳон ҳақида яна қаранг: В. В. Бартольд, Обзор, стр. 114—119; Хождение за три моря, стр. 194, прим. 336.

264. Қуръон, 24-сура, 35-оятдан.

265. Абу Хурайра — Муҳаммад пайғамбар саҳобаларидан бўлиб, жоҳилиятда унинг исми Абду Қайс бўлган. У мушукни жуда ёқтиргани учун Муҳаммад унга Абу Хурайра (Мушук отаси) деган куня берган. Вафоти тахминан 676 йилларга тўғри келади. У ҳақда қаранг: Қомус ул-аълом, I жилд, 767—768-бетлар.

266. Шайх Усмон — Хулафо ур-Рошидин (чаҳорёрлар)нинг учинчиси (644—655).

267. Нашрда: мол-дунё келтириш деб бироз фарқ билан берилган.

268. Нашрда: Қўллари.

269. Нашрда хато берилган.

270. Зиммий — Араб халифалигида истило қилинган ерлардаги ғайри мусулмонлар шундай аталганлар. Араблар билан улар ўртасидаги битимга кўра, улар ўлпон тўлаши, ислом аскарларига сарфланадиган харажатларини кўтариши, шунингдек, улар қурол-аслаха сақлашлари, янги ибодатхоналар қуриш-ларига чек қўйилганди. Мана шулар эвазига улар ўз динларига сиғинишга ҳақлари бор эди. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: А. Массе, Ислам, стр. 63.

271. Қуръон 26-сура, 88-оятдан.

272. Юнус ибн Матта — Яҳудийларнинг етти пайғамбаридан бири. Қуръон 37,— яъни «Софот» сурасининг 147-оятида айтилишича, ушбу наби (Юнус ибн Матта) юз минг ва ун-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ортиқроқ умматга пайғамбар қилиб юборилган. Демак Ибн Арабшоҳ ёзишича, Исфаҳонда Темур томонидан ҳалок этилганларнинг сони олти юз мингдан ҳам ортиқ экан-да? Лекин тарихчилардан Шарафуддин Али Яздий (Зафарнома, в 190 б), Абдураззоқ Самарқандий (Матлаи саъдайн, в. 113 а) ёзишларича. Темур Исфаҳонда 70000 калла йиғдириб, улардан турли жойларда буржлар бунёд қилган. Бу ҳақда яна қаранг: В. В. Бартольд, Обзор, стр. 116.

273. Қўлёзмада хато берилган.

274. Мўғулистон — XIII—XVII асрларда Қозоғистондан Қашғаргача ёйилган ерлар. «Чиғатой» улусининг шимоли-шарқий қисми. Или, Еттисув ва Шарқий Туркистон вилоятлари. Мўғулистоннинг ғарбий чеграси қилиб шимолда Кўкчадениз (Балхаш), ғарбда Туркистон ва Тошкент шаҳарлари кўрсатилган. Демак, ҳозирги Қирғизистоннинг шимолий қисми Мўғулистон тушунчасига кирган. Мўғулистон ва Мўғул улуси — бир маънода (Ҳ. Ҳасанов, Ўрта Осиё жой номлари тарихидан, 70-бет).

275. Жато — тарихчилар назмида кўпинча Жато деб Мўғулистон назарда тутилган.

276. Ашпара — ҳозир Сирдарё вилояти билан Еттисув ўртасида чегара бўлиб турган дарё ва жой Ашпара (ҳозирги Чалдевор) деб аталган.

277. Катта Малика — Амир Ҳусайннинг собиқ хотини. Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним хон қизларидан бўлганидан Катта Малика деб аталарди.

278. Кичик Малика — 1397 йилда Темур мўғул хони Хизрхожанинг қизи Тукол хонумга уйланди. У Кичик Малика деб аталиб, Темур ҳарамида иккинчи малика саналди.

279. Нашрда хато берилган.

280. Шохруҳиянинг қолдиқлари Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойидан 15 км юқорида мавжуддир.

281. «Шохруҳ» деб шатранж ўйинида шундай ҳолатга айтиладики, бунда руҳ шоҳ (малик)га шиддатли хужум қилади. Бу тўғрида яна қаранг: А. Мюллер, История ислама, стр. 341.

282. Шохруҳнинг онаси Темур маъшуқаларидан бири бўлганлиги тўғрисида тарихчи Хондамир ҳам ёзади. Бу ҳақда яна қаранг: В. В. Бартольд, Соч. т. II/2, стр. 47. прим. 82.

283. Қўлёзмада улуғлар деб берилган.

284. Қўлёзмада: Шоҳ Яҳъёга сукут.

285. Қуръон, 12-сура, 77-оятдан.

286. Интиқом олиш рамзи сифатида кийиладиган кийим бўлса керак.

287. Нашрда хато берилган.

288. Қуръон, 41-сура, 21-оятдан.

289. Қуръон, 79-сурасига ҳам ишора.

290. Қуръон, 78-сурасига ҳам ишора.

291. Қуръон, 13-сурасининг номи.

292. Қуръон, 71-сурасининг номи.

293. Қуръон, 34-сурасининг номи.

294. Қўлёзмада: қўли.

295. Қўлёзмада: хато берилган.

296. Сандерсда хато бўлиб, «йигирма» дейилган.

297. Қўлёзмада: «шайтон» деб берилган.

298. Шоҳ Шужъо ўлими олдидан (1384 йил) ўз вилоятларини ав-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лодлари ва биродарлари ўртасида тақсим қилганда биродари Султон Аҳмадга Кермон берилган эди. 1393 йили Темур Шимолий Эрон ҳукмдорларини тугатиб ҳаммаларини қатл этганди.

299. Қўлёзмада хато берилган.

300. Қуръон, 37-сура, 63-оят.

301. Қўлёзмада ушбу жумла ноаниқроқ берилган.

302. Ҳамо — Ғарбий Сурнядаги шу номли муҳофаза ва унинг маркази. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, у жуда азим, обод ва қадимий шаҳар бўлиб, араб шоири Имрул Қайс ҳам ўз шеърларида зикр қилган.

303. Нашрда, «жамоа йўли (суннати)дан (четга) чиқди» дейилган.

304. Бир тарихий воқеага ишора. Бу (ишорат) Ҳаририй мақомларида ҳам келтирилган.

305 Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларидан.

306. Қўлёзмада: баҳона сукут.

307. Султония — XIV асрда Эронда Улжойтухон томонидан асос солинган мўғул хонлари давлатининг маркази бўлиб, ҳозир унинг харобалари Абхор билан Зинжон ўртасида мавжуддир. Султония ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Хождение за три моря, стр. 198. прим. 340.

308. Қўлёзмада: қолганлари.

309. Миқнаъ — аёллар бошига ўрайдиган дурра (рўмол).

310. Бу ўринда Самарқанднинг бошқа шаҳарларга нисбатан улуғворлигини яққол кўрсатиш учун Самарқанд атрофларида Темур бино қилган Султония, Шероз, Боғдод, Димашқ ва Миср каби қасабалар кўзда тутилаётир.

311. Кошғар — Хитой шаҳарларидан бири бўлиб, Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, унинг аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлган.

312. Рустамдор — Мозандарондаги бир мавзе номи бўлиб, Сафидруданинг ирмоғи бўлган Шохруд соҳилида жойлашган. У ҳақида яна қаранг: В. В. Бартольд, Обзор, стр. 159.

313. Забулистон — Жанубий Афғонистондаги тоғлиқ ерлардан иборат бир вилоят. У ҳақда яна қаранг: Ҳудуд ул-олам, 22-бет.

314. Табаристон (Мозондарон) — Шимолий Эрондаги бир вилоят.

315. Ғазна — «Бу бир азим шаҳар ва Хуросон тарафидаги кенг бир вилоят бўлиб, Хуросон ва Ҳинд ўртасидаги чегарадир»,— деб ёзган Ёқут Ҳамавий Ғазна ҳақида («Муъжам ул-булдон», VI жилд, 289-бет).

316. Қазвин — обод бир шаҳар бўлиб, XVI асрда бирмунча вақт Эроннинг пойтахти ҳам бўлган. XIV аср машҳур тарихчиси ва географи Ҳамдуллоҳ Қазвиний шу шаҳарда туғилган.

317. Ғур — ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги тоғлик бир вилоят.

318. Лур ёки Луристон — Исфаҳон ва Хузистон ўртасида бўлиб, тоғларга тўлиқ кенг ерларни ўз ичига олган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Лур ерлари обод, бойликлари беҳисоб ва меваларга тўлиқ жой бўлган.

319. Руҳа (туркча Урфа) — Жазиранинг шимолида, Диёрбакрдан 190 км узоқликда жойлашган шаҳар. Ўрта асрларда ғоятда мустаҳкам қалъаси билан шуҳрат қозонган.

320. Ҳижоз — Арабистон ярим оролида, Саудия Арабистонидаги қадимий вилоят. Макка ва Мадина Ҳижоз ҳудудидадир. Бу



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўринда муаллиф тарихий муболаға тарзида Ҳижозни ҳам келтираётир.

321. Жанд — «Туркистон ерларидаги азим бир шаҳарнинг исми. У билан Хоразм ўртасидаги масофа ўн кунлик йўлдир»,— деб ёзади. Жанд ҳақида Ёқут Ҳамавий. «Муъжам ўл-булдон», III жилд, 137-бет.

322. Ҳамадон — ўрта асрларда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам Эроннинг азим шаҳарларидан бири ҳисобланиб, унинг ғарбида жойлашган.

323. Арабча бир ибора.

324. Қуръон, «Ал-Аъроф» сураси, 101—121 оятларига ҳам ишора.

325. Барча манбаларда — Алинжак.

326. Қўлёзмада «Темур ҳақида» дейилган.

327. Низомиддин Шомий. Зафарнома, 139—140 бет.

328. Абу Саййид Барқуқ Малик аз-Зоҳир — Миср мамлуклар султонларидан (1382—1389 ва 1390—1399).

329. 325-изоҳга қаранг.

330. Қўлёзмада тўғри келтирилган.

331. Нашрда ва Голиусда хато берилган. Бу шахснинг исми аслида Темур Қутлуғдир. Бу ўринда қофия учун сўзлар ўрни алмаштирилган.

332. Нашрдаги «одамлар» сўзи ортиқча.

333. Нашрда айнан шундай.

334. Шеърни барча ўринларда эркин таржима қилдик.

335. Лахйон — қадимги улуғ араб қабилаларидан ҳисобланган Ҳузайл қабиласининг бир гуруҳи бўлиб, Ҳабашистон ҳокими Абраҳа филлар ёрдамида Маккага ҳужум қилганида (570 йил) Каъбани мудофаа этганлар.

336. Нашрда ва Голиусда хато берилган. Бу шахснинг исми аслида Темур Қутлуғдир. Бу ўринда қофия учун сўзлар ўрни алмаштирилган.

337. Қуръон, 93-сура, 2-оятига ҳам ишора.

338. (Турк) — қўшин.

339. Бу ҳақда яна қаранг: М. А. Сейфеддини, «Монетное дело в Азербайджане, стр. 71.

340. Сандерсда: ҳаммага.

341. Исломгача бўлган машҳур бир масалга ишора.

342. Қуръон, 53-сура, 8-оят.

343. Қуръон, 80-сура, 1-оят.

344. «Ҳар хил гумон — тахминлар қилиб бош қотирди». Арабча бир масал, қаранг: Мунжид, 959 бет.

345. Маранд — Табриздан 82 км узоқликда жойлашган бир шаҳар бўлиб, ҳозир Эрон Озарбайжонига мансубдир.

346. Ширвон — Дарбанд томонидаги бир шаҳар бўлиб, оралаларидаги масофа юз фарсахдир. Уни Ануширвон бунёд қилганлиги учун шу ном билан аталган. Ёқут Ҳамавий, Муъжам ул-булдон, V жилд, 258 бет.

347. Низомуддин Шомийда (Зафарнома, 139 бет): йигирманчисида.

348. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, шаҳар аъёнлари мол-дунё эвазига Темурдан омонлик тилаганлар. Натижада, Темур лашкарларининг бутун харажатини Бағдод аҳли ўз устига олган. Зафарнома, 141 бет.

349. Диёрбакр — Арзирум ва Бидлис вилоятларининг жанубидаги вилоят шундай деб аталарди. Кейинроқ Дажла дарё-



www.ziyouz.com kutubxonasi

синнинг чап соҳилида жойлашган Омид шаҳри шу ном билан номланди.

350. Арзинжон — Фрот дарёсининг юқори оқимида жойлашган шаҳар — Ёқут Ҳамавий ва Ибн Ботутанинг ёзишларича, ўрта асрларда шаҳар аҳлининг кўпчилигини арманлар ташкил қилган. XIII—XIV асрларда шаҳар Ғарб билан Табриз ва умуман Шарқ ўртасида халқаро савдо-сотиқни боғлаб турадиган муҳим пункт бўлиб хизмат қилган. У ҳақида яна қаранг. Ёқут, Муъжам ул-булдон, 1-жилд, 190-бет; Ибн Батута, Риҳла, 1-қисм, 190-бет.

351. Яна қаранг: Босворт К. Э., Мусульманские династии, стр. 215.

352. Қуръон, 10-сура, 49-оятдан ва 7-сура, 34-оятдан.

353. Қуръон, 18-сура, 29-оятдан.

354. Ҳилла — Бағдод ва Куфа ўртасида жойлашган катта бир шаҳар бўлиб, қадимги Бобил шаҳри қолдиқлари ўрнида бунёд этилгандир. Ҳозир Ҳилла Бағдод вилоятига (ливосига) мансубдир.

355. Бу ҳақда яна қаранг: Шарофуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 243 б.

356. Имом Ҳусайн (ибн Али) шаҳид бўлган жой, яъни Карбало (Ироқ) шаҳри назарда тутилади.

357. Бу бўлим тўлиғича қўлзмада ноқисдир. Султон Аҳмад ва Темур жамоаси ўртасида юз берган можаро ва Султон Аҳмаднинг Бағдоддан қочиб, Ҳилла орқали Карбалога етгунча қилган ишлари тўғрисида Низомуддин Шомий ҳам деярли шу тартибда ҳикоя қилади. Қаранг: Зафарнома, 139—140-бетлар.

358. **Такрийт қалъаси** — Такрийт Бағдод ва Мосул ўртасидаги машҳур бир шаҳарча бўлиб, у билан Бағдод ўртаси ўттиз фарсахдир. Шаҳарда мустаҳкам қалъа бўлиб, унинг атрофлари бениҳоя баланддир. Қалъа Дажла дарёсининг ғарб томонида жойлашган.

359. Қўлёзмада: Йўлтумур, Сандерсда ва Голиусда Булимур; Низомуддин Шомий (Зафарнома, 142 бет) қалъа волийсини амир Ҳасан деб ёзса, Шарофуддин Али Яздий (Зафарнома, в. 248 а, б, 249 а, б) уни Ҳусайн деб зикр қилган.

360. Низомуддин Шомий ёзишича, Темур мол-дунё эвазига Такрийт қалъаси аҳлига омонлик беришга аҳд қилган. Лекин қалъа бошлиқлари ўз сўзларини адо этмагач, қалъани ҳисор қилиб, уни вайрон этган ва ундаги мавжуд фасодчиларнинг бошларини кесиб тўп қилиб тепганлар. Темур қалъани батамом хароб этмасдан унинг деворларидан бир томонини қолдиришларини амр қилдики, гўё кейинги авлодларда у (Темур) шундай мустаҳкам қалъани қандай қилиб эгаллади экан, деган тасаввур бўлсин учун (Зафарнома, 142—144-бетлар).

361. Қўлёзмада ва Голиусда: йигирма биринчи.

362. Мосул — қадимий шаҳар бўлиб, илгари Ироқнинг дарвозаси ҳисобланган. Кўпгина хорижий мамлакатларга Мосул орқали ўтилиб, ҳатто у Хуросоннинг калити деб ҳам аталган. Ҳозирги вақтда ҳам Мосул Ироқнинг катта шаҳарларидан бири саналади. У ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Ибн Ботута, Риҳла, 1-қисм, 148—149-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

363. Раас ал-Айн-Туркиянинг жанубидаги бир шаҳар бўлиб, чашмаларининг ғоятда кўплиги билан шуҳрат қозонган.
364. Нашрда: ўнинчисида.
365. Самуд ва Од — Ривоятларга кўра, ўз туғёнлари туфайли тангри томонидан қиронга маҳкум этилган қабилалар. Қуръоннинг баъзи оятларида улар ҳақида зикр қилинади.
366. Мордин — ўрта асрларда тахминан Раас ал-Айн билан Насибййн ўрталиғида, тоғ қояси чўққисида қурилган улкан қалъа.
367. Сафар ойининг охирларида (1394 йил январь ойининг бошлари (Темур Мордин яқинига етиб келди). Низомуддин Шомий, Зафарнома, 146-бет).
368. Нашрда: Тоҳир берилган.
369. Араб масали.
370. Унинг муддаосини биламан маъносида бўлса керак.
371. Ҳилолия — Ушбу мавзе ўрнини ҳозирча аниқлай олмадик.
372. Низомуддин Шомийнинг ёзишича, (796 йил) раби ул-аввал ойининг тўртинчисида (1394 йил, 7 январь) Султон Исо шаҳардан чиқиб, Темур ҳузурига келган. Темур унга хилъат инъом қилган (Зафарнома, 146-бет).
373. Нашрда суқут.
374. Юз тумон кумуш дирҳам (ҳар бир тумон олтмиш минг) — олти юз минг кумуш танга.
375. Қуръон, 39-сура, 3-ояти ва 34-сура, 37-оятига ҳам ишора.
376. Фирдавс — Қазвинга қарашли бир қалъа.
377. Расмал — Ушбу мавзе ўрнини ҳозирча аниқлай олмадик.
378. Насибийн — Месопотамиянинг марказидаги бир обод шаҳар бўлиб, Мосулдан Шомга борадиган катта карвон йўли Насибийн орқали ўтган. Унинг аҳли зикр қилишларича, Насибийн ва унинг қишлоқларида қирқ минг бўстон бўлган. У ҳақда яна қаранг: Ёқут, Муъжам ул-булдон, VIII жилд, 292—293-бетлар; Ҳудуд ал-олам, 175-бет.
379. Ал-Киндий — Яқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (800 йиллар атрофида Куфа (Ироқ)да туғилган — машҳур араб файласуфи. Мантиқ, мусиқа, ҳандаса, табиёт, фалакиёт каби турли фанларга оид 240 дан ортиқ асар ёзган.
380. Қўлёзмада хато берилган.
381. Нашрда суқут.
382. Қуръон, ал-Бақара сурасидаги муқоталага оид 190—193-оятларга ишора бўлса керак.
383. Арбун — Ушбу мавзе ўрнини ҳозирча аниқлай олмадик.
384. Қўлёзмада: орзуси.
385. Қўлёзмада: билдирилади.
386. Нашрда: хато келтирилган.
387. Бу ўринда сўз ўйини ҳам бўлиб, «қайсар» сўзининг «исъёнкор», «монъекор» каби маъноларига ҳам ишора.
388. Баширия — Диёрбакрнинг этакларида, Арзан билан Батмонсув ўрталигидаги бир шаҳар.
389. Омид — 324-изоҳга қаранг.
390. Иржис қалъаси — Табриз яқинидаги мустаҳкам қалъа.
391. Авник қалъаси — Ўрта асрлардаги улуғвор қалъалардан бўлиб, Арзирум шарқида, Аракс дарёси яқинидаги бир тоғ чўққиси устида жойлашган эди.
392. Нашрда: Мидр деб берилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

393. «Бу (воқеа) 796 йилда, рамазон ҳайитидан кейин (1394 йил июль) бўлган эди». Ушбу жумла қўлёзмада сукут.
394. Нашрда: Астанбуғо.
395. Қуръон, 47-сура, 4-оятдан.
396. Темурнинг катта хотини Бибихоним назарда тутилади.
397. Нашрда сукут.
398. Қўлёзмада: ўн учинчи.
399. Вастон — Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ёзишича, аввал замонларда азим шаҳар бўлган Вастон унинг замонида (XIV аср) ўртача шаҳарга айланган (Нузҳат ул-кулуб, 103-бет).
400. Бидлис — ўрта асрларда Арманистон таркибига мансуб шаҳар бўлиб, Ван кўлидан жануброқда жойлашган. Ҳозир Бидлис Туркия таркибига киради.
401. Арзан — Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ёзишича, Арзан мустаҳкам қалъали катта бир шаҳар бўлган (Нузҳат ул-қулуб, 104-бет).
402. Сур — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган катта бир шаҳар.
403. Нашрда: етиб келди сукут.
404. «Айтишларича»дан бошлаб то ушбу «зикр»нинг охиригача қўлёзмада сукут.
405. Қуръон, 36-сура, 82-оятдан.
406. Қўлёзмада сарлавҳанинг иккинчи қисми ноқис.
407. Қўлёзмада ноўрин ибора келтирилган.
408. Бу хусусда 97-изоҳга қаранг.
409. Ушбу жумла В. Г. Тизенгаузенда нотўғри таржима қилинган. Қаранг: СМИЗО, Т. I. стр. 456.
410. «Дашт ерлари, Қипчоқ ерлари ёки Дашти Барака деб аталади» — ушбу жумла қўлёзмада сукут.
411. Барака — Жўжихоннинг учинчи ўғли бўлиб, Чингизхон набирасидир. Унинг Олтин Ўрдада ҳукмронлик қилган даври 1257—1266 йилларга тўғри келади. Гарчи Бараканинг ислом динини ёйишдаги хизмати катта бўлган бўлсада, Ибн Арабшоҳ унинг ҳиссасини бирмунча муболаға билан ифодалайди.
412. Дарбанд — Озарбайжоннинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, араблар уни Боб ул-Абвоб («Дарвозалар дарвозаси») деб атаганлар. Чунки Дарбанд Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб шимолдан жанубга ўтадиган йўлнинг тамомида жойлашган эди.
413. Бу ҳақда Шарофуддин Али Яздий ҳам деярли шундай ёзади. (Зафарнома, в. 182 б).
414. Қўлёзмада: ёки манғит ортиқча берилган. Нашрдаги «Қубқумот» «Қўнғирот»нинг ғалат ёзилишидир. Амир Идику Ботухоннинг Дашти Қипчоққа қилган юришидан кейин бу жой (Дашти Қипчоқ)да қолган қабилаларнинг бири, яъни манғит қабиласидан эди. Шарафуддин Али Яздий ҳам амир Идикунинг манғит қабиласидан эканлиги тўғрисида ёзади. (Зафарнома, в. 158 а).
415. Нашрда ғалат бўлиб, В. Г. Тизенгаузен ҳам ўз таржимасида бу ўринда хатога йўл қўйган. Қаранг: СМИЗО, Т. I, стр. 457.
416. Ибн Арабшоҳ ва қисман Низомуддин Шомийнинг (Зафарнома, 125-бет) ёзишича, шунингдек, ўша пайтда Идику ҳақида халқ ўртасида тарқалган ривоятда ҳам шу зайлда гап юритилса-да, бу фикрлар ғалатдир. Аслида Тўхтамишга қарши исён кўтарган Олтин Ўрда хонлари томонидан Идику мадад



www.ziyouz.com kutubxonasi

сўраш учун Темур ҳузурига юборилган эди. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг. В. В. Радлов, Ярлыки Тохтамыша, стр. 6. Ибн Арабшоҳнинг ушбу нотўғри фикри баъзи тадқиқотчиларни чалғитишга ҳам сабаб бўлган эди. Масалан Г. М. Мелиоранский, Сказание об Едигее.

417. Қўлёзма ва нашрда бошқача берилган.

418. Нашрда: (уларнинг) бойлари дейилган.

419. Баҳру Қулзум — Каспий денгиз назарда тутилади. Бу ҳақда яна қаранг: Мангер, 369-бет, 48-изоҳ.

420. Қуръон, 55-сура, 19-оят.

421. Ийбир — Сибирь нашрда сукут.

422. «Ярамас насронийлар ерлари» — В. Г. Тизенгаузен таржимасида сукут. СМИЗО, Т. 1. стр. 459.

423. Қуръон, 31-сура, 27-оятдан.

424. Нашрда «йўлбошловчи» сукут.

425. Ушбу байт араб шоири ан-Нобиға аз-Зубйоний (вафоти VII аср бошларига тўғри келади) қаламига мансуб.

426. Қўлёзмада хато берилган.

427. Укоэ — Макка билан Таиф ўртасидаги бир мавзеънинг исми бўлиб, ҳар йили у жойда бозор (ярмарка) уюштирилади. У ҳақда яна қаранг: Қомус ал-аълом, 4-жилд, 3166-бет.

428. Ироор — болалар ўйинининг исми. Бир бола (кўчага) чиқиб тенгдошларини учратмаса баланд овоз билан «ироор» деб (бошқаларни чақиради. Натижада, болалар (уйларидан) чиқиб ушбу ўйинни ўйнайдилар. Қаранг: Муҳит-ул-муҳит, II-ж. 1377-бет.

429. Хожа Абдумалик Самарқандий — машҳур шоир ва уламолардан бўлиб, Амир Темур замонида Самарқандда шайх-ул-ислом эди. У Исомий тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. У ҳақда қаранг: Қомус ал-аълом, 4-жилд, 3111-бет.

430. Астрахань.

431. Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Носируддин Муҳаммад ал-Курдий ал-Баззовий ал-Хоразмий — машҳур олим ва тарихчи, «ал-Фатови ал-Баззовия» («ал-Баззовий фатволари») китобининг муаллифи. Вафоти 827 (1423—1424) йил.

432. Ўзбекхон — 1312—1341 йилларда ҳукмронлик қилган.

433. Жонибекхон — Ўзбекхоннинг ўғли бўлиб, 1341—1357 йилларда ҳукмронлик қилган.

434. Қутбуддин ар-Розий — машҳур уламолардан бўлиб, «Муҳокамат байн ал-аном» номли бир китоб таълиф этган. У Носируддин Тусийнинг ҳаётига доир баъзи китобларни ҳам шарҳ этган. У ҳақда қаранг: Қомус ал-аълом, 3-жилд, 2241-бет.

435. Саъдуддин Тафтазоний — Ислом дунёсида жуда машҳур бўлган бу олим 1322 йили Хуросонда, Нисо шаҳри яқинидаги Тафтазон қишлоғида туғилган. У Амир Темур хизматида бўлиб, унинг икрому эҳтиромига сазовор бўлди. У тафсир, фиқҳ, мантиқ, ислом ақидалари ва бошқа илмларда замонасининг ягона кишиси бўлиб, кўпгина асарлар муаллифидир. Тафтазоний 1389 йилда Самарқандда вафот этган. У ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: И. Абдуллаев, Ҳ. Ҳикматуллаев, самарқандлик олимлар, 44—47 бетлар.

436. Ҳожибия — Шайх Жамолуддин ибн ал-Ҳожибнинг «ал-Кофия» исмли асари бўлса керак. Шу асарга шарҳ ёзганлар кўп. Жумладан, Жалолуддин Аҳмад ибн Али ибн ал-Ғиждуван



www.ziyouz.com kutubxonasi

воний (вафоти номаълум) ҳам бор. Ҳожи Халифа, Кашф аз-Зунун, «Кофия» моддасига қаранг.

437. Қўлёзмадаги Аҳмад ал-Жандий тўғридир. «Ал-Осор» китобининг биринчи жилдида ҳам Ибн Арабшоҳ бу олимни ал-Хўжандий деб хато кўрсатгани таъкидланади. Асли унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Маҳмуд ал-Жандий бўлиб, у 751 (1350—1351) йилда «ал-Мақолид» исмида бир шарҳ ёзган. Қаранг: ал-Осор, биринчи жилд, 24-бет.

438. Волга дарёси.

439. «Жонларни олиб (суриб) кетади». Жумласини В. Г. Тизенгаузен батамом нотўғри «жонларни қувонтиради» деб таржима қилган. Қаранг: СМИЗО, Т. I. стр. 461.

440. Қўлёзмада Сайхун дарёси ҳам дейилган.

441. Итиль (Волга) дарёси кўзда тутилаётир.

442. Қўлимиздаги қўлёзма ва нашрда ушбу жумла йўқ. Лекин Сандерснинг ёзишича, бу жумла қўлёзмаларда сукут. И. Ю. Крачковский фикрича, Сандерс «Ажоиб ал-мақдур»нинг лотин тилидаги (Мангер, 1. 383-бет) таржимасидаги ушбу ортиқча жумлани кўчириб қўяқолган. Ҳолбуки бу сўзлар бирорта қўлёзмаларда учрамайди. Қаранг: Английский перевод Истории Тимура, стр. 294.

443. Қўлёзмада ғалат.

444. Сўзма-сўз: озиқ (жағ) тишларига;

445. Қуръон 21-сура, 96-оятдан.

446. Суал — мерганликда машҳур бўлган бир араб қабиласининг номи.

447. Қуръон, 22-сура, 11-оятдан.

448. Қуръон, 15-сура, 94-оятдан.

449. Қўлёзмада хато бўлиб, «Ақбоқ» дейилган. Бу исм «Ақтов» Тўхтамиш амирларидан бирининг исми бўлиб, Ибн Арабшоҳ алмаштириб қабила номи деб ёзган. Бу ҳақда яна қаранг: Золотая Орда и её падение, стр. 366.

450. Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича ҳам Ақтов исмли амир ўз одамлари билан Тўхтамиш қўшинидан ажралиб, Рум ерлари томон кетиб, ўша жойларда истиқомат қила бошлаган.

451. Темур ва Тўхтамиш аскарлари ўртасида бўлиб ўтган жанглардаги қўшинлар тартиби, улар қўллаган жанг услублари ҳақида тарихчилардан Низомуддин Шомий, Шарофуддин Али Яздий ва бошқалар батафсил ёзадилар.

452. Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, Тўхтамиш ва Темур ўртасидаги ҳал қилувчи бу жанг 1395 йил, 14 апрель чоршанба кунида Терек дарёси бўйида юз берган (Зафарнома, в. 273 б).

453. Қуръон, 67-сура, 5-оятдан.

454. Бу хусумату ладад уч кунга яқин давом этди — ушбу жумла қўлёзмада сукут.

455. Қуръоннинг баъзи оятларига ҳам ишора қилинган.

456. Қўлёзмада: улар қабилаларини.

457. Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, Темур Азовни батамом талагач, ғайри мусулмонлар бўлган шаҳар аҳлини қириб ташлашни амр қилган.

458. Нашрда: Сарабхуқ деб хато берилган. Бу ўринда Сарайчуқ шаҳри кўзда тутилаётир.

459. Қуръон, 61-сура, 12-оят.



www.ziyouz.com kutubxonasi

460. Қуръон, 59-сура, 16-оятдан.
461. Қуръон, 38-сура, 3-оятдан.
462. Қуръон, 25-сура, 27-оят.
463. Қўлёзмада: «қуввати».
464. Икки шер ва икки кулфатдан Идику ва Тўхтамиш назарда тутилади.
465. Жабала (Ибн ал-Айҳам) — араб тарихчилари уни ғассонийларнинг охирги подшоҳи деб ҳисоблайдилар. У халифа Умар (634—643) даврида ислом динига кирган. Вафоти 644 йил. (Мунжид, 131-бет.)
466. Бани Ғассон (Ғассонийлар) — асли яманлик бир араб сулоласи. Улар исломгача Хаварон, Шарқий Иордания, Ливан ерларида яшаганлар. Ғассонийлар масихийлар бўлиб, кейинчалик улар исломни қабул қилганлар (Мунжид, 371).
467. Қора Буғдон — бу ҳақда Мангер нашридан (1-жилд), 413-бетдаги, 30-изоҳга қаранг.
468. Қўлёзмада хато берилган.
469. Нашрда: «Темур» сўзи ортиқча.
470. Тўхтамишнинг ўлими ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Тарихчи Муинуддин Натанзийнинг ёзишича, Тўхтамиш 800 ҳижрий йилида (24 (IX—1397—12) IX—1398 й.). Тулин (Тюмень) чегарасида ўз ажали билан ўлган. (В. Г. Тизенгаузен, СМИЗО, т. II, стр. 237). Аммо Тўхтамишнинг, 1405 йил январь ойида Хитойга томон юриш қилган Темур Ўтрорда турганида унга элчи тариқасида ўз навкари Қорахўжани жўнатгани ҳам тарихдан маълум. (Шарофуддин Али Яздий, Зафарнома, в. 469-б). Умуман, бу тўғрида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Золотая Орда и её падение, стр. 383—384.
471. Бу исм нашрда ва қўлёзмада икки хил берилган.
472. Нашрда хато: «Қублиғ».
473. Мангерда бошқача шаклида берилган.
474. Унинг ҳукмронлик йиллари (1410—1412).
475. Бу ҳақда Абдурраззоқ Самарқандий ҳам ёзади. Қаранг: В. Г. Тизенгаузен, СМИЗО, т. II, стр. 193.
476. Жалол — Тўхтамишнинг ўғли Жалолуддин назарда тутилади.
477. Бу тўғрида яна қаранг: Никоновская летопись, стр. 125.
478. Нашрда хато. Темур(хон) ўз ҳарбий бошлиқларидан бири Ғазоннинг амри билан унинг бир навкари томонидан 1412 йилда ўлдирилди. Қаранг: В. Г. Тизенгаузен, СМИЗО, т. II, стр. 253—254.
479. Идику ўлими ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Золотая Орда и её падение, стр. 403—405; Б. А. Аҳмедов, Государство кочевых узбеков, стр. 118.
480. Муаллиф бу ўринда чалкашликка йўл қўйган. Саройчуқ шаҳри Урал дарёсининг қуйи оқимида жойлашган бўлиб, Сайхун билан ҳеч яқинлиги йўқдир. Бу ўринда Сайхун деб Ейиқ (Урал) дарёси кўзда тутилади.
481. Сал олдинроқ бу ҳақда тўхталган эди.
482. Низомуддин Шомий Темурнинг Самарқандга қайтиш тарихини 799 ҳижрий йили (5.X.1396—23.IX.1397) деб кўрсатади. (Зафарнома, 167-бет).
483. Нашрда Озарбайжон деб хато кўрсатилган.
484. Мангерда ва Сандерсда хато берилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

485. Бу тўғрида бирмунча фарқ билан Низомуддин Шомий (Зафарнома, 103—104-бетлар) ҳам шу тариқа ҳикоя қилади.
486. Нашрда ғалат берилган.
487. Қўлёзмада ал — Қашк шаклида берилган.
488. Қайсария — Фаластинда жойлашган бир шаҳар бўлиб, ҳозирги вақтда ундан фақат харобалар қолган.
489. Тўқот — Туркиядаги бир шаҳар бўлиб, азалдан мис ва тери билан тижорат юргизишда машҳурдир.
490. Сивос — Туркия ҳудудидаги мустаҳкам бир шаҳар бўлиб, ажойиб табиати, ҳавоси ва турли-туман мевалари билан шуҳрат қозонган. Унинг аҳли мусулмон ва христианлардан ташкил топган. (Ал-Бакуви, Галхис ал-асар, стр. 93).
491. Нашрда: филиклари.
492. Қуръон, 2-сура, 249-оят.
493. Қуръон, 39-сура, 46-оят.
494. Қуръон, 6-сура, 93-оятдан.
495. Қуръон, 18-сура, 79-оятдан.
496. Қуръон, 19-сура, 98-оят.
497. Қўлёзмада: ал-Фозил Бадруддин ибн Алоуддин Фазлуллоҳ.
498. Қуръон, 3-сура, 26-оят.
499. Қуръон, 109-сура, 1—2-оятлар.
500. Қуръон, 2-сура, 89-оятдан.
501. Қуръон, 82-сура, 1-оят.
502. Қуръон, 3-сура, 169-оят.
503. Қуръон, 2-сура, 249-оят.
504. Қуръон, 5-сура, 56-оят.
505. Қуръон, 19-сура, 90-оят.
506. Қуръон, 19-сура, 79-оят.
507. Хулаку — Эронда салтанат юритган мўғул ҳукмдорларидан (1256—1265).
508. Носируддин Тусий (1201—1274) — Шарқнинг машҳур астроном ва математикларидан. У ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Г. Д. Мамедбейли, Основатель маргаринской обсерватории, стр. 23—33.
509. Бошқа манбаъларда Шом ноиби Танамнинг Темурга қарши юришга отлавганлиги хусусида ҳеч бир маълумот учратмадик. Аксинча, ўз мавлоси Миср султонига исён билдириб, у Дамашқдан чиқиб Ҳалабга томон юриб, уни эгаллагани ва кейин Дамашққа қайтгани маълум. Эҳтимол Ибн Арабшоҳ ушбу юришни кўзда тутаётгандир.
510. Қуръон, 33-сура, 25-оятдан.
511. Қуръон, 24-сура, 35-оятдан.
512. Ферузшоҳ — Деҳли султонлигининг Туғлоқлар династияси (1320—1413) дан бўлган ҳукмрон. Ҳукмронлик қилган йиллари 1351—1388.
513. Нашрда барча ўринларда Шорангхон деб берилган.
514. Темурнинг Ҳиндистонга юриши даврида Деҳли султонлигида мавжуд бўлган ҳокимият учун кураш, тарқоқлик ва парокандалик ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Н. К. Синха, А. Ч. Бенерджи. История Индии, стр. 121—185.
515. Қўлимиздаги қўлёзма ва нашрда «Темур» деб берилган. Фикримизча бу ғалат, текст тақозоси ҳам шуни тасдиқлайди. Шу сабабли биз уни Маллу деб тузатиб ўқидик. Мангер (460-бет, 17-изоҳ) ва Сандереда ҳам шу йўсинда тузатилган.
516. Темурнинг Ҳиндистонга юриши ва бу юриш пайтида икки то-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мон ўртасида содир бўлган уруш ва тўқнашувлар ҳақида тарихчи Ғиёсиддин Али (Дневник похода, стр. 59—174) муфассал ёзади.

517. Нашрда: йўқ қилиш, ўлдириш деб берилган.

518. Ҳинд қиличи — Мусулмон тарихчилари наздида ҳинд қиличи ғоятда ўткир қилич сифатида тасаввур қилинади.

519. Синд олови — нашрда хато берилган, асли Синддаги жазирама иссиқ эътиборга олиниб, Синд олови деб келтирилаётган бўлса керак.

520. Нашрда: васфида.

521. Хатт найзаси — Хатт Омандаги бир мавзеънинг номи бўлиб, у ўзининг найзаси билан машҳур бўлган. Ёқут Ҳамавийнинг (Мужам ул-булдон, 3-жилд, 449-бет) ёзишича, найзалар Ҳиндистондан келтирилган ва у ерда (Хаттда) тўғриланиб, кейин арабларга сотилган.

522. Халанж (камон) ўқи — Халанж, Ҳиндистон ва Сийн атрофларида битадиган бир дарахтнинг исми. Унинг ёғочи ғоят қаттиқ бўлиб, ундан асосан ёғоч идишлар, шунингдек камон ясалади. Халанж камон ўқи деб ўшанга нисбатан берилади.

523. Қўлёзмада: «зарб» деб берилган.

524. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун «Муҳит ул-муҳит»дан (ҳисоб фанига оид) «вафқ» моддасига қаранг: 2-жилд, 2272-бет.

525. Қуёш.

526. Қуръон, 8-сура, 48-оятдан.

527. Қўлёзмада яна қўшимча: «ҳамоқати мавжудлигидан» ҳам дейилган.

528. Абраха фили — Яман ҳокими Абраха 570 йилда Макка қурайшларига қарши уруш бошлаб, бу урушда у филлардан фойдаланган. Шу сабабли 570-йил Фил йили деб аталади.

529. Бани Уқайш — ушбу қабила ҳақида бошқа манбаларда бирор маълумот учратмадик.

530. «Ўз ҳайдовчиларини ағнатиб, устларида ўтирганларни йиқитиб бўйнини синдириб» сўзлари. Қўлёзмада сукут.

531. Қуръон, 105-сура, 3-оят.

532. Қуръон, 10-сура, 27-оятдан.

533. Ҳама — Темурнинг Ҳиндистонга қилган юришига махсус асар бағишлаган тарихчи Ғиёсиддин Али Хуму деган шаҳар ва дарёни зикр қилади.

534. Нашрда шу сўз ортиқча.

535. Ғиёсиддин Алининг ёзишича («Дневник похода», стр. 176—187), Темур Ҳиндистондан 1399 йилнинг март ойида қайтиб, апрелнинг охирида Самарқандга етиб келган.

536. Темурнинг ўз аскари билан Самарқанддан чиқиб Шомни кўзлаб жўнаши 802 йилнинг бошларига (1399 йил, сентябрь — октябрь) тўғри келади.

537. Ироқ ҳокими Султон Аҳмад Темурнинг Араб Ироқига қарши биринчи юриши (1395 йил) вақтидан бошлаб гоҳ Шом ерларида, гоҳ Миср султони Барқуқ ҳузурида бошпаноҳ топиб юргандан кейин Миср султони ёрдамида Бағдодда, ўз мулкида қарор топиб, унинг номи билан пул зарб қилган эди.

538. Қўлёзмада ортиқча жумла берилган.

539. Табук — Дамашқдан Мадинага борадиган йўл устидаги бир шаҳар. Шомда бўлган румлилар 630-йилда ўша атрофдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

арабларга қарши ташвиқ қилган. Натижада, Муҳаммад пайғамбар уларга қарши жиҳодга отланган. Табук яқинида бўлган бу жиҳодга боришдан бош тортган ва шу юриш учун хайр-садақа чиқаришни истамаган араблар ҳам бўлган. Бу ҳақда Қуръон, 9-сура, 38—107-оятларига ҳам қаранг.

540. Темурнинг учинчи ўғли Амираншоҳ. Хуросон ҳокими бўлиб, у Ҳиротда турарди. 1393 йилда Темур ўғлига яна қўшимча ерлар бердики, натижада кенг вилоятлар, жумладан Бағдод ва Озарбайжонни ўз ичига олган Шимолий Эрон ерлари ҳам унинг ҳукмига топширилганди. Шарафуддин Али Яздийнинг (Зафарнома, 349 б) ёзишича, шу пайтда (1399 йил) Самарқандга Амираншоҳнинг хотини Севинбека келиб, эрининг нодуруст хатти-ҳаракатлари устидан Темурга шикоят қилган ва унинг ичкиликка берилиб (ўз отасига қарши) исён билдириш ҳақидаги ниятларини Темурга етказган. Фикримизча, Ибн Арабшоҳ, Амираншоҳнинг шу зайлдаги ҳаракатларини бирмунча муболаға билан мактуб ҳақидаги ушбу афсонага йўйган бўлса керак. Ҳар ҳолда Амираншоҳнинг отасига мактуби ҳақида манбаларда бирор хабар учратмадик.

541. Ш а д д о д — золимликда донг чиқарган бир подшоҳнинг номи.

542. Ҳ а м о н — Фиръавннинг вазири. У ҳақда Қуръонда ҳам зикр қилинади.

543. Ф и р ъ а в н — Қуръонда (28-сура, 38-оят) зикр қилинишича, у амоликларнинг подшоҳи бўлиб, уларга гўё худога сиғингандек ўзига сиғинишни амр қилган.

544. Қ о р у н — Қуръон, 28-сура, 76-оят; 29-сура, 39-оятда зикр қилинган ғоятда бадавлат киши. Унинг бойликлари шу қадар бениҳоя кўп бўлганки, хазина калитини бир нечта одам бир жойдан иккинчи жойга олиб кўя олмаганлар. Мусо пайғамбарга қаршилик изҳор этгани учун уни ер «ютиб» юборгани ривоят қилинади.

545. Б у х т а н н а с р — Калдонийларнинг подшоҳи бўлиб, милоддан аввал 604—581-йилларда Мисрга бир неча марта ғорату ҳамлалар қилган. У Иерусалим (Қуддус)ни фатҳ қилиб, уни ёндирган.

546. Қайсар араблар наздида Византия (Рум) ҳукмдорлари шундай аталади.

547. Х у с р о в — форс подшоҳларининг унвони. Жумладан, сосонийлар сулоласининг икки машҳур ҳукмдори Хусрав-I Анушервон (531—579) ва Хусрав II Парвиз (590—628) га ҳам ишора.

548. Т у б б а ъ — Яман подшоҳларининг лақаби.

549. А н-Н а ж а ш и й — Ҳабаш подшоҳларининг лақаби.

550. Ф а ғ ф у р — Хитой императорларининг унвони.

551. Бу ибора нашрда бошқача шаклида берилган.

552. Қўлёзмада: (сенга) «итоат қилса» деб берилган.

553. Ушбу мисра қўлёзмада бирмунча кейинроқ келтирилган.

554. Бу ҳақда Қуръон, 31-сура, 12-оятига қаранг.

555. Л у б а д — Од қабиласи луқмони (етти) қирғийларидан охиргисининг исми бўлиб, унга етти қирғий умри ато қилинган (Муҳит ул-муҳит, Лубад моддаси).

556. Д о в у д — афсонавий «пайғамбар» Сулаймоннинг отаси.

557. Қуръон, 27-сура, 17-оят, 21-сура, 81-оятга ҳам ишора.

558. Иккала машриқ қуёшнинг ёзда ва қишда тулуъ этадиган ўрни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

559. Иккала мағриб — қуёшнинг ёзда ва қишда ғуруб этадиган ўрни.
560. Қуръон, 18-сура, 93-оятига ҳам ишора.
561. Зулқарнайн — Шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур бўлган Македония подшоси, Александр Македонский (эрамиздан аввалги 336—323-йиллар). Унга қарашли мулклар Шарқу Ғарбда бўлганлиги сабабли у «Зулқарнайн»—«икки шохли» деб аталган.
562. Қуръон, 21-сура, 107-оятдан.
563. Қуръон, 9-сура, 40-оятдан.
564. Ал-Буроқ — Ҳадисда келтирилишича, бу қанотли улов Муҳаммад пайғамбар билан Қуддусдаги Масжид ал-Ақсога учиб келган.
565. Масжид ал-Ҳаром — Кааба (Макка)даги масжид.
566. Масжид ал-Ақсо — (луғавий маъноси — энг узоқ масжид). Қуддусдаги катта бир жомеъ.
567. Қуръон, 48-сура, 2-оятдан.
568. Қуръон, 54-сура, 1-оятдан
569. Нашрда: унга томон талпинди.
570. Қуръон, 41-сура, 42-оят.
571. Қуръон, 93-сура, 4—5-оятлар.
572. Икки Умар — чорёлардан Абу Бакр ва Умар кўзда тутилади.
573. Қуръон, 78-сура, 12-оят.
574. Ирам зот ул-имод — Қуръон, ал-Фажр сураси 7-оятида зикр қилинган бўлиб, луғавий маъноси «кўп устунли Эрам» демакдир.
575 Арабларда машҳур бир ибора.
576. Қутб ал-Моусилий — ушбу машҳур найчи бошқа манба ва адабиётларда, жумладан Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» (168—169-бетлар) асарида ҳам Қутб Нойи номи билан машҳур.
577 Исҳоқ — Исҳоқ ал-Моусилий (767—850) Аббосийлар даврининг энг машҳур қўшиқчиларидан. Қўшиқ айтиш ва уд чалиш борасида у тенги йўқ моҳир бўлган.
578. Абдулқодир ал-Мароғий — форсча манбаларда Хожа Абдулқодир Гўянда номи билан аталадиган машҳур мусиқачи, ҳаттот ва мусаввир.
579. Алишер Навоийнинг («Мажолисун-нафоис», 168-бет), ёзишича, Амираншоҳнинг йўлдан озишида асосий сабабчи унинг уч надими бўлиб, улардан бири Хожа Абдулқодир эди. Ў Темур жазосидан қочиб, қаландар бўлиб, ўзини девоналикка солиб, мулкдан-мулкга ўтиб юрган ва шу тариқа қутулиб қолган.
580. Шарафуддин Али Яздийнинг (Зафарнома, в. 352 а) бу тўғрида ёзишича, Темур ўғли Амираншоҳни мансабидан озод этиб, унинг маслаҳатгўйлари ва айшу ишратдаги шерикларини қатл қилган.
581. Бу ўринда ишлатилган сўз бир диний истилоҳ бўлиб, аслида Қуръоннинг ҳаммага ҳам равон, тушунарли бўлмайдиган суралари шундай деб аталади.
582. Туркман қабиласи бўлган қорақуюнлиларнинг бошлиғи Қора Муҳаммад ўлдирилгандан кейин ўғли Қора Юсуф отаси ўрнини эгаллаб, узоқ йиллар Темурга қаршилик кўрсатди. Бу



www.ziyouz.com kutubxonasi

курашда Султон Аҳмад унга иттифоқдош бўлиб, кўп йиллар улар биргалашиб ҳаракат қилдилар.

583. Қўлёзмада: «бир кун» сукут.

584. Мадинат ус-Салом — Бағдод шаҳрининг номларидан.

585. 802 йилнинг охирларида (1399 йил, июль) Темурнинг Сивос томонига қараб отланганлигини билгач, Султон Аҳмад Қора Юсуф билан бирга ўз аҳли-авлодлари, мол-дунё нафосларини олиб Румга қараб кетди. Бағдодда эса Фарраж исмли кишини волий қилиб қолдирди.

586. Миср султони Абу Саид Барқуқ, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (Инба ул-ғумр, 463 бет) ёзишича, 801 йил шаввол ойининг тўққизинчиси, шанба (14 июль, 1399) кунида, Ибн Дуқмоқ (Иқд ал-жавоҳир, 328-бет) ёзишича, мазкур йил ва ойнинг ўнг бешинчиси (20 июнь, 1399), жума кунида вафот этган.

587. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ёзишича, Оқ қуюнли туркмонларининг амири Усмон Қорайлук бир неча марта Сивос устига горат қилиб уни талагач, Султон Бурҳонуддин унга қарши чиққан ва ўрталарида воқеъ бўлган жангда султон қатл этилган (Инба ул-ғумр, 456-бет).

588. Туркмон Қора қуюнлиларининг амири Қора Юсуф оқ қуюнлилар билан бўлган жангда 1420 йилда ўлдирилган эди. (К. Э. Босворт. Мусульманские династии, стр. 221—222).

589. Миср ва Шом султони малик ал-Муайяд Шайх Абу-л-фатҳ, Ғиёсиддин 1421 йилда вафот этган. Мунжид, 5178-бет.

590. Қўлёзмада Аратна, нашрда Арасне. Сандерсда Артата шаклида келтирилган бўлсада, аслида XIV аср ўрталарида Кичик Осиёда ташкил бўлган «Артана давлати» деб аталмиш давлат кўзда тутилаётир. Унинг пойтахти Сивос бўлган. Қофияга риоя қилиниб ушбу жумла бир қадар ноаниқ тузилган.

591. Қўлёзмада: «шарафли» сукут.

592. Қўлёзмада барча ўринларда «Жи Келди» шаклида берилган.

593. Нашрда: бошқача берилган.

594. Қуръон, 21-сура, 22-оятдан.

595. Ҳадисда келтирилишича, бу, тангри ўзи хоҳлаган кишисининг бўйнига соладиган ғоятда шиддатли азоб бўлиб, ундан фақат тангригина халос қилармиш.

596. Амосия — Кичик Осиё (Туркия)даги бир шаҳар.

597. Қўлёзмада «нурлари» сукут.

598. Ҳулд — Жаннат (абадият) боғи.

599. Қози Бурҳонуддин.

600. Таммуз (июль) ойидаги кучли ҳароратга ишора.

601. Бу ўринда офтоб буржларидан бешинчи, Асад (шер) буржига ҳам ишора.

602. Қўлёзмада: «туркмон» сукут.

603. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Инба ул-ғумр, 456-бет.

604. Нашрда кейинги сўз ортиқча.

605. Маккадаги Каъбани ўраб турган масжид ул. Ҳаром пардалари.

606. Қўлёзмада: «сақла» деб берилган.

607. Бу ўринда қуйидаги тарихий воқеага ишора қилинаётир: Бувайҳий (улар ҳақида қаранг: К. Э. Босворт. Мусульманские династии, стр. 137—140) ҳокимларидан бўлган Адуд-уд-Давла 980 йилда ўз иниси Рай ҳокими Фахр ул-Давланинг мулкини босиб олгач, у қочиб Журжон ҳокими Қобус ибн Вуш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

магир (вафоти 1012 йил) ҳузурига келганда, у унга иззат-икром кўрсатиб, бошпана беради (Ибн ал-Асир, Тарих ул-комил, VIII жилд, 256—257-бетлар). Аммо Қобуснинг бу иши Фахр уд-Давланинг ғазабини қўзғаб, оқибатда Қобус ўз тахти Журжондан бадарға қилинади. Адуд ул-Давла вафотидан (982 йил) кейин яна ўз тахтига ўтирган Фахр уд-Давла Журжонни Қобусга қайтармоқни ният қилганда вазири ас-Соҳиб ибн Аббод уни бу йўлдан қайтаради. Бинобарин, яхшиликка яхшилик қайтмай, Қобус 998 йилгача ўз мулкидан маҳрум бўлиб, Нишопурда қувғинда яшайди.

608. Ушбу жумла қўлёзмада ноқис. Султон Аҳмаднинг қатли ҳақида яна қаранг: Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн, 196—197-бетлар.

609. Ироқ олими Аббос ал-Аззавийнинг (Тарих ул-Ироқ, 237-бет) кўрсатишича, унинг асл исми Абдулазиз бўлмай, балки Азиз бўлган. У ҳақида яна қаранг: Ч. А. Стори, Персидская литература, часть II, стр. 1253—1254.

610. Қўлёзмада: «лойдан» сукут.

611. Қуръон, 11-сура, 43-оятдан.

612. Нашрда хато берилган.

613. Қўлёзмада: «Менга» сўзи ноқис.

614. Қўлёзмада: Муҳаммад ибн Сабук тайтин деб хато берган.

615. Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор Утбийнинг (961—1036) Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) унинг лақаби «Ямин ад-давла ва амин ал-милла»)га бағишланган «Тарихи Яминий» китобидир. Мазкур асарнинг бир нусхаси (инв. № 3252) Ўз ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

616. Сўзма-сўз: Ичимлиги мазали.

617. «Ас-Сиҳаҳ» соҳиби — Абу Наср Исмоил Жавҳарий, у Туркияда туғилиб, тахминан 1005 йилда Нишопурда вафот этган. Жавҳарий машҳур қомус муаллифларидан ҳисобланиб, «ас-Сиҳаҳ» номли қирқ минг сўзни ўз ичига олган қомус таълиф этган. У меланхолия (сувайдо) касалига мубтало бўлиб, оқибатда ўзини томдан ташлаб ҳалок бўлган. (Мунжид, Жавҳаҳарий моддаси).

618. Бу ўринда тоторлар деб илгаридан, яъни мўғулларнинг биринчи юришидан бери Кичик Осиёда ўрнашиб қолган тотор гуруҳлари кўзда тутилаётир.

619. Қўлёзмада хато берилган.

620. Сўзма-сўз: Темур овратини қичитди.

621. Бир тарихий воқеага ишора бўлиб, уни ҳозирча аниқлай олмадик.

622. Қўлёзмада барча ўринларда Абу Язид шаклида келиб, Боязид арабча Абу Язиднинг туркчага айлантирилган шаклидир.

623. Ибн Шиҳнанинг (Равзат ул-манозир, 208-бет) ёзишича, Қози Бурҳонуддиннинг вафоти хабарини эшитгач, турк султони Боязид қўшин билан келиб уни эгаллаган.

624. Ушбу байт қўлёзмада ноқис.

625. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: А. Д. Новичев, Истории Турции, стр. 34—37.

626. Нашрда ғалат берилган.

627. Миср султони Малик аз-Зоҳир Абу Саид Барқуқ вафотидан (1399 йил) кейин унинг ўрнига ўн ёшли ўғли Носир Фараж тахтга ўтиргач, Дамашқ ноиби Танам султонга итоатдан бў-



www.ziyouz.com kutubxonasi

йин товлаб, исён эълон қилди ва Шомнинг айрим ноиблари билан иттифоқ тузиб, султонга қарши урушга шайланди. Лекин султон Фараж билан бўлган урушда у мағлуб бўлиб, Шом яна тўлигича Миср султони итоатига қайтди. (Ибн Тағриберди, «Ан-Нужум аз-зоҳира», 199—210-бетлар).

628. Нашрда: Шаъбон сўзи ноқисдир.
629. Қўлёзмада: бу сўз ноқисдир.
630. Миср султони Фараж Танам устидан ғалабага эришиб (бу ҳақда 627-изоҳга ҳам қаранг), амирлари билан биргаликда уни асирга олади. Сўнгра, Танам ва кўпчилик амирлар 802 йилнинг шаъбон ва рамазон ойларида (1400 йил, март-апрель) Дамашқда, қатл қилинади (Бадруддин ал-Айний, Иқд ал-жумон, 108-бет).
631. Қўлёзмада: «биз фатҳ қиламиз».
632. Бадр (қудуғи) Макка билан Мадинанинг ўртасида жойлашган бир сувлоқнинг номи бўлиб, исломнинг илк даврида унинг атрофида дин йўлида машҳур уруш бўлган. Бу урушда ислом тарафдорларидан кўп киши ҳалок бўлган.
633. Қуръон, 2-сура, 259-оятдан.
634. Қуръон, 101-сура, 4-оятдан.
635. Ҳ и с о р и ш о д м о н — У ҳақда қаранг: Сами, Тарих-и салатин-и мангитийа, стр. 134, прим. 38—39.
636. Ж а б а л — Рай билан Табаристон ўртасида жойлашган тоғлик бир вилоятнинг номи.
637. Ж и б о л — луғавий маъноси: тоғлар, ўрта асрларда Шимолий Эроннинг (Ҳамадон, Курдистон ва ҳоказо) қатор тоғли районлари шу ном билан аталган.
638. Т а л қ о н — Эроннинг ғарбида, Қазвин яқинидаги вилоят.
639. Х у з (и с т о н) — У ҳақда қаранг: Ал-Бакуви, Талхис ал-асар, стр. 35.
640. Заҳарли илонларнинг бир тури.
641. Нашрда: «чувалчанглари» ноқис.
642. Тайолиса, «Тайласон»нинг жами. Тайласон, машойих ва уламолардан махсус кишилар кийдиган яшил (кўк) рангдаги кийим бўлиб, одатда уни ажамликлар кийган. (Мунжид, 469-бет).
643. Ш а ҳ р а з у р — Курдистондаги чиройлик мавзеъ бўлиб. Арбил ва Ҳамадон ўртасидаги тоғлар оралиғида жойлашган.
644. А с к а р М у к р а м — Ҳузистон томонлардаги шаҳар, унда X асрда пул зарб этилган. Замон ўтиши билан у харобага айланган.
645. Ж у н д и й С а б у р — Ҳузистондаги бир шаҳар. Уни Сабур ибн Ардашер бунёд этганлиги сабабли унга нисбат берилиб шундай аталади.
646. Я ъ ж у к в а М а ъ ж у ж — обод, маъмур ўлкаларни вайрон қилиб, ғоятда ваҳшийликлари билан кишиларни даҳшатга солган афсонавий қабилалар.
647. Қўлёзмада: «емирувида» деб берилган.
648. Ушбу жумла қўлёзмада ноқис.
649. Бу ўринда гарчи қўлёзмада «етиб келдилар», нашрда «равона бўлдилар» деган фарқ билан берилса ҳам, Сайди Судуннинг аскарлари билан Дамашқдан чиқиши ва Ҳалабга етиб келиши 803 йил сафар ойида (сентябрь-октябрь, 1400 йил) юз бергани бошқа манбаларда ҳам таъкидланади.
650. Б а ҳ а с н а — Туркиянинг шарқидаги Малатия санжақига қа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рашли шаҳар бўлиб, Миср мамлуклари (1250—1517 йиллар) даврида содир бўлган ғоратларга қарши туришда мустаҳкам қалъалардан бири ҳисобланган.

651. Малатия — ўрта асрларда мустаҳкам қалъага эга бўлган шаҳар. Ҳозирги вақтда Туркиянинг жанубида, Фрот дарёсининг юқори оқимларидаги шу номли вилоятнинг бош шаҳри.

652. Қалъат ур-Рум — Қалъат ул-муслимин (Мусулмонлар қалъаси) номи билан ҳам аталадиган бу мустаҳкам қалъа Фрот дарёсининг ғарбий соҳилида, Бира (Сурия) қишлоғининг муқобилида жойлашган. (Ибн Тагриберди, ан-Нужум аз-зоҳира, 265-бет, 4-изоҳ).

653. Ҳажжож ибн Юсуф (661—714) — У аввал Ҳижозда, сўнгроқ Ироқда ҳокимлик қилган (694—714). Ироқда Восит шаҳрини бунёд этган.

654. Табала — Яманда жойлашган бир шаҳар. Ҳажжожга Табала арзимас масалининг тарихи шуки, даставвал унга Ҳажжож ибн Юсуф ҳоким, қилиб тайинланади. Ҳажжож келиб унга кирмасдан (уни) арзимас ҳисоблаб орқасига қайтиб кетади. Мана шундан ушбу масал нақл қилинади.

655. Айнтоб — Туркиядаги бир шаҳар бўлиб, Ҳалабдан 132 км масофада жойлашган.

656. Нашрда: «Чикиб» деб берилган.

657. Қўлёзмада «Илжайиш» дейилган.

658. Туркмонлар — Мосул ҳокими Қора Юсуф туркмонлари кўзда тутилаётир. Бу ҳақда яна қаранг: Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн, I-жилд, в. 164 а.

659. Қўлёзмада: «Султон ҳузурига» сўзи ноқис.

660. Ўша давр тарихчилари Бадруддин ал-Айний (Иқд ал-жумон 127-бет), Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (Инба ул-ғумр, 528-бет). Темур мактубини бир қадар фарқ билан келтирадилар.

661. Қўлёзмада: талабгор бўлиб.

662. XIII асрнинг ўрталаридан то XVI асрнинг бошлари (1517 йилги турклар истилоси)гача Мисрда мамлуклар ҳукмронлик қилдилар. Мамлуклар даврида асосан икки хил султонлар: бахрийлар (1250—1390) ва буржийлар (1382—1517) ҳукм юргиздилар. Буржийларнинг насаби Кавказ черкасларидан келиб чиққан бўлиб, бу ўринда Арабшоҳ, келтирган мактубда Темур Миср султони Носир Фаражнинг насабига ишора қилаётир.

663. Темурнинг ушбу мактубини, тарихчи Бадруддин ал-Айний (Иқд ал-жумон, 127-бет) тўлароқ баён қилиб, унинг ёзишича, мактуб фақат Ҳалаб ноиби Темурдош номига юборилган.

664. Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг (Инба ул-ғумр, 530-бет) ёзишича, Ҳалаб ноиби Темурдош Темур мактубидан Сайди Судунни воқиф этгач, ўша заҳотиёқ у элчига ҳамла қилиб, унинг бошини кесади.

665. Қуръон, 72-сура, 9-оятдан.

666. Ушбу жумла қўлёзмада ноқис.

667. Нашрда бу сўз тушириб қолдирилган.

668. Нашрда «пиёдалар» деб берилган.

669. Бу ўринда сўз ўйини бўлиб, Миср султони Фаражга (луғавий маъноси «эркинлик», «хотиржамлик»дир) ҳам ишора.

670. Қуръон, 8-сура, 46-оятдан.

671. Қуръон, 3-сура, 200-оятдан.

672. Шайх Жалолуддин Умар ибн Муҳаммад ал-Хабозий ал-Хў-



www.ziyouz.com kutubxonasi

жандийнинг (вафоти 1272 йил) фиқҳ, усулига оид «Муғни» номли китобига ҳам ишора.

673. Абу-л-фазл Мажддуддин Абдуллоҳ, ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ал-Моусилийнинг (вафоти 1284 йил) «Мухтор фи фуруъ ал-ҳанафия» номли китобига ҳам ишора.

674. Ҳофизуддин ан-Насафий номли билан танилган шайх Имом Абу-л-Баракот Абдуллоҳ, ибн Аҳмаднинг (вафоти 1310 йил) қаламига мансуб. «Манор ул-анвор» номли фиқҳ усулига оид машҳур асарига ҳам ишора.

675. «Кифоя» номи билан бошланадиган (ёки аталадиган) китоблар кўп бўлиб, эҳтимол бу ўринда муаллиф назарда тутаётган «Кифоя» Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Суҳайлий ал-Жожрамийнинг (вафоти 1226 йил) «Кифоя» номли асаридир.

676. Марғилонлик таниқли олим Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғилонийнинг (вафоти 1197 йил) «Ҳидоя фи-л-фуруъ» номли машҳур асарига ҳам ишора.

677. «Ниҳоя» номи билан бошланадиган ҳар хил асарлар кўп бўлиб, бу ўринда муаллиф адиб Абу Мансур Абдулмалик ас-Саолибий ан-Нийсопурийнинг 1204 йилда Нийсопурда таълиф этган «Ниҳоя фи-л-кифоя» асарини кўзда тутса керак.

678. Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғилонийнинг «Бидоят улмубтадо фи-л-фуруъ» асарига ҳам ишора.

679. Ҳофизуддин ан Насафийнинг (у ҳақда 674-изоҳга қаранг) «Канз ул-дақоиқ фи фуруъ ал-ҳанафия» номли китобига ҳам ишора.

680. Имом ал-Ҳофиз Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг (вафоти 870 йил) «Саҳийҳ ал-Бухорий» номли ҳадисларга бағишланган «Жомеъ ас-саҳийҳ» асарига ҳам ишора.

681. Имом Бурхон Маҳмуд ибн Убайдуллоҳ ал-Хамулийнинг «Виқоят ур-ривоя фи масоил ул-ҳидоя» номли асарига ҳам ишора.

682. Наҳвий олим ибн Молик Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг (вафоти 1273—1274 йиллар) «ал-Кофият аш-шофият фи-и-наҳви» номли асарига ҳам ишора.

683. Араб тилида мавжуд бўлган «касал (иллатли) феъл» деб аталмиш грамматик истилоҳга ҳам ишора.

684. Араб тили грамматикасидаги махсус истилоҳ ҳисобланган «иккала» «икки» марта кўпайтиришга ҳам ишора.

685. Араб тилида грамматик истилоҳ ҳисобланган «гурлаш», «туслашга ҳам ишора.

686. Шайх ибн ал-Ҳожибнинг (вафоти 1248 йил) сарф илмига оид «Шофия» номли асарига ҳам ишора.

687. Шайх ибн ал-Ҳажибнинг наҳв илмига оид «Кофия» номли асарига ҳам ишора.

688. Қуръон, 8-сура, 15-оятдан.

689. Бу ўринда форсча сўз ишлатилган.

690. Қўлёзмада: «қўрқоқлиги ва макри» сўзлари ноқис.

691. Қўлёзмада: бекитдилар.

692. Қўлёзмада: оғирлаштириб.

693. Лашкарни «бешлик» дейилишидан мурод, у беш қисмдан, хусусан: олд қисм (муқаддима), марказий қисм (қалб), ўнг қанот (маймана), чап қанот (майсара) ва орқа қисм (соқа)-дан иборатдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

694. Темур шу куни Ҳалаб яқинидаги Гайлон қишлоғига келиб тушган.
695. Қуръон, 93-сура, 2-оятдан.
696. Қуръон, 30-сура, 5-оятга ҳам ишора.
697. Нашрда: «душманларини» сўзи ноқис.
698. Қуръон, 7-сура, 17-оятдан.
699. Ҳайлон (Гайлон) — Ҳалаб шаҳри яқинидаги бир қишлоқ.
700. Қуръон, 46-сура, 35-оятдан.
701. Қўлёзмада хато берилган.
702. Темур қўшинлари кўзда тутилаётир.
703. Антиоҳия дарвозаси — Ҳалаб шаҳри дарвозаларидан бири.
704. Қуръон, 9-сура, 25-оятдан
705. Тарихчи Бадруддин ал-Айнийнинг (Иқд ал-жумон, 128—129-бетлар) ёзишича, Темур фасоҳатли иборалар билан битилган хат-хабар юбориб, нойибларни қалъадан ҳузурига келтиради ва аввал уларга хилъат кийдириб, сўнг азобу уқубатга солади.
706. Бу ҳақда 664-изоҳга қаранг.
707. Ибн аш-Шиҳна — унинг тўлиқ исми Муҳибуддин Абу-л-фазл Муҳаммад ибн Абу-л-Валид Муҳаммад ибн аш-Шиҳна (1402—1485) бўлиб, у Ҳалабда туғилган, Қоҳирада ҳанафий мазҳабидан қози ва шайх ул-ислом бўлган.
708. Муҳаммад ибн аш-Шиҳнанинг «Равзат ул-манозир фи ахбор ал-авоил ва-л-авохир» номли тарихий асарига ишора. Мазкур асар Ибн ал-Асирнинг «Тарих ул-комил» асари нашрининг 9 жилди ҳошиясида келтирилган бўлиб, бир нусхаси УзССР ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 6820) мавжуддир.
709. Қалъат ул-муслимийн (Мусулмонлар қалъаси) — бу ҳақда 652-изоҳга қаранг.
710. Нашрда хато берилган.
711. Сандерс таржимасида «минг» деб таржима қилинган, аслида «тумон» ўн мингни англатади.
712. Қуръон, 27-сура, 34-оят.
713. Қўлёзмада: «мактубига» тарзида берилган.
714. Мангер нашрида (1-жилд, 620-бет) «бир хизматкор» деб келтирилган.
715. Дозий қомусида «олий ҳазратлари» тарзида таржима қилинган.
716. Қўлёзмада: «душманни қаршн олинглар» сўзи ноқис.
717. Нашрда: қабиласи деб берилган.
718. Нашрда: ўн тўртинчи (2 ноябрь) деб берилган.
719. Қуръон, 12-сура, 18-оятдан.
720. Нашрда хато берилган.
721. Қўлёзмада: «ўйладим» ноқис.
722. Форсча: яхши, яхши!
723. Муовия — Умавийлар сулоласидан биринчи халифа (661—680).
724. Язид — Умавийлар халифаси Муовиянинг ўғли (642—683).
725. Нашрда ғалат берилган.
726. Мужтаҳид — у ҳақда қаранг: Кабус-намэ, стр. 284. прим. 7.
727. Ҳусайн — халифа Али ўғли. У Муовия тарафдорлари билан бўлган жангда (680 й.) Карбалода қатл этилган.
728. Қўлёзмада: қози Шарафуддиндан сўзи ноқис.
729. Ҳақиқатда Темур ўша пайтда 65 ёшда эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

730. Қўлёзмада: тумонлар деб берилган.
731. «Ал-Ҳидоя фи-л-фуруъ» китобининг муаллифи Бурҳонуддин ал-Марғинонийга ишора.
732. Қўлёзма: уларга қўшилган кишиларга сўзи ноқис.
733. Қўлёзмада: Темурнинг Ясоқидан деб берилган. Ясоқ ҳақида қаранг: Л. З. Будагов, Сравнительный словарь, II, стр. 329—330.
734. Қуръон, 50-сура, 5-оятдан.
735. Қўлёзмада: «Қасддан» сўзи ноқис.
736. Нашрда: «шошмай туринглар» сўзи ноқис.
737. Жаббул — Ҳалаб яқинадаги катта бир қишлоқ.
738. Ироқдаги Карбало шаҳри кўзда тутилаётир.
739. Ҳажун — Макканинг юқорисида жойлашган бир тоғ бўлиб, унда Макка аҳли дафн қилинадиган қабристон мавжуддир.
740. Сафо — Макка водийсида, Абу Қубайс тоғи ёнида жойлашган баланд бир жой. У билан Масжид ул-Ҳаром ўрталиғида кенг водий бўлиб, у йўл ва бозор (жой) вазифасини ҳам ўтайди.
741. Ушбу байт араб шоири ал-Ҳорис ибн Маддод ал-Жарҳамий қаламига мансубдир (Ибн Ботута, Риҳла, 87-бет).
742. Ялбуға қуббаси — Ибн Тагрибердининг «ан-Нужум аз-зоҳира» (233-бет) китобига ёзилган изоҳга кўра, ал-Қадам қишлоғи этагида Ялбуға қуббаси деб аталадиган бир қубба бўлиб, агар Миср султони ёки ноиби Дамашққа келса, у қуббадан то шаҳаргача, агар Дамашқдан Мисрга томон чиқса, шаҳардан то у қуббагача уни расмий мавкаблар кузатиб борар эканлар.
743. Нашрда: Астанбуға деб хато берилган.
744. Даводор — султоннинг махсус котиби вазифасига баробар келадиган мансаб.
745. Бошқа манбаларда (масалан, ан-Нужум аз-зоҳира, 218-бет). Абдул Қассорнинг номи кўрсатилмай, фақат Асанбуға Даводорнинг ёлғиз ўзи зикр қилинади.
746. Жиллиқ — Ёқут Ҳамовийнинг ёзишича, айримларнинг фикрича Жиллиқдан айнан Дамашқ тушунилса, яна баъзиларнинг фикрича Дамашқ қишлоқларидан бир қишлоқ яқинидаги жой тушинилади (Муъжам ул-булдон, 3-жилд, 126-бет). Бу ўринда матн тақозосича, Жиллиқдан мурод Дамашқдир.
747. Қўлёзмада: «Муборак» ҳам дейилган.
748. Қўлёзмада: Файж.
749. Араб масали.
750. Миср султони Носир Фаражга ишора, у, Темур Ҳалабни эгаллаганини эшитиб, ўз аскари билан Қоҳирадан чиқиб, Шом томонига юзланган эди.
751. Қўлёзмада: «Мукаммал» сўзи суқут.
752. Қуръон, 12-сура, 81-оятдан.
753. Қўлёзмада: хато келтирилган.
754. Қуръон, 7-сура, 79-оятдан.
755 Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (Инба ул-ғумр, 531-бет) ҳам Темурнинг раби ул — охир ойининг аввалида Ҳалабдан жўнаб Дамашқ томонига равона бўлганини зикр қилади.
756. Қўлёзмада: ортиқча ва ерларни.
757. Ушбу ёзув бирқадар қисқартирилган ҳолатда Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (Инба лу-ғумр, 535-бет) тарихида ҳам келтирил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. У «Ишончли кишининг зикр қилишича» деб ёзиб, Ибн Арабшоҳга ишора қилаётир.

758. Хомс — Шомнинг қадимий, машҳур ва девор билан ўралган истеҳкомли шаҳари бўлиб, қибла тарафида, баланд бир тепалик устида мустаҳкам ва азим қалъаси бўлган. Хомс Дамашқ ва Ҳалабнинг қоқ ўртасидадир. Ҳозирги вақтда муҳофаза марказидир.

759. Холид ибн Валид — Муҳаммад пайғамбар саҳобаларидан. У ислом қўшинларининг бош амирларидан бўлиб, Муҳаммад уни «Сайфуллоҳ» (Оллоҳнинг қиличи) деб атаганди. Холид ибн Валид 648 йилда вафот этиб, қабри Хомсдадир.

760. Ибн Дўқмоқнинг (Иқд ал-жавоҳир, 252-бет) ёзишича, у сафар (сентябрь, октябрь, 1400 йил) да вафот этган.

761. Бу тўғрида тарихчи Бадруддин ал-Айний (Иқд ал-жумон, 146-бет) ҳам шу йўсинда ёзади.

762. Қора — Сурияидаги бир қишлоқ бўлиб, Хомсдан Дамашққа борадиган йўловчи учун дастлабки манзилгоҳдир.

763. Баалбек — ҳозирги Ливан территориясида жойлашган қадимий шаҳар. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, унда ажойиб иморатлар, азим обидалар ва дунёда тенги йўқ мармар устунларга қурилган қасрлар бўлган. У билан Дамашқ ўртаси уч кунлик йўлдир.

764. Кўпгина тарихчилар султоннинг Дамашққа етиб келишини жумоду-л-увло ойининг олтинчиси, пайшанба (23 декабрь 1400 йил) куни деб зикр қилганлар. (Иқд ал-жумон, 131-бет; Инба ул-ғумр, 532-бет; ан-Нужум аз-зоҳира, 232-бет).

764а Қуръон, 37-сура, 164-оят.

765. Темур аскари кўзда тутилаётир.

766. Даройо — Дамашқ муҳофазасига қарашли бир қишлоқ.

767. Ал-Ҳувла — Дамашқ яқинидаги бир қишлоқ.

768. Нашрда: Қатанагача сўзи ноқисдир. Қатана — Дамашқ яқинида жойлашган қишлоқ.

769. Қўлёзмада: эрлар сўзи ноқисдир.

770. Нашрда: тоғлар деб берилган.

771. Қўлёзмада: ат-Тозилий деб хато берилган.

772. Бадруддин ал-Айнийнинг ёзишича, (Иқд ал-жумон, 132-бет). Бу ҳамла жумоду-л-увло ойининг тўққизинчиси (26 декабрь, 1400 йил). Шанба кунида юз берган.

773. Қуръон, 24-сура, 43-оятдан.

774. Нашрда хато берилган.

775. Ушбу байтлар тўлиғича нашрда ноқис.

776. Қуръон, 33-сура, «ал-Аҳзобга» ҳам ишора (22-оятдан).

777. Бу ибора моҳиятини аниқлай олмадик.

778. Қавс ичида келтирилган сўзлар аруз ва балоғат илмидаги махсус истилоҳлар бўлиб, бу ўринда луғавий маъноси жиҳатидан ҳам текстга мослаб келтирилган. Шунингдек, ушбу сўзлар истилоҳ сифатида ҳам ўз маъноларига эга. М: садр-биринчи байт: ажаз — иккинчи мисра: заруб-аруз илмида иккинчи мисранинг охирги қисми ва ҳоказо.

779. Нашрда ноқис бўлган ушбу мисралар араб шоири ал-Мутанаббий қаламига мансубдир.

780. Муаллиф бу ўринда хатога йўл қўйган. Султон Ҳусайн Темур синглисининг ўғли, яъни унинг жияни бўлмай, балки унинг набираси эди. Бу ҳақда яна қаранг: Шарафуддин Али Яздий, Зафархона, в 229а.



www.ziyouz.com kutubxonasi

781. Қўлёзмада: шубҳаланган.
782. Бу ҳақда яна қаранг: Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн, 82-бет.
783. Бадруддин ал-Айний (Иқд ал-жумон, 133-бет) ҳам Султон Ҳусайнни ўз ҳошиялари билан (улар 1000 дан ошиқ киши эди). Миср султони томонига қочиб ўтгач, султон унга хилъатлар кийгизиб, инъом-эҳсонлар кўрсатганини ёзади.
784. Бунинг баёни шуки...дан бошлаб, то шу ўрингача қўлёзмада ноқис.
785. Нашрда хато бўлиб, «Бошбек» дейилган. У ҳақда яна қаранг: Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома, в 381б
786. Қуръон, 30-сура, 22-оятига ишора.
787. Бадруддин ал-Айнийнинг ёзишича, султонни ташлаб Қоҳирага қочган амирларнинг бошлиқлари амир Қанбой ал-Алой ва амир Судун Таййор бўлган (Иқд ал-жумон, 134-бет).
788. Қуръон, 2-сура, 166-оятдан.
789. Ат-Тайм водийси — ҳозирги Ливан территориясида жойлашган бир водий.
790. Қуръон, 21-сура, 96-оятдан.
791. Шаксиз ўлим.
792. Қўлёзмада «ал-Хусбоний» деб берилган.
793. Қуръон, 37-сура, 140-оятдан. Бундан мурод ўз ҳошиясию, атрофидаги кишилари.
794. Темурдан омонлик тилаш масаласида.
795. Абу Саид Абдулмалик ибн Қариб ибн Осим ибн Абдумалик ибн Асмаи ал-Боҳилийга нисбат қилиниб, Асмаи, яъни ривоятларни кўп билувчи, араблар тарихи ва хабарларидан мукаммал воқиф кишига айтилади. Ибн Халдун ҳам шу тоифадаги кишилардан ҳисобланган.
796 Бурнус — Исломнинг илқ даврларида дарвешлар киядиган чўзинчоқ бош кийими (Муҳит ул-муҳит, «бурнус» моддаси).
797. Қўлёзмада: «Ғарб» деб берилган.
798. Қўлёзмада: «Ғарбнинг» деб берилган.
799. Қўлёзмада ва Сандерсда: «Ғарб».
800. Шом аъёнларининг Темурдан омонлик тилашларида, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, асосий ролни Ибн Халдун ўйнаган. Кўпчилик араб тарихчиларининг таъкидлашларича. Темур билан музокарани Ибн Муфлаҳ олиб борган. Бу масала бир қадар баҳсларга сабаб бўлган. Лекин Темур билан Ибн Халдун (1401 йилнинг февраль-март ойларида) учрашганлиги аниқ маълум. Лекин Ибн Арабшоҳ бу учрашув вақтида юз берган суҳбатга ғоятда бадиий тус бериб, афсонавий тафсилотлар билан тавсиф этади. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Курьер, 1966, № 6, 5—8-бетлар; В. Фишель, Ибн Халдун ва Темурланг, 52—79-бетлар:
801. Майсалун — Дамашқдан ғарб томондаги бир мавзеънинг номи.
802. Нашрда: юклаб.
803. Қуръон, 40-сура, 33-оятдан.
804. Ибн Дуқмоқнинг (Иқд ал-жавоҳир, 246-бет) зикр қилишича, шаҳар аҳли Темурга йиғиб берган от, хачир, туя ва эшакларнинг сони ўн икки мингтача бўлган.
805. Бадруддин ал-Айний (Иқд ал-жумон, 137-бет) ва Шарофуддин Али Яздий (Зафарнома, қўлёзма № 1514, в. 397а) амир Яздор деб зикр қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

806. Қуръон, 14-сура, 15-оятдан.

807. Бу ҳақда яна қаранг: Шарафуддин Али Яздий (Зафарнома, в. 384б) Яздий уни Бутхос деб келтирган.

808. Луғавий маъноси «яхшининг отаси» демакдир.

809. Умматим кўпчилиги янглишмайди — Ҳадис.

810. Ушбу воқеаларнинг гувоҳи бўлган тарихчи Бадруддин ал-Айнийнинг ишончли бир кишининг сўзига асосланиб, ушбу Абдулжаббор ҳақида: «У, Абдулжаббор Темур ҳузурида мушир ва фикр-мулоҳаза соҳиби бўлиб, кечаю кундуз, Темурдан ажралмасди».— деб ёзади (Иқд ал-жумон, 137-бет).

811. «У фуруъда ўз замонининг буюк алломаларидан эдики, ҳатто» қўлёзмада ноқис.

812. Нуъмон I деб ҳанафийлар мазҳабининг асосчиси Имом Аъзам Нуъмон ибн Собит (699—767) кўзда тутилаётир.

813. Нашрда хато берилган.

814. Қўлёзмада: ал-Жобий.

815 Сумақа — анорга ўхшайдиган бир дарахт ва унинг меваси. (Муҳит ул-муҳит, «самақа» моддаси).

816. Бадруддин ал-Айнийнинг (Иқд ал-жумон, 138-бет) ёзишича, Темур ҳузуридаги тўрт фақиҳнинг бири бўлган Умар котиб улхизана (хазина котиби) ҳисобланиб, келтирилган барча мол-дунёларни қайд қилиб ҳисобга олиш унинг зиммасида бўлган.

817. Қўлёзмада Шом, Сандерсла эса батамом хато таржима қилиниб «Сурия ва Араб томонидан дейилган».

818. Бу кўрсатилган муддатлар Темурнинг Ҳалабдан чиқиб Дамашқни олиш учун султон аскарлари билан қилган жанг ва ундан кейин шаҳарни, шунингдек қалъани ҳисор этиб, ишғол қилиши ҳамда Дамашқдан кетгунча унда истиқомат қилган вақтларини ўз ичига олади.

819 Ибн Дўқмоқнинг (Иқд. ал-жавоҳир, 236-бет) ёзишича, 29 кунлик ҳисордан кейин қалъа Темурга топширилган.

820. Ибн Дўқмоқ (Иқд ал-жавоҳир, 245-бет) ҳам пайғамбар хотинларидан бири бўлган Умм ал-Ҳабиба қабрининг хароба ҳолга тушганлигини кўрган Темур ушбу сағана устига бир қубба бунёд этганлиги ҳақида ёзади. Бу ҳақда Низомуддин Шомий (Зафарнома, 236-бет). Шарафуддин Али Яздий (Зафарнома, в 384б) ҳам зикр қиладилар.

821. Бу машҳур араб масали бўлиб, қачонки бирор ишга аввалига қудрат етмай, охирида шунга эришилса келтирилади.

822. Уд — чекиладиган ва хушбўй ҳид таратадиган чўп.

823. Сафад ноиби Алтунбуғо ал-Усмоний ва Ғазза ноиби Ибн Таҳҳоннинг Темур асоратидан озод қилиниб, ўз юртларига қайтарилиши ҳақида — гарчи сабабини кўрсатмаса-да — Ибн Дўқмоқ (Иқд ал-жавоҳир, 253-бет) ва Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (Инба ул-ғумр 581-бет) ҳам ёзадилар.

824. Бу ҳақда 787-изоҳга қаранг.

825. Қуръон, 38-сура, 3-оятдан.

826. Қуръон, 8-сура, 60-оятдан.

827. Миср султони Носир Фаражнинг Дамашқдан қочиб кетаётиб Темурга йўллаган мактуби тўғрисида бошқа манбалардан ҳеч қандай маълумот учратмадик. Лекин Байсақ исмли амирнинг Носир Фараж отхонасининг амирохури (мирохур) бўлганлиги маълум Бадруддин ал-Айний, Иқд ал-жумон, 102-бет).



www.ziyouz.com kutubxonasi

828. Нашрда: амирлар.
829. Қуръон, 22-сура, 2-оятдан.
830. Қуръон, 80-сура, 34—36-оятлари.
831. Қуръон, 80-сура, 37-оятдан.
832. Қуръон, 22-сура, 29-оятига ҳам ишора.
833—834. «Тавоф», «сайъ»— ҳаж маросимидаги истилоҳлар.
835. Қуръон, 88-сура, 11-оятдан.
836. Қуръон, 10-сура, 24-оятдан.
837. Қуръон, 20-сура, 87-оятдан.
838. Фикримизча, қўлёзмадаги ушбу жумла охиридаги «итлардан» сўзи ортиқча бўлса керак.
839. Қуръон, 22-сура, 2-оятдан.
840. Қуръон, 75-сура, 25-оят.
841. Тарихчи Бадруддин ал-Айнийнинг (Иқд ал-жумон, 138-бет) ёзишича, Темур Дамашқни батамом эгаллагандан кейин ўзи шаҳарга қозилар, ҳожиблар ва валийлар тайинлаган. Натижада Темур келишидан олдин шаҳарда ҳанафий мазҳаби бўйича бош қози бўлиб турган Муҳуддин Маҳмудни ўз мансабида қарор топтирган ва ҳанафийларни шофиъийлардан устун қўйган.
842. Нашрда хато, «ат-Тароб» деб берилган. Аз-Зоб Ироқдаги бир дарё бўлиб, Дажла (Тигр) дарёсининг ирмоқларидандир.
843. Ибн Дўқмоқнинг ёзишича, (Иқд ал-жавоҳир, 257-бет), ал-Муновий Темур асоратида экан-да 803 йилнинг рамазон (1401 йил, апрель) ойида Али Пошшо кўприги ёнида Фрот дарёсига ғарқ бўлиб ўлган.
844. Қўлёзмада «Талл ал-Жайи» деб хато берилган.
845. Сайрам — ўрта асрларда катта шаҳар бўлган. Ҳозирги вақтда эса Чимкент шаҳридан 12 км узоқликда жойлашган катта бир қишлоқдир. Сайрам ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: П. П. Иванов. Сайрам, стр. 45—56.
846. Нашрда «Янги Балас» деб хато берилган
847. Дамашқ ратли — ратл оғирлик ўлчови бўлиб, Дамашқ ратли 600 дирҳамга, яъни 1,65 кг га тенгдир.
848. Бу хусусда тарихчилардан Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (Инба ул-ғумр, 534—535-бетлар) ва Бадруддин ал-Айний (Иқд ал-жумон, 139-бет) ҳам шу тарзда ёзадилар.
849. Нашрда: «Мордин суви» дейилган.
850. Дунайсир — Морданинг жанубида жойлашган шаҳарча.
851. Қуръон, 2-сура, 25-оятдан.
852. Қуръон, 51-сура, 22-оят.
853. Сўзма-сўз: тиллар ва бошлар.
854. Нашрда хато берилган.
855. Темурнинг Мордин қалъасига ҳамласи ва ундан ўз мақсадига эриша олмай шаҳарни вайрон қилиши ҳақида яна қаранг: Низомуддин Шомий, Зафарнома, 238—239-бетлар: Бадруддин ал-Айний, Иқд ал-жумон, 139—140-бетлар.
856. Нашрда хато бўлиб, «Сўз» деб берилган. Сур — Ўрта Ер денгизи бўйида жойлашган катта шаҳар.
857. Ахлот — нашрда «Халот» деб берилган. Ахлот — Ван кўлининг ғарбий соҳилида, Бидлис шаҳридан 40 км шимолий-шарқда жойлашган шаҳар (Шарафхан Бидлиси, Шарафнаме, стр. 237).
858. Иъйд ал-Жавз — Ҳозирча ушбу мавзеъ ўрнини аниқлай олмадик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

859. Қуръон, 10-сура, 24-оятдан.
860. Қуръон, 30-сура, 50-оятдан.
861. Нишопур — мўғуллар истилосигача (1220 йил) йирик шаҳар бўлиб, Хурософнинг маркази эди. Ҳозирги вақтда эса унча катта бўлмаган шаҳар ҳисобланиб, Машҳаднинг ғарбида жойлашган.
862. Жом — қўлёзмада «Хом» деб берилган. Жом — Ҳалаб минтақасида жойлашган бир мавзеъ бўлиб, унда курдлар истиқомат қилганлар.
863. Нашрда хато бўлиб, «ад-Дахва» деб берилган.
864. Қуръон, 86-сура, 3-оят.
865. Қуръоннинг сура ва оятларига ҳам ишора.
866. Қантара — Суриядаги бир қишлоқ.
867. Ноҳия кичик маъмурий бўлинма
868. Қўлёзмада: Аҳмад сўзи ноқис.
869. Ушбу ўриндаги Дамашқ, Мордин ва Бағдод сўзлари қофия учун феълга айлантирилиб берилган.
870. Баъзи манбаларда, жумладан, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» (114—115 бетлар) асарида у «Фаррух» деб зикр қилинади.
871. Нашрда: ал-Балбақий деб берилган.
872. Бу ҳақда тарихчи Хондамир (Ҳабиб ус-сияр, 41-бет) ҳам шундай ҳикоя қилади.
873. Ғиёсий Темурнинг Бағдодга иккинчи марта кириши 803 йил зу-л қаъда ойининг йигирма олтинчиси (1401 йил, 8 июль) деб кўрсатган (Тарих ул-Ироқ, 238-бет). Лекин Бадруддин ал-Айний (Иқд ал-жумон, 157-бет) шаввол ойининг охирларида (1401 йил, 12 июнь) деб ёзади. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ҳам худди шу тарихни зикр қилади (Инба ул-ғумр, 542-бет). Фикримизча, Бадруддин ал-Айний ва Ибн Ҳажар ал-Асқалоний кўрсатган тарих тўғридир. Чунки Низомуддин Шомийнинг ёзишича (Зафарнома, 241-бет), қирқ кунлик ҳисордан кейин Темур ўз аскарларига қатъий ҳужумга ўтишга рухсат берган. Бу рухсат 803 йил зу-л-қада ойининг 27-куни (1401 йил, 9 июль) бўлган эди. Демак Темур Бағдодга шаввол ойининг 20 ларида (3 июнь) етиб келган.
874. Қуръон, 16-сура, 112-оятдан.
875. Ҳаж ойлари — шаввол, зул-қада, зу-л-ҳижжа ойлари.
876. Қурбон ҳайити куни — зул-л-ҳижжа ойининг ўнинчи (22 июль) куни. Аммо Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида (116-бет) Темур 803 йил зу-л-қада ойининг еттинчиси (1401 йил, 19 июнь), якшанба куни Багдодни фатҳ этиб, ундан зу-л-хижжа ойининг ўнинчисида (1401 йил, 22 июль) чиқиб кетди дейилган.
877. Язак форсча сўз бўлиб, авангард, разведка билан шуғулланадиган гуруҳни англатади.
878. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (Инба ул-ғумр, 542—543 бетлар) ва Бадруддин ал-Айнийнинг (Иқд ал-жумон, 157-бет) ёзишича, Темур ўз аскаридан ҳар бир суворийга биттадан бағдодлик бошни келтиришни буюрган. Натижада, улар юз минг бош келтириб, улардан қирқта мезана бунёд этган.
879. Қуръон, 2-сура, 48-оятдан.
880. Қуръон, 11-сура, 82-оятдан.
881. Қўлёзмада хато берилган.
882. Қуръон, 34-сура, 15-оятдан.
883. Қуръон, 34-сура, 19-оятдан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

884. Қуръон, 46-сура, 25-оятдан.
885. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Ёқут, Мужам ул-булдон, 2-жилд, 236—237-бетлар.
886. Низомуддин Шомийнинг (Зафарнома, 243 бет) ёзишича, Темур Қорабоғга 804 йил, раби ул — охирнинг йигирма иккинчи (1401 йил, 29 ноябрь) кунида келиб тушган.
887. Қўлёзмада барча ўринларда «Аба Язид» шаклида келтирилган Аслида Боязид арабча Абу Язиднинг бир қадар ўзгартирилган шаклидир.
888. Нашрда хато берилган.
889. Қуръон, 28-сура, 8-оятдан.
890. Қўлёзмада бирқадар ўзгартириб берилган.
891. Қуръон, 4-сура, 89-оятдан.
892. Нашрда: «Маншо» деб хато берилган.
893. Сарухон — ўша даврда Туркияда мавжуд бўлган мустақил ўн икки бейликнинг бири бўлиб, маркази Маниса шаҳри ҳисобланган.
894. Кермиян — Туркия бейликларидан энг катталаридан бири ҳисобланиб, Кутаҳия унинг бош шаҳри бўлган.
895. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Лэнь Пуль, Мусульманские династии, стр. 158—159.
896. Қўлёзмада хато берилган.
897. Қўлёзмада: кўп қисми ноқис.
898. Миср давлати кўзда тутилаётир.
899. Қуръон, 59-сура, 14-оятдан.
900. Қуръон, 5-сура, 24-оятдан.
901. Қуръон, 75-сура, 22—23-оятларидан.
902. Қуръон, 5-сура, 54-оятдан.
903. Қуръон, 81-сура, 5-оят.
904. Қуръон, 82-сура, 2-оят.
905. Қуръон, 81сура, 3-оят.
906. Қуръон, 82-сура, 4-оят.
907. Камох — Фрот дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган мустаҳкам бир қалъа бўлиб, Арзинжондан 38 км узоқликда жойлашган.
908. Қуръон, 38-сура, 5-оятдан.
909. Боруд (турк) — махсус туз, олтингугурт ва кўмир бирикмасидан ташкил топган мураккаб модда (милтиқ дори) бўлиб, ўқ отишда ишлатилади.
910. Қуръон, 89-сура, 9-оятдан.
911. Қуръон, 50-сура, 30-оятдан.
912. Қуръон, 15-сура, 46-оят ва 50-сура, 34-оятларига ҳам ишора.
913. Қуръон, 22-сура, 13-оятдан.
914. Бир тарихий воқеага ишора бўлиб, ҳозирча аниқлай олмадик.
915. Ушбу жумла қўлёзмада ноқис. Туркия султони Боязид I (1389—1402) Византиянинг пойтахти Константинополни муҳосара этиб, унинг атрофларини вайрон қилиб, кучли қалъаси бўлган бу шаҳарни олишга муваффақ бўлаолмаган эди. Лекин у қамални давом эттириб, бу ўринда ана шу қамал кўзда тутилаётир.
917. Батриқ (турк) — ихтиёрида ўн минг одами бўлган Рум қўмондонлари шундай аталган.
918. Нашрда: Кермон деб нотўғри берилган.
919. Султон Орхан (1324—1359) ҳукмронлиги даврида биринчи марта Туркияда маъмурий-территориал бўлиниш татбиқ қи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

линиб, мамлакат уч вилоятга — пошшоликка бўлиндики, ўз навбатида бу пошшоликлар округларга — санжақ (кўплиги санажуқ)ларга бўлинган бўлиб, уларни санжақбойлар идора қиларди. Бу ҳақда яна қаранг: А. Д. Новичев, История Турции, стр. 35.

920. Икки пойтахт (Бруса ва Адирна — Андрианополнинг туркча аталиши) — султон Орхан даврида турклар ўз чегараларини кенгайтира бориб, 1326 йилда кичик Осиёдаги йирик шаҳар — Брусани эгаллади ва шу йили пойтахт Янги шаҳардан Брусага кўчирилди. 1362 йилда эса, Орханнинг ўғли Мурод I (1359—1389) Адрианополни ишғол қилгач, пойтахт Брусадан у жойга кўчирилди. Бу ўринда муаллиф шунга ишора қилаётир.

921. Мўғулистон хони Мункехон илгари мўғуллар ҳукми остида бўлиб, сўнгра улар ҳукмидан чиқиб кетган Ғарбий Осиё ерларини қайтадан бирлаштириш учун ўз биродарлари Хулотухонни (1256—1265) Эронга жўнатганда. (Рашид ад-Дин, Сборник летописей, том 1, стр. 279). Ўз лашкари билан туркий тотор қабилаларидан ҳам анчасини жўнатган эди. Кейин Хулотухон уларга Рум ва Шом ерларидан жой бериб, улар шу атрофларда ватан тутиб қолгандирлар. 1398 йили турк Султони Боязид Сивос ва унинг атрофларини эгаллагач, шу ерларда яшовчи тоторларни Рум лашкарларига кириштириб ўз ерларидан уларга жой берганди. Бу ўринда мана шу тоторлар (форсча манбаларда улар қора тоторлар деб аталганлар) кўзда тутилаётир.

922. Қуръон, 74-сура, 31-оятдан.

923. Қуръон, 74-сура, 31-оятдан.

924. Абдураззоқ Самарқандий (Матлаи саъдайн, в. 191а) улар қирқ минг хонадон эдилар, деб зикр қилган.

925. Эртена — XIII асрнинг иккинчи ярмида Кичик Осиё Эрон муғулларининг вассалига айланиб Қайсария, Арзинжон, Сивос ва бошқа баъзи шаҳарларни ўз ичига олган шарқий Румда эса мўғул ноиби Эртена ҳокимлик қиларди. Ибн Арабшох ёзганидек, у мўғулларнинг охирги ҳокими бўлмай, балки ундан кейин ўғли Муҳаммад ва унинг ўғли Алауддин ҳам ҳукм юритиб, у 782 1380—1381) йилда вафот этгач, у сулоланинг ҳокимлиги батамом тугаган эди. Бу ҳақда яна қаранг: Лэн Пуль, Мусульманские династии, стр. 158, прим. 1.

926. XI—XIII асрларда Кичик Осиёда ҳукм юритган (Маркази Конья) Салжуқийлар авлодидан бўлган Султон Алоуддин ўз мулкининг шимолий-ғарбий томонларини қўриқлаб туриш шарти билан усмоний турклар давлатининг асосчиси Усмоннинг (1258—1324) отаси Эртўғрулга (вафоти 1281 йил) Анқара яқинидан бир қадар ер берган эди. 1289 йили салжуқий султон Алоуддин Қайкубод III отаси вафотидан кейин унинг ўрнида қарор топган. Усмонга бей (амир) унвонини берди. (А. Ф. Мюллер, Краткая история Турции, стр. 9.). Мўғуллар истилосидан кейин салжуқийлар ҳокимиятининг батамом инқирозга юз тутиши туфайли 1299 йили Усмон ўзини мустақил ҳоким деб эълон қилиб, натижада, Усмонийлар империяси вужудга келди. Турк султони Боязид ҳам шулар авлодларидан бўлиб, бу ўринда салжуқийларнинг ана шу эҳсонига ишора қилинаётир.

927. Асвад ибн Яъафар — машҳур араб шоири бўлиб, Абу



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жарроҳ деган куня олган. У ғоятда саховати ҳамда фасоҳатли иборалари билан шуҳрат қозонган. Вафоти тахминан 600 йил.

928. Форсча манбаларда тоторларнинг амири ва Темурнинг у қавмни Боязиддан қайтариш борасидаги уринишлари ҳамда уларга йўллаган мактуби хусусида ҳеч бир маълумот учратмадик. Лекин баъзи адабиётларда (А. Мюллер, История ислама, стр. 333—334) бу ҳақда зикр қилинади.

929. Қўлёзмада нотўғри берилган.

930. Басусдан кўра ҳам шумроқ — Басус, жоҳилия шоираси бўлиб, тағаллуб қабиласига мансуб эди. Ривоятга кўра, у ўз қабиласини Бани Бакр қабиласи билан муҳорабага гижгижлаган. Бу муҳораба қирқ йилча давом этиб, «Басус муҳорабаси» номи билан аталган. Шундан бошлаб, у ҳақда масал нақл қилганлар.

931. Худди шу тарзда ҳукм юритиш бошқа ҳукмдорлар билан ҳам бўлиб ўтган. Қаранг: Ибн. Батута. Риҳла, 38-бет.

932. Висол рўзаси — саҳарлик қилмасдан рўза тутиш. Бу билан кечаю кундуз тўхтамасдан йўл юрди демоқчи.

933. Муаллиф ўзи олдинроқ қайд қилгани — Боязидни ўз қўшини билан саҳро ва чекка ерларга томон йўл олганига ишора.

934. Қуръон, 77-сура, 41—42-оятларидан.

935. Қуръон, 56-сура, 28, 29, 30, 31-оятлар.

936. Исломнинг илк даврида (624 йил) Муҳаммад пайғамбар бошчилигида Мадина мусулмонлари Шомдан қайтиб келаётган Макка қурайшлари карвонига хужум қилиб, бу расмана жангга айланиб кетган. Бу тўқнашув Бадр қудуғи ёнида юз бериб, Мадина мусулмонларининг ғалабаси билан тугаган эди. Мана шу жанг пайтидаги воқеаларга ишора бўлса керак.

937. Бу ўринда муаллиф воқеаларни бир қадар бўрттириб тасвирлаётир.

938. Низомуддин Шомийнинг (Зафарнома, 255—256-бетлар) ёзишича, Боязид катта ўғли Сулаймонни («Ажноб ал-мақдур») қўлёзмасидаги барча ўринларда Салмон шаклида берилган) ўнг қанотда, қолганлари — Мусо, Исо ва Мустафони эса орқа томонда ҳимоясига қўйган.

939. Қуръон. 38-сура, 23-оятдан.

940. Антара (1131—1218) — Жоҳилия даврининг машҳур шоирларидан бўлиб, жангларда ўз жасорати ва моҳир суворийлиги билан шуҳрат қозонган.

941. Мисқол — қимматбаҳо тошлар учун вазн ўлчови бўлиб, 24 қийратга ёки 4,68 граммга тенг.

942. Қийрат — мисқолнинг $^1/_{24}$ қисми бўлиб, 0,195 граммга тенг.

943. Қуръон, 39-сурасининг номи.

944. Қуръон, 93-сурасининг номи.

945. Қуръон, 103-сурасининг номи.

946. Қуръон, 57-сурасининг номи.

947. Қуръон, 48-сурасининг номи.

948. Қуръон, 110-сурасининг номи.

949. Мармар денгизи назарда тутилаётир.

950. Қора денгиз кўзда тутилса керак.

951. Қуръон, 30-сура, 1-2 оятлар.

952. Бу араб масали бўлиб, қачонки бирон иш ҳаддидан ошиб кетганда келтирилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

953. Ёмонлик ва азиятнинг ҳаддидан ошиб кетишидан муболаға тариқасида нақл қилинадиган араб масали.

954. Аслида Болқон ярим оролида яшовчи славянлар ҳамда католиклар билан православлар ўртасида воқеъ бўлган диний адоватдан фойдаланган турклар, тез фурсатда Балқон ярим оролининг аксар ерларини эгаллаб олдилар. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: К. Е. Босворт, Мусульманские династии, стр. 187; А. Д. Новичев, История Турции, стр. 34—36.

955. Ьарру саломат ва ислом — луғавий маъноси «саломатлик ва ислом ери» бўлиб, бу ибора саломатлик (тинчлик) мавжуд бўлиб, ислом қонун-қоидалари жорий бўладиган мамлакат ва шаҳарга нисбатан айтилган.

956. Дорул-ҳарб — луғавий маъноси «уруш уйи» бўлиб, ислом динида бўлмаган мамлакат ва шаҳарга нисбатан айтилган.

957. Қуръон, 36-сура, 50-оят.

958. «Калила ва Димна» — Шарқ ва Ғарб адабиётида жуда машҳур бўлган масаллар тўплами, эрамизнинг 300-йилларида Ҳиндистон (Кашмир)да номаълум муаллиф томонидан тузилган бу асар кўп тилларга таржима қилиниб, дунё адабиёти меросига айланган.

959. Нашрда хато берилган.

960. Айрим адабиётларда (А. Д. Новичев. История Турции, стр. 37). Боязиднинг олтита ўғли борлиги қайд қилинган.

961. Харшана — Рум ерларида жойлашган Малотия яқинидаги бир шаҳар.

962. Кейинги байт қўлёзмада ноқис.

963. Малик Муайяд — Миср ва Шомда салтанат юритган мамлуклар ҳокимларидан (1412—1421).

964. Мурод II — Усмонийлар сулоласидан олтинчи ҳукмдор (1421—1451).

965. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича (Матлаи саъдайн, в 183а), Брусаға амирзода Муҳаммад Султон бошчилигида кўпгина амирлар жўнатилиб, шаҳар бойликларию хазиналарини забт қилиш Шайх Нуруддин зиммасига юклатилган.

966. Кўпгина тарихчилар, жумладан, Низомуддин Шомий (Зафарнома, 259-бет), Абдураззоқ Самарқандий (Матлаи саъдайн, в. 183а), Мирхонднинг (Равзат ус-сафо, 124-бет) ёзишича, Темур Боязидни афв этиб, унга шоҳона иззат-икром кўрсатиб, эҳтиром билдирган.

967. Боязиднинг кўнглидаги ғамгинликни енгиллатиш ва енгил бўлган дилини равшан қилиш учун Темур уни хурсандчилик мажлисларидан бирига таклиф қилиб, унга бағоят илтифот кўрсатганлиги ҳақида Низомуддин Шомий (Зафарнома, 262-бет), Абдураззоқ Самарқандий (Матлаи саъдайн, в 185а), Мирхонд (Равзат ус-сафо, 126-бет) ҳам ёзиб, Ибн Усмон қарамларининг ушбу ўтиришида соқий бўлганлари хусусида зикр қилмайдилар.

968. Қарамонийлар — Анатолияда ҳукм сурган (1256—1483) энг кучли турк сулоласи. Улар усмоний турклар билан бир вақтда кучайиб, кейинчалик усмонийлар томонидан бартараф қилиндилар.

969. Бу ҳақда яна қаранг: А. Д. Новичев, История Турции, стр. 34, К. Э. Босворт, Мусульманские династии, стр. 183—184.

970. Шарафуддин Али Яздий (Зафарнома, в 418 б). Абдураззоқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Самарқандий (Матлаи саъдайн, в 184 б), Мирхонд (Равзат ус-сафо, 126-бет)нинг ёзишича, ўн икки йил Боязид бандида бўлган Қарамон ўғли Муҳаммадни Темур озод қилиб, Қарамон вилоятига қарашли Оқшаҳар, Қуния, Антония, Алая ва шунга ўхшаш шаҳарларни унга суюрғол тариқасида инъом қилган.

971. Қўлёзмада ой ва йили ёзилмасдан, «саккиз юз фалон йилнинг ойларида» деб тарихи аниқ кўрсатилмаган. Сандерсда эса 840 (1436) йил деб хато берилган. Нашрда келтирилган мазкур 821 (1418) йил ҳам тўғри эмас. Чунки амир Муҳаммад озгина узилиш билан то 1424 йилгача ҳукм юритган. Қаранг: К. Э. Босворт. Мусульманские династии. стр 183.

972. Синоп — Туркиядаги бир шаҳарча. У Қора денгиз соҳилига жойлашган бўлиб, мамлакатнинг порт шаҳарларидан ҳисобланади.

973. Қастамония — Кичик Осиё (Туркия)нинг шимолий-ғарбида жойлашган шаҳар бўлиб, шу номли вилоятнинг марказидир.

974. Самсун — Туркиядаги бир шаҳар бўлиб, Қора денгиз соҳилида жойлашган ва азалдан ғалла ва юнг маҳсулотлари тижорати билан машҳурдир.

